ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ ФАКУЛЬТЕТИ

# МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ИҚТИСОДИЁТИ

## МАЪРУЗАЛАР ТЎПЛАМИ

**Тузувчилар:** **Джураев Х.З.**
**Гаипова М.Т.**
**Шагаипова Г.З.**

**ТОШКЕНТ – 2007**

**Махмудов Э.Х. Исаков М.Ю.** «Корхона и□тисодиёти» (Ў□ув □ўлланма) - Т.: ТДИУ, 2006

Корхона - миллий и□тисодиётнинг асосий ишлаб чи□ариш бў□инидир. Демак, корхона и□тисодиёти асосларини билиш малакали мутахссислар тайёрлашнинг зарурий шарти □исобланади. Мазкур маърузалар матни корхона и□тисодиёти бўйича муайян билимларни эгаллашга кўмаклашади.

Бозор и□тисодиёти ва ра□обатчилик шароитларида корхона фаолиятини амалга оширишни таъминловчи замонавий и□тисодий механизм, кадрлар потенциали ва кадрлар сиёсати, ме□натга □а□ тўлаш, ресурслар ва улардан фойдаланиш, ишлаб чи□аришни режалаштириш ва прогнозлаштириш, инвестицион ва инновацион фаолият, харажат, даромад ва рентабеллик, ба□они шакллантириш, корхонанинг тижорат сири ва и□тисодий хавфсизлиги каби масалалар баён этилган.

□ўлланма талабалар, аспирантлар ва ў□итувчиларга, шунингдек, корхона и□тисодиёти билан □изи□увчиларга мўлжалланган.

**Та□ризчилар**: и.ф.д., профессор Турсунходжаев М.Л.;
и.ф.н., профессор Орти□ов А.А.

# МУНДАРИЖА


КИРИШ........................................................................................ 6
**I МАВЗУ. «Машинасозлик саноати иқтисодиёти»** курсининг мазмуни ва
вазифалари.......................................................................... 8
1.1. И□тисодиёт фан ва ишлаб чи□ариш фаолиятининг со□аси
сифатида........................................................................ 8
1.2. «Корхона и□тисодиёти» – и□тисодий фаннинг таркибий □исми ва
билимлар со□аси таркибий 11
□исми......................................................
1.3. «Корхона и□тисодиёти» курсининг мазмуни, вазифалари ва бош□а 14
фанлар билан 17
ало□аси............................................................ 18
□ис□ача хулосалар..................................................................... 18
Таянч иборалар............................................................................ 18
Назорат ва му□окама учун саволлар.................................................
Тавсия этиладиган адабиётлар...................................................... 20
II МАВЗУ. КОРХОНА – МУСТА□ИЛ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ 20
БОЗОР СУБЪЕКТИ.................................................................... 24
2.1. Миллий и□тисодиёт ривожланишида корхонанинг ўрни ва 27
роли...... 31
2.2. Корхонанинг белгилари, функциялари ва вазифалари..................... 32
2.3 Корхоналарни таснифлаш........................................................... 32
2.4.Корхона тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар.............................. 33
□ис□ача 34
хулосалар...............................................................
Таянч иборалар............................................................................ 35
Назорат ва му□окама учун саволлар................................................ 35
Тавсия этиладиган адабиётлар...................................................... 36
III МАВЗУ. КОРХОНАНИ ТАШКИЛ □ИЛИШ ВА УНИНГ 37
ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ.......................................................... 38
3.1. Корхонани ташкил □илиш тамойиллари........................................ 39
3.2. Таъсис □ужжатлари ..................................................................... 40
3.3. Корхоналарнинг давлат томонидан рўйхатга олиниши.................... 40
3.4. Корхоналарни тугатиш ва □айта ташкил □илиш........................... 40
□ис□ача хулосалар..................................................................... 42
Таянч иборалар............................................................................
Назорат ва му□окама учун саволлар................................................ 42
Тавсия этиладиган адабиётлар......................................................
IV МАВЗУ. КОРХОНАНИ 46
БОШ□АРИШ.......................................... 51
4.1. Бош□арув замонавий корхоналар фаолиятида объектив зарурият 58
сифатида......................................................................................
4.2. Бозор муносабатлари шароитларида корхонани бош□аришнинг 61
тамойиллари ма□сад ва 62
вазифалари.................................................... 62
4.3. Бош□арувнинг ташкилий тузилмалари ва 63
функциялари................. 64
4.4. Корхонани бош□аришнинг ўзига хос хусусиятлари.......................
4.5. Корхонани бош□аришни такомиллаштиришнинг асосий 65
йўналишлари................................................................................

□ис□ача 65
хулосалар.........................................................................
Таянч иборалар............................................................................ 67
Назорат ва му□окама учун саволлар.......................................... 72
Тавсия этиладиган адабиётлар.................................................... 75
V МАВЗУ. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА 80
БАШОРАТ □ИЛИШ....................................................................... 82
5.1. Бозор и□тисодиёти шароитларида режалаштириш ва башорат 83
□илишнинг и□тисодий табиати ва объектив 83
зарурияти........................... 83
5.2. Корхонада режалаштиришнинг услубий асослари, тамойиллари ва
вазифалари ..................................................................................... 85
5.3. Корхоналарда режалаштириш ва башорат □илиш.........................
5.4. Режалаштириш технологияси ва корхона режалари тузилмаси........ 85
5.5.Бизнес-режа, унинг мазмуни ва ишлаб чи□иш тартиби.................... 87
□ис□ача хулосалар.........................................................................
Таянч иборалар............................................................................ 91
Назорат ва му□окама учун саволлар.......................................... 94
Тавсия этиладиган адабиётлар.................................................... 94
VI МАВЗУ. ИШЛАБ ЧИ□АРИШНИНГ И□ТИСОДИЙ ВА 95
ИЖТИМОИЙ САМАРАДОРЛИГИ...................................................... 95
6.1. Самарадорлик – корхона ишлаб чи□ариш фаолиятида му□им
ўлчов
бирлигидир.......................................................................................
6.2. Хўжалик юритиш самарадорлигининг мезони ва кўрсаткичлари...... 97
6.3.Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва
омиллари.................................................................................... 97
□ис□ача хулосалар.........................................................................
Таянч иборалар............................................................................ 100
Назорат ва му□окама учун саволлар..........................................
Тавсия этиладиган адабиётлар.................................................... 106
VII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ 109
ЧИ□АРИШ □УВВАТИ (мавзу ил□ор педагогик технологиялар ва 111
ахборот технологияларини □ўлланган □олда ўтилади) 111
................................................................................................. 112
7.1. Асосий фондларнинг мо□ияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги 112
ўрни.............................................................................................. 114
7.2. Корхоналарда асосий фондларнинг эскириши, уларни ба□олаш ва
таъмирлаш.................................................................................. 114
7.3. Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш йўллари ва
кўрсаткичлри................................................................................ 117
7.4. Корхонанинг ишлаб чи□ариш 120
□уввати........................................
□ис□ача 127
хулосалар........................................................................ 128
Таянч иборалар............................................................................ 129
Назорат ва му□окама учун саволлар.......................................... 130
Тавсия этиладиган адабиётлар.................................................... 130
VIII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ.................. 132
8.1. Айланма мабла□лар тушунчаси, и□тисодий табиати ва уларнинг 132

корхона фаолиятидаги 135
а□амияти........................................................ 138
8.2.Айланма мабла□ларнинг тузилмаси ва □аракати □амда уларнинг 140
корхона и□тисодиётига 140
таъсири.......................................................... 140
8.3.Айланма мабла□ларни 141
нормалаштириш..........................................
8.4. Айланма мабла□лардан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларнинг 142
айланишини тезлаштириш йўллари................................................. 142
□ис□ача хулосалар.........................................................................
Таянч иборалар........................................................................... 144
Назорат ва му□окама учун саволлар................................................. 147
Тавсия этиладиган адабиётлар........................................................ 149
IX МАВЗУ. КОРХОНАДА КАДРЛАР ВА МЕ□НАТГА □А□ 150
ТЎЛАШ..... 150
9.1. Корхонанинг кадрлар 150
сало□ияти.................................................. 152
9.2. Бозор муносабатлари шароитларида корхонанинг кадрлар сиёсати...
9.3. Корхонада ме□натга □а□ тўлаш 152
..................................................
□ис□ача хулосалар......................................................................... 153
Таянч иборалар........................................................................... 156
Назорат ва му□окама учун саволлар................................................. 161
Тавсия этиладиган адабиётлар........................................................ 162
X МАВЗУ. КОРХОНА РЕНТАБЕЛЛИГИ, ДАРОМАД ВА 162
ХАРАЖАТЛАР........................................................................... 162
10.1. Харажатлар тушунчаси ва классификацияси................................ 165
10.2. Фойда ва унинг шаклланиш манбалари, та□симланиш тартиби ва
кўпайтириш йўллари...................................................................... 165
10.3. Рентабелликнинг мо□ияти ва
кўрсаткичлари............................... 166
□ис□ача
хулосалар.................................................................. 168
Таянч иборалар........................................................................... 170
Назорат ва му□окама учун саволлар................................................. 174
Тавсия этиладиган адабиётлар........................................................ 174
XI МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ............ 174
11.1. Инвестициялар корхона ишлаб чи□ариш сало□иятини 175
ривожлантириш ва муста□камлаш воситаси 176
сифатида........................... 183
11.2. Корхоналарда инвестициялашнинг асосий манбалари ва 187
йўналишлари.............................................................................. 190
11.3. Инвестицияларнинг и□тисодий самарадорлигини 194
ба□олаш.............
□ис□ача хулосалар......................................................................... 226
Таянч иборалар...........................................................................
Назорат ва му□окама учун саволлар................................................. 231
Тавсия этиладиган адабиётлар..........................................................
XII-БОБ. КОРХОНА ХАВФСИЗЛИГИ ВА ТИЖОРАТ СИРЛАРИ........
12.1. Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг ма□сади, вазифалари ва

тамойиллари…………………………………………………………………………
12.2. Корхона □авфсизлигини таъминлашни ташкил □илиш ва бош□ариш ……………………………………………………………………………
12.3. Корхонанинг хавфсизлик хизмати, унинг тузилиши ва вазифалари………………. …………………………………………………………
12.4. Корхонанинг тижорат сирлари …………………………………………
□ис□ача хулосалар………………………………………………………………
Таянч иборалар…………………………………………………………………
Назорат ва му□окама учун саволлар……………………………………………
Тавсия этиладиган адабиётлар…………………………………………………
Атамалар лу□ати…………………………………………………………………
БМИ мавзулари руйхати…………………………………………………………
Асосий адабиётлар шар□и ………………………………………………………
Адабиётлар рўйхати………………………………………………………………
Фан бўйича иш дастури…………………………………………………………
1-илова. Янги педагогик технологиялар асосидаги методик ишланманинг □ис□ача варианти………………………………………
2-илова. Ахборот технологиялари асосида ўтиладиган маш□улотлар учун материаллар…………………………………………………

# КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси давлат муста□иллигага эришгач, мамлакат □аётида ишлаб чи□ариш кучларини янада ривожлантириш, фан-техника тара□□иётини (ФТТ) жадаллаштириш, а□олининг турмуш тарзини яхшилашга □аратилган улкан ижтимоий-и□тисодий ўзгаришлар рўй берди ва рўй бермо□да. Бунга и□тисодиётга киритилган янги инвестициялар ва мавжуд моддий-техника асосини модернизация □илишдан таш□ари бош□арувнинг демократик тамойилларини кучайтириш, корхона, фирма ва уларга тенглаштирилган ишлаб чи□ариш тузилмаларининг хўжалик фаолияти билан бо□ли□ муста□иллик доирасини кенгайтириш, сиёсатнинг и□тисодиётдан устунлигига бар□ам бериш, инсон фаолиятининг барча со□а ва тармо□ларида ташаббускорлик, изланиш ва □оказоларнинг ривожланиши □ам кенг имкониятлар яратмо□да.

Муста□иллик □амда барча хўжалик юритиш тизимининг бозор муносабатларига ўтиши и□тисодиётнинг асосий бў□ини □исобланувчи корхона ма□омининг сезиларли равишда ўзгаришига сабаб бўлди. Корхоналар эндиликда давлатга тегишли бўлган пайтлардагидан фар□ли ўларо□ ма□сулот ишлаб чи□ариш бўйича фаолиятларини директива кўрсаткичлари асосида эмас, балки Ўзбекистон Республикаси “Корхоналар тў□рисида”ги □онуни ва бозор талабларига асосан муста□ил равишда юритмо□да. Улар ўзларига керак бўлган ишчи ва ходимлар сонини муста□ил белгиламо□да, ишлаб чи□ариш техникаси ва технологияси, тежамкорлик режимига риоя □илиш масалалари билан шу□улланмо□да, замонавий маркетинг ва менеджментни йўлга □ўймо□далар □амда жорий ишлаб чи□аришни режалаштирмо□далар ва ривожланишнинг зарурий прогнозларини амалга оширмо□далар.

Шу каби масалалар **“Корхона и□тисодиёти”** курсининг мазмунини ташкил □илиб, уларни ўрганиш и□тисодчилар (мутахассисликлари ва бўлажак иш жойларидан □атъи назар) тайёрловчи кўплаб олий ў□ув юртларининг ў□ув режаларида кўзда тутилган. Ушбу курс бўйича бир □анча дарсликлар чоп этилган (айни□са Россияда) бўлиб, улар барча ў□увчилар, биринчи навбатда, и□тисодчилар учун жуда □изи□арли ва фойдалидир.

Мазкур маърузалар матнлари ушбу курс бўйича мавжуд бўлган бош□а дарсликларни алмаштиришни талаб □илмайди. У биринчидан, Тошкент давлат и□тисодиёт университети талабаларига мўлжалланган курс дастурига асосан янада ихчамро□ тайёрланган, иккинчидан, унда келитирилган, айни□са, амалий □исмдаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси корхоналари фаолиятида юзага келувчи и□тисодий □олатлар билан бо□ли□, учинчидан эса, у ёки бу муаммони топиш ва □ал □илишда муаллиф ну□таи назарини акс эттиради.

Мазкур маъруза матнига “Корхона и□тисодиёти” фани бўйича аввал чоп этилиб, мазкур фан ў□итувчилари ва талабалар □амда корхоналар фаолиятининг и□тисодий муаммолари билан □изи□увчилар ўртасида яхши ба□оланган маъруза матнлари асос □илиб олинган. Шу билан бирга □ўлланмага фаннинг у ёки бу масалаларига янгича ёндашилиб, янги

бўлимлар ва □ўшимчалар киритилган, статистик, амалий ва бош□а ахборот маълумотлари янгиланган.

Биро□ бу маълумотлар □ам ва□т ўтиши билан эскиради, чунки дунё доимо ўзгаришда бўлади: □аёт □ам, ишлаб чи□ариш со□асидаги □амда одамлар ўртасидаги муносабатлар □ам ўзгариб боради. Бундай шароитларда корхоналарнинг яшовчанлиги ёки ани□ро□ айтганда бар□арорлиги кўп жи□атдан и□тисодий фаолиятнинг □олатига, яъни ишлаб чи□аришни режалаштириш ва ташкил этиш усуллари, ме□натни ташкиллагтириш ва унга □а□ тўлаш нормаларига риоя □илиш, бозор талабларига ўз ва□тида жавоб бериш, техник ва инвестицион □арор □абул □илишда янглишмаслик ва □оказоларга бо□ли□ бўлади. Ишлаб чи□аришда бу масалаларни □ал этиш нечо□лик тў□ри ва самарали амалга оширилишига корхона ва унинг □ар бир ходими □амда бутун давлатнинг равна□и ва гуллаб-яшнаши □ам бо□ли□ бўлади.

**Мазкур маъруза матнининг ма□сади** - талабаларга барча и□тисодий масалалар ечимини топиш, келажакда и□тисодий билимлар олиш учун ўзига хос пойдевор бўлиб хизмат □илувчи замонавий корхоналар и□тисодиёти асосларини ўрганишга кўмаклашишдир.

# I-МАВЗУ. «МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ИҚТИСОДИЁТИ» КУРСИНИНГ МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.2. И□тисодиёт фан ва ишлаб чи□ариш фаолиятининг со□аси сифатида
1.3. «Корхона и□тисодиёти» – и□тисодий фаннинг таркибий □исми ва билимлар со□аси таркибий □исми
1.3. «Корхона и□тисодиёти» курсининг мазмуни, вазифалари ва бош□а фанлар билан ало□аси

## 1.1. И□тисодиёт фан ва ишлаб чи□ариш фаолиятининг со□аси сифатида

"Борли□ онгни белгилайди" ибораси маълум бир жи□атлари билан □ар бир инсон □амда жамият □аёти ва и□тисодиётнинг тузилишини англатади. Шу сабабли и□тисодиётнинг оила ўчо□и ми□ёсида, шунингдек, корхона, тармо□ ва бутун хал□ хўжалиги ми□ёсида кўриб чи□илиши бежиз эмас. Сўнгги □олатда гап макрои□тисодиёт □а□ида, унинг тенденциялари, □онуниятлари □а□ида бориб, унда кўриб чи□иладиган муаммолар баъзи □олларда корхона и□тисодиётидан сезиларли равишда фар□ланади.

"И□тисодиёт" атамаси биринчи бор Аристотел томонидан киритилган □амда одамларнинг товар ишлаб чи□ариш ва айирбошлашдаги хўжалик фаолиятини англатган. Товар ишлаб чи□ариш, айирбошлаш ва реализация □илиш тизими □анчалик яхши ташкил □илинган бўлса, и□тисодиёт кўрсаткичлари ва а□олининг турмуш тарзи, ресурслардан о□илона фойдаланиш, ба□они шакллантириш, соли□□а тортиш, самарали □ўлланувчи бош□арув тизими каби омилларни □исобга олган □олда, шунчалик ю□ори бўлади.

И□тисодиётнинг инсон ва жамият □аётидаги ўрни ва а□амиятига ўз ва□тида А.Смит ю□ори ба□о бериб, у инсонни "homo economicus" - "и□тисодий одам" деб атаган. □а□и□атдан □ам, □ар бир одам и□тисодиётнинг мо□иятини, □аёт неъматлари нималар эвазига берилишини англамагунча, мабла□ларни ишлаб топиш ва улардан самарали фойдаланишни ўрганмагунча, оила ми□ёси ва ундан ю□ори даражадаги и□тисодиёт учун маъ□ул келувчи сифат ва ми□дор параметрларига эга бўлади, деб ўйлаш нотў□ри бўлар эди. Демак, и□тисодиёт параметрлари (□ам салбий, □ам ижобий) аввало инсонлар □аракати ва фаолиятининг, о□илона □ўжалик юритиш, моддий бойликларни ишлаб чи□ариш, айирбошлаш ва та□симлашни самарали олиб бориш □обилияти натижасида юзага келади.

И□тисодиёт инсон □аётининг моддий, маънавий, физиологик ва бош□а э□тиёжлари билан бо□ли□ бўлган □ар бир жаб□асини □амраб олади. Оила □уриш, келажак авлодни тарбиялаш, зарурий турмуш тарзини таъминлаш учун одамларга ози□-ов□ат, кийим-бош, тураржой ва бош□а воситалар керак бўлади. Бу предметлар, □оидага кўра, и□тисодиётнинг турли тармо□ларидаги корхоналарда ишлаб чи□арилади. Шу сабабли и□тисодиётнинг, айни□са, аввалги маъмурий-буйру□бозлик тизимидаги режали и□тисодиётдан фар□ □илувчи бозор и□тисодиётининг ривожланиш

тенденциялари ва □онунларини билиш, рўй бераётган ижтимоий-и□тисодий жараёнларни тушуниш ва исталган хўжалик муаммоларини □ал □илишда му□им шарт □исобланади.

**«И□тисодиёт»** фан сифатида табиатда □амда инсон, жамоа ва жамият □аётида вужудга келувчи турли хил и□тисодий жараён ва □одисаларни прогнозлаштириш, та□лил □илиш ва ба□олаш бўйича билимлар мажмуасини ифода этади. У бир инсон учун □ам, бутун жамият учун □ам зарур бўлган моддий ва номоддий объектларнинг катта □исмини □амда моддий ва маънавий неъматларни тайёрлаш ва та□симлаш усуллари ва жараёнларини ўз ичига олади. Агар «И□тисодиёт» фанининг норматив жи□атлари корхона, фирма ва давлатнинг и□тисодий сиёсатини таъминласа, позитив жи□атлари эса реал во□еликни ба□олайди ва та□лил □илади □амда унинг ривожланишидаги □онуниятларни ани□лайди.

Шу тари□а «И□тисодиёт» фани изланиш ва услубий вазифаларни бажаради □амда жамият □аётининг барча со□а ва тармо□ларида □абул □илинувчи амалий □арорлар учун назарий асос бўлиб хизмат □илади. Фан-техника тара□□иёти шароитларида и□тисодиёт фани жамиятда бевосита ишлаб чи□ариш кучига айланиб бормо□да. И□тисодий асослаб берилган □исоб-китоб ва прогнозлар «И□тисодиёт» фанининг му□им таркибий □исми сифатида хўжалик таваккалчилигининг рискини камайтиришга, ишлаб чи□ариш ва ресурслардан фойдаланишни оптималлаштиришга, шунингдек, янги техника ва технологияларни ишлаб чи□аришга татби□ этишда энг тў□ри танлов олиб боришга имкон яратади.

«И□тисодиёт» фани таркибига *тармо□лар* (саноат, □ишло□ хўжалиги, □урилиш, транспорт ва □оказо), *функционал* («Ме□нат социологияси ва и□тисодиёти», «И□тисодий статистика», «Молия ва кредит», «Ба□они шакллантириш» ва □оказо) каби *турли фан* («И□тисодий география», «Демография», «И□тисодиёт тарихи» ва бош□алар) тармо□лари тизими киради. «И□тисодиёт» фанининг бу ва бош□а йўналишларида чу□ур билимга эга бўлиш инсонларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, о□илона хўжалик юритиш, кадрларни янги и□тисодий фикрлаш ру□ида тарбиялашга катта туртки бўлади.

«И□тисодиёт» фанининг, жумладан, ю□орида санаб ўтилган йўналишларнинг методологик асоси, уларнинг пойдевори бўлиб и□тисодий назария хизмат □илади. У реал во□елик билан бо□ли□ бўлиш бароабрида давлатнинг и□тисодий сиёсатини, унинг кучли ва кучсиз томонларини, шунингдек, и□тисодий тара□□иётга эришиш мумкин бўлган йўлларни мос келувчи бос□ичларида акс эттиради. Бу ма□садда «И□тисодиёт» фани статистик кузатув, гипотезаларни илгари суриш ва текшириш, та□лил ва синтез, индукция ва дедукция, и□тисодий жараёнларни моделлаштириш, тажриба (эксперимент)лар ўтказиш каби бир □атор во□еликни англаш усул ва услубларини ишлаб чи□□ан ва улардан муваффа□иятли равишда фойдаланади. Айтиш жоизки, бу усуллар нафа□ат и□тисодий, балки предмети ва тавсифига кўра, табиий ва бош□а турдаги фанларда □ам □ўлланиши мумкин.

И□тисодиёт бозор муносабатлари йўлида ривожланаётган □озирги кунда эътиборга молик ва ечимини топмаган муаммолар талайгина бўлиб, «И□тисодиёт» фанига □изи□иш ортиб бормо□да. Инсон □аёти ва фаолиятига муносиб, сиёсат ва давлат аралашувидан холи бўлган, ижтимоий-и□тисодий тара□□иётга йўналтирилган и□тисодиётни барпо этиш вазифаси □ўйилмо□да. П.Самуэльсоннинг и□тисодиёт бўйича дарслигида кўрсатиб ўтилишича, "и□тисодиёт фанини мунтазам равишда ўрганиб бормайдиган одам муси□ий асарга ўзининг ба□осини бермо□чи бўлаётган гаранг кишига ўхшайди".

Шу билан бирга «И□тисодиёт» фани барча □аётий му□им саволларга тайёр жавоб бермайди, чунки и□тисодиёт ишлаб чи□ариш, бош□арув, тартибга солиш, башорат □илиш со□аси сифатида оддий фан тушунчасидан кўра, мураккабро□ категорияни англатади. У фа□атгина илмий восита бўлиб, и□тисодий во□еликни англаш усули хизматини ўтайди. И□тисодиёт и□тисодий фаннинг ўзига хос синов майдони, асоссидир. И□тисодиётнинг ривожланиш тенденциялари ва □онунларини илмий жи□атдан ўрганиш, «И□тисодиёт» фани ва унинг ало□ида тармо□ларининг му□им вазифаси □исобланади.

Моддий ишлаб чи□аришдан ажралган □олдаги реал и□тисодиёт мавжуд эмас. Моддий ишлаб чи□ариш и□тисодиёт ривожланишининг асоси, хўжалик фаолиятининг бошлан□ич ну□таси бўлиб келган ва шундайлигича □олади. Шу сабабли и□тисодиётнинг турли даражадаги - корхона, тармо□ ва бутун давлат ми□ёсидаги □олати моддий ишлаб чи□аришнинг юту□лари, жумладан, моддий ишлаб чи□аришнинг кенг маънода истеъмолга, ёки бугунги тил билан айтганда бозор талабига мос келиши билан тавсифланади ва олдиндан белгилаб берилади.

"И□тисодиёт доимо моддийдир" ибораси инсоннинг □аётий э□тиёжлари, яъни уй-жой, ози□-ов□ат, кийим-кечак, автомобиль ва □оказоларга бўлган э□тиёжларидан таш□ари, и□тисодиётнинг а□оли ва хал□ хўжалиги учун зарур бўлган ма□сулот(товар) тайёрланувчи моддий ишлаб чи□ариш со□аси билан ало□асини □ам акс эттиради. Айнан моддий ишлаб чи□ариш со□аси (саноат, □ишло□ хўжалиги, □урилиш, транспорт ва □оказо) а□олининг асосий □исмини иш билан таъминлайди. Ме□нат билан бандлик кўрсаткичи и□тисодиёт □олатининг ўзига хос "барометри" вазифасини бажаради: а□олининг ме□нат билан бандлиги □анчалик ю□ори бўлса, ишсизлик суръати шунчалик паст бўлади ва аксинча.

Замонавий фан-техника тара□□иёти ишлаб чи□ариш ва и□тисодиётнинг узлуксиз ривожланишида *компьютерлаштириш ва информатизация*, интернет тармо□ига киришни илгари сурмо□да. Бу эса бош□арув тизимининг энг му□им бў□инларидан таш□ари, ишчи кучининг сифатини ошириш воситаси □амда ишлаб чи□ариш жараёнини муваффа□иятли ташкиллаштириш учун туртки бўлиб хизмат □илади.

Биро□ моддий ишлаб чи□аришнинг етакчилик ролини инкор □илмаган □олда, и□тисодиётнинг ривожланишига *ишлаб чи□ариш инфратузилма* (транспорт, ало□а, энергетика ва ахборот хизмати) ва *ижтимоий инфратузилма* (маориф, со□ли□ни са□лаш, умумий ов□атланиш, уй-жой-

коммунал хизмати ва бош□алар)нинг ролини □ам кўрсатиб ўтишимиз даркор. Бу со□аларда □ам а□олининг катта □исми ме□нат билан банд бўлиб, уларнинг ме□нати моддий ишлаб чи□ариш ходимлари ме□натидан кам фойда келтирмайди. Шундан келиб чи□□ан □олда айтиш мумкинки, **и□тисодиёт** - илмий категорияга □араганда ишлаб чи□ариш категориясига я□инро□ бўлиб, фан-техника тара□□иёти, ишлаб чи□ариш ва ноишлаб чи□ариш со□аларининг ўзаро самарали ало□алари, реурслардан о□илона фойдаланиш ва рационал бош□арув туфайли фаолият кўрсатмо□да ва ривожланиб бормо□да.

И□тисодиёт доимо динамик бўлиб, сифат ва ми□дор ўзгаришларига дучор бўлади. Баъзи □олларда салбий □олатлар (масалан, □ишло□ хўжалигида □ур□о□чилик, □орамоллар ўлими; уруш, терроризм ва □оказо) юзага келса □ам, и□тисодиётда ижобий силжишларга эришиш мумкин. Фан-техника тара□□иёти, малакали кадрлар, хўжалик механизми ва ундан о□илона фойдаланиш, изланиш, тадбиркорлик, ташаббускорлик, ра□батлантириш - буларнинг барчаси и□тисодиётда ижобий силжишларга эришиш учун хизмат □илади.

Бозор муносабатларига асосланилган □озирги даврда и□тисодиётни кўтариш учун бу ва бош□а имкониятлар авваллардагиидек фа□атгина давлатнинг □ўлида мужассамланган эмас, балки и□тисодиётнинг асосий ишлаб чи□ариш бў□инини ташкил □илувчи хўжалик юритувчи субъектлар - корхона, фирма, комбинат ва бош□а ишлаб чи□ариш структураси вакилларига □ам катта имкониятлар берилган.

## 1.2. «Корхона и□тисодиёти» - и□тисодий фаннинг таркибий □исми ва билимлар со□аси

Фан тад□и□отлар фаолияти со□аси бўлиб, асосий ма□сад табиат, жамият ва фикрлаш тў□рисида янги билимларни ишлаб чи□ишга йўналтирилади. «И□тисодиёт» фани умумий фанларнинг таркибий □исми бўлиб, унинг ўрни ва а□амияти тў□рисида аввалги бўлимда □ис□ача тўхталиб ўтилди. Фан ёрдамисиз, атрофимизни ўраб турган дунё тў□рисидаги билимлар тизимини яратмасдан жамият тара□□иётига эришиш мумкин эмас. Илмий ўрганиш во□еликни оддий □аётий тарзда □абул □илишдан фар□ли равишда, □одиса ва жараёнларни чу□ур англаш, ўзаро ало□аларини очиб бериш, уларнинг ривожланиш сабаблари ва кучларини ани□лаш имконини беради.

**«Корхона и□тисодиёти»** - а□оли ва хал□ хўжалиги учун зарур бўлган ма□сулот ишлаб чи□ариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишнинг ижтимоий-и□тисодий ва маъмурий-хўжалик механизмларини ўрганувчи ва очиб берувчи фандир. У табиат ва жамиятнинг муайян ишлаб чи□ариш шароитларида ривожланишининг объектив □онунлари намоён бўлиши ва амал □илишига, шунингдек, корхоналар фаолиятига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи давлат ми□ёсида □абул □илинувчи □оида, норматив ва □онун □ужжатларига таянади.

И□тисодиёт – бу одамлар жамияти, муайян, чекланган ресурслардан фойдаланиб, керакли ма□сулот ёки хизматларни ишлаб чи□иш, одамлар гуру□лари ўртасида та□симотига айтилади.

Корхона и□тисодиёти - □андай ю□орида келтирилган вазифа айрим корхона чегарисида □ал этилиши □а□идаги фан.

«Корхона и□тисодиёти» «И□тисодиёт» фанининг таркибий □исми бўлсада, муста□ил билимлар со□аси □исобланади. У бош□а и□тисодий фанлардан, айни□са, «Микрои□тисодиёт»дан мазмуни ва маълумотларни келтириш манти□ига кўра фар□ланади. Афсуски, баъзи бир олимлар «Корхона и□тисодиёти» ва “Микрои□тисодиёт”ни бир-биридан фар□ламайдилар. □а□и□атдан □ам, “микро” сўзи и□тисодий □одиса ва жараёнларни и□тисодиётнинг бирламчи бў□инлари - корхона ва фирмалар ми□ёсида кўриб чи□ишни кўзда тутади, биро□ уларнинг иккита бир хил предмет эмаслигига микрои□тисодиёт ва корхона и□тисодиёти бўйича дарсликларни □ўлга олибо□ амин бўлиш мумкин. «Микрои□тисодиёт» билан та□□ослаганда «Корхона и□тисодиёти» хўжалик амалиётига я□инро□, □ар бир и□тисодчи учун зарур бўлган и□тисодий билимлар мажмуасини шакллантирувчи фан эканлиги кўзга ташланади. Бирламчи бў□ин и□тисодиётини яхши билган замонавий мутахассисларни хўжалик юритишда энг хавфсиз ва самарали йўлни топишлари сабабли и□тисодиётнинг “штурманлари” деб аташ мумкин.

□озирги кунда корхона и□тисодиётига бўлган □изи□иш сезиларли равишда ўсган. Гап шундаки, бозор и□тисодиёти шароитида янги □у□у□ий-ташкилий шаклдаги корхоналар, хом ашё, материал ва асбоб-ускуна етказиб берувчилар, шунингдек, бевосита ма□сулот ёки товар истеъмолчилари (харидорлар) билан янгича и□тисодий муносабатлар вужудга келиб, ривожланиб бормо□да. Бундан таш□ари, корхона, бу – аввало ишлаб чи□ариш жамоаи, одамларнинг турли тарздаги фаолияти бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими юзага келади □амда маълум бир турмуш тарзи, маънавият ва ахло□ нормалари шаклланади. Буларнинг барчаси хўжалик юритиш шакл ва усулларини □айта кўриб чи□иш, корхонанинг и□тисодиёт ривожланишидаги ўрни ва ролига янгича ёндашишни талаб □илади.

Та□лилларнинг кўрсатишича, исталган корхонанинг фаолиятида турлича саволлар юзага келади. Масалан, корхона □ай тарзда фаолият юритиши керак ва даромад нимага бо□ли□ бўлади? Самарадорлик ва и□тисодий бар□арорлик нималарга бо□ли□? «Хом ашё етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан □андай ишлаш керак?» «Ма□сулотни сотишда воситачилардан фойдаланиш зарурияти; Ишлаб чи□ариш суръатини □андай ошириш мумкин?» «Ра□обатчилик курашида нима ва □андай омиллар муваффа□ият келтиради?» «Ишлаб чи□ариш ва сотишни бош□ариш тизими □андай бўлиши лозим?» ва □оказолар. Корхоналар фаолиятида бирон-бир ма□сулотни **□ачон, □аерда, кимга сотиш, нимани, □анча, □андай □илиб** ишлаб чи□ариш лозим, деган саволга жавоб бериш му□им а□амият касб этади.

Шу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб топишни амалиётда хато ва синовлар усули асосида амалга ошириш, □озирги пайтда нафа□ат корхона учун, балки бутун жамият учун □ам □имматга тушиши мумкин. Бунда корхоналарнинг банкротга учраши ва тугатилиши, и□тисодиётнинг айрим со□а ва тармо□ларида ишлаб чи□ариш ва ме□нат фаоллигининг пасайиши, ме□нат самарадорлиги суръатининг пастлиги ва □оказолар гуво□лик бериши мумкин. Худди шу □аторга тўловларнинг амалга оширилмаслиги, муддати ўтиб кетган □арзлар ва корхоналар фаолиятидаги бош□а и□тисодий камчиликларни □ам киритиш мумкин. Буларнинг барчасига асосий сабаб эса ўрта ва □уйи бў□индаги ра□барларнинг бозор и□тисодиёти шароитида янгича хўжалик юритиш тизими шакл ва усулларини билмасликларидир.

Афсуски, корхоналар и□тисодий бўлимларининг фаолияти □ам ну□сонлардан эмас. Кузатувлар шуни кўрсатадики, и□тисодий бўлимлар ўз мав□еини барча корхоналарда □ам са□лаб □олмаган бўлиб, зарур бўлган маркетинг тад□и□отларини доим □ам ва тўли□ □олда амалга оширмайдилар, замонавий бизнес стратегиясини яхши тушунавермайдилар. И□тисодчиларнинг баъзи бир □исми и□тисодиёт “штурманлари” вазифасини бажара олмайдилар, ташаббускорлик ва новаторлик □оялари ўрнига эскичасига “ю□оридан” буйру□ ёки кўрсатма кутадилар, ўтмишда корхоналарнинг и□тисодий бар□арорлигини таъминлашда ўз ўрнига эга бўлган ва □озирги бозор муносабатлари даврида □ам инкор □илинмайдиган ташкилий-техник чора-тадбирларни (зарур □олларда бош□а категориядаги мутахассисларнинг иштирокида) самарали тарзда ишлаб чи□майдилар.

Бугунги кунда аксари корхоналар акциядорлик жамиятлари, холдинг ва молия-саноат гуру□лари тузиш йўлидан бормо□да. Давлат корхоналарнинг ташаббускорлиги, ижодий изланиш ва тадбиркорлиги учун кенг йўл очиб, уларнинг ишлаб чи□ариш функцияларини режали и□тисодиёт давридаги каби назорат, лимит ва □атти□ нормалар билан чеклаб □ўяётгани йў□. Яъни □онунда та□и□лаб □ўйилган □оллардан таш□ари барча □олатларда муста□ил хўжалик фаолияти ва эркинлиги замонавий корхоналар фаолиятининг энг асосий хусусияти бўлиб, мазкур ў□ув □ўлланмада кўриб чи□иладиган барча масалар ушбу асосда юзага келган.

Биро□ бозор и□тисодиёти автоматик равишда муваффа□ият ва тўкинликни таъминлаб беради, давлат эса барча корхоналар фаолиятига умуман аралашмайди, деб ўйлаш мутла□о хато бўлар эди. Давлат и□тисодиётнинг асосий исло□отчиси бўлиб келган ва □озир □ам шундайлигича □олади. Давлат ўз зиммасидан маъмурий-буйру□бозлик функцияларинигина со□ит □илиб, махсус и□тисодий таъсир чоралари ёрдамида и□тисодиётни назорат □илиш ва бош□арув функцияларини, шунингдек, и□тисодиётнинг хўжалик юритувчи субъектларнинг тў□ридан-тў□ри мажбуриятига кирмайдиган □амда уларнинг □ўлидан келмайдиган со□аларини ривожланитиришдаги иштирокини са□лаб □олган.

Маълумки, и□тисодиёт жамият □олатини, ишлаб чи□ариш кучларидан фойдаланиш ва уларнинг ривожланиш даражасини, фан-техника тара□□иёти юту□ларидан фойдаланишни, одамларнинг маданияти ва маълумоти даражаси ва □оказоларни акс эттиради. «Корхона и□тисодиёти»

билимларнинг муста□ил со□аси ва и□тисодиёт фанининг таркибий □исми сифатида масаланинг айнан шу томонига кўпро□ эътибор □аратади. Жамият учун зарур бўлган моддий бойликлардан таш□ари миллий даромаднинг □ам асосий □исми айнан корхоналарда ишлаб чи□арилиши сабабли корхоналар и□тисодиётининг □олати бутун хал□ хўжалигига тў□ридан-тў□ри таъсир кўрсатади, деб □исобланади. Корхона □айси тармо□□а мансублиги ва мулк шаклидан □атъи назар □анчалик яхши ва самарали ишласа, и□тисодиёт кўрсаткичлари □амда а□олининг турмуш тарзи шунчалик ю□ори бўлади.

Бундай шароитларда хўжалик амалиёти ва фан олдига **биринчи ўринда** □ар бир корхона, тў□риро□и, ишлаб чи□аришда □атнашувчи бутун жамоанинг бозор муносабатларига асосланган □озирги и□тисодиётнинг ривожланиш тенденциялари ва □онунларини, аввало, унинг асосий кўрсаткичлари - талаб ва таклиф тушунчаларини билиши ва тў□ри тушуниши, **иккинчидан**, миллий и□тисодиётнинг ривожланиши ва мамлакатни ривожланган давлатлар □аторига □ўшилишида ўз □иссасини □ўшиши, **учинчидан** эса, ишлаб чи□аришнинг □ар бир бў□инида ю□ори самара ва сифат кўрсаткичларига эришиш масаласи □ўйилади.

И□тисодиётнинг ривожланишига керакли билим ва кўникмаларни, мабла□ ва кучларни киритмасдан туриб корхона □ам, жамият □ам ривожланган и□тисодиётни □амда моддий неъматларнинг тўкинлиги ва турмуш тарзининг ю□орилигини талаб □ила олмайди.

□озирги кунда бозор и□тисодиёти ишлаб чи□ариш кучларининг ривожланиши ва корхоналарнинг муста□ил фаолият кўрсатишларига кенг имкониятлар очиб бериш билан бирга кадрларга, уларнинг билимлари, кўникмалари ва малакаларига катта талаблар □ўймо□да. Бир томондан фан-техника тара□□иёти, иккинчи томондан эса бозор муносабатлари ва ра□обатчиликнинг ривожланиб бориш шароитларида ме□нат бозорида фа□атгина замонавий корхоналар и□тисодиётини яхши билувчи, унинг балансини тў□ри тушунувчи, бизнес-режа ишлаб чи□аришга □одир, инвестицион ва бош□а хўжалик фаолияти билан бо□ли□ бўлган □арорларни □абул □илишни тў□ри амалга оширувчи мутахассислар муваффа□иятга эришиши мумкин.

Маш□ур иборада айтилишича “дарахтларнинг ортида ўрмонни кўра олиш зарур.” Малакали мутахассис корхона и□тисодиётини яхши билишдан таш□ари амалиётда тез-тез учраб турувчи нима ёки □айси вариант яхширо□?; □андай йўл билан даромадни ошириш ва рентабелликни кўтариш мумкин?; корхонанинг ишчи кучига э□тиёжи □анча ва уларга □андай □а□ тўлаш керак?; ишлаб чи□арилувчи ма□сулот ёки товарга бўлган талабни □ай тарзда ошириш мумкин?; корхона кредит олиши керакми, агар олса □андай шартлар билан олиш мумкин? каби саволларга ўз ва□тида ва тў□ри жавоб бера олиши лозим. Бош□ача □илиб айтганда, гап назарий билимларнинг амалий тажриба ва кўникмалар билан уй□унлашуви, ёш мутахассиснинг турли хўжалик шароитларида тез, тў□ри ва ани□ □арор □абул □илиши □а□ида бормо□да. Фа□ат шу □обилиятларга эга бўлган мутахассисгина тезда жамиятда ўз ўрнини топиб, хизмат пиллапоясида ол□а □адам ташлаши ва ю□ори лавозимлар сари □аракатини бошлаши мумкин.

## 1.3. «Корхона и□тисодиёти» фанининг мазмуни, ма□садлари ва бош□а фанлар билан ало□аси

**«Корхона и□тисодиёти»** худди бош□а фанлар каби биринчи ўринда ўрганиш функциясини бажаради. Унинг ма□сулот ишлаб чи□ариш моддий-техника ресурсларини сарф □илишни талаб □илиши билан, ходимлар ме□нати уларга □а□ тўлаш ва ра□батлантиришнинг бош□а шакллари билан, даромад □ажми эса харажатлар ми□дори ва ба□они шакллантириш билан бо□ли□ бўлган □ўшма корхоналарда содир этилувчи □одиса ва жараёнларни ўрганиши ва изо□лаши мўлжалланган. Бунда гап □андайдир омилларни оддий тарзда констатация □илиш □а□идагина эмас, балки корхоналар и□тисодий □аётининг мо□иятини англаш, уларнинг и□тисодий а□волини яхшилаш йўлларини танлаш, ба□олаш ва та□лил □илиш, энг му□им и□тисодий жараёнларни прогнозлаштириш ва моделлаштириш □а□ида □ам боради.

Мазкур фаннинг **тад□и□отлари объекти** бу кичик, ўрта ва йирик корхоналар бўлиб, улар турли мулк шаклига эга бўлади □амда Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тў□рисида” ги □онуни асосида ташкил □илинади. □озирги кунда и□тисодий фаолиятнинг, моддий ишлаб чи□аришнинг жорий ва исти□болли ривожланиш стратегияси □амда мамлакат и□тисодий сало□иятини муста□камлашнинг асосий о□ирлиги айнан корхоналар “елкаси” га юклатилмо□да.

Корхона и□тисодиётнинг бир бў□ини бўлиб, унда энг малакали кадрлар мужассамланган □амда самарали бош□арув - менеджмент □ўлланиб, ресурслардан о□илона фойдаланиш ва замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш масалалари □ал □илинади. Ишлаб чи□арилаётган ма□сулотларнинг ю□ори сифат кўрсаткичларини са□лаган □олда харажатларни минималлаштириш ва даромад(фойда)ни максималлаштириш деярли □ар бир корхонанинг асосий вазифаси □исобланади.

Фаннинг **предмети** бозор муносабатлари шароитларида корхоналар фаолиятининг назарий ва амалий асосларини, корхоналар фаолиятида и□тисодий □онуниятларнинг намоён бўлишини, шунингдек, уларнинг ишлаб чи□ариш ва хўжалик фаолияти самарадорлигини реурслардан о□илона фойдаланиш, рационал бош□арув, инвестицион ва тадбиркорлик фаоллиги асосида ошириш йўлларини ани□лаш билан ифодаланади.

**Фаннинг предметини** ташкил □илувчи энг асосий муаммо ва масалалар □аторига □уйидагиларни киритиш мумкин:

* бозор муносабатларида корхонанинг роли, ўрни ва хатти-□аракатлари □амда давлат идоралари билан ўзаро ало□алари;
* корхонанинг ташкилий структураси ва бош□арув механизми;
* ишлаб чи□аришни режалаштириш ва прогнозлаштириш;
* корхонанинг инновацион ва инвестицион фаолияти;
* ресурс корхонанинг сало□ияти ва ресурслардан фойдаланиш;
* ишлаб чи□ариш фаолияти самарадорлигини ба□олаш ва та□лил □илиш;

*  корхонанинг тижорат сирлари ва и□тисодий хавфсизлиги.

Корхона и□тисодиёти курсини ўрганиш предмети – корхонанинг тижорат ташкилоти сифатидаги мо□ияти асосий ишлаб чи□ариш фондлари, айланма мабла□лари, ишчи кучи, инвестицияларнинг ўзаро бо□ланиши, ўзаро □аракати ва улардан фойдаланишни яхшилаш йўлларини ўрганади.

Ю□оридаги ва бош□а саволлар ўзгарувчанлик динамика асосида ўрганилиб, замонавий корхоналарни бош□аришнинг турли шакл ва усуллари вужудга келиши ва йў□олиб кетишининг тарихий сабаблари ани□ланади. Бундай муайян тарихий ёндашув ушбу фанни ўрганишнинг му□им методологик □олатларидан бири □исобланади.

**Фаннинг ма□сади** таълим олаётганларга амалий и□тисодий билимларни, шунингдек, муста□ил фикрлаш □амда олинган ахборотлар ва муста□ил ўрганиш ёрдамида корхона и□тисодиёти муаммолари(масалалари) бўйича □арор □абул □илиш кўникмаларини сингдиришдадир. Янаям ани□ро□ айтадиган бўлсак, гап бўлажак мутахассисларни ишлаб чи□аришни ташкил □илиш, режалаштириш ва бош□ариш вазифаларини малакали тарзда □ал □илиш, корхонанинг харажат ва даромадлари □андай юзага келиши □амда ишлаб чи□ариш самарадорлигини ошириш имконияти мавжуд бўлган йўлларни топиш □а□ида бормо□да.

Биро□ шуни □ам унутмаслик керакки, исталган билимлар доимо тўлдириб ва мукаммаллаштириб борилмас экан, эскириб □олиши □амда корхоналар □аётида вужудга келувчи турли хил вазифаларни □ал □илишга ярамай □олиши мумкин. Гап шундаки, фан-техника ва и□тисодиётнинг ривожланиши □ўшимча билимлар чегарасини кенгайтиради □амда корхона ходимларининг □озирги кун талабларига жавоб берувчи билим, кўникма ва малакага эга бўлишларини талаб □илади. Шу сабабли олинган ахборотлар, ўрганилган формула, атама ва категориялар билан чекланиб □олиш ярамайди. Уларни доимий равишда тўлдириб, фан ва хўжалик амалиётининг сўнгги юту□лари асосида ривожлантириб бориш лозим. Олинган билимлар фа□ат шу асосдагина амалиётда □ўлланиб, жамиятнинг бевосита ишлаб чи□ариш кучига айланиши мумкин.

«Корхона и□тисодиёти» фан сифатида бош□а и□тисодий фанлар билан, жумладан, «И□тисодий назария», «Микро ва макрои□тисодиёт», «Саноат и□тисодиёти», «Лизинг», «Корхоналарда ишлаб чи□аришни ташкил □илиш», «Хом ашё етказиб бериш ва ма□сулотни сотишни ўрганиш» билан чамбарчас бо□ли□ бўлиб, унда корхоналарнинг ташкилий тузилмасидан таш□ари жорий ва исти□болдаги ишлаб чи□аришни режалаштириш, ме□нат и□тисодиёти ва социологияси ўрганилади □амда ме□натни ташкил □илиш ва □а□ тўлашнинг асослари ишлаб чи□илади.

«Корхона и□тисодиёти» корхоналар фаолияти ва бутун хал□ хўжалиги ривожланишининг ми□дор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларидан ажралмаган □олда ўрганувчи «И□тисодий статистика» билан, шунингдек, жорий ва исти□болдаги ишлаб чи□аришни □амда ишлаб чи□ариш технологияларини ривожлантириш учун зарур бўлган «Корхоналар хўжалик фаолиятининг та□лили» билан □ам бо□ли□. Гап шундаки, корхоналар □аётида рўй бераётган и□тисодий жараёнларни техника ва технологияларни

билмасдан ўрганишнинг иложи йў□. Фан-техника тара□□иёти шароитларида техника ва технологияда жадал суръат билан юз бераётган ўзгаришлар нафа□ат ишлаб чи□ариш хусусиятларида, балки айирбошлаш, та□симлаш ва истеъмол □илиш □амда ишлаб чи□аришнинг и□тисодий натижаларида □ам акс этади ва шу сабабли мазкур фанни ўрганишда □исобга олинмаслиги мумкин эмас.

Мазкур фаннинг "Корхоналар хўжалик фаолиятининг та□лили" фани билан ўзаро ало□асини ало□ида кўрсатиб ўтиш керак. Бунда ишлаб чи□аришнинг молиявий ва бош□а жи□атларига ба□о бериш, за□ираларни ани□лашдан таш□ари, башоратлаш ёрдамида корхона ривожланишининг исти□боллари ани□ланади. Хорижий мамлакатлар амалиётининг гуво□лик беришича, корхона, фирма ва компанияларнинг кўпчилиги ишлаб чи□ариш менеджерлари ва и□тисодчиларнинг ю□ори касб малакаси ва ўз со□асидаги чу□ур билимлари эвазига муваффа□иятларга эришиб, ю□ори даромадга ва ишлаб чи□ариш имиджига эга бўлмо□да. Шу сабабли корхона и□тисодиётини яхши билишнинг ўзи камлик □илиб, бўлажак мутахассиснинг и□тисодий фикрлаш доирасини кенгайтириш ва унинг хал□ хўжалигида ўз ўрнини топишини шакллантирувчи бош□а и□тисодий, техникавий □амда технологик фанлар мажмуасини □ам билиш талаб □илинади.

## □ис□ача хулосалар

*«Корхона и□тисодиёти»* - и□тисодий фанларнинг таркибий □исми бўлиб, бозор структуралари фаолиятининг амалий шакллари ва назарий асослари □амда и□тисодий фаолият субъектларининг ўзаро ало□алари механизмини ўрганишга □аратилган.

И□тисодиёт – бу одамлар жамияти, муайян, чекланган ресурслардан фойдаланиб, керакли ма□сулот ёки хизматларни ишлаб чи□иш, одамлар гуру□лари ўртасида та□симотига айтилади.

Корхона и□тисодиёти - □андай ю□орида келтирилган вазифа айрим корхона чегарисида □ал этилиши □а□идаги фан.

*Корхона* - и□тисодиётнинг асосий бў□ини. Бозор муносабатлари шароитларида и□тисодий фаолиятнинг асосий о□ирлиги турли хил ма□сулот ишлаб чи□арувчи, хизмат кўрсатувчи □амда малакали кадрлар мужассамланиб, ресурсларнинг турли хилларидан фойдаланилувчи корхоналар зиммасига юклатилган.

*«Корхона и□тисодиёти»* фан сифатида замонавий мутахассисга ўз со□асининг билимдони бўлишга, ишлаб чи□аришдаги а□волнинг ўзгаришига тез мослашиши, □атъий белгиланган ма□садга эга бўлиши ва энг асосийси, замонавий корхоналарнинг хўжалик механизмини билишига кўмаклашади.

*«Корхона и□тисодиёти»* фан сифатида ташкилотчилик малакасидан таш□ари тадбиркорлик ру□ини, бозор ва ра□обатчилик □онунлари □а□идаги билимларни сингдиради □амда корхона □аётида энг самарали □арорлар □абул □илинишига хизмат □илади.

*«Корхона и□тисодиёти»* кичик, ўрта ва йирик корхоналар ўртасидаги фар□ларни, кичик ва ўрта корхоналарнинг йирик корхоналарга нисбатан

мослашувчанлиги ва ра□обатбардошлигини □амда уларнинг бозор талабларига тезро□ жавоб беришларини кўрсатади.

*«Корхона и□тисодиёти»* муайян и□тисодий фан сифатида корхоналарни ало□ида, атрофдаги во□еликдан ажратган □олда эмас, балки жамият □аётидаги барча и□тисодий □одиса ва жараёнлар иштирокида бутун и□тисодий тизимда ўрганади. Шу сабабли мазкур фаннинг му□им белгиси сифатида корхоналарнинг ра□обатга асосланган бозор муносабатлари шароитларидаги фаолияти □амда бўлажак мутахассисларга бозор ва ра□обат □онунларини ўргатишини кўрсатиш мумкин.

*«Корхона и□тисодиёти»* ма□садли вазифа сифатида хўжалик юритувчи субъектларнинг таълим даражасини оширишни кўзда тутсада, муайян корхоналарда юзага келаётган а□вол учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Мазкур ў□ув курси корхона □аётида рўй бериши мумкин бўлган и□тисодий □одиса ва жараёнларни умумлаштиради ва очиб беради.

Корхона и□тисодиёти курсини ўрганиш предмети – корхонанинг тижорат ташкилоти сифатидаги мо□ияти асосий ишлаб чи□ариш фондлари, айланма мабла□лари, ишчи кучи, инвестицияларнинг ўзаро бо□ланиши, ўзаро □аракати ва улардан фойдаланишни яхшилаш йўлларини ўрганади.

**Таянч иборалар**

И□тисодиёт, тармо□лар, моддий ишлаб чи□ариш, “И□тисодиёт доимо моддийдир”, компьютерлаштириш, информатизация, интернет тармо□и, ишлаб чи□ариш инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилма, фан-техника тара□□иёти, «Корхона и□тисодиёти», самарадорлик, и□тисодий бар□арорлик, ра□обатчилик кураши, бош□ариш тизими, талаб ва таклиф, фаннинг тад□и□отлари объекти, фаннинг предмети, фаннинг ма□сади.

**Назорат ва му□окама учун саволлар**

1. Бозор и□тисодиёти маъмурий-буйру□бозликка асосланган аввалги и□тисодиётдан нимаси билан фар□ланади?
2. И□тисодий фанлар ва айнан “Корхона и□тисодиёти” фани жамият кадрларининг шаклланишида □андай роль ўйнайди?
3. Ишлаб чи□ариш (саноат) корхонаси бозорнинг хўжалик юритувчи бош□а субъектларидан □айси хусусиятлари билан фар□ланади?
4. Бозор и□тисодиёти шароитларида корхоналар фаолиятининг ма□сади нимада?
5. Корхонанинг бозор ва ишлаб чи□ариш ало□аларини очиб беринг.
6. Ра□обатчилик корхона фаолиятига □ай тарзда таъсир ўтказади?
7. Замонавий корхоналарнинг фаолияти □айси □онун □ужжатларига асосланган? Корхоналар фаолиятига бевосита таъсир □илувчи муайян □онунларни санаб ўтинг.
8. “Корхоналар и□тисодиёти” фани «Микрои□тисодиёт» ва «Макрои□тисодиёт» фанларидан нимаси билан фар□ланади?
9. И□тисодий сиёсат, и□тисодий му□ит ва и□тисодий фанларнинг ўзаро ало□аларини кўрсатиб беринг.

10. Корхонанинг и□тисодий фаолияти билан шу□улланувчи замонавий мутахассис □андай хислатларга эга бўлиши лозим?

## Тавсия этиладиган адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тў□рисида”ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., “Ўзбекистон”, 2004., №3
2. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўса□асида: хавфсизликка та□дид, тара□□иёт шартлари ва кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
3. И.А. Каримов. Ўзбекистон – XXI асрга интилмо□да. Т., “Ўзбекистон”, 1999.
4. И.А. Каримов. “Ўзбекистон и□тисодий исло□отларни чу□урлаштириш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1995.
5. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.
6. Экономика предприятия. Учебник для ВУЗов. 3-е издание /Под. ред. В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара. - М.: Юнити-Дана, 2003.
7. Основнўе показатели уровня развития малого и среднего предпринимательства в республике Узбекистан за 2002 год. Статистический сборник .-Т.; ТДИУ , 2003. –52 с.
8. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
9. О.И. Волков, Экономика предприятия, Учебник. М., “ИНФРА-М”, 2000.
10. Сенге Питер М. и др. пер с анг. Танец перемен: новўе проблемў самообучаюҳихся организаций М.: ЗАО Длимп-Бизнес 2004.
11. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
12. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
13. Аутсорсинг: Создание вўсокоэффективнўх и конкурентоспособнўх организаций. Учебное пособие / Под ред. Б.А.Аникина М.: Инфра – М 2003.
14. http:/www.harvard. edu
15. http:/www.capitul.ru
16. http:/www.5b. ru
17. http:/www.audit - center. ru

## II МАВЗУ. КОРХОНА – МУСТА□ИЛ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ БОЗОР СУБЪЕКТ

2.1. Миллий и□тисодиёт ривожланишида корхонанинг ўрни ва роли.
2.2. Корхонанинг белгилари, функциялари ва вазифалари.
2.3 Корхоналарни таснифлаш.
2.4.Корхона тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар.

### 2.1. Миллий и□тисодиёт ривожланишида корхонанинг ўрни ва роли

Аввалги маъмурий-буйру□бозлик тизими шароитларида соби□ СССР и□тисодиёти ягона хал□ хўжалиги мажмуаси сифатида тавсифланган. Унда барча иттифо□дош республикаларнинг бутуниттифо□ и□тисодиётини ривожлантиришдаги мажбурий иштироки ва “Марказ” томонидан белгилаб берилган йўналишлар асосида ўз миллий и□тисодиётини □ам ривожлантириши акс эттирилган.

Бирлик, бирдамлик, яхлитлик аслида □аётнинг ижобий категориялари □исобланади. Биро□ давлат бош□арув □олатидан ва биринчи ўринда республикаларнинг имкониятлари ва манфаатлари ну□таи назаридан □араганда бундай “бирлик” республикаларга ижтимоий-и□тисодий ривожланишнинг му□им масалаларини муста□ил □ал □илиш имконини бермасди. Республикаларнинг миллий и□тисодиётларига киритилувчи инвестициялар асосан умумиттифо□ “□озони”дан олинарди ва кўпинча □олди□ тамойили асосида амалга ошириларди. Бир □анча тармо□лар ва йирик ишлаб чи□ариш бирлашмалари бир ва□тнинг ўзида □ам республика, □ам бутуниттифо□ вазирликларига ва ма□камаларига бўйсунар эди.

Иттифо□дош республикалар СССРнинг ягона хал□ хўжалиги мажмуаси таркибида сўнгги бор □атнашган 1990 йил бўйича статистик маълумотлар Ўзбекистон и□тисодиётининг а□воли ва тузилмавий тузилиши тў□рисида маълум бир тушунча беради: жами ишлаб чи□арилган саноат ма□сулотларида марказга бўйсинувчи корхоналарда ишлаб чи□арилган ма□сулотлар салмо□и 33%, саноат ва ишлаб чи□аришда маш□ул бўлган ходимлар ми□дорида - 35%, саноат ва ишлаб чи□ариш асосий фондларида 65%ни ташкил □илган бўлса, республик □укуматига бўйсунувчи корхоналар эса мос равишда 67%, 65% ва 35%ни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасининг муста□илликка эришиши миллий и□тисодиётимизда ми□дор ва сифат ўзгаришларига сабаб бўлди. Бугунги кунда мамлакатимиз и□тисодиёти жамиятни демократиялаштириш, и□тисодиёт сало□иятларини муста□камлаш ва мамлакатни ривожланган давлатлар □аторига киритишга йўналтирилган, бозор муносабатларига ўтишнинг мамлакатимиз учун махсус ишлаб чи□илган модели асосида ривожланиб бормо□да. Бу модел Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган и□тисодиётни исло□от □илишнинг бешта му□им тамойилига асосланган □амда хўжалик фаолияти юритувчи субъектларнинг эркинлиги, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни □имоя □илувчи зарурий □онун □ужжатлари билан белгилаб берилган.

И□тисодиётнинг ривожланиши учун талаб □илинувчи ушбу вазифаларнинг амалга оширилишида корхоналарга катта роль ажратилиб, улар и□тисодиётнинг асосий ишлаб чи□ариш бў□ини бўлиш билан бирга ма□сулот ишлаб чи□ариш, а□олига хизмат кўрсатиш туфайли истеъмолчиларнинг талабларини □ам □ондирадилар.

Бозор и□тисодиёти шароитида маъмурий буйру□бозлик хўжалигидан фар□ли ўларо□ и□тисодий фаолият маркази барча и□тисодиётнинг асосий бў□ини бўлмиш – корхоналар томонига силжиб ўтади.

Корхона – ижтимоий ишлаб чи□аришнинг бош бў□ини бўлиб, унда илмий и□тисодиётнинг асосий и□тисодий масалалари □ал этилади.

Ма□сулотлар яратиш ва хизматлар кўрсатиш муайян технологик жараёнлар, ме□нат □уроллари материаллари, одамларнинг билими ва кўникмалари ижтимоий ме□нат та□симоти ва кооперациялашга асосланган □ода муста□ил амалга ошириладиган тизимга айтилади.

Корхона иш ўринларини беради иш □а□и тўлайди соли□лар тўлаш йўли билан давлат ва ижтимоий дастурларни амалга оширишда □атнашади.

Айнан корхонада ма□сулот ишлаб чи□ариш жараёнлари ва ишчини ишлаб чи□ариш воситалари билан ўзаро ало□аси амалга оширилади.

Корхона ўз фаолиятини ўзи бош□аради, ишлаб чи□арилган ма□сулотни олинган соф фойдани соли□ ва бош□а тўловларни тўлагандан сўнг □олган □исмини тасарруф этади.

Корхоналарда ишлаб чи□арилаётган ма□сулотлар □ажми ва ассортименти, хилма-хиллиги, хом ашё етказиб берувчилар ва □аридорлар ба□оларни шакллантириш, ресурслардан тежамли фойдаланиш, кадрларни □ўллаш, ю□ори унумли техника ва технологиядан фойдаланиш масалалари □ал этилади.

Корхона фаолиятининг самарадорлиги ишлаб чи□аришни □уйидагича ташкил этиш шаклларига эга:

Концентрациялаш, бир жойга жамлаш;

Ихтисослаштириш;

Кооперациялаш;

Ишлаб чи□аришни мураккаблаштириш каби усуллардан фойдаланишга бо□ли□.

Ўзбекистон Республикаси □онунчилигига асосан, **корхона** бу - ***□у□у□ий шахс ма□омига эга, муста□л равишда хўжалик фаолияти юритувчи субъект бўлиб, ўзига тегишли бўлган мол-мулкидан фойдаланиш асосида истеъмолчилар (харидорлар) талабини □ондириш ва даромад (фойда) олиш ма□садида ма□сулот (иш, хизмат) ишлаб чи□аради ва сотади ёки айирбошлайди.***

Корхона – ижтимоий талабларни □ондирувчи ва соф фойда олиш ма□садида ма□сулот ишлаб чи□арувчи, ишлар бажарувчи, хизмат кўрсатувчи муста□ил хўжалик юритувчи и□тисодиёт субъектидир.

Ўзбекистон и□тисодиётининг турли тармо□ ва со□аларида турли хил мулкчилик шаклига эга бўлган 300 мингта хўжалик фаолияти юритувчи субъект мавжуд бўлиб, улардан □арийб 280 мингини кичик корхоналар □амда микрофирмалар ташкил этади. Корхоналарнинг энг катта □исми

савдо ва умумий ов□атланиш (34%), □ишло□ хўжалиги (41%), саноат (9,4%) ва □урилиш (56%) со□аларида рўйхатга олинган. Жами корхоналар ми□дорида нодавлат секторининг салмо□и катта бўлиб, 82 %ни ташкил □илади.

□ар бир мамлакатнинг саноат □уввати □амда фан-техника тара□□иёти ва и□тисодиётни модернизациялаш кўрсаткичларини биринчи ўринда йирик корхоналар белгилаб беради. Шу сабабли "кичик" и□тисодиётни ривожлантириш, яъни кичик ва ўрта корхона □амда микрофирмаларга кенг йўл очиб беришда йирик корхоналарнинг ўрни ва ролини унутмаслик даркор. Чунки бу корхоналарда ишловчи ходимлар сони катта бўлишдан таш□ари, фан-техника юту□ларини □аётга татби□ этиш, ю□ори сифатли ма□сулот ишлаб чи□ариш, ме□натни ра□батлантириш □амда дўстона, шерикчилик ало□аларини (жумладан, хорижий корхона ва фирмалар билан) ривожлантиришга кенг имкониятлар мавжуд. Шу сабабли йирик, ўрта ва кичик корхоналарнинг оптималлиги жамоатчилик ишлаб чи□ариши талаблари ва миллий и□тисодиётнинг ривожланиш исти□болларидан келиб чи□□ан □олда фан ва хўжалик амалиётининг энг му□им вазифаси □исобланади. Бу вазифани и□тисодиётнинг □ар бир тармо□и ва со□асида □ал □илишнинг йўллари ўхшаш бўлмаслиги ёки бир хил тавсифга эга бўлмаслиги мумкин. □ар бир ало□ида юзага келган и□тисодий □олатда мавжуд шароитлар ва ривожланиш афзалликларига мос □олда □аракат □илиш зарур.

Корхоналарнинг фаолияти миллий и□тисодиёт ва унинг тармо□ларига тў□ридан-тў□ри таъсир кўрсатади. Корхоналар □анчалик яхши, самарали ва рентабелли ишласа, бутун и□тисодиётнинг, жумладан, уларнинг ўзларининг □ам кўрсаткичлари ю□ори бўлади. Бозор и□тисодиёти корхоналар фаолиятини эркинлаштиради, уларнинг муста□иллигини муста□камлайди □амда ишлаб чи□аришни ташкил этиш ва рентабелликнинг ю□ори кўрсаткичларига эришишга кенг имкониятлар яратади, деб □исобланади. Балки □а□и□атдан □ам шундайдир. Биро□ корхона, айни□са, давлатга тегишли бўлган корхона □андай ишлаши, унинг жамиятга келтирувчи фойдаси, рентабеллик даражаси, ходимларнинг бандлиги □андай бўлиши фа□ат корхоналарнигина эмас, давлатнинг □ам кўз олдида бўлиши зарур. Худди шунинг учун □ам давлат корхоналарга катта имкониятлар яратиб бериш билан бирга уларни белгиланган тартибда назорат □илиб □ам боради. Давлат корхоналар "та□дирига", уларнинг ишлаб чи□ариш фаолияти якуний натижаларига бефар□ □араб тура олмайди. Банкротга учраган корхоналар, зарар келтирувчи ишлаб чи□ариш, и□тисодий ночорлик - буларнинг барчаси корхона жамоаси учун □ам, давлат учун □ам о□ир юк □исобланади.

Жа□он тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор и□тисодиёти шароитларида барча корхоналар □ам ра□обатчиликни енгиб, самарали ишлаб кета олмайди □амда даромад ёки фойда ололмайди. Натижада минглаб корхоналар ташкил □илиниб, хўжалик фаолияти доирасига □ўшилади ва деярли шунчаси турли сабабларга кўра тугатилади. Шу сабабли банкротлик, корхоналарнинг тугатилиши бозор и□тисодиёт шароитларида

одатий □ол бўлиб, бу а□волга тушиб □олишдан э□тиёт бўлиш керак бўлсада, лекин бундан фожеа □ам ясаш керак эмас.

Хал□ орасида "Камба□ал ва касал бўлгандан кўра бой ва со□лом бўлган афзал" деган гап бор. Шу гапга амал □иладиган бўлсак, яхшиси корхонани банкрот бўлишга олиб келмаслик, унинг и□тисодий муста□иллиги, ме□нат □обилияти ва даромадлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни □ўллаш зарур. Корхонанинг ме□нат □обилияти ва даромадлиги миллий и□тисодиётга □ўшиладиган □исса бўлишдан таш□ари республикамизда тобора кўпайиб бораётган а□олини иш билан таъминлашда □ам а□амият касб этишини унутмаслик му□им. Кўриниб турибдики, исталган корхонанинг миллий и□тисодиётдаги ўрни ва а□амияти ишлаб чи□арилаётган ма□сулотлар, олинадиган фойда ёки даромад ми□доридан таш□ари бу корхонанинг а□олини иш билан таъминлашдаги иштирокига □ам бо□ли□ бўлади. А□олини иш билан таъминлар экан, корхоналар ўзларининг бевосита ишлаб чи□ариш функцияларини бажаришдан таш□ари ишсизликнинг камайишига, демак, тў□ри, ме□нат фаоллигининг ортиши ва ижтимоий а□волнинг яхшиланишига □ам сабабчи бўлади.

Бу ерда □амма нарса фа□ат корхонаннинг ўзига бо□ли□ эмаслиги кўриниб турибди, албатта. Чунки корхона ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида хом ашё, материал, асбоб-ускуна ва бош□а ишлаб чи□ариш воситалари етказиб берувчи ёки ма□сулот истеъмолчилари сифатида □аракат □илувчи бош□а корхоналар билан ўзаро ало□ага киришади. Бу муносабатларда □ар бир камчилик ва ну□сонлар, жумладан, хом ашё, материал ва асбоб-ускуналарни ва□тида етказиб бермаслик, ўз ва□тида □а□ тўламаслик, □арзларни тўлаш муддатларининг ўтказиб юборилиши ва бош□а хўжалик юритиш □оидалари ва мажбуриятларининг бузилиши корхона и□тисодий а□волининг ёмонлашишига, унинг ночорликка учрашига олиб келади. Шу сабабли корхоналар фаолиятини самарали ва ю□ори рентабелли даражада амалга ошириш зарурияти, барча корхоналар ишлаб чи□аришни керакли тарзда ташкил □илиш □амда ўз □амкорлари ва давлат олдидаги мажбуриятларни □атъий тарзда бажариш интизоми билан узвий бо□ли□дир.

Ўзбекистонда кўплаб кичик, ўрта ва йирик ишлаб чи□ариш корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар и□тисодиётнинг деярли барча тармо□ларини – о□ир саноатдан енгил саноатгача, □ишло□ хўжалик ма□сулотларини □айта ишлашдан илмий ишлаб чи□аришгача □амраб олган. Улар ўз фаолиятида ишлаб чи□аришнинг барча омилларидан - ер, табиий ва ме□нат ресурслари, техника ва технологиялар, инвестициялар, □озирги замон фани томонидан ишлаб чи□аришнинг асоси ёки мамлакатнинг миллий бойлиги деб аталувчи замонавий ахборот тизимидан фойдаланади. Маълумки, бойлик ёки сало□ият бир нечта авлод ва бутун жамиятнинг хатти-□аракатлари эвазига яратилади. Корхоналарнинг вазифаси ушбу бойликни асраб-авайлаш ва ундан самарали фойдаланишда ифодаланади. Хўжалик юритишнинг мазкур тамойилларидан бир оз бўлсада четга чи□иш жамоатчилик ишлаб чи□ариши самардорлигининг пасайишига, хўжасизлик ва исрофгарчиликка олиб келади. Корхоналар □ам бундан мустасно эмас.

## 2.2. Корхонанинг белгилари, функциялари ва вазифалари

Замонавий корхона-муста□ил хўжалик юритувчи субъект бўлиб, уларнинг ишлаб чи□ариш воситалари ва бош□а мулклари режали и□тисодиёт шароитларидагидек давлатнинг ўзигагина тегишли бўлмайди. Шу сабабли корхоналар *мулкчилик шаклига* кўра, давлат ва нодавлат, *тармо□ белгиларига* кўра, машинасозлик, энергетика, металлургия, нефть ва газ саноати, □урилиш комплекси, ози□-ов□ат, енгил саноат, савдо ва □оказолар, *ишлаб чи□ариш ми□ёси ва ходимлар сонига* кўра, йирик, микрофирма ва кичик, *фаолият юритиш муддатига* кўра, узлуксиз, мавсумий ва узлукли корхоналарга бўлинади.

Биро□ ушбу белгилардан □атъи назар, деярли □ар бир корхона **Низом** асосида фаолият юритади. Низомда корхонанинг номи, манзилго□и, ю□ори турувчи органи ва бу органнинг номи, Низом жам□армаси, банк муассасаларидаги реквизитлари, корхона ра□бариятининг лавозимлари, ра□бар шахсларнинг мажбуриятлари, тузилмавий бўлинмалар рўйхати, □исобот тартиби ва □оказолар кўрсатилган бўлади.

Агар Низомда корхонанинг ташкилий-□у□у□ий функциялари белгиланган бўлса, унинг ишлаб чи□ариш ва и□тисодий фаолияти таркибига асосий ва айланма фонтлар, пул мабла□лари ва бош□а активлар кирувчи **Низом жам□армасига** таянади. Низом жам□армаси □онунга асосан корхонани ташкил □илиш жараёнида муассислар - давлат, □у□у□ий ва жисмоний шахслар томонидан шакллантирилади. Корхона ривожланиши ва ишлаб чи□аришнинг кенгайиб бориши, даромад □ажми ва бош□а молиявий тушумларнинг ортиши натижасида Низом жам□армаси кўпайтирилиши мумкин. Умуман олганда, Низом жам□армаси корхонанинг и□тисодий бар□арорлиги ва молиявий жи□атдан ба□увватлигини акс эттиради.

**Корхонани** турли белгиларига кўра тавсифлаш мумкин:

- *ишлаб-чи□ариш ва техника муносабатларида корхона* – бу, ишлаб чи□арилаётган ма□сулотлар □ажми ва турлари, уларни тайёрлаш технологиясига ми□дор ва сифат жи□атидан мос келувчи машиналар тизими;
- *ижтимоий муносабатларда корхона* – бу, турли категориядаги ходимлар ўртасида уларнинг □у□у□ ва мажбуриятлари асосида юзага келувчи муносабатлар ;
- *ташкилий-□у□у□ий муносабатларда* корхона □у□у□ий шахс сифатида фаолият юритади;
- *молиявий-и□тисодий муносабатларда корхона* – бу, тармо□нинг муста□ил бў□ини бўлиб, ўз-ўзини молия билан таъминлаш, ўз-ўзини бош□ариш, яъни бозор муносабатлари тамойилларида фаолият юритади.

Амалдаги □онунчиликка асосан корхона давлат рўйхатидан ўтганидан кейингина □у□у□ий шахс сифатида тан олинади. Давлат рўйхатидан ўтиш

учун биринчи ўринда □уйидаги □ужжатлар а□амиятга эга бўлади: муассиснинг аризаси; корхонанинг Низоми; корхонани ташкил □илиш □а□ида □арор ёки муассислар шартномаси; давлат божини тўлаганлик □а□ида квитанция ва бош□алар.

Корхона ўзига хос бўлган маълум хусусиятларга эга:

*биринчидан,* корхона ўзига тегишли ва хўжалик бош□арувидаги хусусий мулкка эга бўлиб, ушбу мулк унинг фаолияти моддий-техникавий имкониятларини, и□тисодий муста□иллиги ва ишончлилигини таъминлайди;

*иккинчидан,* корхона кредиторлар, жумладан, давлат билан ўзаро муносабатлардаги мажбуриятлар юзасидан ўз мулки билан жавоб бериш хусусиятига эга бўлади;

*учинчидан,* корхона хўжалик айланмасида ўз номидан □аракат □илиши мумкин, яъни □онунга асосан хўжалик фаолияти юритувчи □амкорлар, ма□сулот (иш, хизмат) истеъмолчилари, хом ашё ва асбоб-ускуна етказиб берувчилар □амда бош□а □у□у□ий ва жисмоний шахслар билан шартнома тузиш □у□у□ига эга;

*тўртинчидан,* корхона □онунчиликка асосан судда даъвогар ва жавобгар сифатида □атнашиш □у□у□ига эга;

*бешинчидан,* корхона муста□ил баланс ёки сметага эга бўлиб, ишлаб чи□ариш ва ма□сулот савдоси харажатларини □исобга олиб боради □амда давлат органлари томонидан белгиланган тартибда ўз ва□тида □исоботларни та□дим этади;

*олтинчидан,* корхона ўз номига эга бўлиб, унда корхонанинг ташкилий-□у□у□ий шакли ўз аксини топади.

□ар бир корхонанинг фаолияти ишлаб чи□ариш, □айта ишлаб чи□ариш ва муомала жараёнларидан иборат бўлади. Корхонанинг ишлаб чи□ариш со□асидаги фаолияти - янги ма□сулотни ишлаб чи□аришга тайёрлаш ва ишлаб чи□аришни ташкиллаштиришда намоён бўлади. □айта ишлаб чи□ариш со□асидаги фаолият - ишчи кучини ёллаш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ишлаб чи□ариш воситаларини янгилаш ва кенгайтириш жараёнларида акс этади. Муомала со□асидаги фаолият эса ишлаб чи□аришнинг моддий-техника таъминотини ташкиллаштириш, ма□сулот (иш, хизмат)ларни сотиш ва фойдаланилган ишлаб чи□ариш воситаларининг даромад шаклида □айтиб келишида кўзга кўринади.

Корхоналарни ижтимоий-и□тисодий тизим сифатида тад□и□ этишда уни ташкил □илувчи иккита таркибий □исм - тизимнинг ўзи(корхона) ва ушбу тизим фаолият юритувчи таш□и му□итни кўриб чи□иш лозим. Корхонанинг ички му□ити ишлаб чи□ариш воситалари, пул мабла□лари, ахборотлар ва инсон ресурсларидан ташкил топади.

Ички му□итнинг ўзаро ало□алари натижасида тайёр ма□сулот пайдо бўлади, ишлар бажарилади ва хизмат кўрсатилади, яъни тў□ри йўлга □ўйилган ишлаб чи□ариш ва ме□натга □а□ тўлаш фаолияти юзага келади.

Корхоналарнинг таш□и мухит билан ало□аси уларнинг таш□и тизимга чи□ишида рўй бериб (ресурсларни жалб □илиш, уларнинг □ийматини ани□лаш, хом ашё, материал ва ё□ил□инing ўз ва□тида

етказиб турилиши ва □оказо), таш□и му□итга ишлаб чи□арилган товар ва хизматлар о□ими ёрдамида таъсир кўрсатиш жараёнида намоён бўлади.

Корхоналар фаолияти самарадорлигини ани□лаб берувчи таш□и му□ит – бу, биринчи ўринда ма□сулот истеъмолчилари, хом ашё ва бош□а материал етказиб берувчилар, шунингдек давлат органлари □амда корхонага я□ин жойда яшовчи а□оли □исобланади.

Бозор и□тисодиёти шароитларида корхоналар **фаолиятининг асосий йўналишлари** □уйидагилар □исобланади:

* бозор ва унинг ривожланиш исти□болларини комплекс равишда ўрганиш ёрдамида, харидорларнинг ма□сулот ва хизмат турларига мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган талабларини ани□лаш;
* ма□сулотнинг янги моделлари ва намуналарини яратиш бўйича илмий-тад□и□от фаолиятини ташкил □илиш;
* харидорлар талабларига мос келувчи товарларни ишлаб чи□ариш;
* ишлаб чи□аришни режалаштириш, дастурлаш, мувофи□лаштириш ва молиялаштириш;
* ма□сулотни та□симлаш ва сотиш тизимини ташкил □илиш ва уни мукаммаллаштириш;
* корхонанинг барча фаолиятини, жумладан, ишлаб чи□ариш, сотиш, реклама, техник хизмат кўрсатиш ва □оказоларни бош□ариш.

Албатта, замонавий корхоналарнинг кўп □иррали фаолияти ю□орида санаб ўтилган йўналишлар билангина чекланиб □олмайди. Амалиётда улар фан-техника тара□□иёти ва давлат томонидан амалга оширилаётган и□тисодий сиёсатнинг янги талаблари билан тўлдирилиши мумкин. Биро□, ю□орида айтиб ўтилганлардан □атъи назар, хўжалик ривожланишининг □ар бир бос□ичида корхоналар фаолияти □уйидаги вазифаларни бажаришга □аратилиши зарур:

- корхона эгасининг даромад олиши;
- истеъмолчиларни ишлаб чи□арилаётган ма□сулотлар билан таъминлаш;
- ходимларни иш □а□и билан таъминлаш;
- корхонага я□ин жойларда яшовчи а□оли учун иш жойлари яратиш;
- атроф-му□итни му□офаза □илиш;
- корхона фаолиятида тўхтаб □олишга йўл □ўймаслик;
- ишлаб чи□аришни ташкил этиш ва бош□ариш шаклларини мукаммаллаштириш;
- ишлаб чи□аришнинг барча бос□ичларида тежамкорликка риоя □илиш.

Хўжалик фаолиятининг жорий ва исти□болдаги вазифаларини бажариш корхоналардан □уйидаги функцияларни амалга оширишни талаб □илади:

* ишлаб чи□ариш ва шахсий истеъмол учун ма□сулотларни тайёрлаш;
* ма□сулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш ва сотиш;
* сотувдан кейин хизмат кўрсатиш;
* ишлаб чи□аришнинг моддий-техника асосини таъминлаш;
* ходимлар ме□натини ташкил □илиш ва бош□ариш;
* соли□ларни тўлаш, бюджетга тўланувчи ихтиёрий ёки мажбурий бадал ва тўловларни амалга ошириш ;

*	амалдаги стандартлар, нормативлар ва давлат томонидан чи□арилган □онун-□оидаларга риоя □илиш.

Бу функциялар корхоналарнинг □ажми, □айси тармо□□а мансублиги, ижтимоий инфратузилманинг мавжудлиги, ма□аллий □окимият идоралари билан муносабатларга асосланиб ани□лаштирилади. Бугунги бозор и□тисодиёти ва фан-техника тара□□иёти корхоналарнинг амалга оширувчи функцияларини кенгайтириши □амда уларнинг фаолиятидаги ишлаб чи□ариш кўрсаткичларини янада яхшилаш учун янги вазифалар белгилаб бериши мумкин.

## 2.3. Корхоналарни таснифлаш

□ар бир корхона бош□а корхоналардан аввало ишлаб чи□араётган ма□сулоти, шунингдек, ишлаб чи□аришнинг тавсифи ва ми□ёси, жойлашиши, хал□ хўжалигининг бош□а тармо□лари билан ало□алари ва бош□а кўрсаткичлари билан фар□ □илади. Биро□ буларнинг барчаси ишлаб чи□аришни ташкил этиш, режалаштириш ва бош□ариш масалаларини □ар бир корхона учун индивидуал тарзда ало□ида ишлаб чи□иш керак, degани эмас, албатта. Ало□ида корхоналар гуру□ига нисбатан □ўллаш мумкин бўлган умумий □арорларни тайёрлаш мумкинлиги назарий ва амалий жи□атдан исботлаб берилган.

Бу билан корхоналарнинг ишлаб чи□ариш, ме□нат ва бош□арувни ташкиллаштириш масалаларини бир хил типда □ал □илиш мумкин бўлган гуру□ларини ани□лаш ма□садида уларни таснифлашнинг ма□буллигини изо□лаш мумикн.

Корхоналарнинг энг му□им хусусиятлари уларнинг □айси тармо□□а □арашлилиги; □ажми; ишлаб чи□аришнинг турли жаб□аларини □амраб олганлиги;  ихтисослаштириш даражаси ва бир типдаги ма□сулотларни ишлаб чи□ариш ми□ёси;ишлаб чи□аришни ташкиллаштириш усули □амда уни механизациялаш ва автоматлаштириш; ташкилий-□у□у□ий шаклларини прогнозлаштиришга бо□ли□ бўлади.

***□айси тармо□□а □арашлилигига кўра*** корхоналар ишлаб чи□ариш ва ноишлаб чи□ариш (машинасозлик, кўмир □азиб чи□ариш, су□урта ва □оказо) со□аларига мансуб бўлиши мумкин.

***Ишлаб чи□арилаётган ма□сулот тури ва кўринишига кўра,*** корхоналар саноат, □ишло□ хўжалиги, транспорт, молия-кредит ва бош□аларга бўлинади.

***Технологик умумийлигига кўра,*** корхоналар ишлаб чи□ариш жараёнини узлуксиз ва дискрет равишда, кимёвий ёки механик жараёнларнинг устунлиги асосида юритувчиларга бўлинади.

***Тайёр ма□сулотнинг ма□садларига кўра,*** барча корхоналар иккита катта гуру□га бўлинади: ишлаб чи□ариш воситаларини ишлаб чи□арувчилар ва истеъмол ма□сулотларини ишлаб чи□арувчилар.

***Фойдаланилувчи хом ашё турига кўра,*** саноат корхоналари □азиб чи□арувчи ва □айта ишловчи корхоналарга та□симланади.

***Йил давомида ишлаш муддатига кўра,*** корхоналар мавсумий ва йил бўйи фаолият юритувчиларга бўлинади.

***□ажмига кўра,*** корхоналар йирик, микрофирма ва кичик корхоналарга та□симланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрельдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада ра□батлантириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Фармонига ўзгартиш ва □ўшимчалар киритиш □а□ида»ги Фармонига асосан ишлаб чи□ариш тармо□ининг ўртача йиллик ходимлари сони 20 кишигача бўлган □амда хизмат кўрсатиш ва бош□а ноишлаб чи□ариш со□асидаги ўртача йиллик ходимлари сони 10 кишигача бўлган; улгуржи, чакана савдо ва умумий ов□атланиш со□асида 5 кишидан ошмаган корхоналар **микрофирмалар** □аторига киритилади.

**Кичик корхона** □исобланади:

– енгил ва ози□-ов□ат саноати, металга ишлов бериш ва асбобсозлик, ё□очни □айта ишлаш, мебел саноати ва □урилиш материаллари саноатида 100 кишича ишлайдиган;

– машинасозлик, металлургия, ё□ил□и-энергетика ва кимё саноати, □урилиш, □ишло□ хўжалиги ва бош□а ишлаб чи□ариш тармо□ларида 50 кишигача ишлайдиган;

– фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, ало□а, хизмат кўрсатиш со□аси (су□урта компанияларидан таш□ари), савдо ва умумий ов□атланиш хамда бош□а ноишлаб чи□ариш со□аларида 25 кишигача ишлайдиган корхоналар.

*Ихтисослашув даражасига кўра,* корхоналар ихтисослашган, универсал ва аралаш корхоналарга бўлинади. Ихтисослашган корхоналар □аторига номенклатураси чекланган ма□сулотлар ишлаб чи□арувчи корхоналар, универсал корхоналар □аторига турли хил ма□сулот ишлаб чи□арувчи корхоналар, аралаш корхоналар таркибига эса ихтисослашган ва универсал корхоналар ўртасидаги орали□ гуру□ни ташкил □илувчи корхоналар киритилади.

*Ишлаб чи□ариш жараёнини ташкил этиш усулларига кўра,* корхоналар ишлаб чи□аришнинг о□им, партияли ва доналаб ишлаб чи□ариш усуллари устувор турувчи корхоналарга бўлиниши мумкин.

*Ишлаб чи□аришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражасига кўра,* корхоналар тўли□ ва □исман автоматлаштирилган ёки механизациялаштирилган, □ўл-машина ва фа□ат □ўл ме□натига асосланган корхоналарга бўлинади.

Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чи□ариш жараёнларини кенгайтириш ва чу□урлаштириш мамлакатимизда янги ташкилий-□у□у□ий турдаги - □ўшма, ижара, □иссадорлик, хусусий, оилавий, кооператив ва бош□а корхоналарнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хусусий мулк мулкчилик шаклининг бош□а кўринишлари билан бир □аторда дахлсизлиги ва давлат томонидан му□офаза □илиниши белгилаб □ўйилган. Янги □онунчилик □ужжатларида янги и□тисодий тушунча - корхонанинг ташкилий-□у□у□ий шакли тушунчаси киритилган.

Корхоналарнинг □онун □ужжатлари ва бош□а хўжалик □у□у□и нормаларида кўзда тутилган мулкчилик шакли, ишлаб чи□арилаётган ма□сулот тури ва □ажми, капиталнинг шаклланиши, турли хил фирмалараро уюшмаларга аъзо бўлиш усуллари ва олиб борувчи ра□обатчилик курашлари билан фар□ □илувчи фаолият тавсифи ва мазмунига бо□ли□ бўлган структуравий тузилишининг усул ва кўринишлари **хўжалик юритишнинг ташкилий-□у□у□ий шаклини** ифодалайди.

***□озирги замон шароитларида давлат, муниципал, жамоа, индивидуал (оилавий, хусусий)*** турдаги корхоналар мавжуд бўлиб, улар ўзларига бириктириб □ўйилган мулк тавсифи ёки тезкор (оператив) бош□арув □у□у□ига кўра □ам таснифланади.

Хўжалик фаолияти юритувчи □ар бир субъект бир □атор □у□у□ларга эга бўлиб, булар бир томондан, уларнинг ички ташкилотчилигини ани□лаб берса, иккинчи томондан, жисмоний ва □у□у□ий шахслар □амда давлат билан ўзаро муносабатларини амалга оширишга кўмаклашади.

Корхоналар □у□у□ий шаклининг □ар бир кўринишида уларнинг эгалари, яъни хусусий мулк эгалари, корхона билан турли даражадаги ало□ада бўладилар. Масалан, очи□ турдаги □иссадорлик жамияти эгалари корхона мулкининг бир □исмигагина эгалик □илиш □у□у□ига эгалар □амда бош□арув функцияларини амалга оширишда □ам ўз акциялари ми□ёсида иштирок этадилар.

Хўжалик ўрто□ликларида (жамиятларида) эса мулк эгаси ва мулк я□инлаштирилган бўлиб, корхонани бош□аришда уларга бевосита иштирок этиш имконияти яратиб берилган.

Кенг тар□алган корхона шаклларидан бири хўжалик ўрто□ликлари бўлиб, улар ишонч асосидаги тўли□ ўрто□лик (коммандит ўрто□лиги) кўринишида ташкил □илиниши мумкин.

□онунга асосан иштирокчилари имзоланган шартномалар бўйича тадбиркорлик фаолияти юритувчи □амда уларга тегишли мулк жавобгарлигига эга бўлган ўрто□ликлар - тўли□ ўрто□ликлар □исобланади.

**Коммандит ўрто□лиги** бир нечта фу□аролар ёки □у□у□ий шахсларнинг ўзаро хўжалик фаолияти юритиш ма□садидаги шартномалар асосида бирлашуви натижасида пайдо бўлади.

Жамиятларнинг кўпчилигида капиталлар бирлаштирилган бўлади. Масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилиб, Низом жам□армаси □ужжатларда (Низом ва таъсис шартномаси) белгилаб □ўйилган улушларга бўлинган бўлади.

Бундай жамият муассислари жамиятнинг мажбуриятлари учун жавобгар бўлмайдилар □амда жамият фаолиятида ўзлари киритган улушлар доирасида зарар кўришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасида очи□ ва ёпи□ турдаги □иссадорлик жамиятлари муста□илликка эришилгандан кейин кенг фаолият кўрсатмо□да.

Низом жам□армаси акцияларга та□симланган жамият □иссадорлик жамияти □исобланади. □иссадорлик жамияти аъзолари жамиятнинг

мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар, биро□ ўзларига тегишли бўлган акциялар □иймати доирасида зарар кўришлари мумкин.

□иссадорлик жамиятларининг ижобий жи□атлари □аторига □уйидагилар киради: акциядорлик капиталининг тенг та□симланган, эркин муомаладаги улушлар - акцияларга та□симланиши; акциядорлар жамият мажбуриятлари учун жавобгарлигининг акциялар □иймати □ажмида чекланганлиги; акциядорлик капиталининг □ажми ва аъзолар сонини осонлик билан ўзгартириш имконини берувчи Низом асосида бирлашиш; умумий бош□арув вазфаларининг хўжалик фаолиятини бош□ариш вазифаларидан ало□ида юритилиши ва □оказолар.

И□тисодётимиз олдида турган асосий вазифалардан бири саноат ишлаб чи□аришини жа□он и□тисодиётида ўз ўрнига эга бўлган ра□обатбардош корхоналар ташкил □илиш ма□садидаги тузилмавий □айта □уришдан иборат. Бунинг учун интеграция □амда турли ташкилий-□у□у□ий шаклдаги корхоналарни ва□тинчалик ёки доимий равишда кооперация ёки концентрация асосида бирлаштириш амалга оширилади.

Кооперация жараёнида концерн, консорциум, хўжалик асоциацияси каби ташкилий шакллар ва□тнчалик ёки доимий равишда тузилиши мумкин. Ушбу тузилмавий бирликларининг мо□иятини □ис□ача кўриб чи□амиз.

**Концерн** умумий манфаатларга эга □амда шартномалар, капитал ва □ўшма фаолиятда иштирок этиш билан бо□ли□ бўлган корхоналарнинг йирик бирлашувини акс эттиради.

**Консорциум** компания ва банкларнинг ва□тинчалик бирлашуви натижасида, йирик капитал талаб □илувчи лойи□аларни амалга ошириш ёки мабла□ни биргаликда жойлаштириш ма□садлари учун умумий келишувлар асосида юзага келади. Консорциум буюртмачилар олдидаги мажбуриятлар учун жавобгар □исобланади.

**Хўжалик ассоциацияси** жисмоний ёки □у□у□ий шахсларнинг ўзаро □амкорлик юритиш ма□садида кўнгилли равишда бирлашувини англатади ва унда бирлашувга кирувчи субъектлар ўз муста□иллигини са□лаб □оладилар.

**Корпорациялар** умумий ма□садларга эришиш, □амкорликда фаолият юритиш ма□садида бирлашиб, муста□ил □у□у□ий субъект - □у□у□ий шахсни ташкил □илувчи шахслар йи□индисини тавсифлайди. Кўпинча улар акциядорлик (□иссадорлик) жамиятлари шаклида ташкил □илинади.

Корхоналарнинг концентрация асосида бирлашуви картел, синдикат, холдинг ва молия-саноат гуру□лари кўринишида амалга оширилади.

Ишлаб чи□ариш со□асидаги **картеллар** ишлаб чи□ариш масалалари, нархлар, товарларни сотиш, ишчи кучини ёллаш ва шу каби масалалар бўйича келишувга асосланиб фаолият юритади.

Интеграцининг бу шаклида корхоналар муста□илликни са□лаб □олган □олда кооперация асосида бирлашадилар.

**Синдикат** – тижорат фаолиятини (таъминот, сотиш, нархнинг пайдо бўлиши) □амкорликда ташкил □илишга асоланган бирлашмадир. Синдикат таркибига кирувчи корхоналар □у□у□ий □амда хўжалик юритиш муста□илликларини са□лаб □оладилар.

**Трестлар** ю□ори даражада марказлашганлиги билан ажралиб туради. Унинг таркибига кирувчи корхоналар ишлаб чи□ариш, тижорат ва □у□у□ий муста□илликларини йў□отиб, ягона режа асосида фаолият юритади.

**Холдинглар** иштирокчиларнинг молиявий имкониятларини бирлаштириш ва мувофи□лаштириш □амда ишлаб чи□ариш □увватлари билан ваизифаларни тезкор равишда амалга ошириш имконини берувчи бош□арувнинг самарали шаклини ифодалайди.

Интеграция жараёнларини амалга оширувчи корхоналар □уйидаги ма□садларни кўзлайди:

*   ресурслардан янада самаралиро□ фойдаланишга эришиш;
*   кооперация асосидаги ало□аларини янгилаш ва муста□камлаш;
*   мамлакатдаги корхоналарнинг таш□и бозорга чи□иши;
*   ишлаб чи□аришга инвестицияларнинг янги шаклларини жалб этиш;
*   ички ва таш□и бозордаги ра□обатда муваффа□ият □озониш ма□садида нарх ва сотиш бўйича ягона сиёсат юритиш.

## 2.4. Корхона тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар

□ар бир ишлаб чи□ариш корхонаси ишлаб чи□ариш бўлинмалари, бош□арув органлари ва корхона ходимларига хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан иборат бўлади. Тузилма (структура) тушунчасини корхонанинг таркиби, тузилиши сифатида кўриб чи□иш мумкин. Корхона □анчалик йирик бўлса, унинг ишлаб чи□ариш тузилмаси шунчалик мураккаб бўлади.

Саноат корхоналарининг умумий ва ишлаб чи□ариш тузилмалари мавжуд.

Ишлаб чи□ариш бў□инлари, корхона бош□аруви □амда ходимларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, уларнинг ми□дори, катталиги ва эгаллаб турган майдони, ходимларининг сони ва ишлаб чи□ариш имкониятлари *корхонанинг умумий тузилмасини* ифодалайди.

Ишлаб чи□ариш тузилмасига асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш жараёнлари амалга оширилувчи цех ва участкалар киритилади.

Ишлаб чи□ариш тузилмаси корхона умумий тузилмасининг бир □исмидир. У цех, участка ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар шаклидаги ишлаб чи□ариш бўлинмаларидан иборат бўлади □амда уларнинг ма□сулот ишлаб чи□ариш жараёнидаги ўзаро муносабатларини, ме□нат билан банд бўлган ходимлари сони, асбоб-ускуналари □иймати, эгаллаб турган майдони ва □удудий жойлашувини акс эттиради.

Асосий цехларда ва ишлаб чи□ариш участкаларида ишлаб чи□ариш жараёнининг асосий – хом ашё ва ярим тайёр ма□сулотларни тайёр ма□сулотга айлантириш бос□ичи ёки ма□сулот, ё унинг бир □исмини тайёрлашнинг бир □атор бос□ичлари амалга оширилади (музлаткичлар цехи).

Ёрдамчи цехлар асосий ишлаб чи□аришни асбоб-ускуналар ва энергия билан таъминлайди □амда ускуналарни таъмирлаш (таъмирлаш, ускуналар, модел цехлари ва бош□алар) вазифаларини бажаради.

Хизмат кўрсатувчи цех ва хўжаликлар таркибига корхонанинг инфратузилмасини (омбор ва транспорт бўлинмалари, уй-жой-коммунал хўжалиги, ошхона, санаторий ва □оказо)ташкил □илувчи бўлинмалар киради.

Саноат корхоналари ишлаб чи□ариш тузилмасининг уч хил тури мажуд: ***технологик, предметли ва аралаш.***

Технологик тузилмали корхоналарда цехлар ва ишлаб чи□ариш участкалари технологик жи□атдан бир хиллик тамойили асосида ташкил □илинади (масалан, тў□имачилик комбинатларида йигирув ва тў□ув цехлари).

Предметли тузилмага асосланган корхоналарда □ар бир цех маълум бир ма□сулот ёки унинг бир □исмини ишлаб чи□аради (масалан, автомобиль заводида мотор цехи, шасси цехи ва □оказо).

Аралаш (предметли-технологик) тузилма тайёрлов цехларини технологик тамойилда (темирчилик, чўян □уйиш, пўлат □уйиш ва □оказо), ишлов бериш ва ма□сулот чи□ариш цехларини эса предметли тамойил асосида ташкил этишни кўзда тутади.

Саноат корхонасининг тузилмаси □уйидаги омиллар таъсири остида шаклланади:

* техника ва технологиянинг хусусиятлари;
* ишлаб чи□ариш □ажми;
* ишлаб чи□аришни ташкил □илиш шакллари (ихтисослаштириш, кооперация, комбинация, координация);
* ишлаб чи□арилаётган ма□сулот ва кўрсатилаётган хизматларнинг мураккаблиги ва номенклатураси;
* ишлаб чи□аришни автоматлаштириш, механизациялаштириш ва роботлаштириш даражаси;
* мулк шакли;
* ра□обат олиб бориш усуллари □амда шакллари ва □оказо.

Амалиётда ишлаб чи□ариш тузилмасини мукаммаллаштиришнинг асосий йўналишлари ишлаб чи□илган. Улар □аторига корхона ва цехларни йириклаштириш; ало□ида корхоналар интеграцияси; корхона ичидаги барча бўлинмалар орасида мутаносибликни таъминлаш; цехсиз структура кабиларни киритиш мумкин.

Корхонанинг ра□обатбардошлигини ошириш, яъни бош□арув сифатини кўтариш ва ишлаб чи□ариш фаолиятидаги якуний натижаларнинг ю□орилигига эришиш корхона тузилмасини мукаммаллаштириш самарадорлигини ба□оловчи мезон бўлиб хизмат □илади.

## □ис□ача хулосалар

Ўзбекистон Республикасининг миллий и□тисодиёти ижтимоий ме□нат та□симоти натижасида юзага келган □амда умуми□тисодий □онун ва

□онуниятлар асосида ривожланиб бормо□да. Бугунги кунда и□тисодиётимиз бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлидан бормо□да. Президентимизнинг бешта тамойили асос □илиб олинган бу модел □озирда жа□он мамлакатлари томонидан □ам тан олинди.

Ўзбекистон Республикаси миллий и□тисодиётининг му□им субъекти **корхона** - и□тисодиётнинг бирламчи бў□ини бўлиб, инсон □аёт фаолияти учун зарур бўлган моддий бойликларни ишлаб чи□аришда бевосита □атнашади.

□ар бир корхона ишлаб чи□ариш омилларидан фойдаланиш, уларни истеъмол учун тайёр ма□сулот (иш, хизмат) □олига келтириш йўли билан мамлакат и□тисодиётига ўз □иссасини □ўшади.

Бозор и□тисодиётининг ривожланиш шароитларида мулкдорлар синфининг вужудга келиши ва корхоналарнинг янги ташкилий-□у□у□ий шаклларини ташкил □илиш имконини берувчи □у□у□ий □ужжатлар яратилди.

Корхоналарнинг □ар бири бош□асидан ўзига хос хусусиятларига кўра фар□ланади. Шу сабабли ишлаб чи□ариш ва ме□натни ташкил этиш, режалаштириш, бош□ариш □амда ишлаб чи□ариш тузилмасини яратиш учун корхоналар таснифини билиш зарур.

Исталган бир саноат корхонаси кўплаб бў□инлардан иборат бўлиб, уларнинг таркиби ва тузилиши □амда ўзаро муносабатларини тузилма сифатида кўриб чи□иш мумкин. Корхоналар тузилмасини ўрганиш уларнинг саноат мажмуасида тутган ўрни, роли ва а□амиятини ани□лаш имконини беради.

Ўз навбатида ишлаб чи□ариш тузилмасини лойи□алаштиришда унинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни инобатга олиш му□имдир. Корхона тузилмасини белгилаб берувчи омиллар та□лили уларни мукаммаллаштириш бўйича муайян чора-тадбирлар ишлаб чи□иш имконини яратади.

**Таянч иборалар**

Корхонанинг белгилари, низом жам□армаси, низом, корхона, маъмурий-буйру□бозлик тизими, тузилмавий бўлинмалар, ишлаб-чи□ариш ва техника муносабатларида корхона, ижтимоий муносабатларда корхона, ташкилий-□у□у□ий муносабатлар ва молиявий-и□тисодий муносабатларда корхона, корхонанинг ўзига хос бўлган хусусиятлари, корхоналар фаолиятининг асосий йўналишлари, корхоналар фаолияти вазифалари, корхоналар функциялари, микрофирмалар, кичик корхона, ихтисослашув даражаси, ишлаб чи□ариш жараёнини ташкил этиш усуллари, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чи□ариш, коммандит ўрто□лиги, масъулияти чекланган жамият, концерн, консорциум, хўжалик ассоциацияси, корпорациялар, синдикат, трестлар, холдинглар, тузилма.

**Назорат ва му□окама учун саволлар**

1. Миллий и□тисодиёт тушунчаси ва корхоналарнинг мамлакат хал□ хўжалиги мажмуасидаги роли.

2. Саноат корхоналарига хос бўлган белгилар.
3. Саноат корхоналарининг вазифалари ва бажарадиган ишлари.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тў□рисида”ги □онуни ва унинг мазмуни.
5. Корхонанинг давлат рўйхатидан ўтиш учун □андай □ужжатлар талаб □илинади?
6. Саноат корхоналарининг таснифи.
7. Корхоналарни тавсифлашда ишлатилувчи мезонлар.
8. Корхоналарнинг умумий ва ишлаб чи□ариш тузилмаси тушунчалари.
9. Корхона тузилмасини белгилаб берувчи омиллар.
10. Корхона тузилмасини мукаммаллаштириш йўллари.

## Тавсия этиладиган адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тў□рисида”ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., “Ўзбекистон”, 2004., №3
2. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўса□асида: хавфсизликка та□дид, тара□□иёт шартлари ва кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
3. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.
4. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
5. Основнўе показатели уровня развития малого и среднего предпринимательства в республике Узбекистан за 2002 год. Статистический сборник .-Т.; ТДИУ , 2003. –52 с.
6. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.
7. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
8. В.Д Грибов, В.П. Грузиков Экономика предприятия. Практикум. 3-е изд. перераб. и доп. Учебник М.: ФиС 2004.
9. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
10. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.-223 б.
11. Экономика предприятия Конспект лекций в списках М.: Приор-издат 2003.
12. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.
13. http:/www.harvard. edu
14. http:/www.capitul.ru
15. http:/www.5b. ru

# III МАВЗУ. КОРХОНАНИ ТАШКИЛ □ИЛИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ

3.1. Корхонани ташкил □илиш тамойиллари.
3.2. Таъсис □ужжатлари.
3.3. Корхоналарнинг давлат томонидан рўйхатга олиниши.
3.4. Корхоналарни тугатиш ва □айта ташкил □илиш.

## 3.1. Корхонани ташкил □илиш тамойиллари

И□тисодиётнинг жадал ривожланиши ва ишлаб чи□ариш кучларининг ўсиши фаолият юритаётган корхоналардан таш□ари, янги корхоналарни ташкил □илиш ва ишга туширишга таянади. Бундай □адам и□тисодий жи□атдан ма□булликка, ресурслар имконияти ва корхона ма□сулотларига бўлган талабга асосланади. Бирон-бир ма□сулотнинг та□чиллиги ёки умуман йў□ бўлиши □ам, янги корхона ёки ишлаб чи□аришни ташкил □илишга сабаб бўлиши мумкин.

Янги корхонани ташкил □илиш □уйидаги ташкилий тамойиллар асосида амалга оширилади:

– корхонани ташкил □илиш фикрининг пайдо бўлиши;
– корхона муассисларини танлаш;
– таклиф □илинаётган ма□сулотга бозордаги талабни ўрганиш;
– корхона Низом жам□армасини тузиш учун молия манбаларини ани□лаш;
– корхонанинг таъсис □ужжатлари ва бизнес-режасини тайёрлаш;
– давлат рўйхатидан ўтиш;
– му□р, штамп ва бош□а реквизитларни тайёрлаш;
– соли□ идораларида рўйхатдан ўтиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тў□рисида”ги □онунига асосан, корхоналар мулк эгаси (эгалари) ёки у (улар) тайинлаган вакиллик органи, ме□нат жамоаи ёки муассислар гуру□ининг □арори бўйича белгиланган □онун-□оидаларга асосан ташкил □илиниши мумкин.

Шунингдек, корхоналар агар корхона мулки эгаси ёки у тайинлаган вакиллик органининг розилиги бўлса, фаолият юритаётган корхона таркибидан бир ёки бир нечта таркибий бўлинмаларни, ушбу бўлинмаларнинг ме□нат жамоалари ташаббусига кўра, ажратиб чи□ариш натижасида □ам ташкил топиши мумкин.

Корхона жорий ва □исоб-китоб ра□амлари очиш ва улар тў□рисидаги □олатларни тасди□лаш □у□у□ига эга бўлган, муста□ил □у□у□ий шахс ма□омидаги шўъба корхоналари, филиаллар, ваколатхоналар, бўлим ва бош□а ташкилий бўлинмаларни ташкил □илиши мумкин.

Корхона □онун □ужжатларида белгилаб □ўйилган тартибда махсус давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб ташкил □илинган □исобланади ва □у□у□ий шахс ма□омига эга бўлади.

Корхонани ташкил □илишдан таш□ари, унинг молиявий бар□арорлиги ва самарали фаолиятини таъминлаш, бозор муносабатлари ва ра□обатчилик шароитларида жуда му□имдир. Амалиётдан кўриниб турибдики, бу

□оидаларга риоя □илмаслик натижасида корхонани ташкил □илишга кетган барча саъй-□аракатлар ўзини о□ламайди □амда ижтимоий ишлаб чи□ариш ривожланишининг микро ва макрои□тисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Яъни молиявий жи□атдан бар□арор бўлмаган корхоналар энди ташкил □илинган ёки фаолият юритаётганлигидан □атъи назар, банкрот корхоналар □исобланади.

Янги корхона ташкил □илишдан асосан □уйидаги ма□садлар кўзланади:

- истеъмолчилар талаб □илаётган ма□сулот ишлаб чи□аришни кўпайтириш ва уни сотишдан фойда (даромад) олиш;
- ишлаб чи□аришга иш билан банд бўлмаган а□олини жалб □илиш ва шу ор□али иш билан таъминлашдаги ижтимоий муаммоларни □ал □илиш;
- ишлаб чи□аришга мавжуд □ушимча ресурсларни жалб □илиш;
- фан-техника юту□ларидан фойдаланган □олда янги саноат ма□сулотларини ишлаб чи□ариш;
- якка тарзда ёки □амкорликда фаолият юритиш учун кичик корхона (ўрто□чилик каби) ташкил □илувчи ало□ида фу□аролар ёки шахслар гуру□и аъзоларининг ша□сий э□тиёжларини □ондириш;
- ишлаб чи□аришни муста□камлаш ва ривожлантириш □амда бозор му□итини кенгайтириш.

## 3.2. Таъсис □ужжатлари

Таъсис □ужжатларини тайёрлаш корхонани ташкил этиш ва кейинги фаолият юритиш жараёнидаги му□им бос□ичларидан бири □исобланади. Таъсис □ужжатлари фаолият юритувчи корхоналарнинг □у□у□ ва мажбуриятларини □амда шароитларини ифодалайди.

Корхоналар фаолиятини тартибга солувчи □онун □ужжатларида икки хил таъсис □ужжатлари белгилаб берилган:

***корхона Низоми;***

***Таъсис шартномаси.***

Амалиётда корхона фа□ат Низом ёки фа□ат таъсис шартномаси асосида, шунингдек, бир ва□тнинг ўзида Низом ва таъсис шартномасига асосан фаолият юритиш □оллари мавжуд.

Шуни □айд □илиб ўтиш керакки, корхонанинг (□у□у□ий шахснинг) таъсис шартномаси келишув асосида тузилади, Низом эса муассис (муассислар) томонидан тасди□ланади. Битта таъсисчи томонидан тузилган □у□у□ий шахс шу таъсисчи томонидан тасди□ланган Низом асосида фаолият юритади.

***Корхона Низоми*** асосий таъсис □ужжати бўлиб, унда корхонанинг ташкилий-□у□у□ий шакли, номи ва манзилго□и, Низом жам□армасининг ми□дори, даромадларининг таркиби ва та□симланиш тартиби □амда корхона фондларини ташкил □илиш тартиби, корхонани тугатиш ва □айта ташкил □илиш тартиби кўрсатилиши шарт. Бош□ача □илиб айтганда, корхона Низоми унинг □у□у□ий ма□омини, □у□у□ ва мажбуриятиларини белгилаб беради.

Низомда шунингдек, корхона фаолият кўрсатувчи со□а ва тармо□, атроф-му□ит ва одамлар со□ли□ини му□офаза □илиш кафолати, бош□арув шакли, □исобга олиш ва □исобот тизими □ам акс эттирилиши лозим.

Корхона тў□ри ва тўли□ тайёрланган Низом асосида ма□аллий □окимият органларида рўйхатга олинади, кейин эса ўз му□рига эга бўлиш ва банкда □исоб ра□ами очиш □у□у□ини □ўлга киритади. Ўз му□ри ва □исоб ра□амига эга бўлмаган корхона, □у□у□ий шахс □исобланмайди ва муста□ил корхоналар □аторига киритилмайди.

***Таъсис шартномаси*** корхонанинг ташкил □илиниши ва якка тарзда ёки □амкорликдаги фаолиятнинг бошланишини тавсифловчи □ужжатдир. У шунингдек, ташкил этилаётган корхонанинг Низомини тўлдирувчи □ужжат □ам □исобланади. Таъсис шартномасида корхонани ташкил □илиш тартиби, даромад ва харажатларни □атнашчилар ўртасида та□симлаш шартлари, корхона ташкилотчилари (муассислар) таркибидан чи□иш шартлари белгилаб □ўйилади.

Таъсис шартномаси асосида кўпинча кичик корхоналар, хўжалик ўрто□ликлари ва шу каби субъектлар фаолият юритади. Масалан, ўрто□лик ёки корхонанинг таъсис шартномасида бош□арув фа□ат барча иштирокчиларнинг розилиги билангина эмас, балки □арор кўпчилик овоз билан □абул □илиниши мумкинлиги □ам белгилаб □ўйилиши мумкин. Биро□ таъсис шартномасида иштирокчилар овозини ани□лашнинг бош□а тартиби □ам кўрсатиб ўтилиши мумкин. Тўли□ ўрто□чилик корхоналарининг даромад ва харажатлари агар шартномада бош□а тартиб кўрсатилмаган бўлса, иштирокчилар ўртасида уларнинг умумий капиталдаги улушига мос равишда та□симланади.

Корхона мулкини шакллантириш ва ундан фойдаланиш Низом ва Таъсис шартномасининг му□им □исми □исобланади. "Корхоналар тў□рисида" ги □онунга асосан □уйидагилар корхона мулкини шакллантиришнинг манбалари □исобланади:

- муассисларнинг пул ва моддий кўринишдаги бадаллари;
- ма□сулот (иш, хизмат) сотишдан ва бош□а турдаги фаолиятдан олинган даромадлар;
- □имматба□о □о□озлардан олинган даромадлар;
- банклар ва бош□а кредиторлардан олинган кредитлар;
- бюджетдан олинувчи мабла□лар (дотация), капитал □ўйилмалар;
- корхона, ташкилот ва фу□ароларнинг бе□араз ва хайрия бадаллари, шунингдек, алмашиш, мерос ва сов□а тари□асида олинувчи мулк;
- □онун билан та□и□ланмаган бош□а манбалар.

Давлат корхоналарнинг мулкий □у□у□ларини кафолатлайди. Давлатнинг корхоналар мулкини (асосий фондлар, айланма мабла□лар ва □оказо) тортиб олишига йўл □ўйилмайди, □онунчиликда кўзда тутилган □оллар бундан мустасно.

### 3.3. Корхоналарнинг давлат томонидан рўйхатга олиниши

Ю□орида айтиб ўтилганидек, корхона жойлашган манзилго□и бўйича давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб ташкил □илинган □исобланади. Бу вазифани асосан □окимиятлар бажариб, улар корхонани рўйхатга олиш тў□рисидаги малумотларни 10 кун мобайнида Молия Вазирлигига ягона давлат реестрига киритиш учун та□дим этишлари шарт.

Давлат рўйхатидан ўтиш учун корхонани ташкил □илиш тў□рисидаги □арор, корхона Низоми (таъсис шартномаси) ва Вазирлар Ма□камаси томонидан белгилаб берилувчи рўйхатдаги бош□а □ужжатлар та□дим этилади.

Корхонани давлат томонидан рўйхатга олиш зарур □ужжатлар илова □илинган ариза берилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида амалга оширилиш лозим. Корхоналарни рўйхатга олишдан, уларни ташкил □илиш ма□садга мувофи□ эмас, деган сабаб билан бош тортишга йўл □ўйилмайди.

Агар корхонани рўйхатга олиш ўз ва□тида амалга оширилмаса ёки таъсисчи рўйхатга олинмаслик сабабларини асоссиз деб □исоблаган та□дирда таъсисчи судга мурожаат □илиши мумкин. Корхонани рўйхатга олишдан асоссиз равишда бош тортиш ма□аллий □окимият органларининг моддий жавобгарликка тортилишига олиб келиши мумкин.

Корхонани рўйхатга олиш учун □уйидаги ***□ужжатлар*** талаб □иланади:

1. Корхонани рўйхатга олиш тў□рисидаги ариза.
2. Таъсис шартномаси ёки корхонани ташкил □илиш тў□рисидаги □арор.
3. Корхона Низоми.
4. Таъсис шартномаси ёки корхонани ташкил □илиш тў□рисидаги □арорда кўрсатилган Низом жам□армасининг камида 50% ми□доридаги □исми тўланганлигини тасди□ловчи □ужжатлар.
5. Давлат божини тўлаганлик □а□ида гуво□нома.
6. Монополияга □арши муассасанинг корхонани ташкил □илишга розилигини тасди□ловчи □ужжат.
7. Давлат мулкини бош□ариш ва тадбиркорликни □ўллаб-□уватлаш □ўмитаси ёки унинг □уйи идоралари розилиги □а□идаги □ужжат.

Рўйхатга олиш корхонага келиб тушувчи □ужжатларни □айд □илиш китобида тартиб ра□ами бериш ор□али амалга оширилади. Кўрсатилган жараёнлар амалга оширилгач, корхона жойлашган манзилго□и бўйича соли□ идораларида □исобда туриши ва буни тасди□ловчи □ужжат олиши □амда банкда □исоб ра□ами очиши мумкин.

## 3.4. Корхонани тугатиш ва □айта ташкил □илиш

Корхона фаолиятини тўхтатиш уни тугатиш ёки □айта ташкил □илиш шаклида амалга оширилиши мумкин. Ишлаб чи□аришнинг бар□арор эмаслиги, молиявий □ийинчиликлар, сурункали зарар кўриш ва тўлов □обилиятининг йў□олишини корхоналарни тугатиш ёки □айта ташкил □илишга асосий сабаб □илиб кўрсатиш мумкин.

Корхонани ***□айта ташкил □илиш*** – бу, унинг бирлашиб кетиши, □ўшилиши, бўлиниши, ажралиб чи□иш ва шаклини ўзгартириши дегани.

Корхонани □айта ташкил □илиш таъсисчи (таъсисчилар) ёки корхона бош□аруви □арорига мувофи□ амалга оширилади. □айта ташкил □илиш корхонанинг ишлаб чи□ариш кўрсаткичлари, молиявий ва и□тисодий кўрсаткичлари аввалгига нисбатан яхшиланишига хизмат □илиши лозим.

Корхонани ***тугатиш*** □у□у□ий хатти-□аракат бўлиб, ишлаб чи□ариш ва хўжалик юритиш фаолиятининг тўхтатилишини англатади. Корхона тугатилганда у давлат рўйхатидан чи□арилади, унинг банкдаги □исоб ра□ами ёпилади □амда му□р, штамп ва бош□а реквизитлари □а□и□ий эмас деб □исобланади.

Корхонани тугатишга □уйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

* ишлаб чи□арилаётган ма□сулот(иш, хизмат)га бўлган талабнинг пасайиб кетиши ёки умуман йў□олиши;
* ишлаб чи□аришнинг зарар келтириши;
* ишлаб чи□аришниннг атроф-му□ит □амда а□оли □аётига хавф ту□дириши;
* корхонанинг бино ва иншоотлари, асбоб-ускуналари ва бош□а воситаларидан и□тисодий жи□атдан унумлиро□, янада сифатли ва истеъмолчилар талабига жавоб берувчи ма□сулотлар ишлаб чи□аришда фойдаланиш имкониятининг юзага келиши.

Корхонани тугатишда тугатиш комиссияси тузилиб, унга кредиторларга корхона тугатилганини хабар □илиш, кредиторларни ани□лаш ва дебиторлик □арзини ундириш чораларини кўриш, шунингдек, корхонанинг тугатилиши сабабли ишсиз □олган ходимлар иш билан таъминланишига ёрдамлашиш вазифаси юкланади. Корхонани тугатиш жараёнида орали□ тугатиш баланси тузилиб, унга тугатилаётган корхонанинг мулки, кредиторларнинг талаблари ва уларни кўриб чи□иш натижалари рўйхати киритилиши лозим. Ушбу баланс корхонанинг таъсисчиси (таъсисчилари) ёки корхонани тугатиш тў□рисида □арор чи□арган идора томонидан тасди□ланади. Тугатиш комиссияси унинг айби билан келтирилган зарар учун жавобгар □исобланади.

## □ис□ача хулосалар

Корхоналарни ташкил □илиш ва тугатиш бозор муносабатлари шароитларида одатий ва □онуний □олдир. Корхонани ташкил □илиш ишлаб чи□аришни кенгайтириш ва бирон-бир ма□сулотга бўлган талабнинг ортиши натижасида юзага келса, корхоналарни тугатиш эса талабнинг мавжуд эмаслиги □амда банкротликка бо□ли□ бўлади.

Корхоналарни ташкил □илгандан сўнг уларни келажакда самарали фаолият юритишини □ам таъминлаш зарур. Шу сабабли бирон-бир корхонани ташкил □илиш асосланган бўлиши ва илмий тамойилларга таяниши лозим.

Корхоналар ташкил □илинишини тартибга солувчи асосий □ужжатлар бу корхона Низоми ва таъсис шартномаси бўлиб, баъзи □олларда корхоналар кўрсатилган □ужжатларнинг биттаси асосида □ам фаолият юритиши мумкин.

Корхонани ташкил □илиш жараёни бош□арув органларида рўйхатга олиш билан бо□ли□дир. □онунчилик томонидан корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказишнинг □атъий белгиланган муддатлари мавжуд.

Корхонани тугатиш □у□у□ий хатти-□аракат бўлиб, ишлаб чи□ариш ва хўжалик юритиш фаолиятининг тўхтатилишини англатади. Бунга асосий сабаб □илиб корхонанинг тўлов □обилиятини йў□отишини кўрсатиш мумкин.

Санация давлат, банк ёки бош□а муассаса томонидан банкрот бўлишнинг олдини олиш ва ра□обатбардошлик даражасини ошириш ма□садида корхоналарнинг молиявий а□волини яхшилашни англатади.

Санация корхоналарнинг шартнома ва бош□а мажбуриятларини бузишнинг олдини олишга □аратилган и□тисодий ва молиявий чора-тадбирлар тизимидир.

**Таянч иборалар**

ташкил □илиш тамойиллари, корхона мулки эгаси, шўъба корхоналари, филиаллар, ваколатхоналар, □у□у□ий шахс ма□оми, корхона Низоми, таъсис шартномаси, корхона мулкини шакллантириш, корхоналарнинг давлат томонидан рўйхатга олиниши, рўйхатга олиш учун □ужжатлар, корхонани □айта ташкил □илиш, корхонани тугатиш, тугатиш комиссияси.

**Назорат ва му□окама учун саволлар**

1.Янги корхоналарни ташкил □илиш асосида нима ётади?
2.□айси омиллар янги корхона ташкил □илиш заруриятини асослаб беради?
3.Янги корхоналарни ташкил □илишдан ма□сад нима?
4.Корхона ташкил □илишнинг асосий тамойилларини санаб ўтинг.
5.Корхона □ачондан бошлаб ташкил □илинган деб □исобланиши мумкин?
6.Корхона Низоми нимани англатади?
7.Таъсис шартномаси нимани англатади?
8.«Тинчлик келишуви» нима дегани?
9.Корхонани тугатишга нима сабаб бўлади?
10.Корхонани □айта ташкил □илишдан ма□сад нима ва у □андай амалга оширилади?
11.Корхона банкротлигининг асосий сабабларини санаб ўтинг.
12.Корхонани молиявий жи□атдан со□ломлаштириш нимани англатади?

**Тавсия этиладиган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тў□рисида”ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., “Ўзбекистон”, 2004, №3.
2. И.А. Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., “Ўзбекистон”, 1993.
3. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.
4. Экономика предприятия. Учебник для ВУЗов. 3-е издание /Под. ред. В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара. - М.: Юнити-Дана, 2003.
5. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□улл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.

6. Акромов Э.А  Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.-223 б.

7. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.

8. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.

9. О.И. Волков, Экономика предприятия, Учебник. М., "ИНФРА-М", 2000.

10. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.

11. Экономика предприятия Конспект лекций в списках М.: Приор-издат 2003.

12. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфиннелия, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.

13. Экономика предприятия Конспект лекций М.: Изд-во ПРИОР 2002.

14. «Экономика фирмў и отраслевўх рўнков» // Программа М.: Экономический факультет МГУ,ТЕИС 2000.

15. Сергеев И.В Экономика предприятия. 2-е изд. пераб. и доп. Учебное посбие М.: ФиС 2004.

16. http:/www.harvard. edu

17. http:/www.capitul.ru

18. http:/www.5b. ru

19. http:/www.audit - center. ru

# IV МАВЗУ. КОРХОНАНИ БОШ□АРИШ

4.1. Бош□арув замонавий корхоналар фаолиятида объектив зарурият сифатида.
4.2. Бозор муносабатлари шароитларида корхонани бош□аришнинг тамойиллари ма□сад ва вазифалари.
4.3. Бош□арувнинг ташкилий тузилмалари ва функциялари.
4.4. Корхонани бош□аришнинг ўзига хос хусусиятлари.
4.5. Корхонани бош□аришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

## 4.1. Бош□арув замонавий корхоналар фаолиятида объектив зарурият сифатида

Бош□арув жамият муносабатларининг му□им кўрсаткичи сифатида жамият □аётининг барча жаб□аларига тегишлидир. У инсоннинг жамиятдаги мо□ияти, ме□нати та□симоти, кооперация ва муомала зарурати, и□тисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатлардан келиб чи□ади. Бош□арувсиз табиатни ўзгартириш, ме□нат □уроллари ва предметларини ягона ишлаб чи□ариш жараёнида бирлаштиришга йўналтирилган фаолият юритишнинг иложи йў□. Бош□ача □илиб айтганда, бош□арув ишлаб чи□аришнинг барча □атнашчилари ва элементлари ўртасида келишувни йўлга □ўйиб, юзага келган муносабатларнинг мазмуни ва меъёрини тартибга солади □амда ресурслардан фойдаланишнинг самарали йўлларини топишга ўз □иссасини □ўшади.

Бош□арувнинг мо□ияти ва объектив заруриятини янада осонро□ ва тезро□ тушуниш учун адабиётда маш□ур бўлган мисол - оркестр ва дирижерга мурожаат □илиш лозим. Оркестр ва дирижернинг ўзаро ало□асини ил□аб олиш учун муси□ий □обилият талаб □илинмайди.

Концерт томошаларида бўлган □ар бир киши дирижернинг са□нада пайдо бўлиш чо□ини кўрган, албатта. Оркестр томон ўгирилгач, дирижер таё□часини кўтаради ва муси□ачилар муси□а чалишни бошлайдилар. Шунга ўхшаш □олат бош□арувда □ам рўй беради - йўлга □ўйилган ташкилотчилик тизими бош□арув командалари асосида ишлайди.

Бундан келиб чи□□ан □олда ***бош□арув*** - ижтимоий ме□нат жараёнига ишлаб чи□ариш ривожланишининг объектив □онунлари асосида йўналтирилган тарзда таъсир ўтказиш тизими, □ар бир ишчининг ва бутун жамоанинг ме□натини бир ва□тнинг ўзида назорат □илиш, мотивация ва тартибга солиш усулидир. Моддий бойликлар ва неъматлар □амда уларга тенглаштирилган □адриятларни та□симлаш, истеъмол □илиш ва айирбошлаш □ам бош□арувни талаб □илади.

□озирги пайтда, и□тисодий ва илмий-техник ўзгаришлар даврида бош□арув усуллари, тамойиллари ва техникасида сезиларли ўзгаришлар рўй бермо□да. Бош□арув ало□ида тизим сифатида тобора кўпро□ тажриба алмашиш со□аси, реклама, ишлаб чи□ариш вазифаларини тезкор □ал □илиш воситаси бўлиб бормо□да. Бунга эса бош□арувни профессионаллаштириш, бизнес ва тадбиркорлик мактаблари □амда

масла□ат марказларининг очилиши сабаб бўлмо□да. Маъмурий-буйру□бозлик тизими борган сари хўжалик юритишнинг и□тисодий усулларига асосланган бош□арув тизимига ўрнини бўшатиб бермо□да.

Бош□арувга ёндашишдаги замонавий усулларнинг му□им а□амияти инсон омилини фаоллаштириш, ўз-ўзини бош□ариш ва ташаббускорликни ривожлантириш, бозор и□тисодиёти талабларига жавоб берувчи янги ташкилий тузилмаларни яратишда намоён бўлади. Маълумки, ўз корхонаси ёки цехида, ўз иш ёки хизмат жойининг "хўжайини" бўлмай туриб и□тисодиётнинг □ар томонлама ривожланишини талаб □илиб бўлмайди. Инсоният □аётида шу нарса исботлаб берилганки, моддий тўкин-сочинлик ўзидан-ўзи пайдо бўлмайди, уни ме□нат фаолияти ва о□илона бош□арув ёрдамида юзага келтириш мумин. Бу □олатни ани□ тушуниш ва унга тў□ри ба□о бериш замонавий менеджментни бош□арув тў□рисидаги фан сифатида □абул □илишни асослаб беради.

Ме□нат та□симоти ва унинг ижтимоий тавсифини кучайтиришда бош□арувни, муста□ил фаолият шаклида ало□ида ажратиб кўрсатиш мумкин. Бундан корхоналар ва хал□ хўжалиги ми□ёсида махсус бош□арув тизимларининг вужудга келиши ва фаолият юритишига объектив зарурият келиб чи□ади. Бундай тизим ўзининг горизонтал ва вертикал ало□алари билан бирга фан-техника тара□□иёти ва ишлаб чи□ариш кучларининг ривожланиши, шунингдек, сиёсий кайфиятлар ва ишлаб чи□ариш муносабатларидаги ўзгаришлар таъсири остида доимий □аракатда ва янгиланишда бўлади. Шу сабабли, бош□арувни ба□олаш ва та□лил □илиш жараёнида, биз хал□ хўжалиги ривожланишининг □ар бир тарихий бос□ичида шаклланувчи бош□арув тизимини ўрганамиз.

**Бош□арув тизими** деганда нимани тушуниш лозим? Агар жамиятнинг бутун и□тисодий тизимини оладиган бўлсак, унинг таркибига кирувчи кўплаб кичик тизимларни - тармо□лар, корхоналар, бирлашмалар ва □оказоларни кўришимиз мумкин. Уларнинг □ар бирини икки жи□атидан: муста□ил фаолият юритиш ну□таи назаридан ёки бутун бирликнинг таркибий □исми сифатида кўриб чи□иш мумкин. Масалан, корхона (фирма) муста□ил бош□арув тизими ёки тармо□нинг (ишлаб чи□аришнинг) бўлинмаси, бў□ини сифатида фаолият юритиши мумкин. Бунга бо□ли□ бўлган □олда бош□арувнинг ташкилий тузилмаси, унинг вазифалари ва функциялари шакллантирилади

Амалиётда шу нарса исбот □илинганки, бош□арувнинг жуда □ам йирик ташкилий структураси бозор и□тисодиётида ма□садга мувофи□ бўлмайди. У кутилган натижаларни бермасликдан таш□ари, бош□арув □арорларини бажаришда муаммоларнинг юзага келишига, бош□арувнинг якуний ма□садини орали□ вазифалар билан алмашиб кетиш хавфи кучайишига олиб келади.

Ўзаро ало□ада ва маълум жи□атдан бир-бирига бўйсинувчи бўлган бош□арув **объектлари** ва **субъектлари** фаолиятнинг ало□ида кўриниши сифатида бош□арувнинг му□им элементлари □исобланади. Бу ало□ани □уйидаги тарзда чизма ёрдамида кўрсатиш мумкин:




*4.1.-чизма. Бош□арув объекти ва субъектининг ўзаро ало□аси.*

Корхонада бош□арувнинг таъсири **бош□арув объектига** йўналтирилган бўлиб, ишлаб чи□ариш ва хўжалик юритиш жараёнлари, ишаб чи□ариш ускуналарини эксплуатация □илиш, турли ми□ёсдаги ме□нат кооперацияси ва □оказолар **бош□арув объекти** бўлиши мумкин. **Бош□арув субъекти** эса □оидага кўра, **корхона ра□бари** ёки бош□арув объектларини ма□садли равишда бош□аришни амалга оширувчи **хизмат ра□барларидир**. Агар ю□орида келтирилган мисолга □айтадиган бўлсак, оркестр, бу – бош□арув объекти, дирижер эса, бош□арув субъектидир.

Бош□арув объектлари ва субъектлари доимо ўзаро ало□ада бўлиб, бунда асосий ўрин бош□арув объектига, яъни бош□арувчи тизимга ажратилади. Бош□арув объектининг мазмуни, унда юз бераётган ўзгаришлар бош□арув субъекти вазифалари ва □аракатларини белгилаб беради. Бу эса бош□арув шакллари ва усулларини мукаммаллаштиришда акс этади. Албатта, бу бош□арув субъектларининг пассивлигини англатмайди, аксинча, бош□арув тизимининг бўлимлари шу бош□арув тизимининг энг фаол □исмини ташкил этади ва тавсифлайди. Айнан бош□арув субъекти ишлаб чи□ариш ресурслари ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш сиёсатини белгилайди, ишлаб чи□ариш воситаларининг ишчи кучи билан бирлашувига кўмаклашади. Яъни корхонанинг ***нима, □ачон, □аерда, кимга ишлаб чи□ариш*** билан бо□ли□ бўлган сиёсати, биринчи ўринда бош□арув субъекти томонидан □ал □илинади. Шу сабабли, бош□арув объектлари ва субъектлари орасидаги ало□а, жумладан, уларнинг ички ташкил □илиниши □анчалик муста□кам бўлса, бир хил шароитларда ишлаб чи□ариш □амда бош□арув тизимининг самарадорлиги шунчалик ю□ори бўлади.

Бош□арув фаолияти - бош□арувчи шахс ёки орган томонидан бош□арув амалларини бевосита ва билвосита командалар (буйру□, тавсия ва кўрсатмалар) шаклида ишлаб чи□иш ва амалга оширишдир. Бош□арув амаллари ишлаб чи□ариш жараёнининг якунланиши учун моддий шарт-шароит вазифасини бажаради. Айтиш мумкинки, бош□арув амаллари бош□арув фаолияти ва натижалари ўртасидаги бо□ловчи бў□ин бўлиб хизмат □илади.

Фаолиятнинг ушбу тури а□амияти, айнан бош□арув □арорларини □абул □илиш жараёнида корхонанинг жорий ва исти□болдаги сиёсати шаклланишида намоён бўлади. Шу жи□атдан кадрларни тў□ри танлаш ва жойлаштириш, уларнинг малакаси, ўзларига юклатилган вазифаларни тў□ри тушунишлари □ам му□им а□амиятга эгадир. Амалиёт шуни кўрсатадики,

□озирги бош□арувчилар учун яхши му□андис, технолог, конструктор бўлишнинг ўзигина камлик □илиб, ишлаб чи□ариш и□тисодиёти, бизнес-стратегия, маркетинг, хўжалик □у□у□и ва шу кабиларни билиш □ам му□им а□амият касб этади. Фа□ат ушбу билимлар мажмуасига ва бой ме□нат тажрибасига эга бўлган та□дирдагина бош□арувчилар бозор и□тисодёти вазифаларини муваффа□иятли равишда бажаришлари мумкин.

Шуни □ам эътиборга олиш керакки, бош□арув фаолияти бош□арув аппарати (органи) тушунчасига □араганда кенг тал□ин □илинади. Бош□арув фаолияти таркибига жамоатчилик ташкилотларидаги фаолият, иш жойларида ижодий ташаббускорликнинг юзага келиши □амда ишлаб чи□аришда банд бўлган ходимларнинг таклиф ва масла□атларини □ам киритиш мумкин. Бу эса бош□арув фаолиятини, **бевосита бош□арув** (корхона бош□арув аппаратининг фаолияти) ва **ўзини-ўзи бош□ариш** (бош□арув фаолиятининг жамоатчилик шакли) турларига ажратилган □олда таснифлаш имконини яратади. Фаолиятнинг иккала тури □ам амалда биргаликда юритилиб, уларнинг ўзаро ало□алари ишлаб чи□аришни бош□аришнинг самарадорилигини оширишда му□им а□амият касб этади.

Ишлаб чи□аришнинг, жумладан, бош□арув фолиятининг ўзининг самарадорлигини оширишда, ишлаб чи□аришнинг алло□ида элементлари ва бў□инлари ўртасида юзага келувчи **бош□арув муносабатлари** му□им ўрин эгаллайди. Бу ерда бош□арув органи (субъекти) ёки бош□арувчи шахс томонидан бош□арилув органига нисбатан таъсир кўрсатишнинг ўзигина камлик □илади. Бош□арилаётган объектдан бош□арув объектига жавоб тари□асида тескари ало□а □ам бўлиши зарур. Агар бунда тескари ало□а бўлмаса ёки бош□арув органи томонидан □абул □илинмаса, бош□арилаётган объект назорат остидан чи□иши □амда бош□арилмайдиган объектга айланиши мумкин.

Бу вазифа амалда бош□арувнинг □ар бир элементи ёки бў□ини томонидан маълум бир вазифани бажаришни кўзда тутувчи бир-бирига бўйсинувчанлик тизими ёрдамида бажарилади. Яъни гап корхона директори, бош му□андиси ва бош□алардан, то цех бошли□лари ва бош□а ишлаб чи□ариш бўлинмаларининг бошли□ларигача - корхонанинг бош□арувчилари ёки махсус хизматларига юклатилувчи функционал вазифалар □а□ида бормо□да. Муносабатларнинг бундай кўринишдаги бир-бирига бўйсинувчанлиги бош□арув тизимининг самарали тарзда фаолият юритиши учун му□им шарт □исобланади.

Шу тари□а, **бош□арув тизими** ишлаб чи□ариш самарадорлигига эришиш ва корхонанинг и□тисодий сало□иятини муста□камлашда му□им омиллардан бири бўлиб хизмат □илади. Шу билан бир пайтда ишлаб чи□ариш самарадорлигининг ўсиш суръати, □абул □илинган ёки амалга оширилаётган бош□арув тизими прогрессивлигининг ўлчови хизматини □ам ўтайди. Бундан келиб чи□□ан □олда, □ўйилган ма□садга □ис□а муддатда ва ишлаб чи□ариш ресурсларидан унумли фойдаланган □олда я□инлашиш даражасини корхонани бош□ариш самарадорлигининг бевосита мезони сифатида кўрсатиш мумкин. Бугунги бозор муносабатлари шароитида бош□арув тизими биринчи ўринда корхонанинг бар□арорлигини

таъминлаши, хўжалик таваккалчилигини камайтириши, сифатли ва ра□обатбардош ма□сулот ишлаб чи□аришга кўмаклашиши зарур. Шунингдек, у ходимларнинг ўз ме□натлари натижасига □изи□иш даражаси ортишига, ишлаб чи□ариш билан бо□ли□ бўлмаган харажатлар ва йў□отишларга йўл □ўймасликка □амда ме□нат ва ишлаб чи□ариш интизомини муста□камлашга хизмат □илиши лозим.

Корхона ёпи□ тизим бўлмаганлиги сабабли, бош□арув тизимига корхонада юзага келувчи ички му□итдан таш□ари, таш□и му□ит, аввало, а□олининг турмуш тарзи, жамият □урилмаси, давлат сиёсати ва □оказолар таъсир кўрсатиши мумкин. Биро□ □ар □андай □олда □ам бош□арув тизими, хўжалик □аётининг замонавий талаблари ва корхонанинг ра□обатчилик му□итидаги бар□арорлигига жавоб бериши лозим.

## 4.2. Бозор муносабатлари шароитларида корхонани бош□аришнинг тамойиллари, ма□сад ва вазифалари

Корхонани бош□аришда самарадорликка эришиш учун, аввало, бош□арувнинг ма□садлари, шунингдек, воситалари ва унга эришиш усулларини ани□ белгилаб олиш зарур. Шу билан бир пайтда бош□арув ма□садлари тушунарли бўлишдан таш□ари, улар барча бажарувчилар томонидан амалга оширилишига □ам эътибор бериш лозим. Тў□ри □ўйилган ма□сад корхона ра□барининг, шунингдек, бутун жамоа ва □ар бир ходимнинг манфаатларини ифодалайди. Бундай натижага ма□сад корхонанинг жорий ва исти□болдаги ривожланиши бўйича вазифалар мажмуасининг бир бўлагига айланган □олда эришиш мумкин. Бундай ёндашув, ишлаб чи□ариш ма□садининг ишлаб чи□аришни бош□ариш билан мослашувини таъминловчи энг □ис□а йўлга олиб келади. Бундай мослашув эса, бош□арувнинг □ам тизим сифатида, □ам ало□ида фаолият тури сифатида ма□садга мувофи□лигидан дарак беради.

Деярли □ар бир корхонанинг ма□сад ва вазифалари бугунги кунда “Корхоналар тў□рисида”ги □онунда белгилаб берилган ва шу □онун асосида тартибга солиб турилади. Ю□ори сифатли ва ра□ботбардош ма□сулотларни энг кам харажатлар асосида ишлаб чи□ариш энг кўп даромад олишни таъминлаб, ин□ирозга учрашдан са□лайди □амда □ар бир корхонанинг асосий вазифаси □исобланади. Бош□арувнинг барча вазифалари ушбу ма□сад амалга ошишига хизмат □илиши лозим. Бош□арувнинг самарадорлигига кўп жи□атдан корхона олдига □ўйилган ма□садлар ва бажарилувчи вазифаларнинг ўзаро муносабатлари ёрдамида эришилади.

Корхонани **бош□аришнинг ма□садларини** □уйидаги турларга бўлиб таснифлашимиз мумкин:

* амалга ошириш муддатига кўра - жорий ва исти□болли;
* а□амият даражасига кўра - асосий (стратегик) ва иккинчи даражали (тактик);
* бош□арув объектига муносабатига кўра - хусусий ва умумий;
* натижага эришиш даражасига кўра - якуний ва орали□ ёки бос□ичли.

Бош□арув жараёнида жорий ма□садларни исти□болдаги ма□садларга, хусусий ма□садларни умумий ма□садларга, орали□ ма□садларни якуний

ма□садларга мос келиши ва бўйсинишини таъминлаш зарур. Асосий ма□садларни амалга оширишга кўпро□ эътибор □аратиш керак. Корхона ёки унга тенглаштирилган хўжалик субъектларини бош□ариш фаолияти тўлалигича шу вазифаларни бажаришга □аратилиши лозим. Асосий ма□садни иккинчи даражали вазифалардан ажрата олиш □обилияти, замонавий менеджерларнинг энг му□им профессионал кўрсаткичларидан биридир.

Бош□арув жараёни асосан даврий (циклик) характерга эга бўлади. У ма□сад ва вазифаларни белгилаш билан бошланиб, уларни бажариш, яъни муайян бир натижаларга эришиш билан тугалланади. Натижалар тў□рисида (ма□садга эришиш даражаси) олинган ахборотлар асосида янги вазифалар белгиланади ва бош□арув цикли □айтадан бошланади. Бундай циклларнинг сони бир нечта бўлиб, улар биринчи ўринда бош□арув объектининг ўзига хос хусусиятлари ва бош□а кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Амалиётда турли хил сабабларга кўра, ишлаб чи□ариш белгиланган параметрлардан четга о□иши, бош□арув эса □ўйилган ма□садга эришмаслиги мумкин. Бундай □олларда оператив тартибга солиш йўли билан четга о□ишлар олиб ташланади ва ишлаб чи□ариш жараёнининг меъёрий тарзда фаолият юритиши таъминланади. Умуман олганда, бош□арув циклини - ма□сад ва вазифаларни белгилашдан то натижаларга эришишгача □уйидаги чизма шаклида кўрсатиш мумкин (4.2.-расм)




*4.2.-чизма. Бош□арув цикли*

Корхонани бош□аришнинг самарадорлиги, ма□садларни шакллантириш ва амалга оширишга □анчалик кам ва□т сарфланса, шунчалик ю□ори бўлади. Бунга корхона ра□бари (менеджери) ва бош□арув функцияларини бажаришга масъул бўлган бош□а шахсларнинг тажрибаси ва малакасидан таш□ари, бош□арув амалиёти ва иш тартибига сарфланувчи ва□тнинг

□ис□артирилиши, бош□арув жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, бош□арув □арорларини □абул □илиш ва амалга оширишни о□илона ташкил □илиш бўйича ташкилий-техникавий чора-тадбирлар мажмуасини □ўллаш □исобига эришилади.

Ижобий натижага эришишга □аратилган □арорни тў□ри □абул □илиш учун бу □арорни □абул □илиш о□ибатида юзага келиши мумкин бўлган натижаларни олдиндан кўра билиш, ривожланиш исти□болларининг турли вариантларига тў□ри ба□о бериш зарур. Бу эса корхонани бош□аришнинг асосий стратегик вазифаларини белгилаб беради. Улар □аторига нафа□ат максимал даромад олишни, балки ишлаб чи□аришни □айта таъмирлаш ва модернизациялаштириш, истеъмолчилар талабига жавоб берувчи замонавий ма□сулотларни ишлаб чи□ариш, фаолият йўналишларини бугунги кун ва келажакдаги исти□боларини эътиборга олиб белгилаш □ам киритилади. Санаб ўтилганларнинг охиргиси ўз навбатида ижодий ёндашувни ва бош□арув □арорларининг янги йўналишларини излашни талаб □илади.

**Бош□арув □арори** - бош□арув фаолияти технологиясидаги му□им бў□индир. Бош□арувнинг ма□сад ва вазифаларини амалга ошириш кўп жи□атдан □арорларнинг тў□ри □абул □илинишига бо□ли□ бўлади. Бош□арув □арори бир томондан асосан корхонанинг ра□барлари томонидан амалга оширилувчи манти□ий-фикрий фаолият бўлса, иккинчи томондан, эмоционал-психологик хатти-□аракатдир. У инсоннинг бош□арув □арорларини □абул □илиш жараёнларида тўплаган тажрибаси, билими ва фикрлаш доирасининг чу□урлигига бо□ли□ бўлади.

Бош□арув □арорлари □уйидаги белгилар бўйича таснифланади:

* *компетентлик ва масъулият бўйича* - якка тарзда ёки коллегиал (*жамоа*) бош□арув □арорлари;
* *мазмуни бўйича* - илмий-техник, и□тисодий, ташкилий, ижтимоий бош□арув □арорлари;
* *характери бўйича* - оператив-та□симловчи, хўжалик-рахбарлик ва меъёрий бош□арув □арорлари;
* *таъсир кўрсатиш даражаси бўйича* - бир ва кўп даражали бош□арув □арорлари;
* *таъсир кўрсатиш йўналиши бўйича* - ички ва таш□и;
* *таъсир кўрсатиш ми□ёси бўйича* - хусусий ва умумий (мажмуавий);
* *таъсир кўрсатиш даври бўйича* - бир марталик ва кўп марталик.

Бош□арув □арорлари амалга ошириш имкониятлари , ўз ва□тида амалга ошириш, ани□лик, □онунийлик ва шу каби талабларга жавоб бериши лозим. Бажариш жараёнида энг кам ўзгартириш ва тузатишларга учрайдиган □арор энг яхши □арор □исобланади. Амалиёт шуни кўрсатадики, □озирги пайтда кўплаб корхоналарнинг ра□барлари бош□арув фаолияти жараёнида тў□ри □арор □абул □илиш учун етарли билим ва тажрибаларга эга.

Маълумки, бош□арув □арорлари ишлаб чи□ариш воситаларига □араганда, кўпро□ муайян шахсларга йўналтирилган бўлади. Шу сабабли бош□арув ва бош□арув □арорлари - биринчи ўринда ишлаб чи□ариш жараёнида одамлар ўртасида юзага келувчи муносабатлардир. Бу ерда ўз ваколатлари доирасида бош□арув □арорини □абул □илувчи шахс ёки

бош□арув идорасининг □андай тамойилларга таяниб иш кўриши му□им а□амиятта эга.

**Тамойил** - махсус категория бўлиб, ало□ида шахс ёки жамоа □арор □абул □илишда унга таянади. Тамойил фа□ат инсонгагина хосдир. Машиналар ва жониворлар бирон-бир тамойилга эга бўлмайди. Маълум бир тамойиллардан келиб чи□□ан □олда айнан инсон ўзини ўраб турган дунё билан муносабатларини яратади (уй, кўприк □уради, кемасозлик ва □оказоларни амалга оширади).

Корхонадаги бош□арув фаолияти шунингдек, маълум бир тамойиллар асосида амалга оширилади. Бу тамойиллар биринчидан, ишлаб чи□ариш □атнашчилари орасидаги келишувларни ўрнатса, иккинчидан, юзага келиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олади □амда бош□арув ме□натининг самарадорлигини оширади.

Замонавий фан ва менеджмент амалиёти корхоналарни бош□аришнинг □уйидаги тамойилларини энг асосийлари сифатида □абул □илади:

1) илмийлик;
2) тизимлилик ва комплекслик;
3) якка бош□арув ва коллегиаллик;
4) тартиб ва адолат;
5) ходимларни моддий ва маънавий ра□батлантириш;
6) тежамкорлик ва самарадорлик;
7) ташаббускорлик ва корпоратив ру□ият;
8) ваколат ва мажбурият.

Бош□арувнинг **илмийлик** тамойили ўзакларнинг ўзагидир. Амалда бу тамойил, аввало жамият ривожланишининг объектив □онунлари ва фан-техника юту□ларидан хабардор бўлишни талаб □илади. Унинг ёрдами билан ишлаб чи□ариш ва бош□арувнинг зарурий мутаносиблиги таъминланади, бош□арув □арорларидаги хатолар камайтирилади, о□ирлик маркази энг катта сифат ва ми□дор юту□ларига эришишга ўтказилади.

Илмийлик тамойили ишлаб чи□ариш масалаларини □ал □илишда и□тисодий-математик усуллардан кенг фойдаланиш, бош□арувнинг ма□садли-дастурий усулларини амалга киритиш, замонавий электрон-□исоблаш техникаси ва бош□арувнинг автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланишни кўзда тутади.

**Тизимлилик ва комплекслилик** тамойили илмийлик тамойилининг давоми бўлиш билан бирга, ўзининг муста□ил а□амиятига □ам эга. У бош□арилаётган тизимнинг вертикал ва горизонтал йўналишлари бўйича барча хусусиятларини □амраб олишни кўзда тутади. Тизимлилик ва комплекслилик тамойили бош□арув усулларининг тар□о□ликдаги тамойилларига □амда бир да□и□алик фойда ва э□тирос туфайли юзага келувчи □арорларга □арши □ўйилади. У ишлаб чи□аришнинг бир маромда амалга оширилишини таъминлашга хизмат □илади, ишлаб чи□ариш учун □улай шароит яратади.

**Якка бош□арув ва коллегиаллик** корхонани бош□аришнинг му□им тамойилларидан биридир. Бу тамойил, айни□са, акционерлик шароитларида фаолият юритувчи корхоналарда ани□ кўзга кўринади.

Якка бош□арув □ар бир хўжалик ра□бари ўз ваколати доирасидаги масалаларни □ал □илишда □онун томонидан берилган □у□у□ларга асосан бир ўзи (якка тарзда) □арор □абул □илишини □амда корхона фаолияти учун шахсан жавобгарлигини англатади. Бундан таш□ари, якка бош□арув ходим буйру□ларни фа□ат битта бевосита (тў□ридан-тў□ри) бошли□дан олиши мумкин ёки шарт бўлган □олларни □ам англатади.

**Коллегиаллик** корхона жамоасининг ишлаб чи□ариш билан бо□ли□ бўлган □арорларни □абул □илишдаги фаол иштирокида ифодаланади. Маълум бир маънода, айни□са, бош□арувнинг ирода билан бо□ли□ бўлган усулларида коллегиаллик якка бош□арув □арама-□аршиликни англатади. Бозор и□тисодиёти шароитларида ушбу тамойилнинг имкониятлари сезиларли равишда кенгайтирилган.

**Тартиб ва адолат** – бу, бош□арувнинг □ар бир □адамда ўзини эслатиб турувчи тамойилидир. Кўп □олларда айнан шу тамойилга кўра корхона ва унинг ра□барига тавсифнома берилади. Корхона ра□бари □анчалик билимли ва тажрибали, унинг касб ма□орати ва маданияти □анчалик ю□ори бўлса □амда у жамоа тў□рисида □анчалик кўп □ай□урса, тартиб ва адолат кўрсаткичлари шунчалик ю□ори бўлади. □ис□аро□ □илиб айтганда, тартиб – бу, □ар бир киши ва □амма нарса ўз жойида бўлишини, адолат эса ра□мдиллик ва одилликнинг уй□унлигини англатади. Бош□арувнинг тартиб ва адолат тамойили кадрлар тез-тез алмашишини олдининг олиб, корхона обрўсининг ўсишига □амда бунга корхона жамосини □изи□тиришга хизмат □илади.

**Ходимларни моддий ва маънавий ра□батлантириш тамойили** ме□нат унумдорлигини оширишда му□им туртки □исобланади ва бош□арув тизимининг самарадорлигини акс эттиради. Ходимларнинг садо□ати ва □ўллаб-□увватлашига эришиш ма□садида улар ўз хизматлари учун, ишчилар эса бажарилган ишнинг сифати ва ми□дори учун адолатли тарзда □а□ олишлари зарур. Бундан таш□ари, маънавий ра□батлантириш моддий ра□батлантиришдан кам а□амиятга эга эмас. Ра□барнинг и□тидори, ходим (ходимлар, ишчилар)нинг ташаббус ва юту□ларини ўз ва□тида ил□аб олиб, муносиб ба□олаш □амда уларни □ам моддий □ам маънавий ра□батлантириш тизимини мо□ирона □ўллашида кўзга ташланади.

**Тежамкорлик ва самарадорлик тамойили** – бу, корхона бош□арувининг барча бў□инларида амалга оширилиши лозим бўлган тамойилдир. Бу тамойилнинг мо□ияти моддий ва ме□нат ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, энг кам харажатлар билан энг кўп натижаларга эришиш, ишлаб чи□ариш за□ираларидан тўли□ фойдаланишда ифодаланади. Биро□ бу тамойил истисно тари□асида □ўлланмай, фа□ат корхона ра□барининг эмас, балки бутун жамоа ва биринчи ўринда хом ашё ва материаллардан тайёр масулот яратувчи ишчиларнинг ме□нат □оидасига айланган та□дирдагина □а□и□ий тасди□ини топади.

**Ташаббускорлик ва корпоратив ру□ият** бош□арувнинг му□им тамойили бўлиш билан бирга, корхонанинг бозор тизимида муваффа□иятли фаолият юритишига туртки □амдир. Умуман олганда, бош□арув ташаббускорликсиз, исти□болни кўрмасдан, ижодий ёндашувсиз муваффа□иятларга эришиши амрима□олдир. Бош□арув ижодий негизни, ташаббускорликни корпоративлик билан бо□лаган □олда бойитади.

Агар корпоратив ру□ият ишлаб чи□ариш билан шу□улланувчи жамоа уй□унлигининг натижаси, иттифо□и бўлса, **ташаббускорлик** фаол □аракатларни англатиб, корхона жамоасига ва □ар бир ходимга ишлаб чи□аришни ривожлантиришнинг турли хил дастурларини ишлаб чи□иш ва амалга оширишда □ўшимча куч-□увват бахш этади.

**Ваколат ва мажбурият тамойили** бош□арувнинг рационал, ани□ ва йўлга □ўйилган ташкилий тизимини яратиш, лавозимларга оид йўри□нома □амда ра□бар ва мутахассисларнинг □у□у□ ва бурчлари тў□рисидаги □ужжатларни ишлаб чи□иш, бажарилган иш учун моддий жавобгарликни белгилаш, буйру□ ва кўрсатмаларни ўз ва□тида тайёрлашни англатади. □ар бир лавозим эгаси - бўлим ёки хизмат бошли□идан, то корхона ра□баригача - бош□арув фаолиятидаги ўз ваколатларини яширмаслиги ва мажбуриятларини камайтирмаслиги - бош□аларнинг, яъни унга бўйсинувчи шахсларнинг зиммасига юкламаслиги лозим.

Ю□орида кўрсатилган тамойиллар □ам ало□ида, □ам биргаликда бош□арув тизимининг ишончлилигига ва корхона ра□бари □амда □ар бир бош□арув тузилмасининг обрўсини ўстиришга хизмат □илиши лозим. Бундан таш□ари, улар доимий равишда мукаммаллаштириб борилиши □амда замон ру□и ва хўжалик юритиш механизми талабларига жавоб берувчи янги тамойиллар билан тўлдирилиши зарур. Бу эса бош□арув тизими ва жараёнларининг янги шакл ва усулларини ривожлантиришга имкон яратади.

## 4.3. Бош□арувнинг ташкилий тузилмалари ва функциялари

**Ташкилий тузилма** деганда корхона бош□аруви функцияларини бажарувчи турли хил бўлим, хизмат ва бўлинмалар таркиби, ўзаро муносабатлари ва бир-бирига бўйсинишини тушуниш лозим. Ташкилий тузилма бош□арувнинг тизим ва ало□ида фаолият тури сифатидаги бир бутунлигини ифодалайди. У бош□арув органларининг маълум бир тартибини, □окимият ва бўйсиниш ало□аларини, вертикал ва горизонтал ме□нат та□симотининг интеграциялашувини этади.

Бош□арув тузилмаси динамик тарзда бўлади. У ишлаб чи□ариш кучлари ва муносабатларининг ривожланиши, бош□арув объектларининг □арама-□аршиликлари ва □онуниятлари □а□идаги билимларимиз даражасининг ўсишига бо□ли□ □олда ўзгариб боради. Бош□арувнинг ташкилий тузилмасига корхонанинг □ажми, унинг ихтисослашуви ва кооперация ало□алари, мулкчилик шакли, □айси тармо□□а тегишлилиги, жойлашган □удуди каби омиллар катта таъсир кўрсатади.

Бош□арувнинг ташкилий тузилмаси корхонанинг ишлаб чи□ариш тузилмаси билан ало□ада ва кўп жи□атдан унга бо□ли□ бўлади. Корхона

□анчалик катта, ишлаб чи□ариш ва унда фойдаланувчи ме□нат □уроллари ва технологиялар □анчалик мураккаб бўлса, бош□арувнинг ишлаб чи□ариш ва ташкилий тузилмаси, шунингдек, корхона бош□арув аппаратининг функциялари шунчалик мураккаблашади.

Бош□арув элементлари ва бў□инлари ўртасидаги ало□аларнинг шакли, тузилмавий бўлинмаларнинг мослашувчанлиги ва бир-бирига бўйсинувчанлигига кўра, бош□арувнинг □уйидаги ташкилий тузилмалари мавжуд:

– чизи□ли;
– функционал;
– аралаш (чизи□ли-функционал);
– матрицали.

**Чизи□ли тузилма** бош□арув тузилмасининг энг кўп тар□алган тури бўлиб, унга кўра бош□арувнинг □ар бир бў□ини ўзидан ю□ори турувчи фа□ат битта бош□армага эга бўлади ва барча масалалар битта ало□а канали ор□али □ал этилади. Бундай тузилмада бош□арув бў□инлари тизими тўлалигича ишлаб чи□ариш бў□инлари тизими билан мос тушади. □ар бир ишлаб чи□ариш жамоаси тепасида ра□бар туради ва корхона ходимлари унга бевосита бўйсинадилар. Барча бош□арув функциялари ра□бар □ўлида мужассамланади.

Бош□арувнинг чизи□ли тузилмаси □ал □илинаётган масалалар кўлами унчалик катта бўлмаганида самаралиро□ бўлади. Шу сабабли бундай тузилмадан асосан цех, ишлаб чи□ариш участкалари ва кичик корхоналарни бош□аришда фойдаланилади. Бундай тузилманинг □уйидаги афзалликлари мавжуд:

– бош□арувнинг □ар бир бў□ини учун ра□бар тайинлашнинг нисбатан осонлиги
– бош□арув □арорларини тайёрлаш ва бажаришнинг тезкор (оператив) амалга оширилиши
– бош□арув функцияларини бажаришнинг нисбатан осонлиги.

Биро□ бош□арувнинг бу тизимида бир □анча камчиликлар □ам мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари горизонтал ало□аларнинг тар□о□лиги, бош□арувдаги □аддан таш□ари □атти□лик ва ишлаб чи□аришнинг диверсификацияси шароитларидаги чекланган имкониятларида намоён бўлади.

Бош□арувнинг чизи□ли тизими □уйидаги □олларда □ўлланади:

– ходимлар сони 300-500 кишини ташкил □илувчи □амда предметли ва технологик ихтисослашув даражаси ю□ори корхоналарда (металлга ишлов бериш, ярим тайёр ма□сулот ишлаб чи□ариш, йи□иш, бир турдаги хизмат кўрсатиш ва □оказо);
– ма□аллий саноат корхоналарида (масалан, ё□очни □айта ишлаш, ма□аллий хом ашёдан ма□сулот тайёрлаш ва □оказо).

Бош□арувнинг мазкур структураси тавсифистикасини □уйидаги схема шаклида кўрсатиш мумкин:




*4.3.-чизма. Корхона бош□арувининг чизи□ли ташкил этиш тузилмаси*

**Бош□арувнинг функционал тузилмаси** учун бош□арув ва объект функциялари бўйича бош□арув ячейкалари яратиш тавсифлидир. Бу ячейкалар бажарилиши шарт бўлган □арорларни бош□арувнинг □уйи по□онасига ёки бевосита ишлаб чи□ариш бў□инларига етказиб беради. Демак, бош□арув функциялар бўйича та□симланади ва функционал бў□инлар томонидан амалга оширилади, улар томонидан тайёрланувчи бош□арув □арорлари эса бажарувчиларга кесишувчан ало□а каналлари бўйича етказилади. Бош□арувнинг функционал тузилмасига мисол □илиб бош мутахассисларнинг, яъни бош и□тисодчи, бош механик, бош технолог, бош металлург, бош конструктор хизматлари(бўлимлари, гуру□лари), шунингдек, корхона бош бухгалтериясини кўрсатиш мумкин.

Бош□арувнинг функционал тузилмаси амалда чизи□ли тузилма билан кесишиб ўтади. Бундай синтез чизи□ли ёки функционал тузилмага □араганда **бош□арувнинг чизи□ли-функционал тузилмасини** самаралиро□ бўлиши ва кенг тар□алишига сабаб бўлади. Бу □олда бош□арув □ам чизи□ли, □ам функционал ра□барлар томонидан амалга оширилади.

Бош□арувнинг функционал структурасини □уйидаги чизма ор□али акс эттириш мумкин:




*4.4.-чизма. Бош□арувнинг функционал тузилмаси*

Бош□арувнинг ушбу тузилмаси афзалликлари □уйидагилар:

* бош□арув фаолиятини ихтисослаштириш даражасининг ю□орилиги;
* бош□арув фаолиятининг деярли барча со□аларини ваколат доирасида □амраб олиш;
* ишлаб чи□ариш диверсификациясининг турли талаб ва шарт-шароитларига мослашиш имкониятлари;
* бош□арув хизматлари ёки бўлимларига ходимлар танлашнинг нисбатан осонлиги.

Унинг камчиликлари □аторига эса □уйидагиларни киритиш мумкин:

- якка□окимлик тамойилининг бузилиши;
- келишилган бош□арув □арорларини □абул □илиш ва бажариш □амда уларнинг комплекслигини таъминлаш □ийинлиги;
- бош□арувнинг ю□ори по□оналари учун ра□бар танлашнинг мураккаблиги.




Шартли белгилар:
——— чизи□ли ра□барият муносабатлари
– – – – – функционал муносабатлар

*4.6.-чизма. Бош□арувнинг чизи□ли-функционал тузилмаси*

Чизи□ли-штабли тузилма бош□арув аралаш тузилмасининг бир кўриниши бўлиб, унга чизи□ли структура асос □илиб олинган. Бош□арувнинг □ар бир бў□инида штаблар тузилиб, унинг таркибига муаммоларни ечиш учун малакали мутахассислар таклиф этилади. Масалан, штабли тузилмалар табиий офат, □алокат ва кулфатларнинг о□ибатларини бартараф □илиш, янги ма□сулот ёки технологияни ўзлаштириш, тўсатдан юзага келган, одатий бўлмаган вазифаларни ечишда тузилиши мумкин. Бундай □олларда бош□арув штабига ра□барларнинг ваколатларидан кам бўлмаган □а□-□у□у□лар, ваколатлар берилади.

**Бош□арувнинг матрицали тузилмалари** турли хил бўлиб, уларнинг барчаси битта тамойилда - ишлаб чи□аришни вертикал ва горизонтал бош□аришда бош□арув функцияларини ташкилий тузилмалар ўртасида □айта та□симлаш асосида яратилган. Бу тузилмалар илмий тад□и□от институтлари, конструкторлик бюролари, технологик бюролар, шунингдек, илмий-тад□и□от ва конструкторлик изланишлари олиб борилувчи йирик корхоналарда кенг □ўлланилади.

Бош□арувнинг матрицали тузилмалари ра□барлардан жуда ю□ори бош□арув ваколатини талаб □илади. Бундай тузилмадан фойдаланганда юзага келувчи муаммо ва вазифаларни ечиш учун ва□тинчалик ижодий гуру□ларни тузиш мумкин. Тў□ри, бунинг учун жамоа олдида юзага келувчи лойи□а топшири□ларни бажариш учун □ўшимча харажатлар талаб □илиниши мумкин.

Бош□арувнинг исталган ташкилий тузилмасини лойи□алаштиришда □амда амалиётда □ўллашда тезкорлик, оптималлик, ишончлилик ва тежамкорлик каби асосий талабларга жавоб бера олишига эътибор □аратилиш лозим. Бу талаблар □анчалик тўли□ ва яхши бажарилса, корхонани бош□ариш тизимининг сифат кўрсаткичлари шунчалик ю□ори бўлади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, бош□арув объекти ва бош□арувчи тизим (бош□арув аппарати) ўртасида, бош□арув функциялари ёрдамида тартибга солинувчи маълум бир муносабатлар юзага келади.

**Бош□арув функциялари** объектив жи□атдан зарур ва албатта □айтарилувчи хатти-□аракатлар мажмуаси бўлиб, мазмуни ва йўналиш ма□садларининг бир хиллиги туфайли бирлашиб туради. Бош□арув функциялари бутун бош□арув жараёни давомида узлуксиз тарзда амалга оширилади □амда бош□арув □арорларини □абул □илиш ва бажаришнинг турли бос□ичларида турли хил салмо□□а эга бўлади.

Амалдаги таснифга асосан бош□арувнинг □уйидаги функцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. *Режалаштириш* – ишлаб чи□аришни кенгайтириш ва корхонанинг гуллаб-яшнаши учун ишлаб чи□ариш ма□садларини белгилаш ва унинг натижаларига эришиш.

2. *Исти□болни белгилаш (прогнозлаштириш)* – жорий фаолиятни самарали тарзда олиб бориш □амда исти□болни кўра олиш ва бош□арув тизимини исти□болга мослаштириш. Режалаштиришдан фар□ли равишда прогнозлаштириш э□тимоллик тавсифига эга бўлади.

3. *Тартибга солиш* – ишлаб чи□аришни, жамоани бош□аришда белгиланган кўрсаткичлардан четга о□ишларни тў□рилаб бориш.

4. *Ташкиллаштириш* – куч-□увват ва воситаларни ишлаб чи□ариш дастурини минимал харажатлар асосида ва бу харажатларнинг ю□ори самарадорлиги ор□али амалга оширишга йўналтириш, амалдаги ташкилотчилик тизимини янги юту□ларга эришиш ва янги вазифаларни бажаришга йўналтириш.

5. *Назорат* – жорий кўрсаткичларнинг белгиланган (дастурий) вазифа(норма)ларга мос келиш даражасини ани□лаш.

6. *□исобга олиш* – корхонанинг маълум бир ва□т давомида бажарган ишларига якун ясаш.

7. *Та□лил* – маълумотларни йи□иш, са□лаш, □айта ишлаш □амда улардан бош□арувни асослаш ва бош□а вазифалари учун фойдаланиш.




Б ў л и н м а л а р

*4.6.-чизма. Бош□арувнинг матрицали структураси*

Шуни □айд □илиб ўтиш керакки, бош□арув функциялари ўртасида □атъий чегара йў□. Бош□арув фаолиятининг битта тури бош□арувнинг бир нечта функциялари белгиларига эга бўлиши ва улар ўзаро чамбарчас бо□ланиб кетиши мумкин. Шу билан бирга □ар бир функция ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни билиш ра□барнинг профессионал ма□орати шаклланишида му□им роль ўйнайди.

## 4.4. Корхонани бош□аришнинг ўзига хос хусусиятлари

Бозор и□тисодиётига ўтиш ва жамиятнинг демократик тамойиллари кучайиши, турли корхоналарнинг - йирик ва кичик корхоналарнинг, шунингдек, ходимлар сони 20 кишигача бўлган микрофирмаларнинг муваффа□иятли фаолият юритиши учун зарур шароитларни яратиб бермо□да.

Амалиётдан шу нарса маълумки, корхона тури бош□арув аппаратининг шаклланиши ва ташкилий тузилмасига сезиларли равишда таъсир кўрсатади. Масалан, ўрта ва айни□са, кичик корхоналар учун йирик корхоналарнинг бош□арув тузилмасини кўр-кўрона кўчириб олиш ма□садга мувофи□ эмас. Бу □имматга тушиши ва кўп ме□нат талаб □илишидан таш□ари маъносиз □амдир. Шу сабабли ўрта ва кичик корхоналарнинг мослашувчанлиги, □аракаатчанлиги ва бозор конъюнктурасига таъсири уларнинг ташкилий тузилмаси соддаро□ ва оптимал тарздалиги билан асослаб берилади. Кичик корхоналарда асосан йирик корхоналарга хос бўлган катта функционал бўлим ва хизматлар мавжуд бўлмайди.

Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чи□ариш шароитларида акционерлик корхоналарини (жамиятларини) бош□аришга катта □изи□иш уй□онган. Бундай корхоналарнинг жамоалари ишлаб чи□ариш ва ташкилий тузилмани бош□аришда иштирок этади. Якка бош□арув тамойилларига асосланган давлат корхоналаридан фар□ли равишда акционерлик корхоналари (жамиятлари) бош□арув шакли, усули ва тузилмасини ўзлари муста□ил равишда танлайдилар, ишлаб чи□ариш фаолияти сиёсати ва штатларини белгилайдилар.

Акциядорлик корхоналари (жамиятлари)да кузатув кенгаши, бош□арма ва акционерларнинг умумий йи□илиши бош□арув органи вазифасини бажаради. Уларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Акционерлик жамиятлари ва акциядорлар □у□у□ини □имоя □илиш тў□рисида”ги □онунига, шунингдек, бош□а □у□у□ий-норматив □ужжатларга, жумладан, акциядорлик жамиятининг ички тартиб ва □оидаларига асосан юритилади.

Акциядорлик корхонасини бош□аришнинг ташкилий тузилмасида таъсисчилар таркибига бо□ли□ бўлган-таъсисчилар кенгаши му□им ўрин эгаллайди. Масалан, очи□ турдаги акциядорлик корхоналарида таъсисчининг энг кам сони белгиланмаган, ёпи□ турдаги акциядорлик корхоналарида эса таъсисларнинг энг кам ми□дори уч киши □илиб белгиланган. Бундан таш□ари уларнинг □ар бири акциядор бўлиши шарт.

Таъсисчилар акциядорлик корхоналари (жамиятлари)нинг ра□барини тайинлайдилар □амда бу ра□бар кейинчалик акциядорлар номидан ишлаб чи□ариш ва хўжалик фаолияти бўйича барча хатти-□аракатларни бажаради ва бунинг учун жавобгар □исобланади. Акциядорлик корхоналари (жамиятлари)ни бош□аришда кузатувчилар кенгаши му□им ўрин тутади □амда □уйидаги □у□у□ларга эга бўлади:

* корхона фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
* акциядорларнинг йиллик ва навбатдан таш□ари умумий йи□илишларини ча□ириш;

* акциядорларнинг умумий йи□илиши кун тартибини тайёрлаш;
* умумий йи□илишда □атнашиш □у□у□ига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш;
* корхона (жамият) Низомига □ўшимча ва ўзгартиришлар киритиш масаласини киритиш;
* корхонаниннг Низом жам□армасини эълон □илинган акциялар тури ва ми□дорига кўра, акцияларнинг номинал □ийматини ошириш ёрдамида кўпайтириш;
* облигация ва □имматба□о □о□озларни жойлаштириш;
* корхона мулкининг бозор □ийматини белгилаш;
* ижроия органи ра□бари (директор, бош□арма раиси) ва аъзоларини тайинлаш;
* жамият номидан ходимларни ишга ёллаш бўйича ме□нат шартномаларини тузиш;
* ижроия органига тўланувчи мукофот, ра□батлантириш ва компенсациялар □ажмини белгилаш;
* жамиятнинг за□ира ва бош□а жам□армаларидан фойдаланиш;
* акциядорлик корхонаси(жамияти)нинг шўъба бўлимлари ва ваколатхоналарини очиш;
* жамият Низомида белгиланган, кузатув кенгаши ваколатлари доирасига киритилган бош□а масалаларни □ал □илиш.

Кузатув кенгаши ваколатлари доирасига киритилган вазифаларни ечиш жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши ижроия органи аъзолари кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. Кузатув кенгаши асосан сайлов асосида тузилади □амда сайлов давомида энг кўп овоз олган шахс кенгаш аъзолигига номзод □исобланади.

Жамиятнинг молиявий ва хўжалик фаолиятини назорат □илишда тафтиш □айъати му□им ўрин эгаллайди. Ушбу хайъат аъзолари умумий йи□илиш томонидан акциядорлар □амда корхонанинг акцияларини сотиб олмаган бош□а ходимлар орасидан сайланади. Хайъат бош□арувнинг молиявий-хўжалик фаолияти назоратини доимий равишда ёки умумий йи□илиш, кузатув кенгаши, корхона акцияларининг 10% дан кўпро□ига биргаликда эгалик □илувчи бир гуру□ акциядорларнинг, шунингдек, ўз ташаббуси билан амалга ошириши мумкин. Тафтиш □айъатининг хулосалари акциядорлик корхонасининг йиллик □исоботи ва балансини тасди□лашда катта а□амиятга эга.

Очи□ турдаги акциядорлик корхонаси(жамияти)ни бош□аришнинг намунавий тузилмасини 4.7. - чизма кўринишида акс эттириш мумкин.




*4.7.-чизма. Акциядорлик корхонасини бош□аришнинг наъмунавий тузилмаси*

## 4.5. Корхонани бош□аришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

Ишлаб чи□аришни бош□ариш тизимини такомиллаштириб бориш мулкчилик шакли, фаолият натижаси ва юзага келган ташкилий тузилманинг □андайлигидан □атъи назар, □ар бир корхона учун му□им вазифа □исобланади. Ушбу вазифани муваффа□иятли □ал □илиш корхоналарга, биринчи ўринда, бош□арув тизимининг самарадорлигини оширишга, иккинчидан, харажатларни камайтириш ва ишлаб чи□ариш фаолиятининг и□тисодий кўрсаткичларини яхшилашга имкон яратади.

Бугунги кунда бош□арув тизимини мукаммаллаштириш со□асида □уйидаги тенденциялар юзага келмо□да: бош□арув фаолиятининг ма□садли тавсифини кучайтириш; бош□арувнинг мослашувчан тузилмаларини яратиш ва бош□арув аппаратининг фаолиятини яхшилаш, жумладан, орти□ча бош□арув бў□инларини □ис□артириш □исобига; ишлаб чи□аришни бош□аришда жамоалар ролининг ўсиши ва уларнинг ю□ори натижаларга эришишга йўналтирилиганлиги; ме□нат фаолияти ижтимоий шароитларининг яхшиланиши. Бу тенденцияларга асосан корхоналарнинг бош□арув органлари тузилмаларини такомиллаштириш йўналишлари □ам ани□ланиб, уларга аввало сифат кўрсаткичлари асос □илиб олинган. Бу кўрсаткичлар □аторига □уйидагиларни киритиш мумкин:

**Оптималлик** – тузилма бўлинмалари ўртасида энг кам бош□арув бў□инларига эга бўлган □олда ўзаро ало□аларни рационал тарзда ўрнатишдир. Шу сабабли кўп бў□инлиликни □ис□артириш бош□арув тизимини такомиллаштириш олдига □ўйилувчи асосий талаблардан бири □исобланади.

**Тезкорлик (оперативлик)** – барча функционал бўлинмаларнинг, зарур □олларда ишлаб чи□ариш бўлинмаларининг, бош□арув □арорлари ўз ва□тида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун ўзаро ало□алар ани□лик билан олиб борилиши.

**Ишончлилик** – ахборотларни ўз ва□тида олиш ва бош□арув □арорларини бажарувчиларга ва бажариш жойларига ўз ва□тида етказишни таъминлайди. Ишончлилик ва тезкорлик жорий ва исти□болдаги бош□арув тизимининг самарадорлигида му□им туртки □исобланади.

**Тежамкорлик** – бу, асосан бош□арув тизимида максимал самарага эришган □олда бош□арув аппарати ва унинг харажатларини камайтиришга, яъни ишлаб чи□ариш самарадорлигининг ўсишига эришишдир.

Айтиб ўтиш керакки, корхона жамоаси ва ишлаб чи□аришни бош□аришни такомиллаштириш со□асида барча учун бир хил йўл мавжуд эмас.

Мазкур вазифа муайян шароит, □олат ва имкониятлардан келиб чи□□ан □олда юзага келади ва □ал □илинади. Биро□ бунда □ам ўзгармас бир □оида мавжуд бўлиб, унга кўра, □ар бир ўзгартириш, яхшиланиш ва шакл ўзгартиришлар аввалдан ўйлаб чи□илиши □амда илмий жи□атдан асослаб берилиши зарур. Масалан, □озирги пайтда корхоналарни бош□аришни такомиллаштиришнинг му□им йўналишларидан бири сифатида автоматлаштирилган бош□арув тизимини (АБТ) яратиш ва амалиётга

киритиш □амда иш ва□т йў□отилишининг олдини олиш, ускуналарнинг бекор туриб □олишини □ис□артириш, ме□нат ва моддий ресурслардан о□илона фойдаланишга кўмаклашувчи компьютер техникасидан фойдаланишни кўрсатиш мумкин.

Амалиётдан шу нарса маълумки, корхоналарни бош□аришнинг цехсиз тузилмаси ю□ори даражада самарали бўлиб, бош□арувни марказлаштиришни □ис□артириш □амда кичик ва ўрта корхоналарнинг ижтимоий ишлаб чи□аришни ривожлантиришдаги а□амиятини оширишда му□им а□амият касб этади.

Бош□арув тизимини ткаомиллаштиришнинг му□им йўналишларидан бири - корхонанинг функционал хизматлари ва бўлимлари фаолиятини орти□ча тузилмавий бўлинмаларни тугатиш, хизмат кўрсатувчи бўлимларни оптималлаштириш, бирламчи □исобга олиш □амда □исоб-китоб ва бош□а бош□арув амалларини соддалаштириш йўли ор□али мувофи□лаштиришдир.

Бу ерда ишлаб чи□аришни тезкор бош□аришнинг кўплаб функцияларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш имконини берувчи, бош□арувнинг янги техникасидан, ишлаб чи□ариш кўрсаткичлари ю□ори бўлган турли хил □исоб-китоб ва та□лил воситаларидан фойдаланиш катта а□амиятга эга.

Бош□арув тизимини такомиллаштиришда техник воситалар, бош□арув жараёнларини механизациялаштириш, жумладан, АБТ асосидаги фаолият, бош□арув тад□и□отлари ва лойи□алари ўз-ўзидан ёки автоматик равишда керакли натижаларга олиб келмайди. Бу ерда кўп нарса инсонларнинг, айни□са, менеджерларнинг фаолиятига бо□ли□ бўлади. Шу сабабли ижтимоий омилларнинг ривожланиши, ишлаб чи□ариш жамоасининг ишлаб чи□аришни бош□аришдаги роли кучайиши, айни□са, корхоналарга бош□аришнинг рационал шаклларини танлашга кенг имкониятлар яратиб берилган □озирги пайтда му□им а□амиятга эга. Муста□илликни кенгайтириш ва ишлаб чи□ариш жамоасининг ишлаб чи□аришни бош□аришдаги роли ўсиши и□тисодий фикрлашнинг керакли томонга йўналтирилишига хизмат □илади □амда бош□аришни яхшилашни корхона ра□баридан таш□ари бутун жамоанинг вазифаси □илиб белгилайди.

Замонавий техника воситалари ва янги усуллардан таш□ари корхоналарни бош□аришда ишлаб чи□ариш жамоаларида зарур бўлган ***ижтимоий-психологик му□итни*** шакллантириш □ам катта а□амиятга эга. Амалиёт кўрсатадики, ижтимоий-психологик му□ит бош□арувнинг натижалари ва амалийлигини йў□□а чи□ариши ёки аксинча кучайтириши мумкин.

Психологик му□ит нодир ва □айтарилмас □олатдир. Иккита бир хил жамоа бўлмагани каби, бир-бирига мос келувчи психологик му□итнинг □ам мавжуд бўлиши мумкин эмас: жамоадаги □ар бир шахс жамоани бойитади ва бир ва□тда ўзи □ам бойиб, унга нодирлик ва □айтарилмасликни бахш этади. Психологик му□ит ор□али зарур бўлган ишлаб чи□ариш ру□ияти шаклланади ва бош□арувнинг ма□садли функциялари муваффа□иятли амалга оширилади.

## □ис□ача хулоса

Хўжалик механизмининг мазмуни жамият и□тисодий □аётининг шаклига бо□ли□ бўлади. Бозор муносабатларининг ривожланиши хўжалик юритишнинг янги шакл ва усуллари шаклланиши билан бо□ли□дир. Ишлаб чи□аришни бош□аришни субъектлар ва органлар томонидан одамлар ва и□тисодий объектларга, ресурслардан иложи борича о□илона фойдаланиш ва энг кўп даромад олиш ма□садида, таъсир ўтказиш жараёни сифатида кўриб чи□иш мумкин.

Бош□арув тизими □уйидагилардан иборат бўлади:бош□арувнинг ма□сад ва вазифаларини белгилаш, бош□арувнинг оптимал ташкилий - структурасини яратиш, ходимларни танлаш ва жой-жойига □ўйиш, ахборот билан таъминлаш, ахборотга техник ишлов бериш воситалари, та□лил, бош□арув □арорларини бажариш устидан назорат. Бош□арув режалаштириш, ташкиллаштириш, маркетинг, мувофи□лаштириш, ме□нат мотивацияси, назорат каби бир □атор функцияларни бажаради.

□арор □абул □илиш тизими ва уни ўз □ўл остидагиларга нисбатан □ўллаш □обилияти бош□арув стилини ифодалайди.

Ташкилий, та□симот ва ижтимоий-психологик усуллардан таш□ари бозор шароитларида и□тисодий воситалар (кредитлар, даромад ва харажатлар, фойда, соли□лар ва □оказо) □ам кенг тар□алмо□да.

Замонавий ишлаб чи□ариш корхонаси мураккаб, динамик тизим бўлиб, унинг муваффа□иятли фаолият юритишига корхонадаги ишчидан та ра□баргача бўлган барча бў□инлар фаолиятини □исобга олувчи бош□арувнинг ташкилий тузилмаларини яратиш ор□али эришилади. Бош□арувнинг ташкилий тузилмаси бош□арилаётган объектларнинг функционал вазифаларига ва ми□ёсига мос келиши лозим.

## Таянч иборалар

Бош□арув, ме□нат та□симоти, бош□арув тизими, бош□арув объекти, бош□арув субъекти, корхона ра□бари, хизмат ра□барлари, бош□арув фаолияти, бевосита бош□арув, ўзини-ўзи бош□ариш, бош□арув муносабатлари, бош□аришнинг ма□садлари, бош□арув цикли, бош□арув □арори, тамойил, ташкилий тузилма, чизи□ли тузилма, бош□арувнинг функционал тузилмаси, бош□арувнинг матрицали тузилмалари, бош□арув функциялари, оптималлик, тезкорлик, ишончлилик, тежамкорлик, ижтимоий-психологик му□ит.

## Назорат ва му□окама учун саволлар

1. “Бош□арув” ва ишлаб чи□аришни бош□ариш тушунчаларининг мо□иятини очиб беринг.
2. Ишлаб чи□аришни ташкил этишда менеджментнинг асосий ма□сади □андай?
3. Корхонада хўжалик юритиш механизми нимани англатади?
4. Корхона бош□арув органларининг асосий вазифаларини санаб беринг.

5. Ишлаб чи□аришни бош□аришнинг асосий техник □оидалари (талаблари) ва уларнинг замонавий бос□ичда □андай тарзда ўзгаришини тушунтириб беринг.

6. Ишлаб чи□аришни бош□аришнинг □андай стил ва усулларини биласиз?

7. Корхонада ишлаб чи□аришни бош□аришнинг □ар хил тузилмаларини тавсифлаб беринг.

8. Бош□арув органларининг корхоналардаги асосий функцияларини кўрсатиб беринг.

## Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий корхоналар тў□рисида"ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., "Ўзбекистон", 2004., №3

2. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўса□асида: хавфсизликка та□дид, тара□□иёт шартлари ва кафолатлари. Т., "Ўзбекистон", 1997.

3. И.А. Каримов "Ўзбекистон и□тисодий исло□отларни чу□урлаштириш йўлида. Т., "Ўзбекистон", 1995.

4. И.А. Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., "Ўзбекистон", 1993

5. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.

6. Экономика предприятия. Учебник для ВУЗов. 3-е издание /Под. ред. В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара. - М.: Юнити-Дана, 2003.

7. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.

8. Г.И. Шепеленко. Экономика, организация и планирование производства на предприятии. Учебное пособие. Ростов-на-Дону, Изд. Центр "МАРТ", 2000.

9. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.

10. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.

11. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.

12. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.

13. Сенге Питер М. и др. пер с анг. Танец перемен: новўе проблемў самообучаюҳихся организаций М.: ЗАО Длимп-Бизнес 2004.

14. Котте Д./ Пер. С англ. Управление инфраструктурой организации М.: ОАО Типография «НОВОСТИ» 2001.

15. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфиннелия, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.

16. Сергеев И.В Экономика предприятия. 2-е изд. пераб. и доп. Учебное посбие М.: ФиС 2004.

17. Кристенсен Клейтон М. Как из-за новўх технологий погибают сильнўе компании /Дилемма инноватора Пер.с анг. М.: Альгина Бизнес Бука 2004.

18. Мескон М.Х., Альберт М. и др. Основў менеджмента: Пер с англ. – М.: Дело,2000.-704с.

19. Смирнов Э.А. Управленческие решения М.: ИНФРА-М, 2001.-264с

20. http:/www.harvard. edu

21. http:/www.capitul.ru

22. http:/www.5b. ru

## V МАВЗУ. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БАШОРАТ □ИЛИШ

5.1. Бозор и□тисодиёти шароитларида режалаштириш ва башорат □илишнинг и□тисодий табиати ва объектив зарурияти.
5.2. Корхонада режалаштиришнинг услубий асослари, тамойиллари ва вазифалари.
5.3. Корхоналарда режалаштириш ва башорат □илиш.
5.4. Режалаштириш технологияси ва корхона режалари тузилмаси.
5.5. Бизнес-режа, унинг мазмуни ва ишлаб чи□иш тартиби.

### 5.1. Бозор и□тисодиёти шароитларида режалаштириш ва башорат □илишнинг и□тисодий табиати ва объектив зарурияти

И□тисодиёт бўйича замонавий адабиётларда ва □ўлланмаларда ***режалаштиришга*** мўлжалланган иш ёки маълум бир □аракатларни бажариш муддати, тартиби ва кетма-кетлигини кўзда тутувчи чора-тадбирлар тизими сифатида изо□ берилган. □ар бир инсон ўз иш куни, дам олиш куни, байрамлар, ёзги таътил, тўй ва бош□а тадбирларни □андай ўтказишни режалаштиради. Айнан режалаштириш ва башорат □илиш йўли билан корхоналар **нимани, ким учун, □ачон ва □анча** ма□сулот ишлаб чи□ариш, □айси □амкорлар ёки шериклар билан шартнома тузиш ёки кооперацияни ривожлантириш, зарур бўлган моддий-товар бойликлари за□ирасини яратиш каби бир □атор масалаларни □ал □илади.

Бозор муносабатларига ўтгандан сўнг режалаштириш бир оз ёддан кўтарилиб □олди. □аттоки режалаштириш хўжалик юритишнинг бозор механизмига тў□ри келмайди ёки бозор режалаштиришга зиддир, деган фикрлар □ам пайдо бўлди.

Деярли □ар бир корхонага “ю□оридан” директива вазифалари, назорат ра□амлари, □атъий норматив ва лимитларни белгилаб берувчи режалаштириш, □а□и□атдан □ам бозор механизмига тў□ри келмайди ва корхоналарнинг муста□иллигини йў□□а чи□аради. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тў□рисида”ги □онунида, корхоналарнинг истеъмолчилар талаби, фойда ёки даромад олиш ну□таи назаридан ўз фаолиятини муста□ил равишда танлаши ва ишлаб чи□аришни ривожлантириш исти□болларини белгилаб олиши кўрсатилган.

Хал□ ма□олларида айтилганидек, “то□орадаги сувни ичидаги бола билан бирга сепиб юбориш ярамайди”. Аввалги хўжалик юритиш тизимида мавжуд бўлган, “марказ”дан бош□арилувчи марказлашган режалаштиришни инкор □илиш билан режалаштиришдан умуман воз кечиш мумкин эмас. Режалаштириш туфайлигина корхоналар ишлаб чи□аришни ташкил этиш ва технологияларнинг оптимал варинатларини танлайди, ресурслар билан ўз ва□тида таъминлаш вазифасини бажаради, асосий ва айланма воситаларга э□тиёжни белгилаб беради, ма□сулотни сотиш каналлари ва усулларини ани□лайди. Бундан таш□ари, режалаштириш ишлаб чи□ариш за□иралари ва ра□обатдаги устунликлардан максимал даражада фойдаланиш,

и□тисодиётдаги янги о□имларни англаб олиш, корхона фаолиятидаги камчиликларни йў□отиш ва турли хил таваккалчиликларни камайтиришга имкон беради. □ар бир корхонани ташкил □илиниши ва фаолият юритиши айнан режалаштиришдан бошланади.

***Режалаштириш*** тартибга солувчи жараён сифатида корхона фаолиятини я□ин ва узо□ исти□бол сари илгари суриш, асослаб бериш, муайянлаштириш ва изо□лаб беришни ифодалайди. Охирги □олатда гап корхона фаолиятини башорат □илиш □а□ида бориши мумкин. Башорат □илишни режалаштиришнинг бошланиши ва узо□ муддатли исти□болга мўлжалланган давоми сифатида кўриб чи□иш мумкин. Режалаштириш ва прогнозлаштириш ўзаро ало□ада бўлган иккита жараён бўлиб, хўжалик фаолиятини аввалдан бажарилган □исоб-китоблар, энг кам таваккалчилик ва энг ю□ори натижаларга эришиш асосида юритишни кўзда тутади.

Режалаштириш корхона томонидан бажарилувчи вазифалар муайянлаштирилган режаларда ўз аксини топади. Бозор и□тисодиётида режа “ёт унсур” ёки “ю□оридан” келувчи буйру□ сифатида □абул □илиниши сабабли, □озирги хўжалик юритиш фаолиятида **индикатив режа ва прогноз** деб номланувчи, лекин мо□иятига кўра режалаштиришнинг барча □олларда объектив заруриятини тасди□ловчи тушунчалардан фойдаланилади. Демак, **режалаштириш**, жумладан, индикатив режа ва прогноз – бу, корхоналарнинг хўжалик фаолияти учун ма□сулот ишлаб чи□ариш ва уни сотиш учун барча омиллардан фойдаланиш ва тайёргарликнинг ўз ва□тида бўлиши билан бо□ли□ бўлган □улай шароитларни яратишдир.

Режа ва режалаштириш орасидаги фар□ни англаш му□им а□амият касб этади. ***Режалаштириш*** индикатив режа ёки прогноз каби режаларни ишлаб чи□иш жараёни бўлса, ***режа*** корхонанинг маълум бир ва□т мобайнида амалга оширувчи техник-и□тисодий кўрсаткичларини ўзида акс эттирувчи □ужжатни ифодалайди. Бош□ача □илиб айтганда, режа – бу, корхонанинг ма□садли функциялари ва уларни амалга ошириш йўлларини белгилаб берувчи режалаштиришнинг моддийлашган шаклидир.

Шу тари□а режалаштириш бозор ва бозор механизмига □арама-□арши бўлмасдан, аксинча, ишлаб чи□аришнинг ма□бул йўналишларини ани□лаш, фойдаланилмаган за□ира ва имкониятларни □ўллаш, корхонанинг о□илона ба□о сиёсатини шакллантириш □амда хўжалик юритиш ало□аларининг самарали шаклларини ўрнатишга кўмаклашади. Режалаштириш ва башорат □илиш ёрдами билан ички ва таш□и бозордаги истеъмолчилар талаби ани□ланади, корхонанинг таш□и и□тисодий фаолияти кучайтирилади.

Биро□ режалаштириш имкониятларини мобилизация □илиш режалаштиришнинг ўзидагина ифодаланмайди. Режалаштириш одамлар, биринчи ўринда мутахассислар томонидан амалга оширилиши сабабли исталган режа ёки прогнознинг □аётга татби□ этилиши кўп жи□атдан и□тисодчиларнинг малакасига, улар режалаштиришнинг услубий асосларини яхши билишига, шунингдек, ишлаб чи□ариш режаларининг бозор талабларини □амда корхонанинг мўлжалланган даромадга эришишини □исобга олишига □ам бо□ли□. Режани ишлаб чи□иш □анчалик асослаб

берилган бўлса, унинг □а□и□ийлиги ва и□тисодиётдаги а□вол билан бо□ли□лиги шунчалик ю□ори бўлади.

Корхоналар фаолияти ва и□тисодиётда режалаштиришдан таш□ари **башорат □илиш** □ам катта роль ўйнайди. Башорат □илиш хўжалик фаолияти юритувчи субъектнинг исти□болда юзага келиши мумкин бўлган □олатларни илмий асослаган □олда аввалдан кўра билишини ифодалайди. У юзага келаётган ёки келажакда юзага келиши мумкин бўлган и□тисодий, илмий-техник ва ижтимоий □олатларни ба□олаш ва та□лил □илиш асосида яратилади □амда му□обил □арорларни танлашга имкон яратади.

Аввалги маъмурий-буйру□бозлик тизимининг хўжалик юритиш шароитларида, кўп йиллар давомида фан-техника тара□□иёти ва унинг ижтимоий-и□тисодий о□ибатларининг узо□ муддатли исти□боли ишлаб чи□илган. Унинг асосида хал□ хўжалигининг ало□ида тармо□лари, шунингдек, республикалардаги ишлаб чи□ариш кучларининг ривожланиш исти□боллари шакллантирилар эди. Биро□ бу башоратлар доим □ам ишончли эмасди ва асосийси, доим □ам амалиётда □ўлланавермас эди. Бу эса бош□а сабаблар билан бирга ўтган асрнинг 80-йиллари охирида и□тисодиёт ин□ирозга учрашига олиб келди. Бош□ача □илиб айтганда, хўжалик амалиёти режалаштириш ва башорат □илишнинг устунликларидан етарлича фойдалана олмади. Шу сабабли и□тисодий фаолият башоратларини ишлаб чи□иш ва □ўллаш бўйича жа□он тажрибасини ўрганиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини мамлакатимиздаги ишлаб чи□ариш ва юзага келаётган бозор муносабатлари шароитларида □ўллаш жуда му□имдир.

Башорат □илиш режалаштириш тавсифида ўз аксини топади: ишлаб чи□ариш ва корхона и□тисодий □аётининг бош□а жи□атларини ***стратегик режалаштириш*** - ўрта ва узо□ муддатли башоратлар асосида □амда ***жорий режалаштириш*** - □ис□а муддатли башоратлар асосида ишлаб чи□илади. Бу йўналишларнинг иккаласи □ам ўзаро узвий ало□ада бўлиб, ишлаб чи□ариш стратегиясини фан-техника тара□□иёти ва □аётнинг реал во□елиги билан бо□лайди.

**Башоратнинг ма□сади** - бозорга таъсир □илувчи омилларни, шу билан бирга, хўжаликнинг умумий а□воли, тузилмавий силжишлар, инвестицион фаоллик, фан-техника тара□□иётининг истеъмолчи ва ишлаб чи□арувчиларга таъсир кўрсатиши, анъанавий ма□сулотлардан таш□ари корхонанинг бар□арорлиги ва ра□обатбардошлигига олиб келувчи «пионер» (янги) ма□сулот ишлаб чи□ариш исти□болида юзага келиши мумкин бўлган □олатларини белгилашдадир. Корхоналар учун талабни прогнозлаштириш му□им а□амиятга эга бўлиб, у ишлаб чи□арилаётган ма□сулотлар тури ва ми□дорининг ўзгаришини аввалдан ани□лаб беради. Умуман олганда, прогноз режалаштиришнинг илмий асосидир.

## 5.2.Корхонада режалаштиришнинг услубий асослари, тамойиллари ва вазифалари

**Режалаштириш услубияти** – бу и□тисодиётни бош□аришнинг турли бў□инларида, жумладан, корхоналарни бош□аришда режаларни ишлаб чи□иш усуллари мажмуасидир. Аввалги режали и□тисодиёт шароитларида у

аввало режа органларининг, □ам соби□ иттифо□ ми□ёсида, □ам ало□ида республикалар ми□ёсида амал □илган ***и□тисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий йўналишларини ишлаб чи□иш бўйича услубий кўрсатмаларга*** таянар эди. И□тисодиётнинг му□им со□а ва тармо□ларини жорий ва исти□болли режалаштириш ушбу кўрсатмалар асосида амалга оширилади.

Мазкур □олатда режалаштириш услубиятига кўра, “ю□оридан пастга” тамойили асосида назорат ра□амлари, лимит ва нормативлар туширилар, кейин эса “пастдан ю□орига” тамойили асосида, яъни корхоналардан ю□ори турувчи органларга □айта узатилар эди. “Ю□ори” даражада режа кўрсаткичлари йириклашган тавсифли бўлса, корхоналар ми□ёсида эса ишлаб чи□ариш билан бо□ли□ □олда муайян ва деталли тавсифга эга бўлади. Режалаштиришда ушбу тизимнинг камчилиги шунда эдики, деярли □ар бир корхонанинг фаолият режаси мажбурий тарзда “ю□оридан” тасди□ланиши зарур эди. Бусиз режа ўз реаллигини йў□отар эди.

Бозор и□тисодиёти шароитларида корхоналар ўз фаолиятини режалаштиришни муста□ил равишда амалга оширади. Биро□ бу режалаштиришнинг текшириб кўрилган ва фойдали усулларидан воз кечишни англатмайди. Бугунги шароитларда □ам корхоналар фаолиятини режалаштириш-техник-и□тисодий □исоб-китоблар, прогрессив норма ва нормативлар, и□тисодий та□лил, му□обил вариантларни танлашга асосланади.

Режалаштиришнинг энг кўп тар□алган усуллари □аторига □уйидагиларни: баланс, норматив, и□тисодий-математик, статистик, омиллар бўйича, кўп вариантли □исоб-китоб усули кабиларни киритиш мумкин. Режаларнинг асосланганлик даражасини оширувчи ва уларни тезда амалга оширилишига хизмат □илувчи, шунингдек, таваккалчилик ва вужудга келиши мумкин бўлган талофатларни камайтирувчи усул энг самарали усул □исобланади.

□озирги пайтда ***баланс усули***нинг а□амияти ошиб бормо□да. Ушбу усулнинг мо□ияти, ўзаро ало□ада бўлган кўрсаткичларни солиштириш билан ифодаланади. Баланс усули асосида корхонанинг ишлаб чи□ариш воситалари, ишчи кучи, ишлаб чи□ариш □увватига бўлган талаблари ва уларнинг манбалари ани□ланади. Бундан келиб чи□□ан □олда ***моддий баланс, ишлаб чи□ариш □увватлари баланси, ишчи кучи баланси, иш ва□ти баланси, □иймат балансини*** ажратиб кўрсатиш мумкин. Баланслар, □оидага кўра, э□тиёжлар ва уларга мос келувчи ресурсларнинг мавжудлиги ёки манбаларини ўз ичига олувчи, ўзаро мослашувчи жадвал шаклида тузилади.

Баланс усули ***норматив усули*** билан биргаликда □ўлланади. Норматив усулида ресурсларни сарфлашнинг йўл □ўйиш мумкин бўлган энг ю□ори ва энг □уйи чегаралари ани□ланади. Бунда ишлаб чи□аришни режалаштириш ва ташкил этишда норма ва норматив каби тушунчалардан фойдаланилади.

**Норма** (меъёр) – бу, белгиланган сифатдаги ма□сулот бирлиги (иш, хизмат) тайёрлаш учун сарфланувчи хом ашё, материал, ё□ил□и, энергия ва бош□а ресурслардан фойдаланишнинг йўл □ўйилиши мумкин бўлган максимал ёки минимал чегарасидир. Агар ресурслардан фойдаланиш

нормаларини камайтириш ма□сулот сифатининг пасайишига ёки белгиланган стандартлар талабларининг бузилишига олиб келадиган бўлса, у □олда бу нормаларни камайтириш мумкин эмас.

**Норматив** – бу, нисбий катталик бўлиб, асосан фоизлар ёки коэффициентлар ёрдамида акс эттирилади. У ме□нат воситалари ва предметларидан фойдаланиш даражасини, уларнинг □ар бир майдон бирлиги, о□ирлик бирлиги, □ажм бирлигига сарфланишини тавсифлаб беради. Масалан, асосий фондларнинг бирлик □ийматига ма□сулот ишлаб чи□ариш (фонд □айтими), сутнинг мойлилик, винонинг спиртлилик даражаси (фоизларда), автомашинанинг босиб ўтган йўли, автомобиль шинасининг эксплуатацияси ва □оказо.

Норма ва нормативлар прогрессив тавсифга эга бўлиши, яъни уларни ишлаб чи□ишда замонавий фан, техника ва технология ривожланишининг даражаси, ме□нат ва ишлаб чи□аришни ташкил этиш, ишлаб чи□ариш □увватларидан тўли□ фойдаланиш □амда ил□ор корхоналарнинг тажрибаларини □исобга олиш зарур. Шунингдек, улар доимий равишда □айта кўриб чи□илиши, эскирган норма ва нормативлар янги, хўжалик □аёти ва давр талабларига жавоб берувчи норма ва нормативлар билан алмаштирилиши лозим.

Норма ва нормативлар □уйидаги асосий гуру□лар асосида ишлаб чи□илади:

* ***тирик ме□нат харажати нормалари*** (ма□сулот бирилигига сарфланувчи иш ва□ти нормаси, ва□т бирилигида ишлаб чи□ариш нормаси, хизмат кўрсатиш нормаси, ми□дор нормативи);
* ***моддий харажат нормалари*** (хом ашё, материал, ё□ил□и, энергия, бутловчи □исмлар);
* ***ишлаб чи□ариш жараёнини ташкил этиш нормативлари*** (ишлаб чи□ариш циклининг давомийлиги, тугалланмаган ишлаб чи□ариш □ажми, ишлаб чи□ариш за□иралари ва □оказо);
* ***ме□нат воситаларидан фойдаланиш нормалари*** (машиналар, асбоб-ускуналар, механизмлар, □урилмалар);
* ***корхона, цех, асбоб-ускуналарнинг лойи□а □увватига чи□иш ва□ти нормалари.***

Кўриниб турибдики, режалаштириш жуда мураккаб ва ме□нат талаб □илувчи жараён бўлиб, корхона фаолиятининг ресурслар харажатини нормалаштиришдан то ма□сулот ишлаб чи□ариш ва реализация □илишгача барча кўрсаткичларини инобатга олади. Режалаштиришнинг ***асосий вазифалари*** □уйидагилар:

* ма□садни белгилаш;
* корхона фаолиятининг турли хил йўналишлари, айни□са, хал□ хўжалиги ва а□оли учун зарур бўлган масулот ишлаб чи□аришнинг и□тисодий жи□атдан ма□садга мувофи□лигини асослаб бериш;
* зарурий моддий-техника асоссини шакллантириш;
* молиялаштириш манбаларини ани□лаш;
* якуний натижаларнинг ижобий бўлишига эришиш.

Амалиётда бу вазифаларни корхона директори ёки и□тисодий-режалаш хизматининг ўзи бажармайди ёки бажариши лозим эмас. Бунда бутун жамоа, айни□са, агар бу корхона акциядорлик жамияти шаклида фаолият кўрсатаётган бўлса, иштирок этиши зарур. Афсуски, корхона ходимлари кўпинча "ра□барга кўпро□ нарса кўринади" тамойили асосида ишлайдилар ва яхширо□ натижаларга эришиш учун ташаббускорлик кўрсатмайдилар. Тажрибалар эса корхона муаммоларини □ал □илиш барча ходимлар, жумладан, ишчиларга □ам бўлган □олдагина бу корхоналар гуллаб-яшнаши мумкинлигини кўрсатади.

Бугунги кунда бозор и□тисодиёти корхонанинг ишлаб чи□ариш фаолиятини режалаштириш ва рационал бош□ариш тизими □амда максимал равишда □улай шароитларни яратмо□да. Бундай шароитларда режалаштириш бозор и□тисодиёти ва бозор муносабатларининг барча имкониятларидан фойдаланишга хизмат □илиши лозим. Корхона фаолиятини умуман эмас, балки □ар бир муайян □олдаги вазифаларни □ал □илишга йўналтирган □олда режалаштириш зарур. Бунинг учун режалаштиришнинг илмийлик, комплекслилик, узлуксизлик, оптималлик, мослашувчанлик каби тамойилларига таяниш зарур.

Корхона, айни□са, агар у йирик бўлса, асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи цехлардан иборат бўлиб, уларнинг □ар бири фа□ат ўзига хос бўлган вазифани бажаради ва шунга мос □олда фаолиятни режалаштириш ва тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятига эга бўлади. Шундан келиб чи□□ан □олда ***етакчи бў□инни ажратиб кўрсатиш*** режалаштиришнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб хизмат □илади. Бунда корхонанинг асосий ишлаб чи□ариш вазифалари бажарилишини таъминловчи бўлинмасини ривожлантиришга кўпро□ эътибор □аратилади. Масалан, бундай бў□ин сифатида машинасозлик заводида йи□ув цехи, тў□имачилик комбинатида йигирув ва тў□ув цехлари, □андолатчилик фабрикасида тайёр масулот цехини кўрсатиш мумкин.

Етакчи бў□инни ажратиб кўрсатиш корхонанинг барча бўлинмаларини биргаликда комплекс равишда ривожлантиришни кўзда тутади. Чунки бусиз режалаштириш бир томонлама бўлиб □олиши □амда ишлаб чи□аришни ташкил этишда "тор жойлар" ва диспропорциянинг вужудга келишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли корхона фаолиятининг и□тисодий-ишлаб чи□ариш режаси кўрсаткичлари ва бўлимларининг ўзаро ало□ада бўлишини □амда комплекс режалаштиришни таъминлаш му□им а□амият касб этади. Бу ерда □ам режалаштиришнинг баланс усули катта а□амиятга эга.

Режалаштиришнинг яна бир му□им тамойили **илмийлик** бўлиб, у аввало тайёрланаётган режалар ва ишлаб чи□аришни ривожлантириш дастурларига, шунингдек, фан-техника тара□□иёти талаблари, ра□обатчилик ва бозор талабларини □исобга олишга асосланади. Режалаштиришнинг илмийлиги, жонли ме□нат ва ма□сулотга айланган ме□нат харажатларининг энг кам ми□дорида иложи борича ю□ори натижаларга эришишга, шунингдек, корхона ходимлари манфаатдорлигини оширишга кўмаклашади.

***Комплекслилик*** тамойили ишлаб чи□аришни, биринчидан, замон ва маконда, иккинчидан, ишлаб чи□аришни бош□аришнинг горизонтал ва вертикалида, учинчидан, ишлаб чи□аришнинг ресурс асосларини таъминлашда, тўртинчидан, ишлаб чи□аришдаги “тор жойларни” □исобга олиш ва уларни йў□отиш чора-тадбиралрида, бешинчидан, ходимларнинг ўз ме□натлари натижасидан моддий ва маънавий □они□ишида, олтинчидан, корхонанинг мўлжалланаётган даромад ёки фойда олишини амалга оширишни кўзда тутади.

***Пропорционаллик*** нафа□ат ишлаб чи□аришни режалаштиришда, балки ишлаб чи□аришни бош□аришда □ам му□им а□амият касб этади. Зарур пропорцияларга амал □илиш ишлаб чи□ариш воситалари ва ишчи кучининг цехлар ва иш жойлари бўйича □амда ишлаб чи□ариш бос□ичларида тў□ри та□симланишига ва улардан тў□ри фойдаланишга кўмаклашади. Пропорцияларга амал □илмаслик эса, аксинча, ишлаб чи□аришнинг баъзи участкаларда кучайиб, бош□аларида пасайишига, яъни диспропорцияларнинг вужудга келишига □амда корхоналарнинг норитмик тарзда фаолият юритишига сабаб бўлади. Зарурий пропорционалликни таъминлашда ишлаб чи□аришни ташкил этишни техник-и□тисодий нормалаштириш катта роль ўйнайди.

***Режалаштиришнинг узлуксизлиги*** ишлаб чи□аришни ва умуман, корхона фаолиятини ташкил этишнинг му□им тамойили □исобланади. Бу тамойил амалда жорий режаларнинг исти□болдаги режалар билан, исти□болдаги режаларнинг эса башоратлар (прогноз) билан бо□ли□ бўлишида ўз аксини топади. Бош□ача □илиб айтганда, режалаштириш □ис□а муддатли тавсифга эга бўлган индикатив режа табиатига мос келмовчи, январдан мартгача ёки мартдан декабргача, яъни “...дан” “...гача” тамойили асосида амалга оширилмаслиги лозим. Режалаштиришнинг “...дан” “...гача” тамойилини инкор □илганда биз аввало ва□т бўйича режалаштириш узилишининг олдини олишни кўзда тутамиз. Масалан, ўша индикатив режа ўз давомига эга бўлиши, яъни корхона ўз фаолитини январь-март ойларига режалаштирганда кейинги даврларда юзага келиши мумкин бўлган вазифаларни □ам, албатта, бозор конъюнктураси, истеъмолчилар манфаати ва ишлаб чи□ариш □олатларининг ўзгаришини кўзда тутиши лозим. Бу вазифа асосан йил давомида амалга оширилувчи режаларни ани□лаштириш ва муайянлаштириш йўли билан бажарилади.

***Оптималлик*** □ам режалаштириш тамойиллари □аторига киради. Режалар барча ишлаб чи□ариш ресурсларидан чи□итлар ва йўлдош ма□сулотлардан кенг фойдаланишни инобатга олган □олда иложи борича рационал ва унумли фойдаланишни таъминлаши □амда ю□ори натижаларга эришиш учун энг самарали йўлларни танлаши керак.

Режалаштиришнинг оптималлигига и□тисодий-математик усуллар ва электрон □исоблаш машиналарини □ўллаш, режаларнинг бир нечта вариантларини ишлаб чи□иш ёрдамида эришилади. Кўп вариантлилик энг тежамкор режа варианти ёки корхона фаолияти дастурини танлашга имкон яратади.

***Мослашувчанлик*** режалаштиришнинг бозор шароитларидаги му□им тамойили □исобланади. У ишлаб чи□ариш режаларига ўз ва□тида ўзгартиришлар киритиш, истеъмолчилар ва харидорлар талабларини □исобга олиш, ишлаб чи□аришнинг юзага келиши мумкин бўлган пасайиши ва ин□ирозларнинг олдини олишга ёрдам беради. “Корхоналар тў□рисида”ги □онун ишлаб чи□аришни режалаштиришда ушбу тамойилни амалга ошириш учун зарур бўлган шароитларни яратади.

Биро□ □еч □андай тамойил, жумладан, ю□орида санаб ўтилган тамойиллар □ам, ўзидан-ўзи, яъни шу тамойиллар учунгина керак эмас. Агар амалиётда □ўлланмаса бу тамойиллар фа□ат □о□озда □олиб кетиши ёки оддий ча□ири□ бўлиб □олиши мумкин. Шу сабабли корхона ра□барининг режалаштириш жараёнини, ани□ро□и, режанинг бажарилиши □амда режалаштиришнинг белгиланган ва бош□а тамойиллари □андай акс эттирилганлигини **назорат □илиши** му□им а□амият касб этади. Назорат керакли натижаларга эришиш, юзага келиши мумкин бўлган диспропорцияларни ани□лаш ва уларнинг олдини олиш, шунингдек, за□ираларни ани□лаш ва улардан фойдаланиш йўлларини белгилашга имкон берди.

## 5.3. Корхоналарда режалаштириш ва башорат □илиш

Хўжалик юритишнинг бозор тизимига хос бўлган и□тисодий муносабатлар ривожланишнинг ноани□лиги, корхона и□тисодиёти ривожланишининг мос келувчи йўналишларини ишлаб чи□иш заруриятини белгилаб беради. Бу вазифа амалда режалаштириш ва башорат □илиш ёрдамида амалга оширилади.

**Башарот** – бу, корхона, объект ёки □одисанинг келажакдаги а□воли ва уларни амалга ошириш вариантлари ва муддати тў□рисидаги илмий жи□атдан асосланган муло□азадир. Башоратларни ишлаб чи□иш жараёни башорат □илиш, яъни келажакни □озирги пайтдан келиб чи□□ан □олда олдиндан кўра билиш деб аталади.

Корхона □амда бутун и□тисодиёт ми□ёсида башорат □илишнинг объектлари сифатида и□тисодий, ижтимоий, фан-техника ва бош□а жараён ва □одисаларни кўрсатиш мумкин. Корхоналар фаолиятида ***и□тисодий башоратлар*** ало□ида ва етакчи ўрин эгаллайди. Уларнинг асосий вазифалари □аторига □уйидагиларни киритиш мумкин: ривожланиш ма□садларини белгилаш, оптимал йўналишлар ва уларга эришиш воситаларини излаб топиш, ресурсларни ва □ўйилган вазифаларни бажариш муддатларини белгилаш, корхона ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган чеклашларни ани□лаш.

**Режалаштириш** – □арор □абул □илишнинг узлуксиз бир жараёни бўлиб, бу жараён давомида корхона фаолияти ва ривожланишининг ма□сад ва вазифалари атрофда рўй бераётган ўзгаришларни инобатга олган □олда ва□т бўйича ани□ланади ва белгиланади □амда уларни амалга ошириш учун ресурслар ани□ланади. Мазмунига кўра, режалаштириш техник-и□тисодий ва тезкор-ишлаб чи□ариш турларига бўлинади.

**Техник-и□тисодий режалаштириш** корхона фаолиятининг барча (и□тисодий, техник, ижтимоий ва □оказо) жи□атларини □амраб олувчи режалаштириш тури бўлиб, асосан бир йилга мўлжалланган и□тисодий ва ижтимоий ривожланиш режаси шаклида амалга оширилади. Мазкур режалаштириш турининг соддалаштирилган кўриниши кўпинча корхона фаолиятининг йиллик режаси деб аталади.

**Тезкор-ишлаб чи□ариш режалаштириш** техник-и□тисодий режалаштиришнинг давоми бўлиб, корхона фаолияти йиллик режасини янада □ис□аро□ муддатга - сутка, ўн кунлик, ойга бўлиб муайянлаштириш билан тавсифланади. Тезкор-ишлаб чи□ариш режалаштириш-календарь режалаштириш ва диспетчерлашдан иборат бўлади.

**Календарь режалаштиришда** корхона йиллик режасида ва биринчи ўринда ишлаб чи□ариш дастури(ма□сулот тайёрлаш режаси)ни ўн кунлик, □афта, кун ва смена бўйича ани□лаштириш □амда бу кўрсаткичларни бажарувчиларга етказиш кўзда тутилган.

**Диспетчерлаштириш** ойлик, ўн кунлик, кунлик сутка-сменалик режаларни бажаришни тезкор бош□аришда ифодаланади.

Шуни □айд □илиш керакки, ю□орида кўрсатиб ўтилган режалаштириш турлари асосан машинасозлик, самолётсозлик, автомобильсозлик каби со□аларнинг йирик ва баъзи □олларда ўрта корхоналари учун хосдир. Гарчи, бизнес-режа □озирги кунда "оммавий" бўлиб йирик ва ўрта корхоналарда □ўллансада, асосан ишлаб чи□ариш □ажми катта бўлмаган □амда ходимлар сони 100 кишигача бўлган кичик корхона ва микрофирмалар бизнес-режалар асосида фаолият юритади.

Яна бир му□им нарсани айтиб ўтиш лозим. □озирги пайтда и□тисодиётга оид бўлган адабиётларда режалаштиришга нисбатан ***стратегик, узо□ муддатли, □ис□а муддатли ва жорий режалаштириш*** каби тушунчалар □ўлланмо□да. Уларнинг □ар бири ўз шакли, кўрсаткичларни ишлаб чи□иш ва □исоблаш усулларига эга.

***Стратегик режалаштириш*** хўжалик юритишнинг бозор тизимидагина вужудга келиб, 10-15 йиллик даврни ўз ичига олади. У корхона ра□бариятининг масъулиятли вазифаси □исобланади □амда ривожланишнинг устивор йўналишларини топиш ва бозорда юзага келиши мумкин бўлган талабни инобатга олган □олда ресурс билан таъминлашга □аратилган.

Стратегик режалаштириш асосида я□ин 3-5 йилга мўлжалланган ***узо□ муддатли режалаштириш*** амалга оширилади. У корхона фаолиятининг ишлаб чи□ариш, сотиш, харажатлар, молия каби турларини ўз ичига олади □амда ўз мазмуни ва ма□садли функцияларига кўра, стратегик режалаштиришдан фар□ □илмайди.

***□ис□а муддатли режалаштиришда*** корхона фаолияти ва ривожланиши 1-3 йилга мўлжаллаб режалаштирилади. Унинг ўзига хослиги шундаки, биринчи йил кўрсаткичлари □ар чоракда, иккинчи ва учинчи йил кўрсаткичлари эса □ар ярим йил ёки бир йилда ани□лаштирилади ва тў□рилашлар киритилиб борилади. Бунинг ма□сади сифатида эса, режа кўрсаткичларининг и□тисодий му□ит, бозор ва фан-техника тара□□иётида

юз бераётган ўзгаришларни тўларо□ акс эттиришга интилишни кўрсатиш мумкин.

Бозор муносабатларида ра□обатчиликни кучайтириш □амда хўжалик юритиш ва □аётий жараёнлар динамикаси □исобига ***жорий режалаштириш*** амалга оширилиб, унга чоракларга бўлинган йиллик режалар асос □илиб олинади. Ушбу режалар □оидага кўра, ўзгарувчан бўлиб, жорий йилнинг биринчи уч ойи учун ***□атъий, □аётий кўрсаткичлар*** белгиланиб, кейинги тў□□из ой давомида уларга тў□рилашлар (корректировка) киритилади. Улар □ис□а муддатли режаларга □араганда, айни□са, ишлаб чи□ариш □аракати ва моддий-товар бойликлари за□ираси, ба□они шакллантириш □исмида янада ани□ро□ □исобланади. Умуман олганда, корхонанинг турли бўлим ва хизматлари вазифалари бундай режаларда ўзаро бо□ланади.

Режалаштиришнинг исталган тури корхона фаолиятининг бирон-бир жи□атини акс эттирувчи, умумий ва хусусий, сифат ва ми□дор кўрсаткичларига асосланади.

***Умумий ва умумлаштирувчи кўрсаткичлар*** корхонада ишлаб чи□ариш ривожланишининг йўналиши ва даражасини акс эттиради. Бундай кўрсаткичлар □аторига ишлаб чи□арилаётган ма□сулот □ажми, ме□нат, таннарх ва жам□армалар бўйича кўрсаткичларни киритиш мумкин.

***Хусусий кўрсаткичлар*** умумлаштирувчи кўрсаткичлар асосини ташкил □илувчи ало□ида элементларни, масалан, материал, ё□ил□и, энергия ва шу кабиларнинг ма□сулот таннархидаги салмо□ини тавсифлайди. Шунингдек, бу кўрсаткичлар асосий кўрсаткичлар даражасига таъсир ўтказувчи ало□ида омилларни □ам тавсифлаб беради. Масалан, ёрдам кўрсатувчи ишчилар салмо□ининг ме□нат, ишлаб чи□ариши даражасига таъсири; асбоб-ускуналарни иш билан таъминлаш коэффициентининг ишлаб чи□арилаётган ма□сулот □ажми ва корхона ишлаб чи□ариш дастурининг бажарилишига таъсири; хом ашё ва материаллардан фойдаланиш коэффициентининг ма□сулот таннархи пасайишига таъсири ва □оказолар.

Умумлаштирувчи □амда хусусий кўрсаткичлар иккита категорияга - ми□дор (абсолют) ва сифат (нисбий) категорияларига бўлиниши мумкин.

***Ми□дор кўрсаткичлари*** корхонанинг ишлаб чи□ариш ва хўжалик юритиш фаолиятини □ажм ўлчамида изо□лайди. Бундай кўрсаткичлар □аторига ишлаб чи□арилаётган ма□сулотлар ми□дори, ишлаётган ходимлар сони ва ме□натга □а□ тўлаш фонди, машина ва асбоб-ускуналар парки, ишлаб чи□ариш дастурини амалга ошириш учун зарур бўлган материаллар ми□дори, цех □амда иш жойлари сони ва □оказоларни киритиш мумкин.

***Сифат кўрсаткичлари*** корхонанинг ишлаб чи□ариш фаолиятидаги ўзгаришларни нисбий катталиклар: ме□нат ма□сулдорлигининг ўсиши, ма□сулот таннархининг базис даврга (ёки режа □исоботига) нисбатан фоизларда камайиши, ма□сулотнинг тўли□ таннархига нисбатан фоизларда даромад □ажми, корхона рентабеллик даражасининг ўсиши ва шу кабилар ёрдамида тавсифлайди.

Сифат кўрсаткичлари аксари □олларда пул □ийматида ифодаланиши сабабли, корхоналарнинг хўжалик фаолиятини режалаштириш ва та□лил □илиш амалиётида асосий ва айланма фондлар, асбоб-ускуналар,

сарфланаётган ё□ил□и, энергия ва бош□а материаллар каби ***□иймат кўрсаткичларидан*** фойдаланилади. □иймат кўрсаткичлари корхона фаолиятида □ўлланилувчи турли хилдаги воситаларни статика ва динамикада та□□ослаш имконини беради. Бундан таш□ари, соли□лар ва турли хил тўловлар □амда корхона даромади фоизлардан таш□ари пул кўринишида □ам ўлчанади.

Корхона фаолиятини режалаштириш корхона ва унинг бўлинмалари фаолиятини та□лил □илишдан бошланишини айтиб ўтиш му□им. Мазкур та□лил давомида режанинг сифат, ми□дор ва □иймат кўрсаткичлари бўйича бажарилишига ба□о берилади □амда талофат ва йў□отишлар ани□ланиб, корхона фаолиятини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чи□илади. Айнан шу чора-тадбирлар ва янги ма□садлардан келиб чи□□ан □олда жорий режалаштириш амалга оширилади □амда янги режа даврига корхона фаолияти режалари ишлаб чи□илади.

### 5.4. Режалаштириш технологияси ва корхона режалари тузилмаси

Режалаштириш корхонани бош□ариш жараёни сифатида ўз технологиясига эга бўлиб, бу технология корхонанинг режалаштирилаётган даврдаги ма□сад ва вазифаларини ани□лаш, бажарувчиларга муайян вазифаларни белгилаш, вазифаларни тури, катталиги ва муддатига кўра, ани□лаштириш, шунингдек, ишлаб чи□ариш фаолияти натижаси - даромад ёки фойда олишни ўз ичига олади. Кичик корхоналарда бу вазифаларни бажариш катта корхоналарга нисбатан енгилро□ бўлсада, барча □олларда □уйидаги омилларни □исобга олиш талаб □илинади:

* ишлаб чи□ариш □увватининг мавжудлиги ва тузилмаси;
* ходимлар сони, ихтисос таркиби ва малакаси;
* молиявий ресурслар;
* айланма мабла□лар мавжудлиги ва унга бўлган э□тиёжлар, жумладан, моддий-товар бойликлари за□иралари;
* илмий-техник тад□и□отлар тузилмаси ва тайёрлик даражаси;
* ма□сулотни сотиш каналлари.

Режалаштириш, режа лойи□асини унинг ма□сулот ишлаб чи□ариш ва сотиш режаси, моддий-техника таъминоти режаси, кадрлар ва ойлик маош бўйича режа, янги техника ва капитал □ўйилмалар режаси, молиявий режа каби асосий □исмлари доирасида тайёрлаш билан бо□ли□ бўлган ***режадан аввалги даврни*** ўз ичига олади. Уларнинг моддий ва молиявий ресурслар □амда бажариш муддати бўйича тўли□ ўзаро бо□ли□лиги ва баланслашганлиги режалаштириш жараёни ва корхона режасининг ишончлилигини таъминловчи му□им жи□атдир. Ўз навбатида, ма□сулот ишлаб чи□ариш ишчи кучининг мавжудлиги, шартномалар бўйича ма□сулот етказиш режалари ва ишлаб чи□ариш □увватлари билан, таннарх режалари эса ишлаб чи□ариш дастурлари ва молиявий режа билан бо□ли□ бўлади.

Режаларни ишлаб чи□ишда корхонанинг барча цехлари ва функционал бўлинмалари, жумладан, молия ва режа бўлими, ме□нат ва иш □а□и бўлими, маркетинг хизмати, бухгалтерия, техник бўлим, цех ра□барлари

иштирок этишлари зарур. Корхона режаси ва унинг бўлимлари □анчалик синчковлик билан ишлаб чи□илган бўлса, уни бажариш шунчалик енгиллашади, ресурслар камро□ талаб □илинади □амда иш сифати ю□ори даражада бўлади. Афсуски, режанинг баланслаштирилмаганлиги, унда хатолар мавжудлиги, шунингдек, режани бажарувчиларнинг интизомсизлиги (амалга оширишни суст назорат □илиш натижасида) туфайли кўп ва□т □амда мабла□лар исроф □илинмо□да. Худди шу сабабли ма□сулот сифати пасайиб, даромад олиш ўрнига харажатлар юзага келмо□да. Бундан келиб чи□□ан □олда режалаштиришни корхона жамоасининг функцияси деб аташимиз мумкин.

Режалаштириш табиатини 5.1 - чизма ёрдамида акс эттириш мумкин:

Режалаштириш тизими □уйидаги талабларга жавоб берган та□дирдагина самарали ва ишончли □исобланади:

1. Режалаштиришнинг □ар бир элементи ва бос□ичи □атъий равишда асослаб берилиши.

2. Режадаги вазифаларнинг ани□ ва ўз ва□тида бажарилиши, яъни режанинг адреслилиги.

3. Режа бажарилишини доимий ва узлуксиз равишда □исобга олиш, назорат □илиш ва унга зарур □олларда ўзгартиришлар киритиш.

4. Ички ва таш□и му□итдаги ўзгаришларни ижобий □абул □илиш, шунингдек, корхона фаолиятини рўй берган ўзгаришларга мос равишда, ўз ва□тида □айта ташкил □илиш (режалаштиришнинг мослашувчанлиги).

5. Фан-техника тара□□иёти ва хўжалик юритишнинг ил□ор тажрибаларига таяниш.

Режалаштириш давомида бугунги кундан таш□ари, келажакни, эртанги кунни □ам инобатга олиш зарур. Корхона исти□боли ва бозордаги □олатининг бар□арорлиги, кўп жи□атдан унинг ил□ор техника ва фан ёрдамида яратилган энг яхши ма□сулотлар намунасини тезлик билан ўзлаштириб олиш □обилиятига бо□ли□ бўлади. Шу сабабли корхоналарда ахборот тизимини яхши йўлга □ўйиш □амда реклама фаолиятини ривожлантириш лозим. Реклама истеъмолчиларни (харидорларни) мавжуд ма□сулот билан таништиришдан таш□ари, худди хориждаги каби, уларни айнан шу ма□сулотни сотиб олишга ундаши керак.

Режалаштиришнинг □ар бир тури ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар □аторига □уйидагиларни киритиш мумкин:

* белгиланган режалаштириш орали□ининг ани□лиги;
* интеграция ва дифференциация даражаси, шунингдек, режалаштирилаётган кўрсаткичлар ми□дори;
* ишлаб чи□ариш харажатлари ва натижаларини □исоб-китоб □илиш даражасининг ани□лиги;
* режани тайёрловчилар ва амалга оширувчилар ўртасида мажбуриятларни та□симлаш тартиби.

Режалаштиришда “корхона-му□ит-□олат” муносабатлари асосий ўринга эгадир. Бунда ишлаб чи□ариш шундай режалаштириладики, натижада корхонанинг бозордаги бар□арорлигини са□лаб □олиш, юзага келадиган □олат ва таш□и му□итни □исобга олишдан таш□ари, ма□сулотни тезда

сотиш ва ишлаб чи□ариш рентабеллигининг ўсишига имкон яратилади. Бунинг учун корхона анчадан бери ишлаб чи□арилаётган анъанавий ма□сулотлардан таш□ари, янги ма□сулот турларини, жумладан, ўхшаши бўлмаган ма□сулотларни ишлаб чи□ариши, ма□сулотлар турини кўпайтириши зарур.




*5.1.- чизма. Корхонада режалаштириш жараёни технологияси*

Барча ходимлар, айни□са, ра□барлар, бугунги кунда келажакдаги фаолият учун □улай исти□бол яратиш нисбатан осон бўлсада, худди шу ишни 3-5 йилдан сўнг, яъни исти□болдаги кунга айланган пайтда бажариш □ийинлашади ёки бунга умуман имкон бўлмайди. Шу сабабли режалаштириш жорий □олатдан таш□ари и□тисодиёт ва фан-техника тара□□иёти со□аларидаги рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни □анчалик кўп □исобга олса, унинг натижалари шунчалик ю□ори бўлади. Бу ерда корхонанинг йўлга □ўйилган маркетинг хизмати, ходимлар малакаси □амда мамлакатимизда ва чет элда ишлаб чи□арилаётган турли ма□сулотлар □а□идаги илмий-техник маълумотлар му□им ўрин эгаллайди.

Умуман олганда корхонада режалаштириш тузилмаси ва мазмунини □уйидаги модел кўринишида акс эттириш мумкин (5.2 - чизма):

*5.2-чизма*

Режалаштириш корхонани бош□ариш тизими сифатида

Ишлаб чи□аришни режалаштириш турлари

| Узо□ муддатли режалаштириш | Жорий режалаштириш | Календарь режалаштириш | Диспетчерлаштириш ва кузатув |
|---|---|---|---|

**Узо□ муддатли режалар**
Сотиш □ажми башорати
Ишлаб чи□ариш воситаларига э□тиёжлар
Айланма воситалар(маб-ла□лар)нинг моддий-товар бойликлари за□ираларига киритилиши
**□ис□а муддатли режалар**
Сотиш □ажми башорати
Ишлаб чи□ариш □уввати
Моддий-товар бойликлари за□иралари ми□дори
Ишлаб чи□ариш даражаси
**Янги ма□сулот ишлаб чи□аришни йўлга □ўйиш**
Реализация

**Жорий режалар**
Ма□сулотлар номи ва турлари бўйича
Сотиш башорати
Заводнинг ишлаб чи□ариш □уввати
За□иралар даражаси.
Ишлаб чи□ариш даражаси
Бандлик даражаси
**Истеъмолчи буюртмаси билан ишлаш**
Жорий буюртмалар □ажмини солиштириш
Башорат
Ўтган йиллар учун буюртмалар □ажми
Тайёр ма□сулот за□ираларини бош□ариш
Ма□сулотни та□симлаш
Юклаш муддати бўйича мажбуриятлар
Буюртма □абул □илинганини

**□аракатлар йўналиши**
Деталлар рўйхати (таснифи)
Моддий таснифлар
Техник назорат учун маълумотлар
Операциялар кетма-кетлиги
Созлашга ажратилувчи ва□т
Операцияларни бажариш ва □аракатланиш
**Ишлаб чи□ариш буюртмалари билан ишлаш**
Детал ва □исмларга э□тиёж
Йи□ув деталлари ва □исмлари
Хом ашё ва материаллар
**Режали бош□ариш**
Тугалланмаган ишлаб чи□ариш
Тайёр ма□сулот за□иралари.
**Бош (асосий) календарь дастури**

**Деталлар бўйича**

**Календарь дастурларини мувофи□лаштириш**
Материалларга бўлган талаб
Ускуналарга бўлган талаб
Ишни бажариш бўйича йўри□нома
Назорат □ужжатлари
**Ахборот етказиш**
Фойдаланган материаллар
Фойдаланган ускуналар
Ишлаб чи□ариш: ишлаб чи□аришнинг бориши ва тўхтаб □олишлар
Ме□нат харажатлари
Тайёрланган ма□сулотлар сони, (дона)
Ва□т, ускуналар ва станоклардан фойдаланиш
**Ма□сулот тайёрлаш устидан бевосита назорат**
Тайёрланаётган ма□сулотлар □исоби ва яро□лилиги

| | | | |
|---|---|---|---|
| □ажмини ба□олаш<br>Ишлаб чи□ариш воситаларига э□тиёж<br>Айланма воситалар(маб-ла□лар)нинг моддий-товар бойликлари за□ираларига киритилиши<br>Координация ва ва□т муддатини танлаш | тасди□лаш<br>Юклашга санкция бериш<br>**Ишлаб чи□аришга буюртма бериш**<br>Буюртма □ажми<br>Буюртмани бажариш ва□тини танлаш | **календарь дастурлар**<br><br>**Асбоб-ускуналарни иш билан таъминлаш** | Операциялар орали□ида материалларнинг деталлар дастго□ига<br>**Жисмоний □аракатланиш:**<br>**Кўзда тутилмаган тўхтаб □олишларни бартараф этиш**<br>Тўхтаб □олиш ва заиф жойларни йў□отиш<br>Тўхтаб □олишларнинг олдини олиш |

□озирги пайтда корхоналарнинг аксари □исми асосан жорий режалар (бизнес-режалар) тайёрлаш билан шу□улланмо□да. Бизнес-режаларда энг му□им режалаштириш кўрсаткичлари □уйида келтирилган:

* ишлаб чи□арилаётган ма□сулот (иш, хизмат) номенклатураси ва □ажми (натурал кўринишда);
* ма□сулот сотиш □ажми (пул кўринишида);
* ма□сулот бирлигининг таннархи;
* фойда (даромад);
* категориялар бўйича ходимлар сони;
* ме□натга □а□ тўлаш фонди ва ўртача иш □а□и даражаси;
* омборлардаги хом ашё ва материаллар, тугалланмаган ишлаб чи□ариш ва тайёр ма□сулот за□иралари;
* айланма воситалар □ажми - умумий ва гуру□лар бўйича;
* капитал □ўйилмалар □ажми, жумладан, □ўйилма объектлари ва йўналишлари бўйича;
* янги техника ва технологияга оид чора-тадбирлар;
* бош□а кўрсаткичлар (зарурлиги ва ани□ланишига кўра).

Янги ма□сулотлар ва технологияларни □ўллаш лойи□алари, шунингдек, инвестициялар ва □урилиш билан бо□ли□ бўлган чора-тадбирларнинг бир □исми  ало□ида режаларга киритилади. Улар чора-тадбирларни амалга оширишнинг бутун даврига тузилади.

Режалаштириш тизими ма□бул йўлга □ўйилганда режада белгиланган кўрсаткичларнинг ра□амларда белгиланиши киритилган мутла□ катталик сифатида кўриб чи□илиши лозим. Режаларнинг бажарилиши устидан назорат □илиш кўп □олларда четга о□ишларга нисбатан юритилиб, улар та□лил □илинади, четга о□ишнинг сабаблари ани□ланади □амда четга о□ишлар салбий характерли бўлса, уларга нисбатан зарурий чоралар □ўлланади. Режалаштиришда мо□иятига кўра, корхона олдида турган ишлаб чи□ариш вазифалари ва корхонанинг истеъмолчилар талабига муносабатига

тавсифловчи буюртмалар “портфели”ни шакллантиришга ало□ида эътибор □аратилади.

### 5.5. Бизнес-режа, унинг мазмуни ва ишлаб чи□иш тартиби

**Тадбиркорлик** - корхоналар хўжалик юритиш фаолиятининг узлуксиз □исми бўлиб, фойда (даромад) олиш ва уни кўпайтиришга □аратилган бўлади. Корхоналар □аётида у, бо□ибе□амликка берилиш, тур□унлик ва исрофгарчиликни инкор □илишни англатади. Корхона ра□бари ёки мутахассис тадбиркорлик ва ташаббускорлик “ру□ига” эга бўлмаса, демак, у бўш ёки ёмон ходим, хизматда белгиланган соатларни ўтказиб ўтирувчи шахс □исобланади. Аксинча, тадбиркорлик ва ташаббускорлик “ру□ига” эга бўлган мутахассис ёки мансабдор шахслар ишлаб чи□ариш самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш, ме□нат сифатини кўтариш ва корхонанинг оладиган даромадларини кўпайтириш йўлларини излаб топадилар.

Тадбиркорликни кўпинча муайян шахсга “бо□лаб □ўядилар” □амда бу шахсни тадбиркор ёки бизнесмен деб атайдилар. Бундан таш□ари бир гуру□ шахслардан ташкил топувчи жамоа тадбиркорлиги □ам мавжуд. Бу □олатни жамоа бизнеси ёки жамоа тадбиркорлиги деб аташ мумкин.

Агар якка шахс индивидуал тарзда ёки кичик бир жамоа воситачилик, олди-сотди, масла□ат ва бош□а хизматлар билан шу□улланса, у □олда бизнес-режа талаб □илинмайди. Бош□а □олларда **бизнес-режа** янги корхона ташкил □илиш ёки бирон-бир тижорат лойи□асини амалга ошириш учун мўлжалланаётган асосланган хатти-□аракатларни ўз ичига олувчи □ужжат □исобланади. Унинг асосий вазифаси, корхонага ўз имкониятларини ба□олаш, бозордаги исти□болни, зарурий харажатларни ани□лаш, корхона фаолиятининг биринчи йилларида “сув остидаги тошлар”ни ани□лаш □амда мазкур фаолият турининг фойдали ёки зарарли эканлигини ба□олаш кўрсаткичлари ёрдамида □исоблашга ёрдам беришда деб белгиланади.

Бизнес-режани тайёрлаш натижасида *«Ишни нимадан бошлаш керак?»; «Самарали ишлаб чи□аришни □андай ташкил □илиш лозим?» «Биринчи фойда ёки даромад □ачон олинади?», «Инвесторлар ва кредиторлар билан □ачон □исоб-китоб □илиш мумкин?», «Юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарни □андай камайтириш мумкин?», «Ра□обатчилар билан курашда □андай чоралардан фойдаланиш мумкин?»* каби саволларга жавоб олинади.

Бизнес-режани тузишда □уйидаги шартларга ало□ида эътибор □аратиш зарур:

* бизнес-режа профессионал ва шу билан бир пайтда содда, бажариш учун тушунарли ва осон бўлиши лозим;

* бизнес-режа инвестор ёки бош□а манфаатдор шахс ўзига керакли маълумотларни □идириб топиши учун бўлимларга (БОБларга) бўлиниши лозим;

* бизнес-режани тайёрлашда корхонанинг бош ра□бари албатта □атнашиши шарт, чунки инвестор, банк ёки бош□а молия идораси корхона ра□бари □атнашмаганлиги ёки бош□а шахсга топширилганлиги □а□ида хабар топса, бизнес-режанинг ишончлилигига шуб□а уй□ониши мумкин;

* бизнес-режанинг объектив ба□оланишига эришиш керак, яъни унда хатолар ва нотў□ри □исоб-китоблар бўлмаслиги лозим;
* бизнес-режанинг тар□атиб юборилмаслигини назорат □илиш зарур, чунки унда бизнес тў□рисидаги махфий маълумотлар жой олган бўлади.

Режаларнинг □ар бир тури каби, бизнес-режа □ам, бўлим ва кўрсаткичлардан иборат бўлади. Ўнтагача бўлимни ўз ичига олувчи бизнес-режа мазмуни ва тузилишига кўра, энг ма□бул □исобланади. Мавжуд адабиётларда □уйидаги бўлимларни ўз ичига олувчи бизнес-режалар таклиф □илинади:

1. Танланган бизнес концепцияси.
2. □озирги пайтдаги □олат (ма□сад, вазифа ва ниятлар).
3. Ташкил □илинаётган корхона ва унинг ма□сулот □амда хизматлари тавсифномаси.
4. Бош□арув (менеджмент).
5. Бозор тад□и□оти ва та□лили.
6. Маркетинг □аракатлари режаси.
7. Ишлаб чи□ариш режаси.
8. Таваккалчиликни ба□олаш.
9. Молиявий режа.
10. Бизнес-лойи□анинг самарадорлиги.

Танланган бизнес йўналишининг концепциясини тузишда унинг ра□обатбардошлиги (сифат, нарх, истеъмолчига етказиб бериш шакли, тайёрлаш технологияси ва □оказо); мабла□ларга бўлган э□тиёжлар; ўзига жалб □илишнинг асосланганлиги(таклиф □илинаётган ма□сулотнинг бош□а ма□сулотлардан афзалликлари, ма□сулот ишлаб чи□аришнинг □айси бос□ичда эканлиги ва □оказо)га катта эътибор □аратиш лозим.

**Концепцияда** танланган товар бозоридаги а□вол; корхонанинг танланган бизнес со□асидаги кучли ва кучсиз томонлари; бош□а бозорга чи□иш имкониятлари; бозорга таъсир ўтказувчи □онунчилик, сиёсат, демографик □олат каби омиллар акс эттирилади. Бундан таш□ари концепция ба□онинг ўзгариши, инфляциянинг ўсиши, капитал олиб чи□иш ёки ма□сулот олиб киришни чекловчи □онун □ужжатларини □абул □илиниши каби шароитларда, ма□сулотни сотишни кўпайтириш учун зарур бўлган чора-тадбирларни □ам ўз ичига олади. Ушбу бўлим танланган бизнес йўналиши ма□садлари ва ниятларининг шаклланиши билан якунланади.

**Корхона, унинг ма□сулот ва хизматлари тавсифномаси** бўлимида корхонанинг жойлашган манзили, бозорга чи□иш шакли, бозордаги улуши, асосий ра□обатчилари ва уларнинг кучли томонлари, технология даражаси ва харажатлар та□лили акс эттирилади.

Мулкчилик шакли, ходимларнинг малакаси, таш□и му□ит билан муносабатлар **"Бош□арув"** бўлимида кўрсатилади.

**"Бозор тад□и□оти ва та□лили"** бўлимида танланган бозор асослаб берилади, харидорларни корхона ма□сулотларига жалб этувчи ра□обатчилик усуллари □амда бозорда ба□она шакллантириш ва □оказолар кўриб чи□илади.

**Маркетинг режаси**нинг асосий вазифаси корхонанинг бозордаги имкониятларига ба□о беришдадир. Маркетинг режасининг асосий элементлари сифатида товарларни тар□атиш тизими, ба□они шакллантириш, реклама, савдони ра□батлантириш усуллари, сотилгандан кейинги хизмат кўрсатишни ташкил □илиш, корхона (фирма) ва унинг ма□сулотлари □а□ида жамоатчилик фикрини шакллантириш кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

**"Ишлаб чи□ариш режаси"** потенциал харидорларга керакли ма□сулотлар □ажмини ўз ва□тида ишлаб чи□ариш имкониятининг мавжудлигини кўрсатади. Мазкур бўлимда □уйидагилар ўз аксини топади: янги ташкил □илинган ёки фаолият юритаётган корхонада товар ишлаб чи□ариш жойи; бунинг учун зарур бўлган ишлаб чи□ариш □увватлари ва уларнинг ўсиш исти□боллари; хом ашё ва материал етказиб берувчилар; ишлаб чи□ариш кооперацияси; ишлаб чи□ариш о□имлари тизимини тузиш; сифатни назорат □илиш жараёни; фойдаланиладиган стандартлар; вужудга келиши мумкин бўлган ишлаб чи□ариш харажатлари.

**"Тавакалчилик ва су□урталашни ба□олаш"** бўлими икки □исмга бўлинади. Биринчи □исмда таваккалчиликнинг барча турлари (ён□ин, зилзила, соли□ни бош□аришдаги ўзгаришлар ва валюта курсининг тебраниши) олдиндан □исоблаб чи□илади. Иккинчи □исмда эса таваккалчилик хавфининг олдини олиш, яъни таваккалчилик ва зарарларни □ис□артириш чора-тадбирлари кўрсатилади, шунингдек, таваккалчилик хавфидан су□урталаш дастури амалга оширилади.

**Молиявий режа** бизнес-режанинг якунловчи бўлими бўлиб, корхона фаолиятининг натижаларини тавсифлайди. У □уйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

* савдо □ажмининг башорати;
* пул даромадлари ва харажатлари баланси;
* фойда ва зарар бўйича режа.

Мазкур режанинг кўрсаткичлари сифатида □уйидагиларни кўрсатиш мумкин:

* товарларни сотишдан тушган даромад;
* ишлаб чи□ариш харажатлари;
* савдодан тушган умумий фойда;
* соф фойда;
* корхона актив ва пассивининг солиштирма баланси;
* зарарсизликка эришиш графиги.

Шунингдек, мазкур бўлимда ишлаб чи□аришни ташкил □илиш ёки кегайтириш учун мабла□ жалб □илиш режалари □ам ифодаланади. Бўлимда корхонанинг моливий бар□арорлиги ёки ночорлигини ани□лаш имконини берувчи махсус кўрсаткичлар □исоб-китоби □ам келтирилади.

## □ис□ача хулосалар

Тадбиркорлик фаолиятининг муваффа□иятга эришиши кўп жи□атдан *ишлаб чи□аришни ички режалаштиришнинг* сифатига бо□ли□ бўлади. У □ар бир корхонани бош□аришда энг му□им вазифа □исобланади. Бозор

шароитларида корхоналар режалаштиришнинг устунликларидан ра□обатчилик курашида фойдаланадилар. Режалаштиришнинг турли тарзда белгиланиши орасидан режа, бизнес-режа, лойи□а, техник-и□тисодий асослаш ва умумий режалаштиришни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Режалаштириш ёрдамида бош□арув □арорларини амалга оширишнинг ма□сад, вазифа ва усуллари ани□ланади.

Режалаштириш *илмийлик, мослашувчанлик, узлуксизлик, оптималлик* каби тамойилларга асосланади. Ўз мазмунига кўра, режалаштириш техник-и□тисодий ва тезкор-ишлаб чи□ариш, режа □исоб-китобларини ани□лаштириш даражаси ва муддатига кўра эса, стратегик ва тактик турларга бўлинади.

Бозор шароитларида корхона □амда инвесторлар ва □амкорлар учун бизнес-режани тайёрлаш му□им а□амият касб этади. Бунда бозорни тад□и□ этишдан тортиб то харидорларга сотувдан кейинги хизмат кўрсатишгача бўлган кўплаб саволларга жавоб топилади.

*Бизнес-режа* корхонанинг турли тузилмавий бўлинмалари олдига □ўйилувчи бир □атор вазифаларни комплекс равишда □ал □илиш имкониятини яратувчи кўрсаткичлар ва бўлимлардан иборат бўлади.

И□тисодиётни режа асосида бош□аришни мукаммаллаштиришнинг му□им вазифалари □аторида норма ва нормативларни тайёрлаш, зарурий кўрсаткичлар тизими □амда уларнинг режадаги даражасини танлаш ва яратишни кўрсатиб ўтиш мумкин.

**Таянч иборалар**

Режалаштириш, индикатив режа, прогноз, стратегик режалаштириш, жорий режалаштириш, башоратнинг ма□сади, режалаштириш услубияти, баланс усули, норматив усули, норма, норматив, режалаштиришнинг асосий вазифалари, режалаштиришнинг тамойили, техник-и□тисодий режалаштириш, тезкор-ишлаб чи□ариш режалаштириш Календарь режалаштириш Диспетчерлаштириш Умумий ва умумлаштирувчи кўрсаткичлар Хусусий кўрсаткичлар Ми□дор кўрсаткичлари Сифат кўрсаткичлари Режаларни ишлаб чи□иш бизнес-режа Тадбиркорлик

**Назорат ва му□окама учун саволлар**

1. Корхона фаолиятининг самарадорлигини □андай сабаб ва омиллар белгилайди?
2. Режа, режалаштириш каби тушунчалар нимани англатади?
3. Бозор ва режа ўзаро □андай келишувга келади?
4. Бозор шароитларида режалаштириш вазифалари ва а□амияти.
5. Режалаштиришдан талаб □илинувчи асосий талабларни санаб ўтинг.
6. Режалаштиришнинг □айси таркибий элементалри сизга маълум?
7. Режа билан башоратнинг фар□и нимада?
8. Лойи□а билан техник-и□тисодий асослашнинг фар□и нимада?
9. Бизнес-режа нима ва унинг тузилмаси □андай?
10. Бизнес-режани тайёрлашнинг ма□сад ва вазифаларини айтиб ўтинг.
11. Бизнес-режа бўлим ва кўрсаткичларига □ис□ача тавсиф беринг.

12. Режалаштириш усуллари ва уларнинг мо□ияти.

13. "Норма", "норматив", "нормалаштириш" тушунчаларининг мо□иятини очиб беринг.

14. Нормалаштиришнинг усул ва тамойиллари.

## Тавсия этиладиган адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий корхоналар тў□рисида"ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., "Ўзбекистон", 2004., №3
2. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.
3. Экономика предприятия. Учебник для ВУЗов. 3-е издание /Под. ред. В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара. - М.: Юнити-Дана, 2003.
4. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
5. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.
6. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
7. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
8. Гурков И.Б. Инновационное развитие и конкурентоспособность: Очерки развития 333 российских предприятий. – М.: ТЕИС, 2003.
9. Фомин Я.А. Диагностика кризисного состояния предприятия: Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. 439 с.
10. О.И. Волков, Экономика предприятия, Учебник. М., "ИНФРА-М", 2000.
11. Г.И. Шепеленко. Экономика, организация и планирование производства на предприятии. Учебное пособие. Ростов-на-Дону, Изд. Центр "МАРТ", 2000.
12. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.
13. В.Д Грибов, В.П. Грузиков Экономика предприятия. Практикум. 3-е изд. перераб. и доп. Учебник М.: ФиС 2004.
14. Экономика предприятия Конспект лекций в списках М.: Приор-издат 2003.
15. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфиннелия, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.
16. Аутсорсинг: Создание вўсокоэффективнўх и конкурентоспособнўх организаций. Учебное пособие / Под ред. Б.А.Аникина М.: Инфра – М 2003.
17. Экономика предприятия Конспект лекций М.: Изд-во ПРИОР 2002.
18. Сергеев И.В Экономика предприятия. 2-е изд. пераб. и доп. Учебное посбие М.: ФиС 2004.
19. Вумек Джеймс П., Джонс Дениел Т. Пер. с англ. Бережливое производство; Как избавиться от потерь и добиться процветания вашей компании; М.. Альпина Бизнес БУКС 2004.
20. Кристенсен Клейтон М. Как из-за новўх технологий погибают сильнўе компании /Дилемма инноватора Пер.с анг. М.: Альгина Бизнес Бука 2004.
21. Мескон М.Х., Альберт М. и др. Основў менеджмента: Пер с англ. – М.: Дело,2000.-704с.
22. "Создайте свое Дело или что необходимо знать предпринимателю" г. Ташкент, ЮНИДО, Поект "Бизнес-консультативнўй центр", 2003г.
23. Сборник бизнес-планов деловўх ситуаций с рекомендациями и комментариями: Учеб. прак. пос. /Под ред. В.М.Попова, С.И.Ляпунова . –М.: КноРус , 2003

24. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес планирование. (Учебное пособие). – Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
25. http:/www.harvard. edu
26. http:/www.capitul.ru
27. http:/www.audit - center. ru

# VI МАВЗУ. ИШЛАБ ЧИ□АРИШНИНГ И□ТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ САМАРАДОРЛИГИ

6.1. Самарадорлик – корхона ишлаб чи□ариш фаолиятида му□им ўлчов бирлигидир.
6.2 Хўжалик юритиш самарадорлигининг мезони ва кўрсаткичлари.
6.3 Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва омиллар.

## 6.1. Самарадорлик корхона ишлаб чи□ариш фаолиятида му□им ўлчов бирлигидир

**Ишлаб чи□ариш самарадорлиги** □ар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси □исобланади. У хўжалик юритишнинг сифат ва ми□дор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли ме□нат харажатлари □амда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Афсуски, бозор шароитларида "самарадорлик" тушунчаси, гарчи, даромад олиш, харажатларни камайтириш, ме□нат самарадорлигининг ўсиши, фонд □айтими, рентабеллик ва □оказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор и□тисодиёти талабларига зид келмасада, ба□о, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга □араганда кам □ўлланилмо□да. Самарали ишлаш дегани ўз мо□иятига кўра, мўлжалланган (режалаштирилган) фойдани олиш, ноишлаб чи□ариш харажатлари ва йў□отишларни камайтириш, ишлаб чи□ариш □увватлари ва ишчи кучидан яхширо□ фойдаланиш, ме□нат самарадорлигини ошириш, ишлаб чи□арилаётган ма□сулотнинг сифатини яхшилашни англатади.

"Самара", "самарадорлик", " ижтимоий-и□тисодий самарадорлик" каби тушунчаларнинг орасидаги фар□ни англаб олиш зарур.

**Самара** – бу, ишлаб чи□арилаётган ма□сулот (иш, хизмат), фойда ва даромад □ажмини ошириш, ма□сулот таннархини камайтириш, сифатсиз ма□сулот ишлаб чи□аришни камайтириш ёки умуман, йў□ □илиш билан бо□ли□ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу юту□лар натурал шаклда *ишлаб чи□ариш самарасини*, пул шаклида эса *и□тисодий самарани* тавсифлайди.

**Самарадорлик,** аввало, корхона фаолиятининг сифат жи□атларини тавсифловчи тушунчадир. У "самара" тоифасидан келиб чи□ади □амда унга □араганда мураккаб ва комплекс тавсифга эга.

Самарадорлик чора сифатида кўплаб техник, и□тисодий, лойи□а ва хўжалик □арорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалик, илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чи□ади.

**И□тисодий самарадорлик** самарадорликка □араганда бир мунча тор маънони англатади. У □абул □илинаётган □арорларнинг хўжалик юритишда ма□садга мувофи□лигини тавсифлайди □амда барча □олларда самаранинг унга эришиш учун кетган харажатлар(ишлаб чи□ариш ресурслари)га нисбати сифатида ани□ланади. Харажатлар □анчалик кам

бўлса (ма□сулот сифатига таъсир □илмаган □олда), самара шунчалик ортади, демак, и□тисодий самарадорлик □ам ортади.

**Ижтимоий-и□тисодий самарадорлик** ишлаб чи□ариш самарадорлигини ме□нат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, а□лий ва жисмоний ме□нат ўртасидаги фар□ни йў□отишни инобатга олган □олда тавсифлайди. Ижтимоий-и□тисодий самарадорлик бир ва□тнинг ўзида, ишлаб чи□ариш самарадорлигини кучайтириш, корхонанинг муваффа□иятли фаолият юритиши, шахснинг □ар томонлама ривожланиши ва унинг барча □обилиятларидан фойдаланишнинг сабаб ва натижаси □исобланади. Бевосита ижтимоий самара, ходимларнинг билим ва малакаси, тажриба ва маданиятининг ўсиши, а□оли со□ли□ининг яхшиланиши ва умр кўришининг узайишида акс эттирилади.

Ишлаб чи□ариш самарадорлиги ижтимоий самарадорликка нисбатан бирламчи □исобланади: и□тисодий юту□лар корхонанинг ижтимоий муаммоларини □ал □илишга ёрдамлашади. Масалан, фойданинг ўсиши, жам□армаларнинг ортиши корхонага ижтимоий вазифалар доирасини кенгайтириш ва уларни □ал □илиш имконини беради.

Биро□ самарадорлик ва унинг асосий кўрсаткичи - фойда (даромад) ўз-ўзидан, автоматик равишда юзага келмайди. Турли корхоналарда самарадорликка эришиш учун мавжуд ишлаб чи□ариш □увватлари ва бош□а хусусиятлардан келиб чи□□ан □олда, турли восита ва йўллардан фойдаланилади. Бунда ва□т омили, яъни самарадорликка □ис□а ёки узо□ муддатларда эришишни мўлжаллаш, асосий роллардан бирини ўйнайди. Масалан, корхона олаётган фойдасини □ис□а ва□т мобайнида ма□сулот сифатини яхшилашни мабла□ билан таъминлаш, ишлаб чи□аришни □айта □уроллантириш ва модернизация □илиш, ходимлар малакасини оширишга ажратилаётган мабла□ларни камайтириш йўли билан кўпайтириши мумкин. Узо□ муддатли режаларда эса бу, фойданинг камайишига ва □аттоки корхонанинг бозордаги ўрнини йў□отиши натижасида банкротга учрашига олиб келиши мумкин.

Хорижий фирма ва корхоналар ўз фаолиятларида самарадорликка эришиш учун ишлаб чи□ариш техника ва технологияларига эътиборни кучайтиришдан таш□ари, ма□сулот сифатини ошириш ва уни реклама □илишга ало□ида эътибор □аратмо□далар. Масалан, Япониянинг “Омрон” фирмаси ўзига “Барчанинг яхши □аёти, яхши дунё учун” деган иборани шиор □илиб олган. Американинг “Катерпиллер” компаниясининг шиори “Дунёнинг □ар бир бурчагида 48 соат хизмат кўрсатиш” бўлса, “Рибок” фирмаси “Яхши ба□одаги нарх” иборасини шиор □илиб олган. Бундай мисоллардан яна бир нечтасини келтириб ўтиш мумкин.

Ю□орида айтилганлардан келиб чи□адики, самара ва самарадорлик □отиб □олган категориялар □аторига кирмайди □амда фа□атгина пул кўринишида ўлчанмайди. Самарадорлик ва сифатли ме□нат туфайли корхона *биринчидан*, ўзининг и□тисодий бар□арорлиги ва бозордаги ра□обатчиликка бардош беришини таъминлайди, *иккинчидан*, ўз имиджини яхшилайди ва □амкорлар билан ало□аларини муста□камлайди, *учинчидан*, ходимларнинг и□тисодий ва ижтимоий а□волини яхшилайди. Демак, ишлаб чи□ариш

самарадорлигини ошириш йўлларини □идириш, харажат ва натижаларни тў□ри солиштириш, мулкчилик шакли, □айси тармо□□а тегишлилиги, □удудий жойлашиши ва фаолият туридан □атъи назар, □ар бир корхона учун му□им вазифа □исобланади.

## 6.2. Хўжалик юритиш самарадорлигининг мезон ва кўрсаткичлари

Ишлаб чи□ариш самарадорлигини ошириш – корхона ра□бариятининг доимий вазифасидир. Бу вазифани ечиш амалиётда □уйидаги омиллар билан бо□ли□ бўлади:

* бозор талабларига жавоб берувчи ю□ори сифатли ма□сулот ишлаб чи□аришда энг кам харажатлар билан ишлаб чи□аришнинг максимал □ажмини таъминловчи, оптимал ишлаб чи□ариш жараёнини танлаш;
* истеъмолчилар талабини □ондиришга йўналтирилган ма□сулотни сотиш ва ю□ори даромад (фойда) олиш;
* айланма воситаларни тежаш имкониятини яратувчи оптимал ишлаб чи□ариш за□ираларини яратиш.

Хўжалик самарадорлигини ошириш омилларининг ю□орида санаб ўтилган □ар бири, фаолият юритишнинг турли шакл ва кўринишлари ёрдамида, ишлаб чи□ариш самарадорлиги асосида ётувчи харажатлар ва ресурсларнинг ўзаро ало□асини инобатга олган □олда амалга оширилади (6.1.-жадвал).

6.1 - жадвал

**Ма□сулот ишлаб чи□ариш ва уни сотишдаги харажатлар ва ресурларнинг ўзаро ало□аси**

| **Моддий ва буюмлашган шаклда** | | **Пул шаклида** | |
|---|---|---|---|
| ***Ресурслар*** | ***Харажатлар*** | ***Ресурслар*** | ***харажатлар*** |
| Ишчи кучи сони | Ме□нат (сифат ва ми□дор) | Ме□нат □а□и фонди | Тўланган ойлик ми□дори, жумладан, мукофот ва □ўшимчалар |
| Бино, иншоот, машина ва ускуналар (ме□нат □уроллари) | Ме□нат □уролларининг эскириши | Асосий капитал | Амортизация ажратмалар |
| Ме□нат предметлари | Истеъмол, талаб, материаллар, ё□ил□и, энергия ва □оказо | Айланма капитал | Сарфланган хом ашё, материал ва □оказолар □иймати |
| Тайёр ма□сулот | Дизайн, реклама, □адо□лаш, товар йў□отишлари | Муомала фондлари | □ўшимча харажатлар (□иймат) |
| - | - | Пул мабла□лари | Кредит учун фоиз |

Хўжалик самарадорлигини ба□олаш, корхонада фойдаланиладиган ресурс турлари бўйича амалга оширилиши ва ми□дор жи□атидан ўлчаниши мумкин. Масалан, ***ишчи кучидан*** фойдаланиш самарадорлигини ме□нат унумдорлиги ва ма□сулотниг ме□нат си□ими кўрсаткичлари ёрдамида □уйидаги формула асосида ба□олаш мумкин:

$$ПТ = \frac{Q}{Ч}$$

Бу ерда:

ПТ - ме□нат унумдорлиги;

Q - ма□сулот □ажми □иймат кўринишида;

Ч - ишловчилар (ишчилар) сони.

Ма□сулотнинг ме□нат си□ими ме□нат унумдорлигига тескари катталик бўлиб, сарфланган ме□нат ми□дорининг ишлаб чи□арилган ма□сулот □ажмига нисбати сифатида ани□ланади:

$$T = \frac{Ч}{Q}$$

***Ме□нат □уроллари***(асосий фондлар)дан фойдаланиш самарадорлиги ма□сулотнинг фонд си□ими ва фонд □айтими кўрсаткичлари ёрдамида ани□ланади. Бунда фонд □айтими корхона асосий фондларининг бир бирлигига тў□ри келувчи ишлаб чи□арилган ма□сулотни англатса, фонд си□ими эса фонд □айтимига тескари катталик бўлиб, янги асосий фондларни ташкил □илиш учун зарур бўлган капитал □ўйилмаларни ани□лаш вазифасини бажаради.

Фонд □айтими ($f_o$) ва фонд си□имини ($f_e$) ани□лаш формуласи □уйидагича:

$$fo = \frac{Q}{Ф}$$

Бу ерда:

Q - ма□сулот □ажми, □иймат пул кўринишида;

Ф – асосий ишлаб чи□ариш фондлари □иймати.

$$fe = \frac{Ф}{Q}$$

Фонд □айтими □анчалик ю□ори ва фонд си□ими □анчалик паст бўлса, ишлаб чи□ариш ва ме□нат □уролларидан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик ю□ори бўлади ва аксинча. Машина ва ускуналардан унумли фойдаланиш, ишлаб чи□ариш технологияларини такомиллаштириш □амда ходимлар малакасини ошириш, фонд □айтимини кўпайтиришнинг му□им за□ираси □исобланади.

Ме□нат □уролларидан фойдаланиш самарадорлиги, ма□сулотларнинг материал си□ими ёрдамида сарфланган хом ашё, материал, ё□ил□и, энергия ва ме□нат предметларининг умумий □ийматини ишлаб чи□арилган ма□сулот □ажмига нисбати ор□али ани□ланади. Унинг формуласи □уйидагича:

$$m = \frac{M}{Q}$$

Бу ерда:

m - ма□сулотларнинг материал си□ими;

М - ма□сулот ишлаб чи□ариш учун кетган моддий харажатларнинг умумий ми□дори пул кўринишида;

Q - ишлаб чи□арилган ма□сулот □ажми, □иймат кўринишида.

Ма□сулотнинг материал си□ими □анчалик паст бўлса, ишлаб чи□ариш самарадорлиги шунчалик ю□ори бўлади. Биро□ ма□сулот материал си□имини камайтириш, унинг сифатини пасайтириш ёки технология норма ва □оидаларини бузиш □исобига амалга оширилмаслиги лозим. Материал си□имининг бу тарзда камайтирилиши и□тисодий жиноят □исобланади ва □онунга асосан жазога тортилади.

Бозор шароитларида корхона хўжалик фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи ёки мезон кўрсаткичи сифатида рентабеллик ёки капиталнинг даромадлилигини □абул □илиш мумкин. Бу кўрсаткич □уйидаги формула асосида □исобланади:

$$R = \frac{П}{А} * 100$$

Бу ерда:

R - рентабеллик, хўжалик фаолиятининг натижасини фойда шаклида кўрсатади ва фоизларда ўлчанади;

П - корхонанинг баланс фойдаси;

А - авансланган капитал(асосий ва айланма).

Нисбатнинг катталашиши ме□нат, молия, технология ва моддий ресурсларидан унумлиро□ фойдаланишни англатади. Чунки айнан улар ишлаб чи□ариш □ажми ва харажатлари, ма□сулот ба□осига таъсир ўтказади. Хўжалик фаолияти минимал харажатлар билан ю□ори сифатли ма□сулот ишлаб чи□ариш йўлга □ўйилган жойларда самаралиро□ бўлади.

Корхона рентабеллигини ани□лашда баъзида корхона олган умумий фойда эмас, балки ма□сулот таннархини пасайтириш □исобига олинувчи фойда улушидан фойдаланилади. Бундай ёндашув корхонани ишлаб чи□ариш ма□сулдорлигини ошириш, ишлаб чи□ариш □увватларидан тежамкорлик билан рационал тарзда фойдаланиш, натижада эса ма□сулот ишлаб чи□аришга сарфланувчи барча харажатларни камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар сари чорлайди. Ю□орида келтирилган хўжалик самарадорлигини ба□олаш усуллари ва кўрсаткичларидан таш□ари бугунги кунда амалиётда Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк □ўмитаси томонидан ишлаб чи□илган корхоналарнинг и□тисодий ночорлик белгиларини ани□лаш учун мезонлар тизими □ам □ўлланилади. Уларнинг □аторига □уйидагиларни киритиш мумкин:

* тўлов □обилияти коэффициенти ($К_{пл}$);
* хусусий ва □арзга олинган мабла□лар нисбати коэффициенти ($К_{сс}$);
* молиявий муста□иллик коэффициенти ($К_{фн}$);
* хусусий айланма мабла□лар билан таъминланганлик коэффициенти ($К_{ос}$);

Бу кўрсаткичлар бир □арашда ма□сулот ишлаб чи□ариш со□асига, демак, ишлаб чи□ариш самарадорлигига ало□аси йў□дай туюлади. Аслида эса айнан улар ор□али корхонанинг самарали фаолиятини англатувчи и□тисодий ва молиявий бар□арорлик акс эттирилади. Бундан таш□ари, ма□сулотнинг материал си□ими, фонд □айтими, ме□нат унумдорлиги ва рентабеллик кўрсаткичлари, ишлаб чи□аришни режалаштириш ва та□лил □илишда □ўлланса, мезонлар тизими ёрдамида эса корхоналар ўзларининг

фаолият юритиш □обилиятини кўрсатади □амда турли хил муаммоли вазиятларда хўжалик судларида ўз манфаатларини □имоя □илади.

**Тўлов □обилияти коэффициенти** ($К_{пл}$) корхонанинг дебиторлар билан ўз ва□тида □исоб-китоб □илиш □амда тайёр ма□сулот ва бош□а моддий воситаларини сотишнинг □улай шароитларда сотиш ор□али ба□оланадиган тўли□ имкониятларини кўрсатади. У □уйидаги формула асосида □исобланади:

$$К_{пл} = \frac{А_2 - П_{дз}}{П_2 - Д_{зк}}$$

Бу ерда:

$А_2$ – айланма активлар (ишлаб чи□ариш за□иралари, тайёр ма□сулот, пул мабла□лари, дебиторлик □арзлари ва □оказолар);

$П_2$ – мажбуриятлар (□ис□а муддатли □арзлар, □ис□а муддатли кредитлар, бюджет олдидаги □арзлар, кредиторлик □арзлари ва □оказо);

$П_{дз}$ – муддати ўтиб кетган дебиторлик □арзлари;

$Д_{зк}$ – узо□ муддатли □арз ва кредитлар.

**Хусусий ва □арзга олинган мабла□лар нисбати коэффициенти** ($К_{сс}$) уларнинг шаклланиш манбаларини инобатга олган □олда, пул мабла□лари билан таъминланганлик даражасини ани□лайди. У □уйидаги формула асосида □исобланади:

$$К_{сс} = \frac{П_1}{П_2 - Д_{зк}}$$

Бу ерда:

$П_1$ – хусусий мабла□лар манбалари (Низом жам□армаси, □ўшилган капитал, та□симланмаган фойда ва □оказо).

**Молиявий муста□иллик коэффициенти** ($К_{фн}$) корхона молиявий муста□иллигининг камайиши (кўпайиши), келажакда молиявий □ийинчиликларга учраш хавфининг кучайиши (пасайиши) □а□ида маълумот беради □амда корхона ўз мажбуриятлари олдида жавоб беришининг кафолатларини белгилаб беради. У □уйидаги формула асосида □исобланади:

$$К_{фн} = \frac{П_1}{ИБ}$$

Бу ерда:

ИБ - корхона баланси активи ёки пассивининг якуни.

**Хусусий айланма мабла□лар билан таъминланганлик коэффициенти** ($К_{ос}$) корхонанинг бар□арор ишлаб чи□ариш-хўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган айланма воситалар мавжудлигини тавсифлайди. Шунингдек у, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларидаги муносабатларни □ам акс эттиради. Мазкур коэффициент □уйидаги формула асосида □исобланади:

$$К_{ос} = \frac{П_1 - А_1}{А_2}$$

Бу ерда:

$А_1$ – узо□ муддатли активлар (асосий воситалар, капитал □ўйилмалар, номоддий активлар ва □оказо).

Кўрсаткичлар тизимини тайёрлаган муаллифлар томонидан корхонанинг тўловга □обилиятлиги ёки ночорлигини ани□ловчи параметрлар белгилаб берилган. Масалан, тўлов □обилияти коэффициенти □амда хусусий ва □арзга олинган мабла□лар нисбати коэффициенти 2 дан кичик бўлса ($К_{пл}<2$; $К_{сс}<2$), молиявий муста□иллик коэффициенти 0,5 дан кичик бўлса ($К_{фн}<0,5$), хусусий айланма мабла□лар билан таъминланганлик коэффициенти 0,1 дан кичик бўлса ($К_{ос}<0,1$) корхоналар ночор деб топилади. Корхона ночорлиги, демак, хўжалик фаолиятининг самарасизлиги тў□рисидаги якуний □арор, ночорлик параметрларининг умумий суммаси 4,6 дан кичик бўлган □олда □абул □илинади.

Хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш жуда □ам мураккаб жараён бўлиб, бунинг □амма учун тў□ри келувчи ягона йўли мавжуд эмас. □ар бир корхона бу масалани ечишда ўз имкониятлари ва юзага келган и□тисодий шарт-шароитларидан келиб чи□□ан □олда □аракат □илади. Биро□ барча □олларда □ам самарадорликнинг асосида ***фойдани максималлаштириш*** ёки ***харажатларни минималлаштириш*** ётади.

*Шартли мисол келтириб ўтамиз.* Айтайлик, корхонанинг 10 млн сўм ми□дорида мабла□и бўлиб, бу мабла□ларни ишлаб чи□аришни кенгайтиришга сарфлаш мўлжалланган. □исоб-китоблар шуни кўрсатадики, корхона 10 млн сўм сарф □илганда □ўшимча 11 млн сўмлик ма□сулот ишлаб чи□аради, яъни фойда 1 млн сўмни ёки □ўшилган капиталнинг 10 % □исмини ташкил □илади.

Агарда корхона ушба мабла□ни банкка йилига 12 %ли депозит □исобига □ўйганида, фоизлар учун 1,2 млн сўм фойда олган бўлар эди. Демак, му□обил харажатларни □исоблаганда корхона 0,2 млн сўм ми□доридаги □ўлдан чи□ариб юборилган фойдани □ам □исобга олиши лозим. Биро□ ишга бундай ёндашишнинг, бугунги бозор муносабатлари шароитларида кенг тар□алган бундай усулида, яъни энг кўп фойдага эга бўлиш тамойили асосидаги усулда, корхона фойдани максимал даражага чи□арсада, ишлаб чи□аришни кенгайтиришга эриша олмайди. Ишлаб чи□аришни кенгайтириш эса, барчага маълум бўлганидек, и□тисодиётнинг ривожланиши учун энг му□им талаблардан бири □исобланади.

### 6.3. Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва омиллари

Ишлаб чи□ариш самарадорлигини ошириш, хўжалик юритишнинг бозор тизими □амда □ар □андай даврнинг му□им талабидир. Самарадорлик исталган корхонанинг и□тисодий бар□арорлиги ва фаолият юритиш □обилиятини акс эттиради. □ар □андай ишда, жумладан, корхоналар фаолиятида самарадорликнинг, ижобий натижаларнинг мавжуд бўлмаслигини, образли □илиб айтганда, оворагарчилик, ва□т, куч ва ресурсларни йў□отиш билан изо□лаш мумкин.

Фан-техника тара□□иёти корхоналарнинг ишлаб чи□ариш фаолияти самарадорлигини оширишда му□им омил бўлиб келган ва □озирда □ам ўз

а□амиятини йў□отмаган. Мазкур омилдан □уйидаги йўллар билан фойдаланиш мумкин:

* ишлаб чи□ариш ва ме□натни механизациялаштириш, автоматлаштириш □амда комплекс равишдаги механизациялаштириш;
* асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;
* прогрессив, ме□нат □амда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;
* хом ашё ва материаллар (ме□нат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
* ишлаб чи□аришни ташкил □илиш, режалаштириш ва бош□ариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, □исоблаш техникасидан фойдаланиш;
* ишлаб чи□ариш ва ме□натни илмий ташкил □илиш.

Амалиётда фан-техника тара□□иётининг, жумладан, унинг таркибий □исмларининг а□амияти ва ролини инкор □илувчи ёки тушунмовчи корхонани топиш амрима□ол. Биро□ ушбу омилни амалга ошириш учун фа□атгина □о□иш ва истакларнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун *биринчидан*, фан-техника тара□□иётининг айни пайтда зарур бўлган йўналишларини излаш ва ани□лаш, *иккинчидан*, пул мабла□ларини ва бош□а зарур бўлган ресурслар (инвестициялар) излаб топиш, *учинчидан*, замонавий илмий-техникавий ишламаларга ихтисослашган илмий-тад□и□от институтлари, конструкторлик, технологик ва бош□а илмий муассасалар билан керакли ало□аларни “бо□лаш”, *тўртинчидан*, ўз илмий-техникавий ма□садларининг самаралилигини □исоблаб чи□иш талаб □илинади.

Фан-техника тара□□иёти сўнгги пайтларгача эволюцион равишда ривожланиб келмо□да эди. Асосий эътибор амалдаги технологияларни такомиллаштириш, машина ва ускуналарни □исман замонавийлаштиришга □аратилган эди. Бундай чора-тадбирлар маълум бир чекланган натижаларга олиб келарди.

Янги техникаларни ишлаб чи□иш ва амалиётга киритишдан манфаатдорлик талаб даражасида эмасди. Ишлаб чи□ариш ва ме□натни ташкил □илишнинг хорижий прогрессив технологиялари “эксплуаторлик белгиси” сифатида, ишлаб чи□аришни автоматлаштириш ва механизациялаштириш эса ишсизликнинг асоси сифатида □абул □илинар эди. Хориж тажрибаларига капиталистик тажриба деб □араларди □амда бу тажрибаларнинг кенг тар□алишига йўл □ўйилмас эди.

Бозор муносабатлари шаклланаётган □озирги шароитларда, чу□ур сифат ўзгаришлари, тамойиллари янги технологиялар ва сўнгги авлод техникасига ўтиш, и□тисодиётнинг барча тармо□ларини фан ва техниканинг энг янги юту□лари асосида □айта □уроллантириш зарур. Шу билан бир □аторда олимлар, конструкторлар, му□андис ва ишчиларнинг ижодий ру□да ме□нат □илишлари учун и□тисодий ва ижтимоий манфаатдорликни яратиш му□им а□амият касб этади. Масалан, Япония корхона ва фирмаларида ижодий гуру□лар, сифат гуру□лари ташкил □илинган, яъни фан-техника тара□□иёти билан узвий бо□ли□ бўлмиш университетлар, илмий марказ ва лабороториялар билан ало□алар ривожлантирилмо□да. Япониянинг бугунги

кунда роботлар □амда замонавий техника ва технологияларнинг бош□а турларини яратишда биринчи ўринларда туриши □ам бежиз эмас.

Корхоналар ишлаб чи□ариш фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг му□им омилларидан яна бири сифатида *мавжуд ишлаб чи□ариш сало□ияти* - асосий ва айланма фондлар, ишчи кучидан тежамкорлик асосида, иложи борича унумлиро□ фойдаланишни кўрсатиш мумкин. Бундан таш□ари уларга буюмлашган ме□нат сарфланганлиги, яъни корхонанинг бугунги эгаларидан таш□ари аввалги авлод вакилларининг □ам ме□нати мавжудлиги билан изо□лаш мумкин.

Бозор шароитларида ишлаб чи□ариш сало□иятидан унумли фойдаланиш зарурияти □а□ида □айта таъкидлашга э□тиёж йў□: биринчидан, бозор "вакуумни", □аракатсизликни, хўжасизликни ва йў□отишларни кечирмайди, иккинчидан, ўз имкониятлари ва ресурсларидан етарлича фойдаланмайдиган корхона исти□болга эга бўлмайди □амда банкротга учрашга асос яратади. Шу сабабли барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш ва айни□са ишлаб чи□аришнинг барча бў□инларида тежамкорликка риоя □илиш □ар бир корхона фаолиятининг муваффа□ият □озонишининг гарови □исобланади.

Корхоналар ишлаб чи□ариш фаолиятининг самарадорлигини оширишда *ташкилий-и□тисодий омиллар*, жумладан, бош□арув □ам му□им ўринга эга. Уларнинг а□мияти ишлаб чи□ариш ми□ёсининг ўсиши ва хўжалик боло□аларининг мураккаблашиши билан ортиб боради. Бу омиллар □аторига биринчи ўринда, о□илона ишлаб чи□ариш шаклларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш - концентрация, ихтисослаштириш, кооперация ва комбинация □илишни киритиш мумкин.

*Бош□арувда* эса, бош□ариш, режалаштириш, и□тисодий ра□батлантиришнинг усул ва шаклларини, яъни корхона фаолиятининг бутун хўжалик механизмини такомиллаштиришда ифодаланади. Корхона ра□барининг иш стили ва усуллари фан-техника тара□□иёти ва бозор и□тисодиётига мос келиши зарур. Масалан, корхона директори билими, тажрибаси ва профессионал малакасига кўра, оддий ходимлар ва бўлинма (хизмат) ра□барларидан ю□ори туриши лозим. Акс □олда у жамоани керакли тарзда бош□ара олиши □амда муваффа□иятга эришиши ва имиджга эга бўлиши □ийин.

*Режалаштиришда* режаларнинг баланслаштирилиши, кўрсаткичлар тизимини оптимал шакллантириш, режалаштирилаётган ма□садлар ресурслар билан таъминланиши му□им а□амият касб этади. Бу эса ўз навбатида корхонадаги и□тисодий фаолиятни кучайтиришни, режалаштириш ва и□тисодий □исоб-китобларни □амда замонавий компьютер техникаси ва унинг режа и□тисодий □исоб-китобларини амалга оширишдаги имкониятларини яхши билувчи, саводли ва малакали и□тисодчиларни танлашни талаб □илади.

Корхона фаолиятининг самарали бўлишида *ишлаб чи□аришни интенсивлаштириш,* ишлаб чи□арилаётган *ма□сулотларнинг тури ва сифатини ошириш* □амда жа□он стандартлари даражасига етказиш, *корхонанинг ишлаб чи□ариш тузилмасини яхшилаш* каби омиллар □ам

му□им ўринни эгаллайди. Бунга эса замонавий машина ва асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар, ишлаб чи□ариш ва ме□натни ташкил □илишнинг ил□ор усулларидан фойдаланиш ор□али эришилади.

Албатта, ю□орида келтириб ўтилган омилларни амалга ошириш маълум бир ресурслар ва ва□т сарфлашни талаб □илади. Биро□ бу муаммоларнинг мо□ияти ва а□амиятини ўзгартирмайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, замон билан □амнафас □олда □аракат □илувчи, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз сало□иятидан унумлиро□ фойдаланувчи, замонавий фан ва техника юту□ларига таянувчи корхона ўзининг бугунги кундаги муваффа□иятларидан таш□ари, келажакда □ам муваффа□иятларга эришишини, жумладан, бозордаги ўз ўрни ва ра□обатчилик му□итида □улай а□волда бўлишини таъминлайди.

**□ис□ача хулосалар**

*Ишлаб чи□ариш ва корхона фаолиятининг самарадорлиги* «мода»га эргашиш ёки аввалги режали и□тисодиётнинг акс-садоси эмас. Корхонанинг муваффа□ияти ва и□тисодий жи□атдан бар□арорлиги самарали хўжалик юритишга асосланади.

*Самарадорлик* - хўжасизлик, исрофгарчилик ва бош□а талофатларнинг антиподидир. Биро□ самарадорлик ўз-ўзидан автоматик равишда келмайди. Фан-техника тара□□иёти, ишлаб чи□ариш □увватлари ва ресурслардан о□илона фойдаланиш, тежамкорликка риоя □илиш, ишлаб чи□аришни интенсивлаштириш, бош□арув тизимини такомиллаштириш ва о□илона инвестицион сиёсат самарадорликни оширишнинг му□им омили ва йўналиши бўлиб хизмат □илади.

*Самарадорликнинг асоси* харажатларни минималлаштириш ва фойдани максималлаштиришдадир. Корхона хўжалик юритишининг самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар сифатида ме□нат ма□сулдорлиги, фонд □айтими ва фонд си□ими, материал си□ими, ме□нат си□ими, рентабеллик ва □оказоларни кўрсатиш мумкин.

Корхонанинг бар□арорлиги ёки ночорлиги унинг самарали ёки самарасиз фаолият юритишини мос равишда акс эттиради. Бу жи□атдан бугунги хўжалик юритиш амалиёти тўлов □обилияти коэффициенти, хусусий ва □арзга олинган айланма мабла□лар нисбати коэффициенти, молиявий муста□иллик коэффициенти ва хусусий айланма воситалар билан таъминланганлик коэффициенти каби кўрсаткичлар тизимидан фойдаланади.

Турли корхоналарда хўжалик юритиш самарадорлигига ўз имкониятлари ва юзага келувчи и□тисодий имкониятлардан келиб чи□□ан □олда турли усуллар ёрдамида эришилади. Самарадорликка эришишнинг □амма учун тў□ри келувчи ягона йўли мавжуд эмас. Корхонанинг вазифаси барча фаолият турларида самарадорликка эришиш йўлларини □идиришдир.

**Таянч иборалари**

Ишлаб чи□ариш самарадорлиги, самара, самарадорлик, и□тисодий самарадорлик, ижтимоий-и□тисодий самарадорлик, хўжалик самарадорлигини ошириш омиллари, ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлиги, ме□нат □уроллари(асосий фондлар)дан фойдаланиш

самарадорлиги, рентабеллик ёки капиталнинг даромадлилиги, корхоналарнинг и□тисодий ночорлик белгилари, тўлов □обилияти коэффициенти, хусусий ва □арзга олинган мабла□лар нисбати коэффициенти, молиявий муста□иллик коэффициенти, хусусий айланма мабла□лар билан таъминланганлик коэффициенти, корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва омиллари, фан-техника тара□□иёти, ташкилий-и□тисодий омиллар.

## Назорат ва му□окама учун саволлар

1. Ишлаб чи□ариш самарадорлигининг мо□ияти нимада ва у корхона умумий фаолияти самарадорлигидан □андай фар□ □илади?
2. Самарадорликнинг □андай турларини биласиз? Самаранинг самарадорликдан фар□и нимада?
3. Корхона ишлаб чи□ариш фаолияти самарадорлигининг му□им кўрсаткичлари мазмунини очиб беринг. Бу кўрсаткичларни □исоблаш усули □андай?
4. Сизнинг фикрингизча, □айси кўрсаткич корхона фаолияти самарадорлигини кўпро□ акс этитради?
5. Корхона фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари ва омилларини санаб беринг.
6. Бозор шароитларида самарадорликни и□тисодий кўрсаткич □амда тушунча сифатида □абул □илиш мумкинми?
7. Ишлаб чи□ариш самарадорлигини оширишда асосий ўрин кимга тегишли: инсонларгами, ресурсларгами ёки фан-техника тара□□иётигами?

## Тавсия этиладиган адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тў□рисида”ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., “Ўзбекистон”, 2004., №3
2. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўса□асида: хавфсизликка та□дид, тара□□иёт шартлари ва кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
3. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
4. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.
5. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
6. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
7. Экономика предприятия. Учебник для ВУЗов. 3-е издание /Под. ред. В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара. - М.: Юнити-Дана, 2003.
8. Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционнўх проектов и их отбору для финансирования. Издание официальное - М.: ОАО «НПО», издательство «Экономика», 2000
9. Гурков И.Б. Инновационное развитие и конкурентоспособность: Очерки развития 333 российских предприятий. – М.: ТЕИС, 2003.
10. Фомин Я.А. Диагностика кризисного состояния предприятия: Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. 439 с.
11. Гиляровская Л.Т., Вехорова А.А. Анализ и оценка финансовой устойчивости коммерческого предприятия. – СПб: Питер, 2003. –249 с.

12. Крӯлов Э.И. Анализ эффективности инвестиционной и инновационной деятельности предприятий / Учеб пос. 2е изд. пере раб и доп.. –М.: Финансӯ и статистика, 2003. –605 с.

13. Фомин Я.А. Диагностика кризисного состояния предприятия: Учеб. пос. для вузов. – М.: ЮНИТИ_ДАНА, 2003. –349 с.

14. О.И. Волков, Экономика предприятия, Учебник. М., “ИНФРА-М”, 2000.

15. Г.И. Шепеленко. Экономика, организация и планирование производства на предприятии. Учебное пособие. Ростов-на-Дону, Изд. Центр “МАРТ”, 2000.

16. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.

17. Сенге Питер М. и др. пер с анг. Танец перемен: новӯе проблемӯ самообучаюҳихся организаций М.: ЗАО Длимп-Бизнес 2004.

18. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.

19. Экономика предприятия Конспект лекций М.: Изд-во ПРИОР 2002.

20. Сергеев И.В Экономика предприятия. 2-е изд. пераб. и доп. Учебное пособие М.: ФиС 2004.

21. Сбалансированная система Показателей – шаг за шагом: максимальное повӯшение эффективности и закреплении полученнӯх результатов Пер. с англ. Днепропетровск: Баланс-Клуб 2003.

22. Вумек Джеймс П., Джонс Дениел Т. Пер. с англ. Бережливое производство; Как избавиться от потерь и добиться процветания вашей компании; М.. Альпина Бизнес БУКС 2004.

23. Кристенсен Клейтон М. Как из-за новӯх технологий погибают сильнӯе компании /Дилемма инноватора Пер.с анг. М.: Альгина Бизнес Бука 2004.

24. Мескон М.Х., Альберт М. и др. Основӯ менеджмента: Пер с англ. – М.: Дело,2000.-704с.

25. http:/www.harvard. edu

26. http:/www.capitul.ru

27. http:/www.5b. ru

28. http:/www.audit - center. ru

## VII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИ□АРИШ □УВВАТИ (мавзу янги педагогик ва ахборот технологиялари асосида олиб борилади)*

7.1 Асосий фондларнинг мо□ияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни.

7.2. Корхоналарда асосий фондларнинг эскириши, уларни ба□олаш ва таъмирлаш.

7.3. Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш йўллари ва кўрсаткичлри.

7.4. Корхонанинг ишлаб чи□ариш □уввати.

### 7.1. Асосий фондларнинг мо□ияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни

Замонавий и□тисодиёт фани **асосий фондларни** маълум бир истеъмол □иймати кўринишида ижтимоий ме□нат асосида яратилувчи, ишлаб чи□аришнинг моддий-буюмлашган материал омиллари □аторига киритади. □озирги бозор шароитларида корхона кучи ва воситалари ёрдамида яратилган асосий фондлар ишлаб чи□ариш □увватларини шакллантириш ва улардан фойдаланишга фаол равишда таъсир кўрсатувчи мулк □исобланади. Бутун хал□ хўжалиги ми□ёсида асосий фондлар мамлакатнинг миллий бойлигини ташкил □илади.

**Асосий фондлар** *корхона ишлаб чи□ариш воситаларининг бир □исми бўлиб, ишлаб чи□ариш жараёнида узо□ ва□т иштирок этада ва ўзининг натурал-моддий □олатини йў□отмайди □амда ўз □ийматини тайёрланаётган ма□сулотларга □исмлаб ўтказиб беради.* Асосий фондлар □ийматини тайёрланаётган ма□сулотга ўтказиш жараёни амортзиция деб, ушбу жараёнда тўпланган мабла□лар эса *амортизация ажратмалари* деб аталади.

И□тисодий ма□садларига кўра, асосий фондлар ишлаб чи□ариш ва ноишлаб чи□ариш фондларига та□симланади. Ишлаб чи□ариш асосий фондлари ўз мо□иятига кўра, корхонанинг ишлаб чи□ариш потенциалини ташкил □илиб, уларнинг таркибига □уйидагилар киради:

* ишлаб чи□ариш бинолари ва иншоатлари;
* узатиш □урилмалари;
* □увват машиналари ва ускуналари;
* ишчи машиналар ва ускуналар;
* транспорт воситалари;
* ўлчов ва тартибга солиш асбоблари ва □урилмалари;
* фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлмаган ва □онунчиликда белгилаб □ўйилган □ийматлардаги асбоблар ва ишлаб чи□ариш инвентари.

Асосий ишлаб чи□ариш фондлари ишлаб чи□аришда банд бўлган барча мутахассис ва ходимлар сони билан биргаликда, **корхонанинг ишлаб чи□ариш аппарати** деб аталади.

**Ноишлаб чи□ариш асосий фондлари** *корхона асосий фондларининг ишлаб чи□аришда бевосита иштирок этмайдиган □исми бўлиб, шу сабабли ўз □ийматини тайёр ма□сулотга ўтказмайди.* Булар □аторига асосан корхона

* Методик ишланманинг □ис□ачи варианти 1-иловада келтирилган

балансида турувчи тураржой (уй-жой фонди), ошхона, профилакторий, клуб, болалар бо□часи ва яслилар, спорт-со□ломлаштириш ва бош□а объектлар киритилади. Маданий-маиший ва со□ломлаштириш йўналишидаги ноишлаб чи□ариш асосий фондлари ишлаб чи□ариш асосий фондлари билан фойдаланиш муддати, натурал шаклнинг са□ланиши, ўз □ийматини секин-аста йў□отиши каби кўп жи□атлари билан ўхшашдир.

Корхона асосий фондлари таркибини □уйидаги 7.1 - чизма кўринишида акс эттириш мумкин*.




*7.1 - чизма. Корхона асосий фондларининг таркиби.*

Ме□нат предметига ўтказувчи таъсирига кўра, асосий ишлаб чи□ариш фондлари **актив** ва **пассив** турларга бўлинади. Асосий ишлаб чи□ариш

* Ушбу расмни матннинг электрон версияси ор□али слайд шаклида диапроектор ор□али намойиш этиш мумкин. 2-илова

фондларининг пассив турига бино ва иншоатлар, актив турига эса □увват машина ва ускуналари, ишчи машина ва ускуналар, транспорт воситалари, технологик линиялар, яъни бирон-бир турдаги ма□сулот яратишда фойдаланилувчи ме□нат □уроллари киритилади.

Корхонанинг актив асосий ишлаб чи□ариш фондлари энг □аракатчан ва а□амиятли □исобланади. Фан-техника тара□□иёти давомида кўплаб корхоналарда актив ишлаб чи□ариш фондларининг салмо□и ортади, уларнинг таркиби ва кўриниши ўзгаради, асосий фондлар гуру□ ва турларининг маънавий эскириш туфайли алмашиниш суръати тезлашади.

Ишлаб чи□ариш ми□ёсининг ўсиши ва бош□а ижобий ўзгаришлар шароитларида, баъзан корхонанинг асосий фондлари, жумладан, ишчи машиналар ва ускуналар, ишлаб чи□ариш бинолари, □урилмалар ва □оказолар етмай □олади. Бундай □оллар рўй берганда корхона шартнома асосида ўзига керакли бўлган асосий фондларни ёллайди ва улар ижарага олинган □исобланади. Ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида юзага келувчи мулк муносабатлари **лизинг** деб аталади (ингл. Lease - ижара).

Асосий фондларнинг умумий □ажмида ало□ида гуру□ларининг □иймат бўйича ўзаро нисбати ***асосий фондларнинг турлар бўйича тузилмасини*** акс эттиради □амда амалиётда фоизларда ўлчанади. Корхона асосий ишлаб чи□ариш фондлари тузилмасининг, биринчи ўринда унинг актив □исмини - машина ва асбоб-ускуналарни кўпайтиришга йўналтирилган такомиллаштиришдан манфаатдор бўлиши лозим. Уларнинг улуши □анчалик ю□ори бўлса, ишлаб чи□арилаётган ма□сулотлар ми□дори шунчалик катта бўлади ва аксинча.

Корхона асосий фондларининг турлар бўйича тузилмаси, кўп жи□атдан капитал □ўйилмаларнинг технологик тузилмаси ор□али, жумладан, уларнинг янги □урилиш ва □айта таъмирлаш, амалдаги ишлаб чи□аришни кенгайтириш ва □айта □уроллантириш билан аввалдан белгилаб □ўйилган бўлади. Асосий фондларнинг турлар бўйича тузилмасига ишлаб чи□аришни ихтисослаштириш ва концентрация □илиш даражаси □ам катта таъсир ўтказади. Йирик корхоналар, ишлаб чи□аришни фондлар билан таъминлашда ва фан-техника тара□□иёти юту□ларидан кенг фойдаланишда кичик ва ўрта корхоналарга □араганда кўпро□ имкониятга эга. Биро□ кичик корхоналар □аракатчанро□, уларнинг бош□аруви мослашувчанро□ бўлиб, натижада ишлаб чи□аришни техник жи□атдан □айта □уроллантириш осонро□ кечади.

«Корхона и□тисодиёти»га **эксплуатация □илинаётган асосий фондларнинг ёши**, биринчи ўринда машина ва асбоб-ускуналарнинг ёши катта таъсир кўрсатади. □озирги пайтда машина ва саноат ускуналарини ёш бўйича гуру□лашда тахминан □уйидаги муддатлардан келиб чи□илади: 5 йилгача, 5 йилдан 10 йилгача, 10 йилдан 15 йилгача, 15 йилдан 20 йилгача, 20 йилдан 25 йилгача ва □оказо. Машина ва ускуналарнинг эксплуатация муддати □анчалик ю□ори бўлса, корхонанинг ишлаб чи□ариш □увватлари шунчалик паст бўлади, ма□сулотлар сифати пасаяди, бекор туриб □олиш ва талофатлар кўпаяди □амда аксинча. Бундан таш□ари, корхона асбоб-

ускуналаридан узо□ ва□т мобайнида фойдаланилганида таъмирлаш учун □ам кўп харажатлар сарфланади.

### 7.2. Корхоналарда асосий фондларни эскириши, уларни ба□олаш ва таъмирлаш

Хўжалик амалиётида асосий фондлар натурал ва □иймат кўринишида □исобга олинади. Агар асосий фондларни *натурал ба□олаш*-ишлаб чи□аришни техник жи□атдан □айта □уроллантириш ва замонавийлаштириш масалаларини □ал □илиш, асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун уларнинг гуру□ ва турлари бўйича графиклар тузиш, шунингдек, таъмирлаш воситаларига бўлган э□тиёжни ани□лаш имконини берса, *□иймат бўйича ба□олаш* эса, асосий фондларни □айта ишлаб чи□аришни режалаштириш, уларнинг мавжуд □ажмини ани□лаш, амортизация □ажмини белгилаш, асосий фондлар ва ишлаб чи□ариш □увватларидан фойдаланиш даражасини та□лил □илиш ва □оказоларда му□им а□амият касб этади.

Асосий фондларни ба□олашнинг □уйидаги усуллари мавжуд: **бошлан□ич □иймат бўйича** - асосий воситаларни яратиш ёки сотиб олиш учун сарфланган харажатлар мажмуидан иборат бўлиб, асосий фондлар ёки уларнинг ало□ида □исмларини фойдаланишга топшириш учун яро□ли □олга келтириш билан бо□ли□ бўлган-уларни келтириш, ўрнатиш каби харажатларни □исобга олган □олда юзага келувчи □иймат.

Масалан, битта машина ёки ускунанинг бошлан□ич □иймати – бу, корхонанинг мазкур машина ёки ускунани маълум бир санада сотиб олган ва бу □а□да бухгалтерия □ужжатларида □айд □илинган сотиб олиш нархидир.

**Тикланиш □иймати бўйича** - асосий фондлар ёки уларнинг бирон-бир □исмини (бинолар, □урилмалар, машиналар, ишлаб чи□ариш ускуналари ва □оказо) □озирги пайтдаги инфляция ва бош□а омилларни □исобга олган □олда ба□олаш. Ба□олашнинг бу усули объектнинг □озирги пайтдаги □айта ишлаб чи□ариш даврида □анча туришини кўрсатади. Корхона асосий фондларининг тикланиш □иймати, тафтиш ва инвентаризация пайтида, мамлакат ми□ёсида ва давлат чора-тадбири сифатида эса, асосий фондларни □айта ба□олаш пайтида амалга оширилади.

**□олди□ □иймати бўйича** - асосий фондларнинг эскиришини инобатга олган □олда, бирламчи ва □айта тиклаш □ийматлари ўртасидаги фар□ кўринишидаги ба□олашдир. Бош□ача □илиб айтганда, бу асосий фондларнинг ишлаб чи□арилаётган ма□сулотларга □али ўтказилмаган □исмидир. Корхоналар томонидан фойдаланилмайдиган □амда □исобдан чи□ариш ёки сотиб юбориш мўлжалланган асосий фондлар □ам, кўпинча □олди□ □иймати бўйича, мазкур хўжалик йилидаги нархларда ба□оланади.

Корхона асосий фондларини ба□олашнинг турларини □уйидаги чизма кўринишда акс эттириш мумкин[*]: (7.2.-чизма)




*7.2. -чизма.* Корхона асосий фондларини ба□олашнинг турлари

И□тисодиётнинг глобаллашуви □амда □исоб ва □исоботларнинг мукаммаллашуви, жумладан, миллий □исоб стандартларининг жа□он стандартлари талаблари даражасига келтирилиши туфайли, гарчи асосий воситалар, асосий фондларнинг пул кўринишидаги ифодаси сифатида аввалдан □ўлланиб келган бўлсада, □аётимизга "асосий капитал", "асосий воситалар" каби атамалар эндиликда кенг равишда кириб келмо□да.

□озириги кунда амалиётда асосий воситаларнинг корхона баланси ва □исоботларида акс эттирилувчи (яъни, бошлан□ич, белгиланган тартибда ўтказилувчи □айта ба□олашдан кейин эса тикланиш), □исобга олиш □иймати **баланс □иймати** деб аталади. Бундан асосий воситаларнинг □олди□ □ийматини асосий воситаларнинг баланс □ийматидан эскириш суммасини айириб ташлаш ёрдамида топиш мумкинлиги англашалади.

□абул □илинган ба□олаш усули ва корхона балансида акс эттирилувчи бухгалтерия □исоботи маълумотлари асосида, **корхона асосий ишлаб чи□ариш фондларининг ўртача йиллик □иймати** ($Ф_{ср}$) белгиланиб, у □уйидаги формула асосида ани□ланади:

---

[*] Ушбу расмни матннинг электрон версияси ор□али слайд шаклида диапроектор ор□али намойиш этиш мумкин. 2-илова

$$Ф_{ўр} = Ф_н + \frac{Ф_п T_1 - Ф_в T_2}{12};$$

Бу ерда:

$Ф_н$ – асосий ишлаб чи□ариш фондларининг йил бошидаги □иймати;

$Ф_п$ – йил давомида келиб тушган (фойдаланишга топширилган) асосий ишлаб чи□ариш фондлари □иймати;

$Ф_в$ – йил давомида ишлаб чи□аришдан чи□арилган (йў□ □илинган) асосий фондлар □иймати;

$Т_1$- фойдаланишга топширилувчи асосий ишлаб чи□ариш фондлари амалда бўлувчи ўртача муддати (ойларда), □абул □илингандан кейинги ойдан бошлаб;

$Т_2$ – ишлаб чи□аришдан чи□арилган (йў□ □илинган) асосий ишлаб чи□ариш фондлари фойдаланилмайдиган ўртача муддат (ойлар) чи□арилган ойдан то йил охиригача).

Асосий фондларни бошлан□ич ёки тикланиш □иймати бўйича ба□олашдан таш□ари эскириш суммаси □ам □исобга олинади. Асосий фондлар жисмоний ва маънавий жи□атдан эскириши мумкин.

*Жисмоний (моддий) эскириш* асосий фондларнинг бирламчи хислатларини ишлаб чи□аришда фойдаланиш ва табиий эскириш натижасида йў□отишдан юзага келади. У асосан бир хилда кечмайди □амда кўп жи□атдан и□лимнинг таъсири, асосий фондлардан фойдаланиш □оидаларига риоя □илиш, жумладан, ходимларнинг малакасига □ам бо□ли□ бўлади.

Жисмоний эскиришни (ИФ) □уйидаги формула асосида □исоблаб топиш мумкин:

$$ИФ = \frac{T_ф}{T_н} \times 100; \qquad \text{ёки} \qquad ИФ = \frac{И}{П_с} \times 100.$$

Бу ерда:

$Т_ф$ - асосий фондларнинг □а□и□ий хизмат □илувчи муддати;

$Т_н$ - асосий фондлар хизмат □илиши керак бўлган норматив муддат;

И - □исобланган амортизация суммаси (эскириш суммаси);

$П_с$ – асосий фондларнинг бошлан□ич(□айта ташкил □илиш) □иймати.

*Маънавий эскириш* - асосий фондларнинг □адрсизланиши ёки техник жи□атдан муддатидан аввал иш □обилиятини йў□отилишидир. У икки шаклда юзага келади: биринчи шаклда асосий фондлар уларнинг ишлаб чи□ариш □ийматлари пасайиши натижасида □адрсизланса, иккинчи шаклда асосий фондларнинг □адрсизланиши янги, фан-техника тара□□иёти таъсири остида, янада самаралиро□ фондларнинг пайдо бўлиши натижасида рўй беради. Асосий фондлар маънавий эскиришининг ю□орида келтирилган шаклларини □уйидаги тарзда ани□лаш мумкин:

$$ИМ_1 = \frac{П - В}{П} \times 100;$$

$$ИМ_2 = \frac{П_н - П_с}{П_н} \times 100$$

Бу ерда:

П - асосий фондларнинг тўли□ бошлан□ич □иймати;

В - асосий фондларнинг тикланиш □иймати;

$П_н$- янги техниканинг унумдорлиги.




*7.3.-чизма. Асосий фондларнинг эскириш турлари**

Асосий фондларни □айта ишлаб чи□ариш, яъни жисмоний ва маънавий жи□атдан эскирган асосий фондларнинг ўрнини и□тисодий тўлдириш учун корхона бу воситалар □ийматидан *амортизация ажратмаларни* айириб ташлайди □амда бу ажратмалар кейинчалик харажатлар сифатида ма□сулот таннархига киритилади.

Амортизация ажратмалари □уйидаги формула асосида ани□ланувчи амортизация нормалари (На) асосида амалга оширилади:

$$H_a = \frac{A}{П} * 100$$

Бу ерда:

А - амортизация ажратмалари;

* Ушбу расмни матннинг электрон версияси ор□али слайд шаклида диапроектор ор□али намойиш этиш мумкин. 2-илова

П - асосий фондларнинг тўли□ бошлан□ич □иймати.

Йиллик амортизация ажратмалари (АО) ми□дори □уйидаги формула асосида ани□ланади:

$$А = \frac{П + Р_к + М - О}{Т}$$

Бу ерда:

$Р_к$ – асосий фондлар хизмат □илган муддат давомида капитал таъмирлашга сарфланган харажатлар;

М - ускуна, машина ва □урилмаларни, улар хизмат □илган давр мобайнида модернизация □илишга сарфланган харажатлар;

О - асосий фондларнинг □олди□ (ликвидацион) □иймати;

Т - асосий фондларнинг хизмат □илиш муддати, йил.

Амалда амортизация мабла□лари асосий фондларни тўли□ □айта тиклаш (реновация), капитал таъмирлаш ва ускуналарни модернизация □илиш учун ало□ида равишда йўналтирилади. Бундан келиб чи□□ан □олда амортизация нормаси икки □исмдан - фондларни реновация □илиш ($Н_в$) □амда капитал таъмирлаш ва модернизация □илиш ($Н_р$) учун ажратилувчи мабла□дан иборат бўлади.

Биринчи □олда амортизация нормаси □уйидаги формула:

$$Н_в = \frac{П - О}{ТП} \times 100;$$

иккинчи □олда эса:

$$Н_р = \frac{Р_к + М}{ТП}$$

асосида ани□ланади

Ишлаб чи□ариш жараёнида асосий фондлар аста-секинлик билан эскириши сабабли, уларнинг иш □обилиятини таъмирлаш ор□али тиклаш зарурияти ту□илади. Ўз ва□тида таъмирлаш асосий фондлар муддатидан олдин ишдан чи□ишининг олдини олади □амда уларнинг хизмат □илиш муддати ва унумдорлигини оширади. Асосий фондларни таъмирлаш капитал, ўрта ва жорий турларга бўлинади. Бино ва иншоотларни таъмирлаш ўз мазмуни, талаб □илинувчи муддат ва мабла□ларга кўра, машина ва ускуналарни таъмирлашдан фар□ □илади.

Масалан, машина ва асбоб-ускуналарни **капитал таъмирлашда** улар тўли□ □исмларга бўлинади ва эскирган □исмлар алмаштирилади. Ускуналарни икки марта капитал таъмирлаш орасидаги муддат *таъмирлаш цикли* деб аталади. Машина ва ускуналар, □оидага кўра, махсус заводларда таъмирланади.

**Ўртача таъмирлаш** техник мазмуни, мураккаблиги, бажариладиган иш □ажми ва даврийлигига кўра, капитал таъмирлашдан фар□ □илади □амда сарфланувчи мабла□, ва□т ва кучни нисбатан камро□ талаб этади. Жорий таъмирлаш каби у □ам машина ёки ускунадан фойдаланувчи корхонанинг ўзида амалга оширилиши мумкин.

**Жорий таъмирлашда** асосан асбоб-ускуналар тозаланади, мойланади, текширилади, майда камчиликлари бартараф □илинади, яъни ускуналарнинг фойдаланишга доимий тайёрлиги таъминланади.

Асосий фондларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш мажмуаси *режали-олдини олувчи таъмирлаш тизимига* (РООТ) бирлаштирилади ва корхона бош механиги томонидан бош□арилади. Деярли □ар бир корхонада РООТ ўтказилишини □айд □илиш журналлари мавжуд бўлиб, уларда профилактика ва таъмирлаш тадбирларини ўтказиш тартиби ва графиги белгилаб □ўйилади.

Таъмирлаш ишлари туфайли корхона асосий фондларнинг жорий эксплуатацияга тайёрлигини таъминлайди. Биро□ шу билан бир □аторда корхона асосий фондларни яратиш, фойдаланиш, амортизация, □айта тиклаш каби бос□ичларни ўз ичига олувчи такрор ишлаб чи□ариш амалларини доимий равишда бажаришга интилиши лозим. Бу бос□ичларни □уйидаги чизма ёрдамида акс эттириш мумкин (7.4 - чизма)*.




*7.4-чизма. Корхона асосий фондларини □айта ишлаб чи□ариш бос□ичлари*

Такрор ишлаб чи□ариш циклида асосий фондларни яратиш жараёни корхонадан таш□арида амалга оширилади □амда асосан □урилиш со□аси, машинасозлик, асбобсозлик □амда асосий фондларни яратиш билан шу□улланувчи бош□а со□алар билан бо□ли□ бўлади. Асосий воситаларни такрор ишлаб чи□аришнинг □олган бос□ичлари корхона □удудида амалга оширилади. Биро□ барча □олларда □ам асосий фондларни такрор ишлаб чи□ариш туфайли корхоналар ишлаб чи□аришни модернизация □илиш

* Ушбу расмни матннинг электрон версияси ор□али слайд шаклида диапроектор ор□али намойиш этиш мумкин. 2-илова

□амда ривожланиб бораётган бозор муносабатлари шароитларида и□тисодий ва техник бар□арорликка эришишларини таъминлайди.

### 7.3. Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш йўллари ва кўрсаткичлари

Асосий ишлаб чи□ариш фондларидан фойдаланишнинг турли хил кўрсаткичлари мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда икки гуру□га бўлиш мумкин:

**биринчи гуру□** - *умумлаштирувчи* ва *□иймат* кўрсаткичлари бўлиб, улар асосий фондларнинг турли гуру□ларини динамика ва статикада ба□олаш, та□лил □илиш, за□ираларни ани□лаш ва башорат □илиш имконини яратади. Бундай кўрсаткичларга фонд □айтими, фонд си□ими, фонд рентабеллиги ва бош□аларни киритиш мумкин.

**иккинчи гуру□** - *хусусий* ва *натурал* кўрсаткичлар бўлиб, кўпро□ асосий ишлаб чи□ариш фондларининг фаол □исми - ишчилар, машина ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш билан бо□ли□.

Кўрсаткичларнинг бу гуру□и таркибига □уйидагилар киради:

* асосий ишлаб чи□ариш фондлари(машина ва асбоб-ускуналар)дан экстенсив фойдаланиш коэффициенти, улардан ва□т бўйича фойдаланганлик даражасини акс эттиради;
* асосий ишлаб чи□ариш фондлари(машина ва асбоб-ускуналар)дан интенсив фойдаланиш коэффициенти, улардан □увват бўйича фойдаланганлик (унумдорлик) даражасини акс эттиради;
* асосий ишлаб чи□ариш фондларидан интеграл фойдаланиш коэффициенти, барча экстенсив ва интенсив омиллардан биргаликда фойдаланишни □исобга олади.

Кўрсатилган кўрсаткичларнинг □ар бири амалиётда муста□ил маънога эга бўлиб, турли ма□садларга эришиш учун фойдаланилади. Масалан, асосий ишлаб чи□ариш фондларидан ва□т бўйича □андай фойдаланилганлигини (экстенсив фойдаланиш) ба□олаш асбоб-ускуналарнинг сменалик коэффициенти, ускуналарни коэффициенти, смена давомида ускуналарнинг бекор туриб □олиши, ускуналардан сменаларда фойдаланиш коэффициенти каби кўрсаткичлар □ўлланилади.

Асбоб-ускуналардан экстенсив фойдаланиш коэффициенти мазкур ускуналардан амалда □а□и□ий фойдаланилган ва□тнинг улардан режа бўйича фойдаланиш муддатига нисбати ор□али ани□ланади.

$$K_{экс} = \frac{t_{хак}}{t_{реж}}$$

Бу ерда:

$t_{хак}$ – ускуналардан □а□и□ий фойдаланилган ва□т, соатлар;

$t_{реж}$ – ускуналарнинг нормага асосан фойдаланиш муддати, соатлар.

Мисол. Агар 8 соатлик смена мобайнида таъмирлаш учун 1 соат режалаштирилиб, амалда 5 соат сарфланган бўлса, у □олда экстенсив фойдаланиш коэффициенти 0,71 (5/(8-1)) ни ташкил □илади. Бу эса асбоб-ускуналардан смена давомида фа□ат 71 % фойдаланилганлигини англатади.

Корхоналарда бундай ускуналарнинг бир эмас, бир нечта – ўнта ёки юзтасидан фойдаланилади. Шу муносабат билан ускуналарнинг сменалик коэффициенти - сутка давомида машина-сменаларнинг ўрнатилган ускуналарнинг умумий сони ёки ишчи ўринларига нисбатини ани□лаш зарурияти ту□илади. Бу □олда сменалилик коэффициенти □уйидаги формула асосида ани□ланади:

$$K_{см} = \frac{MC}{KO}$$

Бу ерда:

МС - сутка давомида □а□и□ий ишланган машина-сменалар йи□индиси;

Ко - ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг умумий сони.

Мисол. Корхонада 200 дона металл □ир□увчи станок сутка мобайнида 360 машина-смена, 60 та темир прессловчи станок 50 машина-смена, 40 та □уюв станоклари эса 30 машина-смена ишлаган. Ушбу □олда барча станоклардан фойдаланишнинг сменалилик коэффициенти □уйидагича топилади:

$$K_{см} = \frac{360 + 50 + 30}{200 + 60 + 40} = 1,47$$

Ускуналарнинг сменалилик коэффициентини ани□лашнинг яна бир йўли бўлиб, унга кўра корхоналарнинг бир эмас, икки ёки уч сменада ишлаши ва бунда ускуналарнинг барчасидан □ам тўли□ фойдаланилмаслиги кўзда тутилади. Масалан, цехда 270 дона ускуна ўрнатилган бўлиб, биринчи сменада улардан 200 таси, иккинчи сменада эса 190 таси ишлаган. Бу □олда ускуналарнингсменалилик коэффициенти 1,44 (200+190)/270) ни ташкил □илади.

**Ускуналарни юкланиш коэффициенти** □ам ускуналардан ва□т бўйича фойдаланишни тавсифлайди. Сменалилик коэффициентидан фар□ли равишда, у ма□сулотнинг ме□нат си□имини □исобга олади. У мазкур ускунада тайёрланган барча ма□сулотлар ме□нат си□имининг унинг ишлаш ва□ти фондига нисбати ор□али ани□ланади. Мазкур мисолда ушбу коэффициент □уйидагича бўлади:

$$K_{юк} = \frac{1,44}{2} = 0,72$$

Корхонада асосий ишлаб чи□ариш фондларидан фойдаланишни тўли□ ба□олаш учун экстенсив кўрсаткичлардан таш□ари, уларнинг □увват бўйича юкланиш табиатини ўрганиш □ам му□им а□амият касб этади. Бу ерда ю□орида айтиб ўтилганидек, технологик ускуналар амалдаги унумдорлигининг, яъни техник асосланган прогрессив унумдорликнинг норматив унумдорликка нисбати асосида, яъни **ускуналардан интенсив фойдаланиш коэффициентидан** фойдаланиш, уни □уйидаги формула бўйича □исоблаш мумкин:

$$К_{инт}=\frac{В_ф}{В_п};$$

Бу ерда: $В_Ф$ – ва□т бирлигида ускунада ишлаб чи□арилган □а□и□ий ма□сулот ми□дори;

$В_П$ – ва□т бирлигида ускунада техник жи□атдан асосланган ма□сулот ишлаб чи□ариш нормаси.

Мисол. Паспорт маълумотлари бўйича дастго□да бир соатда 100 та деталь ясаш мумкин, амалда эса шу ва□т ичида фа□ат 80 та деталь тайёрланди. У □олда $К_{инт}$қ0,8 (80:100), яъни дастго□дан □увват бўйича фойдаланиш 80 фоизни ташкил □илди.

**Ускунадан интеграл фойдаланиш коэффициенти** ускунадан экстенсив ва интенсив фойдаланиш коэффициентларининг кўпайтмаси ор□али ани□ланиб, унинг ва□т ва □увват бўйича банд бўлишини (фойдаланилишини) комплекс характерлайди.

Бизнинг мисолимизда $К_{экс}$ қ 0,71 ва $К_{инт}$ қ 0,8 бўлганлиги туфайли, ускунадан интеграл фойдаланиш коэффициенти □уйидагига тенг бўлади:

$$К_{интегр}=К_{экс}*К_{инт}=0{,}71*0{,}8=0{,}57$$

Корхонанинг асосий ишлаб чи□ариш фондларидан фойдаланишнинг умумий ва □иймат кўрсаткичлари ну□таи назаридан келиб чи□□ан □олда, аввало **фонд □айтими** □а□ида тўхталиб ўтиш керак. У асосий фондлар бирлигига (□иймати бўйича) тў□ри келган ма□сулот ишлаб чи□аришни характерлайди.

У ма□сулот сотишдан тушган бир йиллик тушумнинг (В) асосий ишлаб чи□ариш фондларининг ўртача йиллик □ийматига нисбати сифатида ани□ланади:

$$Ф_к=\frac{В}{Ф_с}$$

Ма□сулотнинг фонд си□ими - фонд □айтимига тескари □иймат бўлиб, □уйидаги формула асосида ани□ланади:

$$Ф_с=\frac{Ф_{ўр}}{В}$$

Фонд си□ими капитал □ўйилмалари (инвестициялар)ни тежаш ёки кўпайтириш билан узвий равишда бо□ли□ бўлади. Масалан, ма□сулот фонд си□ими пасайиб, унинг ишлаб чи□ариш □ажми доимий ёки ўсувчи бўлганда асосий ишлаб чи□ариш фондларидан фойдаланиш шароитлари яхшиланади, демак, капитал □ўйилмаларини тежаш учун имконият ту□илади. Уни топиш учун □уйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Э_к=Ф_е\times В$$

Бу ерда:

$Э_к$ – капитал □ўйилмаларни тежаш, сўм;

$Ф_е$ – □исобот йилида ма□сулот фонд си□имининг ўтган йилдагига нисбатан ўзгариши, сўм.

□ар бир корхона ўз тасарруфидаги асосий ишлаб чи□ариш фондларидан иложи борича унумли фойдаланишга интилиши лозим. Бунга фондларни иш билан таъминлашни яхшилаш туфайли ишлаб чи□ариш ва ма□сулотларни сотиш □ажмини ошириш, нисбий харажатларни камайтириш, фойдани оширишдан таш□ари асосий фондларда жамиятнинг ўтмишда нарса □олига айланган ме□нати мужассамланганлиги □ам заруриятт ту□диради.

Корхона асосий ишлаб чи□ариш фондларидан фойдаланишни яхшилашнинг асосий йўналишлари сифатида □уйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- смена давомида ускуналар бекор туриб □олишини □ис□артириш ва унинг олдини олиш;
- ускуналарнинг сменалик коэффициентини ошириш;
- бекор турувчи ускуналарни □ис□артириш ва тугатиш;
- таъмирлаш ва профилактика тадбирларини ўз ва□тида ва сифатли равишда амалга ошириш;
- ускуналарни эксплуатация □илувчи ходимларнинг малакасини ошириш;
- ишлаб чи□аришни ташкил этишни ва ресурслар билан таъминлашни яхшилаш.

## 7.4. Корхонанинг ишлаб чи□ариш □уввати

Асосий ишлаб чи□ариш фондлари □ажми ва улардан фойдаланиш даражаси корхонанинг ишлаб чи□ариш □уввати катталигини белгилайди. У ишлаб чи□ариш дастурини асослашда катта роль ўйнайди □амда корхонанинг белгиланган номенклатура ва сифатли ма□сулот ишлаб чи□ариш бўйича потенциал имкониятларини тавсифлайди.

Бундан келиб чи□адики, **ишлаб чи□ариш □уввати** – бу, маълум бир ва□т давомида ил□ор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чи□ариш ва ме□натни ташкил □илишнинг ил□ор шароитларида ишлаб чи□ариш мумкин бўлган ма□сулотларнинг максимал даражасидир. У □оидага кўра, ишлаб чи□арилган ма□сулотлар □ажмининг натурал кўринишда, ушбу корхонанинг ихтисослашганлиги ва ма□сулотнинг ало□ида турлари ўртасидаги ўзаро нисбатига кўра ани□ланади.

Корхонанинг ишлаб чи□ариш □уввати ил□ор (асосий) цехлар □уввати билан, цехлар □уввати бош участкалар □уввати билан, участкалар □уввати эса бош ускуналар □увватига асосан ани□ланади. Корхона ишлаб чи□ариш □уввати катталигини белгилаб берувчи кўрсаткичлар □аторига □уйидагиларни киритиш мумкин:

* ускуналар таркиби ва турлар бўйича сони;

* ускуна, агрегат ва дастго□лардан фойдаланишнинг техник-и□тисодий норма (норматив) лари;

* ускуналарнинг ишлаш ва□ти фонди;

* ишчилар сони;

* ишлаб чи□арилаётган ма□сулот номенклатураси ва ассортименти (турлари ва хилма-хиллиги).

Корхона ишлаб чи□ариш □увватининг ***бошлан□ич*** (йил бошида), ***якуний*** (йил охирида), ***ўртача*** йиллик □амда ***лойи□а □уввати*** турлари

мавжуд. Лойи□а □уввати □урилиш лойи□асида кўзда тутилган бўлади. □айта тиклаш, кенгайтириш ва техник жи□атдан □айта □уроллантириш давомида лойи□а □уввати катталаштирилиши мумкин. Шу сабабли амалиётда лойи□а □уввати кўпинча корхонанинг амалдаги □уввати билан солиштирилади. Корхонанинг амалдаги □уввати корхона ишлаб чи□ариш дастурини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат □илади.

Корхона ишлаб чи□ариш □увватини ани□лашда за□ирадаги ускуналардан таш□ари, барча ўрнатилган ускуналар □исобга олинади. Баъзи бир цехларда (йи□ув, □уюв ва бош□а цехларда) ишлаб чи□ариш □уввати ишлаб чи□ариш майдонларига асосан □исобланади.

Ишлаб чи□ариш □увватини ани□лашда ма□сулот бирлигига сарфланувчи ва□т нормаси ёки □ар бир ускунанинг унумдорлик нормалари му□им а□амиятга эга бўлиб, улар ил□ор □амда прогрессив бўлиши талаб □илинади.

Корхона бош бў□ининининг (асосий цехининг) ишлаб чи□ариш □уввати □уйидаги формула асосида □исобланади:

$$M = \frac{n \times Ф_{макс}}{M_т}$$

Бу ерда:

М -цех ёки учасканинг □абул □илинган ўлчов бирлигидаги ишлаб чи□ариш □уввати;

n - цех ёки участкадаги ил□ор ускуналар сони;

$Ф_{макс}$ –бош ускунадан фойдаланиш мумкин бўлган максимал муддат, соат;

$М_т$ –бош ускунада ма□сулот тайёрлашнинг прогрессив ме□нат си□ими, соат.

Амалиётда ишлаб чи□ариш □уввати ва ускуналарнинг юкланишини □исоблашда баъзида хатолар, улар ўртасидаги фар□ни сезмаслик □оллари □ам учраб туради. Корхона □уввати асосий ишлаб чи□ариш фондлари, янги техника ва ани□ланган за□иралардан фойдаланган □олда ма□сулот ишлаб чи□ариш мумкин бўлган максимал даражани тавсифлайди, ускуналарнинг юкланишни □исоблаш натижалари эса, ушбу □увватлардан режадаги даврда фойдаланишнинг даражасини ани□лайди.

Демак, улар ўртасидаги принципиал фар□ шундаки, биринчи □олатда корхона ишлаб чи□ариши мумкин бўлган ма□сулотларнинг максимал даражаси ани□ланса, иккинчи □олда мазкур давр мобайнида ускуналардан □анчалик фойдаланилиши ани□ланади.

Ишлаб чи□ариш дастурининг корхонада мавжуд бўлган □увватларга мос келишини ани□лаш учун, *ўртача йиллик ишлаб чи□ариш □уввати* □исоблаб топилади. Уни □исоблаш учун □уйидаги формуладан фойдаланилади:

$$M_{ўр.йил} = Мн + \frac{M_в \times n_1}{12} - \frac{M_л \times n_2}{12}$$

Бу ерда:

$М_{ўр.йил}$ – корхонанинг ўртача йиллик □уввати;

$M_н$ – корхонанинг йил бошидаги □уввати;

$M_в$ – йил мобайнида киритилувчи □уввати;

$M_л$ – йил давомида ишлаб чи□аришдан чи□арилувчи (йў□ □илинувчи) □увват;

$n_1$ , $n_2$ – ишлаб чи□ариш □увватларини ишга туширишдан ёки тугатилган ишлаб чи□ариш □увватлари йў□ □илингандан то йил охиригача ўтган тўли□ ойлар сони.

Асосий ишлаб чи□ариш фондларидан фойдаланишни яхшилаш билан бо□ли□ бўлган мазкур чора-тадбирлар, кўпинча ишлаб чи□ариш □увватлари балансини тузиш йўли билан амалга оширилиб, корхонанинг ишлаб чи□ариш □увватлари ва уларни таъминлаш манбаларига бўлган э□тиёжи ани□ланади.

## □ис□ача хулосалар

Бино, иншоот, машина, □урилма, асбоб-ускуна ва бош□а ме□нат воситаларидан иборат бўлган асосий ишлаб чи□ариш фондлари ишлаб чи□ариш жараёнида узо□ ва□т мобайнида иштирок этиб, натурал шаклини са□лаб □олади □амда уларнинг □иймати ишлаб чи□арилаётган ма□сулотга аста-секинлик билан □исмларга бўлиб ўтказилади.

Асосий фондлар ишлаб чи□ариш моддий-техника базасининг асоси □исобланади. Корхонанинг ишлаб чи□ариш □уввати ва ме□натнинг техник жи□атдан □уролланиш даражаси асосий фондларга бо□ли□ бўлади.

Корхонанинг ишлаб чи□ариш □уввати – бу, ишлаб чи□аришнинг барча за□ираларидан фойдаланган □олда ишлаб чи□ариш мумкин бўлган ма□сулотнинг максимал □ажмидир.

Эксплуатация жараёнида асосий фондлар жисмоний ва маънавий эскиришга учраб, бу корхона учун маълум бир йў□отишларни келтириб чи□аради.

Асосий фондларнинг эскириши билан бо□ли□ бўлган йў□отишларни, улардан фойдаланишини яхшилаш, фонд □айтими, сменалик коэффициенти, ишлаб чи□ариш □увватларидан фойдаланиш коэффициенти каби асосий кўрсаткичлар даражасини ошириш ёрдамида камайтириш мумкин.

Бу кўрсаткичларни фан-техника тара□□иёти □исобига, асосий фондлар тузилмасини мукаммаллаштириш, ускуналар бекор туриб □олишини камайтириш, ме□нат ва ишлаб чи□аришни такомиллаштириш, хўжалик юритишнинг янги шаклларини ривожлантириш ёрдамида яхшилаш мумкин.

Фойда билан бир □аторда амортизация ажратмалар □ам корхона асосий фондларини такомиллаштириш манбаи бўлиб хизмат □илади.

## Таянч иборалар

Асосий фондлар, корхонанинг ишлаб чи□ариш аппарати, ноишлаб чи□ариш асосий фондлари, актив ва пассив, лизинг, корхона асосий фондлари таркиби, эксплуатация □илинаётган асосий фондларнинг ёши, натурал ба□олаш, □иймат бўйича ба□олаш, бошлан□ич □иймат, тикланиш

□иймати, □олди□ □иймати, баланс □иймати, асосий ишлаб чи□ариш фондларининг ўртача йиллик □иймати, жисмоний (моддий) эскириш, маънавий эскириш, амортизация ажратмалари, амортизация нормалари, капитал таъмирлаш, ўртача таъмирлаш, жорий таъмирлаш, ишлаб чи□ариш □уввати.

## Назорат ва му□окама учун саволлар

1. Асосий фондлар нима ва уларнинг кенгайтирилган ишлаб чи□аришдаги роли □андай?
2. Асосий ишлаб чи□ариш фондлари тузилмаси деганда нима тушунилади □амда уларнинг саноат тармо□лари бўйича фар□ланишига нима сабаб бўлади?
3. Замонавий амортизация сиёсатининг мо□ияти ва а□амияти нимада?
4. Асосий ишлаб чи□ариш фондларидан фойдаланишнинг экстенсив ва интенсив кўрсаткичлари □андай?
5. Корхона ва саноат тармо□ининг ишлаб чи□ариш □увватларини □исоблаш усули, тури ва тушунчалари □андай?
6. Замонавий шароитларда асосий фондлар ва корхона ишлаб чи□ариш □увватидан фойдаланишни яхшилашнинг □андай йўналишлари мавжуд?

## Тавсия этиладиган адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тў□рисида”ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., “Ўзбекистон”, 2004., №3
2. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўса□асида: хавфсизликка та□дид, тара□□иёт шартлари ва кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
3. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.
4. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
5. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.-223 б.
6. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
7. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
8. Экономика предприятия. Учебник для ВУЗов. 3-е издание /Под. ред. В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара. - М.: Юнити-Дана, 2003.
9. О.И. Волков, Экономика предприятия, Учебник. М., “ИНФРА-М”, 2000.
10. Г.И. Шепеленко. Экономика, организация и планирование производства на предприятии. Учебное пособие. Ростов-на-Дону, Изд. Центр “МАРТ”, 2000.
11. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.
12. Экономика предприятия Конспект лекций в списках М.: Приор-издат 2003.

13. Аутсорсинг: Создание вўсокоэффективнўх и конкурентоспособнўх организаций. Учебное пособие / Под ред. Б.А.Аникина М.: Инфра – М 2003.
14. Экономика предприятия Конспект лекций М.: Изд-во ПРИОР 2002.
15. Сергеев И.В Экономика предприятия. 2-е изд. пераб. и доп. Учебное посбие М.: ФиС 2004.
16. Вумек Джеймс П., Джонс Дениел Т. Пер. с англ. Бережливое производство; Как избавиться от потерь и добиться процветания вашей компании; М.. Альпина Бизнес БУКС 2004.
17. Кристенсен Клейтон М. Как из-за новўх технологий погибают сильнўе компании /Дилемма инноватора Пер.с анг. М.: Альгина Бизнес Бука 2004.
18. http:/www.harvard. edu
19. http:/www.capitul.ru
20. http:/www.5b. ru
21. http:/www.audit - center. ru

# VIII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ

8.1. Айланма мабла□лар тушунчаси, и□тисодий табиати ва уларнинг корхона фаолиятидаги а□амияти.
8.2.Айланма мабла□ларнинг тузилмаси ва □аракати □амда уларнинг корхона и□тисодиётига таъсири.
8.3.Айланма мабла□ларни нормалаштириш.
8.4. Айланма мабла□лардан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларнинг айланишини тезлаштириш йўллари.

## 8.1. Айланма мабла□лар тушунчаси, и□тисодий табиати ва уларнинг корхона фаолиятидаги а□амияти

Корхоналар ишлаб чи□ариш фаолиятини ташкил □илишда ме□нат □уроллари (асосий фондлар) ва ишчи кучидан таш□ари, **айланма мабла□ларга** □ам эга бўлишлари зарур. Айланма мабла□лар ишлаб чи□аришнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил □илишга мўлжалланган пул мабла□ларидан иборат. Айланма мабла□лар, □оидага кўра, корхонанинг □исоб ра□амида на□д пул кўринишида жам□арилади. □ар бир корхонанинг айланма мабла□лари асосий фондларнинг техник □олати ва ма□сулот ишлаб чи□ариш дастури билан бо□ли□. Корхона □анчалик катта ва унинг ишлаб чи□араётган ма□сулотлари турлари кўп бўлса, айланма мабла□лар шунчалик кўп талаб □илинади. Айланма мабла□лар ишлаб чи□ариш ва унинг узлуксизлигини таъминлашнинг моддий асоси □исобланади.

"Айланма мабла□лар " атамасидан таш□ари "айланма капитал" ибораси □ам кўп □ўлланилиб, асосан и□тисодий назария ва хўжалик юритишнинг хорижий тажрибасидан олинади. Мо□иятига кўра, **айланма капитал** корхона ишлаб чи□ариш капиталининг бир □исми бўлиб, унинг □иймати ишлаб чи□аришнинг □ар бир циклида ишлаб чи□арилган ма□сулотга ўтказилади □амда ушбу товарни сотгандан сўнг корхонага □айтарилади. Айланма капитал кўпинча корхонанинг пул мабла□лари □исобланувчи ёки ишлаб чи□ариш жараёнида пул мабла□ларига айлантирилувчи □аракатчан активлари □аторига киритилади.

И□тисодий табиати, бажарувчи вазифалари ва ишлаб чи□ариш жараёнидаги ўрнига кўра, "айланма мабла□лар" ва "айланма капитал" ўртасида сезиларли фар□ йў□. Корхона доимий капиталининг таркибий □исми сифатида улар хом ашё, ё□ил□и, энергия ресурслари, ёрдамчи ва бош□а материалларда юзага келади, шунингдек, ишчи кучларини ёллаш ва уларнинг ме□натига □а□ тўлашга бўнак (аванс) тари□асида берилади. Айланма мабла□ларга бўлган □ўшимча талаб банклардан олинадиган кредитлар □исобига □опланади.

Бозор и□тисодиёти шароитларида корхоналарнинг айланма мабла□ларга етарли тарзда эга бўлиши уларнинг нормал фаолият юритиши гарови □исобланади. Шуни □ам унутмаслик зарурки, ишлаб чи□араётган ма□сулот бирлигига сарфланувчи хом ашё, материал, ё□ил□и ва энергия ми□дори ма□сулот сифатига таъсир кўрсатмаган □олда □анчалик кам

бўлса, ма□сулот шунчалик арзонлашади □амда айланма мабла□лар камро□ сарфланиб, улардан фойдаланиш самарадорлиги ю□ори бўлади.

Корхоналарнинг айланма мабла□лари айланма фондлари ва муомала фондларига та□симланади. Бундай та□симлаш уларнинг моддий–буюмлашган тузилишидан таш□ари, ишлаб чи□ариш жараёни ва умуман, корхонанинг и□тисодий фаолиятидаги иштироки асосида амалга оширилади. Бундан таш□ари, та□симлаш режалаштиришни ташкил □илишда □амда корхонанинг ишлаб чи□ариш ва ноишлаб чи□ариш со□аларида айланма мабла□ларга бўлган э□тиёжини ани□лашда катта роль ўйнайди.

**Айланма ишлаб чи□ариш фондлари**–корхона ишлаб чи□ариш фондларининг бир □исми бўлиб, битта ишлаб чи□ариш цикли давомида сарфланади □амда натурал шаклини ўзгартириб, ўз □ийматини тўли□ича тайёр ма□сулот таннархига ўтказади. Шу сабабли айланма ишлаб чи□ариш фондлари ишлаб чи□ариш жараёнининг мажбурий элементи ва ишлаб чи□ариш харажатларининг асосий □исми □исобланади.

Корхона айланма ишлаб чи□ариш фондлари □аторига хом ашё ва материаллар за□ираси, ярим тайёр ма□улотлар, ё□ил□и ва энергетика ресурслари, □адо□лаш ва ўров материаллари, э□тиёт □исмлар, тугалланмаган ишлаб чи□ариш ва келажакдаги харажатларни киритиш мумкин. Режалаштириш, системали □исоб ва □исоботни ташкил □илиш учун □улайлик яратиш ма□садида айланма ишлаб чи□ариш фондлари уч гуру□га бўлинади:

* ишлаб чи□ариш за□иралари;
* тугалланмаган ишлаб чи□ариш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр ма□сулотлар;
* келгуси давр харажатлари.

**Муомала фондлари** корхонанинг тайёр ма□сулот за□ирасини яратиш учун мўлжалланган пул мабла□лари, шунингдек, чек ва векселлар, акциядорларнинг □арзлари, турли хил дебиторлик □арзлари, банк ва кассаларнинг □исоб ра□амларидаги мабла□лардан иборат бўлади. Муомала фондлари ва айланма ишлаб чи□ариш фондлари мажмуаси, корхонанинг айланма мабла□лари(капитали)ни ташкил □илади.

Ишлаб чи□аришда банд бўлган айланма мабла□лар катталигини белгиловчи асосий омиллар – бу, ма□сулот тайёрлашнинг ишлаб чи□ариш цикли узунлиги, ме□натни ташкил □илиш, техника ва технологиянинг ривожланиш даражаси, ме□нат предметлари ва □уролларидан фойдаланиш нормаларидир. Айланма мабла□лар катталиги, шунингдек, ма□сулотларни сотиш шароитлари, таъминот ва ма□сулотни сотиш тизимини ташкил □илиш даражаси билан □ам бо□ли□ бўлади.

Ю□орида келтирилган □олатлардан келиб чи□□ан □олда шуни айтиш мумкинки, айланма мабла□лардан □уйидаги □олларда фойдаланилади:

- хом ашё, материал, э□тиёт □исмлар □амда ишлаб чи□аришни ташкил □илишда зарур бўлган бош□а ме□нат предметлари;
- ишлаб чи□ариш жараёнида истеъмол □илинувчи электр энергияси, ё□ил□и каби ресурслар учун □а□ тўлаш;

– корхонани ташкил этиш ва фаолият юритиш даврида ойлик иш □а□и тўланиши;
– соли□ ва бош□а мажбурий тўловларни тўлаш.

Бозор муносабатлари ва деярли барча ресурслар та□чиллиги шароитларида айланма мабла□лар, биринчи ўринда моддий ресурслардан рационал фойдаланиш ва уларни шакллантириш за□ираларини излаб топиш □ар бир корхона олдида турган му□им вазифа □исобланади. Бунда **за□ира** деганда, моддий ва пул ресурсларини яхшилашнинг юзага келган ёки юзага келаётган, лекин □али фойдаланилмаган (тўли□ ёки □исман) имкониятларини тушуниш лозим.

Бу за□иралар келиб чи□иши ва фойдаланилишига кўра хал□ хўжалигига ва тармо□ларга тегишли ёки тармо□лараро, ишлаб чи□ариш ичидаги (завод, цех ва □оказо) турларига бўлинади. «Корхона и□тисодиёти»да **ички ишлаб чи□ариш за□иралари** - ишлаб чи□ариш жараёнларини ташкил □илиш □амда техника ва технологияни такомиллаштириш, ма□сулотларнинг янги ва янада мукаммал турларини ўзлаштириш, ишлаб чи□арилаётган ма□сулот сифатини ошириш билан бевосита бо□ли□ бўлган моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш имкониятлари, катта а□амият касб этади. За□иралар шунингдек, моддий ресурсларни сарфлашни нормаллаштириш, ишлаб чи□арилаётган ма□сулотларнинг ме□нат си□имини камайтириш, ме□натни ташкил □илишнинг рационал усулларини □ўллаш натижасида □ам ани□ланади. □ис□ача айтганда □ар бир корхона, айни□са, йирик ва машинасозлик корхоналари □амда уларга я□ин бўлган корхоналар, моддий ва пул ресурсларидан, яъни хусусий капитал ва бош□а активлардан рационал фойдаланиш бўйича пухта ишлаб чи□илган чора-тадбирлар мажмуасига эга бўлиши зарур.

Ресурслардан самарали фойдаланишнинг техник-ишлаб чи□ариш йўналишлари □аторига, бирламчи хом ашёни ишлаб чи□аришда фойдаланишга сифатли равишда тайёрлаш,машина ва ускуналар конструкциясини такомиллаштириш, хом ашё, материал, ё□ил□иларнинг тежамкор турларидан фойдаланиш, ишлаб чи□ариш чи□итларини камайтирувчи □амда иккиламчи ресурслардан максимал даражада фойдаланиш ва барча турдаги йў□отишларнинг олдини олишни таъминловчи янги техника ва технологияларни жорий □илишни киритиш мумкин.

Ресурслардан о□илона фойдаланишнинг ташкилий-и□тисодий йўналишлари □аторига, ма□сулотлар материал си□имини режалаштириш ва нормалаштиришнинг илмий даражасини ошириш, ресурсларни сарфлашнинг техник жи□атдан асослаб берилган норма ва нормативларини ишлаб чи□иш, “эски” ва “янги” ма□сулот ишлаб чи□ариш ўртасида прогрессив пропорцияларни белгилаш, ме□натни ташкил □илишнинг самарали усулларини ра□батлантириш билан бо□ли□ бўлган чора-тадбирлар киритилади.

Айланма мабла□лар ва уларнинг таркибий □исмларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари иш жойларида (бригада, цех ва ишлаб чи□ариш участкаларида) битта ми□дордаги хом ашё ва материаллардан

тайёрланувчи якуний ма□сулотларни кўпайтиришдадир. У ишлаб чи□аришни техник жи□атдан таъминлаш, ходимларнинг малакаси, моддий-техника таъминоти, моддий ресурслар за□ираларини сарфлаш нормаларига бо□ли□ бўлади.

## 8.2. Айланма мабла□ларнинг тузилмаси ва □аракати □амда уларнинг корхона и□тисодиётига таъсири

Айланма тузилмаларни режалаштириш ва бош□аришнинг □озирги пайтдаги амалиётида ушбу мабла□ларнинг таркиби ва тузилмасини ба□олаш ва та□лил □илишга, шунингдек, уларнинг функционал роли ва □аракатига катта эътибор □аратилади. Айланма ишлаб чи□ариш фондлари корхона айланма мабла□ларининг энг фаол □исми бўлса, муомала фондлари ишлаб чи□ариш жараёнида бевосита иштирок этмайди □амда янги истеъмол □ийматини яратмайди. Бу ерда умумий □оида шундайки, айланма мабла□лар доимо айланишда бўлиши зарур - уларнинг самарадорлиги ва корхона и□тисодиётига таъсири айнан шунда кўзга ташланади.

Айланма ишлаб чи□ариш фондлари корхона айланма мабла□ларининг асосий ва салмо□ли □исми сифатида ўз таркибига □уйидагиларни □амраб олади:

* **ишлаб чи□ариш за□иралари** – бу ишлаб чи□ариш жараёнида ишлаб чи□аришга киритиш учун тайёрланган □амда хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ё□ил□и, харид □илинувчи ярим тайёр ма□сулотлар, бутловчи □исмлар, □адо□лаш ва ўров материаллари, асосий фондларни таъмирлаш учун э□тиёт □исмлар, ё□ил□и-мойлаш материалларидан ташкил топувчи ме□нат предметлари;

* **тугалланмаган ишлаб чи□ариш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр ма□сулотлар** – бу, ишлаб чи□ариш жараёнида фойдаланишга топширилган □амда ишлов бериш ва йи□ув жараёнида бўлган, лекин ишлаб чи□ариш жараёни тўли□ тугалланмаган □амда ушбу корхонада кейинчалик ишлов берилиши лозим бўлган ме□нат предметлари;

* **келгуси давр харажатлари** - айни пайтда ишлаб чи□арилаётган, лекин келажакдаги ма□сулотларга мансуб бўлган янги турдаги ма□сулотларни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари (масалан, асбоб-ускуналарни □айта режалаштириш, ма□сулотларнинг янги турларини тайёрлаш ва лойи□алаштиришга сарфланувчи харажатлар ва бош□алар).

Айланма ишлаб чи□ариш фондлари ало□ида таркибий □исмлари ёки элементлари ўртасидаги фоизларда ифодаланувчи ўзаро муносабатлар **айланма ишлаб чи□ариш фондларининг тузилмасини** ташкил □илади. Айланма ишлаб чи□ариш фондлари ва муомала фондлари ўртасидаги худди шундай фоизлардаги муносабатлар корхона айланма мабла□ларининг тузилмаси деб аталади. 8.1 - чизмада корхона айланма мабла□ларининг тахминий (намунавий) тузилмаси кўрсатилган.

Чизмадан кўриш мумкинки, ишлаб чи□ариш за□иралари айланма ишлаб чи□ариш фондларининг асосий □исмини ташкил □илади. Биро□ бозор и□тисодиёти, айни□са, барча ресурслар та□чиллиги шароитларида ишлаб

чи□ариш за□ираларининг □аддан таш□ари ошириб юборилиши корхона и□тисодиётига салбий таъсир □илишидан таш□ари, ресурсларни “бо□лаб” □ўяди □амда уларнинг йў□отилишига олиб келади. Шу сабабли айланма мабла□лар □ажмини оптималлаштириш ва уларни ма□сулот ишлаб чи□ариш дастурларига мос □олга келтириш корхонанинг тежамкорлик режимида фаолият юритиши катта а□амиятга эга бўлади.




8.1 -чизма. Корхона айланма мабла□ларининг намунавий тузилмаси

И□тисодиётнинг турли тармо□ларидаги корхоналарнинг айланма мабла□лари ишлаб чи□аришнинг технологик ташкил этиш хусусиятларига

кўра, бир-биридан фар□ □илади. Бу хусусиятларнинг характери ишлаб чи□арилаётган ма□сулот тури ва мураккаблиги, ихтсисослаштириш даражаси, ма□сулотни реализация □илиш шароитлари ва шу кабилар билан изо□ланади. Айланма мабла□лар тузилмасининг тармо□лар бўйича фар□ланишини □уйидаги жадвал ор□али билиб олиш мумкин (8.1-жадвал).

8.1-жадвал

### Айланма мабла□ларнинг тармо□лар бўйича та□симланиши

| Айланма фондларнинг гуру□ ва элементлари | Бутун саноат | □ора металлургия | Машина-созлик | Энерге-тика | Енгил саноат | Ози□-ов□ат саноати |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Ишлаб чи□ариш за□иралари - жами | 70,2 | 65,0 | 55,3 | 98,3 | 90,0 | 78,8 |
| Жумладан: хом ашё ва асосий материаллар, ярим тайёр ма□сулотлар | 46,2 | 23,8 | 37,5 | - | 76,7 | 52,2 |
| Ёрдамчи материаллар | 6,6 | 11,0 | 2,3 | 24,1 | 5,7 | 6,1 |
| Ё□ил□и | 1,7 | 2,0 | 0,7 | 37,4 | 0,5 | 1,6 |
| Таъмирлаш учун э□тиёт □исмлар | 3,9 | 11,0 | 2,0 | 23,0 | 1,7 | 2,0 |
| □адо□лаш ва ўров материаллари | 3,0 | 0,5 | 0,6 | 0,3 | 1,2 | 11,3 |
| Инструментлар, хўжалик асбоблари ва □иммат бўлмаган, тез эскирувчи бош□а предметлар | 9,8 | 16,7 | 12,2 | 19,5 | 3,2 | 5,6 |
| 2. Тугалланмаган ишлаб чи□ариш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр ма□сулотлар | 24,0 | 18,3 | 42,2 | 0,5 | 9,8 | 19,5 |
| 3. Келгуси давр харажатлари ва бош□а ме□нат предметлари | 5,8 | 16,7 | 2,5 | 1,2 | 0,2 | 1,7 |
| **Жами айланма ишлаб чи□ариш фондлари** | **100,0** | **100,0** | **100,0** | **100,0** | **100,0** | **100,0** |

Айланма фондлар тузилмаси нафа□ат саноатнинг турли тармо□ларида, □аттоки бир тармо□ ва бир корхонанинг ўзида □ам фар□ланади. Бундай фар□ланишга турли хилдаги хом ашё ва материаллар, ишлаб чи□ариш технологияси ва техникасидаги фар□лар, корхоналарнинг географик жойлашуви, ишлаб чи□аришнинг ташкил этилиши ва ме□нат та□симоти, моддий-техника таъминоти сабаб бўлиши мумкин.

Корхоналар айланма мабла□лари таркиби ва тузилмасига хўжалик юритиш □обилияти ва унинг самарадорлигига риоя □илиш □оидалари катта таъсир кўрсатади. Яъни корхона ишлаб чи□ариш за□ираларини ва айланма мабла□ларнинг таъминланганлигини □аддан таш□ари оширишга интилмаслиги зарур. Амалиётнинг гуво□лик беришича, бу, ресурсларнинг □алок бўлишига ва сунъий тан□исликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Шу сабабли хом ашё ва материалларни сарфлашнинг технологик нормаларига риоя □илиш, уларни са□лашни тў□ри йўлга □ўйиш, чи□итлар ва

йў□отишларни камайтириш, замонавий ва арзон материаллардан фойдаланиш катта а□амият касб этмо□да. Биро□ арзон материаллардан фойдаланиш доим □ам корхона имкониятлари ва хо□ишидан келиб чи□авермайди ва таш□и му□ит, биринчи ўринда ишлаб чи□аришдаги □амкорлар, ба□они шакллантириш, умумий и□тисодий бар□арорлик ва бош□а омиллар билан □ам бо□ли□ бўлади.

Корхона и□тисодиётига айланма мабла□ларнинг таркиби ва тузилмасидан таш□ари, уларни ишлаб чи□ариш, такрор ишлаб чи□ариш ва муомаланинг турли бос□ичларида излаб топиш катта таъсир кўрсатади. Айланма мабла□ларнинг тўли□ айланиши уч бос□ичдан иборат бўлиб, бу жараёнда ма□сулот ишлаб чи□арилади ва сотилади.

**Биринчи бос□ичда** айланма мабла□лар пул шаклидан моддий бойликларнинг ишлаб чи□ариш за□ираларига айланади, яъни пул - товар (Д-Т).

**Иккинчи бос□ич** ишлаб чи□ариш, яни ма□сулотни тайёрлаш жараёнини ўз ичига олади. Бу бос□ичда айланма мабла□лар ва биринчи ўринда айланма фодлар тугалланмаган ишлаб чи□ариш ва ярим тайёр ма□сулотлар □олига келтирилиб, товар шаклини олади (Т).

**Учинчи бос□ичда** айланма мабла□лар товар ма□сулоти шаклида муомалага киритилиб, сотилади ва яна пул шаклини олади (Т-П).

Шу тари□а айланма мабла□лар барча бос□ичлардан ўтиб, тўли□ айланишни амалга оширишини □уйидаги тарзда акс эттириш мумкин:

1-бос□ич - пул-товар (П-Т);

2-бос□ич - ишлаб чи□ариш (И.Ч);

3-бос□ич - товар-пул (Т-П).

Шуни □айд □илиб ўтиш му□имки, корхонанинг айланма мабла□лари бир ва□тнинг ўзида учала бос□ичда □ам пул мабла□лари, ишлаб чи□ариш за□иралари, тугалланмаган ишлаб чи□ариш, ярим тайёр ва тайёр ма□сулотлар кўринишида мавжуд бўлиши мумкин. Корхонанинг айланма мабла□лари □аракати маълум бир и□тисодий □онунлар асосида ишлаши □амда улардан ишлаб чи□ариш ва такрор ишлаб чи□аришнинг барча бос□ичларида о□илона фойдаланишни кўзда тутиши □ам му□им а□амият касб этади. Бу □онунлардан ва айланма мабла□лардан фойдаланиш □оидаларидан четга чи□иш айланма мабла□ларнинг етишмаслигига ёки самарадорликнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

## 8.3. Айланма мабла□ларни нормалаштириш

Шаклланиш манбаига кўра, айланма мабла□лар хусусий ва □арзга олинган турларга бўлинади.

**Хусусий айланма мабла□лар** доимо корхона ихтиёрида бўлиб, хусусий ресурслар, асосан фойда □исобига шаклланади. Корхонанинг хусусий айланма мабла□лари □аторига иш □а□и бўйича □арзлар, таъминотчилар ёки □амкорлар □арзлари, буюртмачиларнинг тайёрланган ма□сулот учун тўлаган пуллари кабиларни киритиш мумкин. Бу мабла□лар хусусий

мабла□ларга тенглаштирилган мабла□лар ёки корхонанинг бар□арор пассивлари деб аталади.

**□арзга олинган айланма мабла□лар** доимо □аракатда бўлмайди □амда корхонанинг ма□сулотларни сотишдаги □ийинчиликлар, моддий-товар бойликлар билан таъминлаш, ма□сулот ишлаб чи□ариш дастурини ошириб бажариш ва бош□а ва□тинчалик э□тиёжларни □оплаш учун фойдаланилади. Улар □аторига банк кредитлари, кредиторлик □арзлари (тижорат кредитлари) ва бош□а пассивларни киритиш мумкин.

Айланма мабла□ларни бош□ариш ма□сулот ишлаб чи□ариш ва сотиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда айланма мабла□лардан иложи борича камро□ фойдаланишда ифодаланади. Бу эса корхона айланма мабла□лари айланишининг барча бос□ичларида мос равишда минимал, лекин етарли тарзда рационал та□симланиши зарурлигини англатади. Бу вазифа ўз навбатида моддий ресурслар за□иралари ва харажатларини нормалаштириш туфайли муваффа□иятли амалга оширилмо□да.

**Айланма мабла□ларни нормалаштириш** корхонанинг узлуксиз ишлаши таъминлайдиган моддий бойлик ва бош□а ресурсларнинг минимал, лекин етарли за□ираларини шакллантириш учун зарур бўлган пул мабла□ларини ани□лашда ифодаланади. У ички за□ираларни ани□лаш, ишлаб чи□ариш цикли давомийлигини □ис□артириш ва тайёр ма□сулотни тезро□ сотиш имкон яратади.

Биро□ амалиётда корхоналарнинг барча айланма мабла□лари □ам нормалаштирилмайди. Шу сабабли айланма мабла□лар нормалаштирилувчи ва нормалаштирилмайдиган турларга та□симланади ва улар □озирги бозор муносабатлари шароитларида □ам ўз а□амиятини йў□отмаган.

Нормалаштирилувчи айланма мабла□лар □аторига корхона омборларидаги ишлаб чи□ариш за□иралари (хом ашё, материаллар, ё□ил□и, унчалик □иммат бўлмаган предметлар ва жи□озлар), тугалланмаган ишлаб чи□ариш, келгуси давр харажатлари ва омбордаги тайёр ма□сулотлар киритилади.

Нормалаштирилмайдиган айланма мабла□лар, бу – харидорларга бериб юборилган тайёр ма□сулот ёки товарлар, □исоб ра□амидаги пул мабла□ларидир.

Корхоналар фаолиятида барча айланма мабла□лар салмо□ида 70-80%ни ташкил □илувчи нормалаштирилувчи айланма мабла□лар асосий ўрин тутади. Айланма мабла□ларни нормалаштириш тежамкорлик режимига риоя □илиш ва ресурслардан о□илона фойдаланиш имконини яратади.

Ресурсларни нормалаштириш жараёнида айланма мабла□ларнинг норма ва нормативлари белгиланади.

Айланма мабла□ларнинг нормаси, корхона моддий-товар бойликларининг минимал за□ираларини тавсифлайди □амда ишлаб чи□арилаётган ма□сулот бирлигига тў□ри келувчи пул ўлчовида, за□ира кунлари ва за□ира нормаларида □исобланади.

Айланма мабла□ларнинг нормативи айланма мабла□лар нормасини, нормаси ани□ланган кўрсаткичга кўпайтиришни ифодалайди □амда □оидага

кўра, пул кўринишида ўлчанади. У □уйидаги формула асосида □исобланиши мумкин:

$$Н_{ай.м}ҚН_{ич.з} \text{ Қ } Н_{т.ич} \text{ Қ } Н_{т.м}$$

Бу ерда:

$Н_{ич.з}$ - ишлаб чи□арилган за□иралар нормаси;

$Н_{т.ич}$ – тугалланмаган ишлаб чи□ариш нормаси;

$Н_{т.м}$ - тайёр ма□сулот нормаси.

Айланма мабла□ларни нормалаштириш ва айни□са, моддий ресурсларни сарфлаш нормаларини белгилашда □уйидаги тамойилларга амал □илиш лозим:

* нормаларнинг прогрессивлиги ва динамиклиги;
* нормаларнинг и□тисодий ва ишлаб чи□ариш–техникавий жи□атдан асосланганлиги;
* хом ашё, материал, ё□ил□и, электр энергияси ва бош□а ресурслар ўлчамини тў□ри танлаш;
* чи□ит ва йў□отишларнинг олдини олиш;
* эскирган нормаларни □айта кўриб чи□иш □амда уларни фан-техника тара□□иёти юту□ларига мос □олга келтириш.

Моддий ва бош□а ресурсларни нормалаштиришда бир нечта усуллар □ўлланилади. Амалиётда □уйидаги усуллар кўпро□ учрайди:

1. Ўтган йиллар давомида амалда сарфланган ресурслар тў□рисидаги □исобот маълумотларини ўрганиш □амда бир неча йиллар давомида рўй берган пасайишларни □исоблашга асосланувчи статистика-тажриба усули.

2. Лаборатория тажрибаларига асосан яратилган □амда инструментлар ва ёрдамчи материаллар сарфланиши нормасини ани□лашда □ўлланилувчи - лаборатория–техникавий усули.

3. Юзага келган ишлаб чи□ариш шароитларидан таш□ари бош□а корхоналарнинг ил□ор тажрибалари ва юту□ларини □ам □исобга олиш имконини берувчи, моддий ресурслардан фойдаланишни нормалаштиришнинг мукаммалро□ усули □исобланувчи – □исоб-та□лилий усули.

Корхона айланма мабла□ларини нормалаштириш тадбирлари ишлаб чи□ариш за□ираларини нормалаштириш, шунингдек, тугалланмаган ишлаб чи□аришнинг оптимал катталиги, тайёр ма□сулот □олди□лари ва келгуси давр харажатларини ани□лаш билан бо□ли□ вазифаларни ечишга олиб келади.

**Ишлаб чи□ариш за□ираларини нормалаштириш**, корхонанинг узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш ма□садида амалга оширилади. Агар ишлаб чи□ариш за□иралари нормативлардан паст бўлса, ишлаб чи□ариш жараёнининг издан чи□иши, ишчи кучи ва ускуналарнинг бекор туриб □олиши, корхонанинг ишлаб чи□ариш ва и□тисодий кўрсаткичлари пасайишига олиб келиши мумкин. Шу билан бир пайтда, ишлаб чи□ариш за□ираларининг белгиланган норма ва нормативлардан ошиб кетишига □ам йўл □ўймаслик керак, чунки бу мабла□ларнинг “музлаб” □олишига ва натижада корхона ва давлатнинг зарар кўришига олиб келади.

Ишлаб чи□ариш за□иралари жорий, су□урта (кафолатли), тайёрлов (технологик) ва мавсумий турларга бўлинади.

**Жорий за□ира** – бу, материаллар етказиб бериш órали□ида ишлаб чи□аришни моддий ресурслар билан таъминлаш учун зарур бўлган за□ирадир. Жорий за□иралар материал етказиб бериш даври, орали□и □амда хом ашё ва бош□а материалларнинг суткалик сарфланишига тў□ридан-тў□ри бо□ли□ бўлади.

**Мисол.** Нон комбинати бир суткада 10 тонна ун сарфлайди, тегирмондан эса бир ойда бир марта ун □абул □илади. Яъни етказиб бериш орали□и 30 кунни ташкил □илади. Демак, уннинг максимал даражадаги жорий за□ираси 300 (10х30) тоннани, ўртача жорий за□ираси 150 (10х30:2) тоннани, ун □ар ўн кунда етказиб берилгандаги минимал жорий за□ираси эса 50 (10х10:2) тоннани ташкил □илади.

Шу тари□а жорий за□иралар □ажми кўп жи□атдан етказиб бериш орали□ига бо□ли□ бўлади: орали□ □анчалик кичик бўлса, за□ира шунчалик кам бўлади. Бундан келиб чи□□ан □олда жорий за□ира ми□дорини □уйидаги формула асосида топиш мумкин:

$$З_{мах} \text{ қ } М_{ўр} \text{ х } Т_{т.ц}$$

Бу ерда:

$М_{ўр}$ – ушбу материалдан ўртача суткалик фойдаланиш ми□дори (Т., дона);

$Т_{т.ц}$ – етказиб бериш орали□и ёки таъминот цикли, кунлар.

**Су□урта (кафолат) за□ирасидан** таъминотда юзага келиши мумкин бўлган узилишлар ёки кўзда тутилмаган □олатларда фойдаланиш мўлжалланади. Кўпинча су□урта за□ирасининг ми□дори жорий за□ира нормасининг 50% ми□дорида белгиланади □амда □уйидаги формула асосида □исобланади:

$$З_{стр} \text{ қ } М_{ўр} \text{ х } (Т_1 \text{ Қ } Т_2 \text{ Қ } Т_3 \text{ Қ } Т_4)$$

Бу ерда:

$Т_1$ – материални юклаш учун кетадиган ва□т;

$Т_2$ – материаллар йўлда бўладиган ва□т;

$Т_3$ – материалларни омборга □абул □илиш ва□ти;

$Т_4$ – материалларни фойдаланишга тайёрлаш ва□ти.

Су□урта за□ираси омборда жорий за□ира билан биргаликда са□ланади □амда ундан умуман фар□ □илмасада, ало□ида □исобга олинади ва фа□ат корхона ра□бариятининг рухсати билангина сарфланади.

**Тайёрлов (технологик) за□ирасидан** хом ашё ва материалларни ишлаб чи□аришга киритиш учун тайёр □олга келтиришда фойдаланилади. Бундай за□иралар ишлаб чи□аришнинг ўзига хос хусусиятлари ва технологияларига эга бўлган корхоналардагина яратилади. Бундай корхоналар □аторига ё□-мой комбинати, ё□очни □айта ишлаш корхонаси кабиларни киритиш мумкин. Мазкур □олларда тайёрлов за□ираси ми□дори тайёрлов технологияси ва операцияларига мос □олда нормага солинади.

**Мавсумий за□иралар** асосан учта сабабга кўра юзага келади: биринчидан, хом ашё тайёрлашнинг мавсумийлиги; иккинчидан, уни истеъмол □илишнинг мавсумийлиги; учинчидан, материалларни етказиб беришнинг мавсумийлиги. Мавсумий за□иралар □ажми худди жорий

за□иралар □ажми каби, ўртача бир суткада истеъмол □илиш ва мавсумий за□иралар яратилиши лозим бўлган ва□тга асосан ани□ланади.

Ишлаб чи□ариш за□ираларини нормалаштириш, ишлаб чи□аришда □ўлланилувчи □ар бир ме□нат предмети (хом ашё ва материаллар, ёрдамчи материаллар ва бош□алар) учун ало□ида амалга оширилади □амда бу ўз навбатида ишлаб чи□ариш за□ираларини яратишда айланма мабла□ларга бўлган э□тиёжни ани□лашга асос бўлиб хизмат □илади.

**Мисол.** Пойабзал ишлаб чи□арувчи корхонада (харажатлар сметасига кўра) 1 чорак учун180 минг сўм ми□дордаги хом ашё ва асосий материалларни 30 кунлик за□ира нормасида; 54 минг сўм ми□дордаги ёрдамчи материалларни 40 кун за□ира нормасида; 27 минг сўм ми□доридаги □адо□лаш ва ўров материалларидан 20 кун за□ира нормасида сарфлаш кўзда тутилган. Бундай шароитларда асосий воситалар нормативи (э□тиёжи) □уйидагича бўлади:

Хом ашё ва асосий материаллар бўйича

$$\frac{180}{90} x 30 = 60 \text{ минг сўм}$$

□ўшимча материаллар бўйича

$$\frac{54}{90} x 40 = 24 \text{ минг сўм}$$

□адо□лаш ва ўров материаллари бўйича

$$\frac{27}{90} x 20 = 6 \text{ минг сўм}$$

**Тугалланмаган ишлаб чи□аришни нормалаштириш.** Тугалланмаган ишлаб чи□ариш бўйича айланма мабла□лар нормативини ани□лаш корхона фаолиятидаги энг мураккаб ва кўп ме□нат талаб □илувчи жараён □исобланади. Тугалланмаган ишлаб чи□ариш сифатида ишлаб чи□аришнинг турли бос□ичларида - хом ашёни техник назорат бўлими (ТНБ) томонидан □абул □илишдан то тайёр ма□сулот омборига топширгунга □адар ишлов берилаётган ма□сулотларни кўрсатиш мумкин.

Тугалланмаган ишлаб чи□ариш бўйича айланма мабла□лар нормативи ми□дори □уйидагиларга бо□ли□ бўлади:

1.Ма□сулот ишлаб чи□ариш □ажми.

2.Ма□сулот ишлаб чи□ариш учун сарфланувчи жорий харажатлар, яъни таннарх.

3.Хом ашё ва материалларни ишлаб чи□аришга киритиш ва□тидан то тайёр ма□сулот чи□ишигача бўлган ишлаб чи□ариш циклининг давомийлиги. Ишлаб чи□ариш циклининг давомийлигини топишда □уйидаги формуладан фойдаланилади:

$$T_{ич.ц} = t_{техн} + t_{контр} + t_{транс} + t_{тан}$$

Бу ерда:

$t_{техн}$ - ма□сулот ишлаб чи□аришдаги барча операцияларга сарфланувчи ва□ти;

$t_{тан}$ - операциялар орали□идаги ва□т (танаффуслар);

$t_{транс}$ – транспортда ташиш ва□ти;

$t_{контр}$ - ма□сулотни йи□иш, □абул □илиш ва ТНБга топшириш ва□ти.

Тугалланмаган ишлаб чи□аришга жалб □илинган айланма мабла□ларнинг ўсиши хом ашё ва материалларни ишлаб чи□аришга киритиш билан бошланади □амда ишлаб чи□ариш цикли якунида (тайёр ма□сулот омборга топширилганда) энг ю□ори ну□тасига чи□ади. Тугалланмаган ишлаб чи□ариш нормативини □исоблашда ишлаб чи□ариш цикли кунларда белгиланади □амда бунда □уйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Н_{т.ич} \text{ қ } М_к \text{ х } Т_{ич.ц} \text{ х } К_{х.ў.}$$

Бу ерда:

$М_к$ - ўртача бир кунлик харажатлар, сўмларда;

$Т_{ич.ц}$ - ишлаб чи□ариш цикли давомийлиги, кунларда;

$К_{хў}$ - харажатларнинг ўсиш коэффициенти.

Харажатларнинг ўсиш коэффициенти асосий материаллар ($М_а$) тўли□ □ийматда олинувчи катталик сифатида □исобланади. Ишлаб чи□ариш харажатлари ($М_{ич}$) бутун ишлаб чи□ариш цикли мобайнида бир хил суратда ўсиб боради □амда 50% □ийматда □исобга олинади:

$$К_{нз} \text{ қ } (М_а \text{ Қ } 0{,}5М_{ич}) : С$$

Бу ерда:

С - ма□сулот бирлигининг режадаги таннархи.

Агар кейинги харажатлар ($М_{ич}$) бир хил сурат билан ўзгармаса, у □олда ўсиш коэффициенти □уйидаги формула асосида □исобланади:

$$К_{х.ў} \text{ қ } (М_а \text{ Қ } к{\cdot}С_{яф} \text{ Қ } к{\cdot}С_{бут} \text{ Қ } 0{,}5М_{ич}) : С$$

Бу ерда:

к, к – ярим тайёр ма□сулотлар ва бутловчи □исмларни мос равишда пасайтирувчи коэффициентлари;

$С_{яф}$ - ярим тайёр ма□сулотлар □иймати;

$С_{бут}$ - бутловчи □исмлар □иймати.

Пасайтирувчи коэффициентлар ярим тайёр ма□сулотлар ва бутловчи □исмларга ишлов берилган кунларнинг ишлаб чи□ариш цикли давомийлигига нисбатини ифодалайди. Масалан, агар ишлаб чи□ариш цикли 20 кун бўлиб, бутловчи □исмлар 8 кун давомида ишлаб чи□аришда бўлган бўлса, пасайтирувчи коэффициент 0,4 (8:20) га тенг бўлади.

**Тайёр ма□сулот □олди□ларини нормалаштириш.** Ишлаб чи□ариш жараёни тугаллангандан сўнг ме□нат предметлари тайёр ма□сулот кўринишида муомалага киритилади.

Айланма мабла□ларнинг тайёр ма□сулотга айланиш нормативи ми□дори, ўртача бир суткалик ишлаб чи□арилган ма□сулотнинг (таннархи бўйича) айланма мабла□ларнинг кунлардаги тайёр ма□сулот нормасига

сифатида, яъни тайёр ма□сулотнинг корхона омборида са□ланиш муддати сифатида ани□ланади:

$$Г_н \text{ қ } В : Т \text{ х } Н_{т.м}$$

Бу ерда:

$Г_н$ – тайёр ма□сулот нормативи;

В - режалаштирилган даврда режадаги таннарх бўйича ишлаб чи□арилган ма□сулот;

$Н_{гн}$ – тайёр ма□сулотлардаги айланма мабла□лар за□иралари нормаси, кунларда;

Т - режадаги даврда календар кунлар ми□дори.

Тайёр ма□сулотнинг омборда са□ланиш муддати тайёр ма□сулотни транспортировка □илиш ва сотишга бо□ли□ бўлади. Айланма мабла□ларнинг ушбу нормасидаги кунлар сони ма□сулотни тайёрлаш, юклаш, □ужжатларни тайёрлаш ва уларни банкка топшириш учун зарур бўлган кунлардан иборат бўлади.

**Келгуси давр харажатларни нормалаштириш.** Ўсиб бораётган фан-техника тара□□иёти суръатлари айланма мабла□ларнинг келгуси давр харажатлари а□амиятини оширмо□да. Бу харажатлар корхонанинг махсус бухгалтерия □исобида учта манба: янги техникани ўзлаштириш фонди (агар корхонада шундай фонд мавжуд бўлса), банк кредити ва фойда (харажатарни ма□сулот таннархига киритиш йўли билан) □исобига йи□илади. Айланма мабла□ларнинг келгуси давр харажатлари ($Н_{кд}$) нормасини □исоблашда □уйидаги формулага амал □илинади:

$$Н_{кд} \text{ қ } Р \text{ Қ } Р_{ич} \text{ Қ } Р_т$$

Бу ерда:

Р - йил бошида келгуси давр харажатлари учун сарфланиши мўлжалланган мабла□лар ми□дори (бухгалтерия □исоботи бўйича);

$Р_{ич}$ – режадаги йилда лойи□а-сметаларда кўзда тутилган ишлаб чи□ариш харажатлари;

$Р_т$ - ўзлаштирилаётган ма□сулот таннархига киритилувчи □амда сметаларда кўзда тутилувчи ёки махсус манбалар □исобига □опланувчи харажатлар.

8.2-жадвал

*Айланма мабла□ларнинг келгуси давр харажатлари нормативини □исоблаш бўйича мисол*

| Харажатлар тури ёки гуру□и | Йил бошига □олди□, минг сўм | Бир йиллик харажатлар, минг сўм | Бўлиши керак | Йил охирига □олди□, минг сўм |
|---|---|---|---|---|
| Янги турдаги ма□сулотларни ўзлаштириш бўйича харажатлар, жами | 180 | 348 | 448 | 80 |
| Жумладан:<br>А ма□сулот<br>Б ма□сулот | <br>90<br>90 | <br>148<br>200 | <br>238<br>210 | <br>-<br>80 |

Ало□ида элементлар бўйича айланма мабла□лар харажатлари нормалари ани□лангандан сўнг, айланма мабла□ларга бўлган умумий э□тиёжлар (норматив) ми□дори □исобланади. Корхона айланма мабла□ларига бўлган умумий э□тиёж, ишлаб чи□ариш за□иралари (хом ашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, ярим тайёр ма□сулотлар, харид □илинувчи ма□сулотлар, □адо□лаш ва ўров материаллари, ё□ил□и ва □оказолар), тугалланмаган ишлаб чи□ариш, тайёр ма□сулот ва келгуси давр харажатларидан иборат бўлади.

## 8.4. Айланма мабла□лардан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларнинг айланишини тезлаштириш йўллари

Айланма мабла□лар айланишини тезлаштириш нафа□ат корхона учун, балки бутун хал□ хўжалиги учун □ам катта а□амият касб этади. У ресурсларнинг нисбий озод □илиниши, ижтиомий харажатларнинг камайтирилишига кўмаклашади ва и□тисодий режалаштириш суръатини оширади.

Корхона айланма мабла□ларидан самарали фойдаланиш учта асосий кўрсаткични тавсифлайди:

1) айланиш коэффициенти;
2) айланма мабла□ларнинг юкланиш коэффициенти;
3) воситаларнинг бир марта айланиши давомийлиги.

**Айланиш коэффициенти** корхона айланма мабла□ларининг маълум бир ва□т (йил, чорак) давомида амалга оширувчи айланишини тавсифлайди ёки айланма мабла□ларнинг □ар 1 сўмига тў□ри келувчи сотилган ма□сулотларни кўрсатади. У □уйидаги формула асосида □исоблаб топилади:

$$К_а \text{ қ } Р_м : С_а$$

Бу ерда:

$Р_м$ –сотилган ма□сулот □ажми, пул ўлчовида;

$С_а$ – айланма мабла□ларнинг ўртача □олди□ □ажми, пул ўлчовида (айланма мабла□лар нормативи).

Мисол. Корхонанинг бир йил мобайнида сотилган ма□сулотлари □ажми 800 млн сўмни ташкил □илади. Бу □олда айланма мабла□лар нормаси 200 млн сўмни ташкил □илади. Демак $К_а$ қ 4,4 (880:200).

**Айланма мабла□ларни юкланиш коэффициенти** айланиш коэффициентига тескари бўлган □ийматдир. У сотилган □ар 1 сўм ма□сулотга сарфланган айланма мабла□ларни тавсифлайди □амда □уйидаги формула асосида □исоблаб топилади:

$$К_ю \text{ қ } С_а : Р_м$$

**Бир марта айланиш давомийлиги** кунларда ўлчанади □амда шу даврдаги кунлар сонини айланиш коэффициентига нисбати ор□али □уйидаги формула асосида □исобланади:

$$Т \text{ қ } Д : К_а$$

Бу ерда:

Д - шу даврдаги кунлар сони (360, 90).

Айланма мабла□ларнинг тўли□ айланиш муддати □анчалик кичик ёки бу айланишлар сони □анчалик кўп бўлса, айланма мабла□лар шунчалик кам

талаб □илинади ва аксинча, айланма мабла□лар □анчалик тез айланишда бўлса, шунчалик самарали ишлатилади.

Бугунги кунда айланма мабла□ларда, айни□са, корхоналарнинг моддий-товар бойликларида банд бўлган йирик ми□дордаги пул мабла□лари уларнинг тўли□ са□ланишига эътибор □аратиш, улардан ма□садларга мувофи□ ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб □илади. Корхоналар олдига □ўйилган вазифаларни бажариш □уйидагиларни амалга оширишни талаб □илади:

* фан-техника тара□□иёти юту□ларини кенг □ўллаш;
* ишлаб чи□аришнинг барча жараёнларида илмий жи□атдан асосланган норма ва нормативлар тизимини яратиш;
* корхоналарни узо□ муддатли хўжалик ало□алари юритишга ўтказиш ва кооперация □илишни ривожлантириш;
* ма□сулотлар, молиявий, моддий ва куч-□увват ресурсларининг сифат балансини тузиш;
* бош□ариш тизимини ташкил этишнинг ва ра□батлантиришнинг оптимал шаклларини □ўллаш.

Айланма мабла□ларнинг айланишини тезлаштириш учун курашда □ар бир корхона уларнинг ишлаб чи□ариш ва муомалада бўлиш муддатини □ис□артиришга эришиши зарур. Гап шундаки, айланма мабла□ларнинг муомала со□асида секин □аракатланиши корхонанинг бу воситалардан ишлаб чи□аришда фойдаланишда эришган юту□ларини йў□□а чи□аришдан таш□ари, уларнинг умумий айланишини □ам секинлаштириши мумкин. Шу сабабли тайёр ма□сулотни истеъмолчига етказиб беришни тезлаштириш ёки ма□сулотни реализация □илиш муддатини □ис□артириш □ам айланма мабла□ларнинг айланишини тезлаштиришнинг му□им йўли □исобланади.

Айланма мабла□ларнинг айланишини тезлаштириш самараси, улардан фойдаланишни яхшилаш туфайли камро□ истеъмол □илиниши ёки □исман озод □илинишида акс этади. Айланма мабла□лар мутла□ ёки нисбий озод □илиниши мумкин.

**Мутла□ озод □илиш** корхонанинг айланма мабла□ларга бўлган э□тиёжини камайтиришни тавсифлайди □амда мавжуд ресурслардан рационал фойдаланишга оид турли ташкилий-техник чора-тадбирлар □исобига амалга оширилади.

**Мисол.** Корхона айланма мабла□ларининг ўртача ми□дори 2000 йилда 100 млн сўмни ташкил □илади. 2001 йилда ишлаб чи□ариш □ажмини ўзгартирмаган □олда 90 млн сўм ми□дорида э□тиёж режалаштирилмо□да. Бу □олда асосий воситаларнинг мутла□ озод □илиниши 10 млн сўмни ташкил □илади.

**Нисбий озод □илиш** айланма мабла□лари □ажмининг ўзгариши □амда сотилган ма□сулот □ажмининг ўзгаришини акс эттиради. Уни ани□лаш учун □исобот йилида айланма мабла□ларга э□тиёжни, ма□сулотни мазкур давр мобайнида сотиш бўйича □а□и□ий айланиш □амда ўтган даврдаги айланишни (кунларда) инобатга олган □олда □исоблаш зарур. Улар ўртасидаги фар□ озод □илинган воситалар ми□дорини беради.

**Мисол.** Корхонада 1999 йилда сотилган ма□сулот □иймати 360 млн сўмни, 2000 йилда эса 400 млн сўмни ташкил □илган. Айланма мабла□ларнинг ўртача □олди□и 1999 йилда 100 млн сўм, 2000 йилда эса 95 млн сўмни ташкил □илган. Айланиш муддати 1999 йилда 100 кун (100х360:360). 2000 йилда айланма мабла□ларга э□тиёж 111 млн сўм (400х100:360). 1999 йилда айланма мабла□ларнинг ўртача □олди□и 95 млн сўмни ташкил □илганини □исобга оладиган бўлсак, воситаларнинг нисбий озод □илиниши 16 млн сўмни (111 - 95) ташкил этади.

## □ис□ача хулосалар

□еч бир корхона айланма мабла□ларсиз фаолият кўрсата олмайди. Уларнинг мавжуд бўлиши □ар бир ишлаб чи□ариш жараёни учун мажбурий элемент □исобланади.

Корхонанинг молиявий а□воли кўп жи□атдан айланма мабла□лардан фойдаланиш даражаси ва тузилмасига бо□ли□ бўлади. Мазкур даража ма□сулотнинг материал си□ими, электр си□ими, энергия си□ими, моддий ресурс харажатлари ва ундан фойдаланиш коэффициенти каби кўрсаткичларни тавсифлайди. Айланма мабла□лардан фойдаланиш кўрсаткичлари □уйидагилар: айланиш коэффициенти, бир марта айланиш давомийлиги ва юкланиш коэффициенти.

Корхонада ма□сулотнинг материал си□имини пасайтириш и□тисодий ва ижтимоий жи□атдан катта а□амият касб этади, чунки у □уйидагиларга имкон яратади:

- ишлаб чи□ариш харажатларини сезиларли равишда камайтириш;
- корхона ихтиёрида □олувчи фойда ми□дорини ошириш;
- ма□сулотнинг ра□обатбардошлигини ошириш;
- корхонанинг молиявий а□волини яхшилаш.

Корхонада ма□сулотнинг материал си□имини □уйидагилар □исобига амалга ошириш мумкин:

* машина ва асбоб-ускуналарнинг янада мукаммал конструкцияларини яратиш;
* сунъий ва синтетик материаллардан кенг равишда фойдаланиш;
* кам чи□итли ва умуман чи□итсиз технологиялардан кенг равишда фойдаланиш;
* корхонада мукаммал норматив базани ташкил □илиш;
* ишлаб чи□ариш чи□итларидан □ўшимча ма□сулот ишлаб чи□аришда фойдаланиш;
* ишлаб чи□аришни кобинациялаш;
* ма□сулот сифатини яхшилаш.

Корхонада моддий ресурслардан о□илона фойдаланишга фа□ат доимий амал □илувчи тизим сифатидаги ресурсларни са□лашнинг чу□ур ўйланган сиёсати асосида эришиш мумкин.

## Таянч иборалари

Айланма мабла□лар, айланма капитал, айланма ишлаб чи□ариш фондлари, муомала фондлари, за□ира, ички ишлаб чи□ариш за□иралари, ишлаб чи□ариш за□иралари, тугалланмаган ишлаб чи□ариш ва корхонада

тайёрланган ярим тайёр ма□сулотлар, келгуси давр харажатлари, айланма ишлаб чи□ариш фондларининг тузилмаси, хусусий айланма мабла□лар, □арзга олинган айланма мабла□лар, айланма мабла□ларни нормалаштириш, ишлаб чи□ариш за□ираларини нормалаштириш, жорий за□ира, су□урта (кафолат) за□ираси, тайёрлов (технологик) за□ираси, мавсумий за□иралар, тугалланмаган ишлаб чи□аришни нормалаштириш, тайёр ма□сулот □олди□ларини нормалаштириш, келгуси давр харажатларни нормалаштириш, айланиш коэффициенти, айланма мабла□ларни юкланиш коэффициенти, бир марта айланиш давомийлиги.

## Назорат ва му□окама учун саволлар

1. Айланма мабла□лар ишлаб чи□ариш айланма фондларидан □андай фар□ □илади?
2. Айланма мабла□ларни ташкил □илувчи асосий элементлар □айсилар?
3. Айланма мабла□лар тузилмаси деганда нима тушунилади? □айси омиллар унинг ўзгаришига таъсир кўрсатади?
4. □айси кўрсаткичлар ишлаб чи□ариш айланма фондлари ва айланма мабла□лардан фойдаланиш даражасини тавсифлайди?
5. □айси омиллар айланма мабла□ларнинг айланиш даражасига таъсир кўрсатади?
6. Корхонанинг норматив базаси деганда нима тушунилади?
7. Корхонанинг норматив базасини мукаммаллаштириш □андай а□амиятга эга?
8. Корхонада ма□сулотнинг материал си□имини камайтириш □андай а□амият касб этади?
9. Айланма мабла□ларни нормалаштиришнинг мо□ияти ва а□амияти □андай?
10. Корхонада ма□сулот материал си□имини камайтиришнинг асосий йўллари ва йўналишлари □андай?

## Тавсия этиладиган адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тў□рисида”ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., “Ўзбекистон”, 2004., №3
2. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўса□асида: хавфсизликка та□дид, тара□□иёт шартлари ва кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
3. Экономика предприятия. Учебник для ВУЗов. 3-е издание /Под. ред. В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара. - М.: Юнити-Дана, 2003.
4. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
5. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003. - 223 б.
6. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
7. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
8. Гурков И.Б. Инновационное развитие и конкурентоспособность: Очерки развития 333 российских предприятий. – М.: ТЕИС, 2003.
9. Фомин Я.А. Диагностика кризисного состояния предприятия: Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. 439 с.

10. Гиляровская Л.Т., Вехорова А.А. Анализ и оценка финансовой устойчивости коммерческого предприятия. – СПб: Питер, 2003. –249 с.

11. Крўлов Э.И. Анализ эффективности инвестиционной и инновационной деятельности предприятий / Учеб пос. 2е изд. пере раб и доп.. –М.: Финансў и статистика, 2003. –605 с.

12. О.И. Волков, Экономика предприятия, Учебник. М., “ИНФРА-М”, 2000.

13. Г.И. Шепеленко. Экономика, организация и планирование производства на предприятии. Учебное пособие. Ростов-на-Дону, Изд. Центр “МАРТ”, 2000.

14. Г.В. Савицкая. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск, ООО “Новое знание”, 1999.

15. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.

16. Сенге Питер М. и др. пер с анг. Танец перемен: новўе проблемў самообучаюҳихся организаций М.: ЗАО Длимп-Бизнес 2004.

17. Ш.И. Гизотуллин. Как избежать банкротства. Рецептў финансового оздоровления предприятия М.: ЗАО Гресс Медиа Ферлаг 2004.

18. Котте Д./ Пер. С англ. Управление инфраструктурой организации М.: ОАО Типография «НОВОСТИ» 2001.

19. Л.Д. Гительман, Б.Е.Ратников. Эффективная энергокомпания: Экономика. Менеджмент. Реформирование. М.: ЗАО Олимп-Бизнес 2002.

20. Экономика предприятия Конспект лекций в списках М.: Приор-издат 2003.

21. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкелья, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.

22. Аутсорсинг: Создание вўсокоэффективнўх и конкурентоспособнўх организаций. Учебное пособие / Под ред. Б.А.Аникина М.: Инфра – М 2003.

23. «Экономика фирмў и отраслевўх рўнков» // Программа М.: Экономический факультет МГУ,ТЕИС 2000.

24. Сергеев И.В Экономика предприятия. 2-е изд. пераб. и доп. Учебное посбие М.: ФиС 2004.

25. Практикум по экономике организации (предприятия). Учебн. Пособ./ Под ред. проф. П.В. Тальминой и проф. Б.В. Чернецовой М.: ФиС 2003.

26. Сбалансированная система Показателей – шаг за шагом: максимальное повўшение эффективности и закреплении полученнўх результатов Пер. с англ. Днепропетровск: Баланс-Клуб 2003.

27. Вумек Джеймс П., Джонс Дениел Т. Пер. с англ. Бережливое производство; Как избавиться от потерь и добиться процветания вашей компании; М.. Альпина Бизнес БУКС 2004.

28. Кристенсен Клейтон М. Как из-за новўх технологий погибают сильнўе компании /Дилемма инноватора Пер.с анг. М.: Альгина Бизнес Бука 2004.

29. http:/www.harvard. edu

30. http:/www.capitul.ru

31. http:/www.5b. ru

32. http:/www.audit - center. ru

# IX МАВЗУ. КОРХОНАДА КАДРЛАР ВА МЕ□НАТ □А□ ТЎЛАШ

9.1. Корхонанинг кадрлар сало□ияти.
9.2. Бозор муносабатлари шароитларида корхонанинг кадрлар сиёсати.
9.3. Корхонада ме□натга □а□ тўлаш.

## 9.1. Корхонанинг кадрлар сало□ияти

“□амма нарсани кадрлар □ал □илади” □оидаси и□тисодий исло□отлар амалга оширилаётган □озирги кунларда □ам ўз долзарблигини йў□отгани йў□. Президент И.Каримов айтганидек: “Бугунги кунда биз олдимизга □андай вазифаларни □ўймайлик, бизнинг олдимизда □андай муаммолар мавжуд бўлмасин, уларнинг барчаси пировардида кадрлар ва фа□ат кадрларга бориб та□алади.”

Замонавий корхоналар фаолиятида ме□нат □уроллари ва ме□нат предметларидан таш□ари кадрлар □ам катта а□амиятига эга. Айнан кадрлар ишлаб чи□аришни бош□ариб, жорий ва исти□болдаги режалаштиришни амалга оширадилар □амда ишлаб чи□ариш воситаларини фойдаланишга киритадилар. Кадрларнинг касбий малакаси □анчалик ю□ори бўлса, корхоналарнинг и□тисодий ва ишлаб чи□ариш кўрсаткичлари шунчалик яхши бўлади.

Корхонанинг “ме□нат ресурслари”, “кадрлар”, “персонал” тушунчаларини, гарчи улар ўртасида маъжозий маънода айтганда “хитой девори” йў□ бўлса ва улар кадрлар сало□иятини шакллантириш ва улардан фойдаланишда бир хилда □ўллансада, бир-биридан фар□лаш лозим.

*Сало□ият (потенциал)* тушунчасининг ўзи лотин тилидан олинган бўлиб (potentia), имконият, куч-□увват, яшириш имконият маъносини англатади. Лу□ат ва □ўлланмаларда у мавжуд ва □аракатга келтирилиши, маълум бир ма□садларга эришиш учун фойдаланиш мумкин бўлган восита, за□ира, манба деб кўрсатилган.

**Кадрлар сало□ияти** - ме□нат ресурсларининг умумий сони ва жинси, ёши, маълумоти, касбий кўникмалари, корхонанинг у ёки бу бў□инларида ва жамоатчилик ишлаб чи□аришида □атнашиши билан ифодаланувчи ме□нат ресурслари ёки имкониятларини ифодалайди. Кадрлар сало□ияти жамият ме□нат сало□иятининг таркибий □исмидир.

**Кадрлар** корхонада ме□нат билан банд бўлган □амда корхона шахсий таркибига кирувчи турли касбий–малакавий гуру□лардаги ходимлар мажмуасидир. Корхонанинг **ме□нат ресурслари** унинг ишчи кучини тавсифлайди. **Корхона персонали** доимий ва ёлланиб ишловчи, малакали ва малакасиз барча ходимлардан иборат бўлган шахсий таркибни изо□лайди.

Ишлаб чи□аришдаги асосий «шахс», и□тисодиёт назариясида тал□ин □илинишича, **ишчи кучи** - инсоннинг ме□нат □илишга жисмоний ва а□лий □обилиятлари □исобланади. Бозор муносабатлари шароитларида ме□нат □обилияти, ишчи кучини товар □олига келтиради. Биро□ бу оддий товар эмас. Унинг бош□а товарлардан фар□и шундаки, биринчидан, у ўз □ийматидан орти□ бўлган □иймат яратади, иккинчидан, уни жалб □илмасдан бирон-бир ишлаб чи□ариш жараёнини амалга ошириш мумкин

эмас, учинчидан, асоий фондлар ва айланма мабла□лардан самарали фойдаланиш даражаси, хўжалик юритиш и□тисодиёти кўп жи□атдан унга бо□ли□ бўлади.

Корхоналарда ишчи кучи ва умуман кадрлар сало□иятидан самарали фойдаланишга □уйидаги омиллар таъсир кўрсатади: ходимларнинг моддий манфаатдорлиги, атроф-му□ит, а□лий, жисмоний ва асаблар кучланиши, бош□ариш усуллари ва □оказолар. Айни□са ме□нат учун ижтимоий шароитлар яратиш му□им а□амият касб этади (9.1-расм).




*9.1 - расм. Ме□нат юкламасига таъсир кўрсатувчи омиллар*

Корхона персонали ёки кадрлар таркиби ва унинг ўзгариши маълум бир сифат, ми□дор ва тузилмавий тавсифларга эга бўлиб, улардан фаолиятни режалаштириш ва □исобга олишда фойдаланилади. Корхона ходимларининг рўйхат бўйича таркиби замонавий таснифи бўйича □уйидагиларни ўз ичига олади:

* **саноат-ишлаб чи□ариш персонали** (С.ИЧ.П) - асосий ва ёрдамчи цехлар, завод бош□аруви, лаборатория, илмий-тад□и□от ва тажриба-лойи□алаштириш бўлимлари (ИТ ва ТЛ.И), □исоблаш маркази ходимлари;
* **ноишлаб чи□ариш персонали** - уй-жой, коммунал ва ёрдамчи хўжаликларда, со□ли□ни са□лаш, профилактика ва таълим муассасаларида фаолият юритувчи ходимлар;
* **ра□барлар** - директор, директор ўринбосарлари, бош мутахассислар, бўлим ва хизмат бошли□лари, яъни му□андис-техник персонал (МТП);

* **хизматчилар** - □ужжатларни тайёрлаш, □исоб-китоб ва назорат □илиш, хўжалик хизмати ходимлари (агентлар, □азначилар, иш юритувчилар, котиблар, статистлар ва □оказо).

Корхона С.ИЧ.Пнинг асосий ва кўп сонли □исмини **ишчилар** ташкил □илиб, улар ма□сулот ишлаб чи□ариш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш), таъмирлаш ва ускуналарга хизмат кўрсатишда (*таъмирловчи ишчилар*) □атнашадилр, ме□нат предметларини ташиш ва ма□сулот тайёрлашни амалга оширадилар (*транспорт ишчилари*), □урилиш-таъмирлаш ишларини бажарадилар (*□урувчи-ишчилар*).

Корхона фаолиятини режалаштириш ва та□лил □илишда, айни□са, ме□нат унумдорлиги, ўртача иш □а□и, кадрлар айланиши ва о□имини □исоблашда **ўртача рўйхат сони** кўрсаткичи □ўлланиади. Бу кўрсаткич йил ёки чорак учун корхона фаолият кўрсатган барча ойлар учун ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонини □ўшиш ва □осил бўлган йи□индисини мос равишда 3 (12) га бўлиш йўли билан ани□ланади. Бу кўрсаткични тў□ри ани□лаш учун ходимларни ишга □абул □илиш, бош□а ишга ўтказиш ва ме□нат шартномасини бекор □илишни инобатга олган □олда □ар куни □исобга олиб боришни йўлга □ўйиш зарур.

Кадрларнинг корхонада □аракатланишини тавсифлаш учун □уйидаги кўрсаткичлар □исобланади ва та□лил □илинади:

Ишчиларни □абул □илиш бўйича айланиш коэффициенти ($К_{пр}$):

$$К_{пр}\ қ\ \frac{\text{Ишга □абул □илинган персонал сони}}{\text{Персоналнинг ўртача рўйхат сони}}$$

Ишдан кетиш бўйича айланиш коэффициент ($К_{в}$)

$$К_{в}қ\ \frac{\text{Ишдан бўшаган ходимлар сони}}{\text{Персоналнинг ўртача рўйхат сони}}$$

Кадрлар о□ими коэффициенти ($К_{т}$)

$$К_{т}\ қ\ \frac{\text{Ўз хо□ишига кўра ва ме□нат интизомини бузганлик учун ишдан бўшаган ходимлар сони}}{\text{Персоналнинг ўртача рўйхат сони}}$$

Корхона персонали таркибининг доимийлик коэффициенти ($К_{п.с.}$)

$$К_{п.с.}\ Қ\ \frac{\text{Бутун йил давомида ишлаган ходимлар сони}}{\text{Персоналнинг ўртача рўйхат сони}}$$

Кадрлар сало□ияти ми□дорий тавсиф беришдан таш□ари *корхона персоналининг сифат тавсифи* □ам му□им а□амиятга эга бўлиб, у корхона ходимларининг мазкур ишлаб чи□аришга касбий ва малакавий жи□атдан яро□лилик даражаси билан ани□ланади. Бу ерда биринчи ўринга “мутахассислик”, “касб”, “малака ” каби тушунчалар чи□ади.

**Мутахассислик** инсонда маълум бир турдаги ишларни бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмалар мажмуасининг мавжудлиги билан тавсифланади. Масалан, и□тисодчи, бухгалтер, молиячи ёки техник тилда - механик, □урувчи, энергетик, геолог ва бош□алар. Ишчиларнинг билим ва □обилиятларига бўлган талаб ягона тариф-малакавий маълумотномасида (ЯТММ), (МТП) ва хизматчиларга эса лавозимлар малакаси маълумотномада акс эттирилган. Бу □ужжатлар асосида корхоналар ишчи ва хизматчилар тарифларига ўзгартиришлар киритадилар.

**Касб**–фаолиятнинг махсус ва тор кўринишдаги тури бўлиб, мутахассислик каби назарий билим ва амалий кўникмаларни талаб □илсада, мутахссисликдан фар□ли равишда ишлаб чи□аришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чи□иб □ўшимча кўникмаларни □ам талаб □илади.

**Малака** деганда бирон-бир касб ёки мутахассилик бўйича мураккаб ишларни бажариш учун зарур бўлган ме□нат кўникмалари ва билимлар даражаси тушунилади. Ишчилар малакаси даражасини ба□олашда ўртача тариф коэффициенти ва ўртача тариф разряди □исобланади. Тариф разрядлари ва коэффициентлари бир ва□тнинг ўзида бажарилаётган ишлар мураккаблигини тавсифловчи кўрсаткичлар □исобланади.

Кадрлар сало□иятининг ю□орида санаб ўтилган ва бош□а тушунча ва кўрсаткичлари корхона персоналининг ми□дорий, сифат ва тузилмавий □олатлари □а□ида ва уларни персонални ва умуман ишлаб чи□аришни бош□ариш, жумладан, корхона ме□нат ресурслари самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чи□иш, та□лил □илиш ва режалаштириш ма□садлари учун ўзгартиришлар киритиш йўналишлари □а□ида маълумот беради.

## 9.2. Бозор муносабатлари шароитларида корхонанинг кадрлар сиёсати

Ю□орида айтиб ўтилганидек, ишчи кучи ва умуман, кадрлар, ишлаб чи□аришнинг му□им элементи □исобланади. Шу сабабли корхона ишлаб чи□ариш фаолиятининг жорий ва исти□болдаги стратегияси **кадрлар сиёсати** билан чамбарчас бо□ли□ бўлиб, у □уйидагиларни ўз ичига олади:

* ишчи кучини ёллаш, жойлаштириш ва режалаштириш;
* ходимларни ў□итиш, тайёрлаш ва малакасини ошириш;
* кадрларни хизмат лавозимлари бўйича ю□ори по□онага кўтариш;
* ёллаш шартлари, ме□нат ва унга □а□ тўлаш шароитлари;
* ме□нат жамоасида □улай ру□ий (психологик) му□итни яратиш.

Корхоналарнинг кадрлар сиёсатини, гарчи ягона жавобгар шахс сифатида ишлаб чи□ариш ва хўжалик фаолиятининг барча жаб□алари, жумладан, кадрларни танлаш ва жойлаштиришда асосий жавобгарликни корхона деректори ўз бўйнига олсада, фа□атгина унинг ўзи амалга оширмайди. Бунда директордан таш□ари бўлим ва хизмат бошли□лари, кадрлар бўлими, и□тисодий ва ишлаб чи□ариш бўлими, ме□нат ва □а□ тўлаш бўлими, техник бўлим ва бош□алар □ам иштирок этади.

Корхонада кадрлар сиёсати со□лом ва ме□нат □обилиятига эга бўлган жамоани шакллантириш, кадрларнинг жинси ва ёшига кўра таркиби ва малакаси □амда уларнинг ишлаб чи□аришда тў□ри жойлаштирилишини □исобга олишдан таш□ари, ишлаб чи□ариш ва ме□нат шароитларининг ўзгариб боришига ўз ва□тида эътибор □аратиши, фан ва техниканинг янги, ил□ор юту□ларини ишлаб чи□аришга жорий □илиш, ходимларнинг ме□нат унумдорлигини оширишни ра□батлантириши лозим. Бош□ача □илиб айтганда, кадрлар сиёсати биринчи ўринда, инсоннинг ишлаб чи□ариш ва турмушдаги янги ахло□ини шакллантириш, иккинчидан, новаторлик ва ю□ори ме□нат унумдорлигига мафаатдорлигини ривожлантириши лозим.

Корхонанинг кадрлар сиёсати амалиётда фа□ат ички вазифа ва муаммоларни □ал □илишдан таш□ари, бандлик со□асида давлат сиёсатига таянади ва □уйидагиларни кўзда тутади:

* фу□ароларнинг ме□нат □у□у□и ва касб танлаш эркинликларини амалга оширишда бир хил имкониятларга эга бўлишини таъминлаш;
* фу□ароларнинг ме□нат ва тадбиркорлик ташаббусларини □ўллаб-□увватлаш, уларнинг ишлаб чи□ариш □обилиятларини ривожлантиришга бандлик со□асидаги фаолиятни и□тисодий ва ижтимоий фаолиятнинг бош□а йўналишлари билан уй□унлаштириш ор□али кўмаклашиш ;
* ме□нат фаолияти даврида ва нафа□ага чи□□андан сўнг □ам ходимларнинг ижтимоий му□офазасини таъминлаш;
* а□оли бандлиги муаммоларни ечишда, □ўшма корхоналар тузиш ва ишлаб чи□ариш билан бо□ли□ лойи□аларни амалга ошириш йўли билан хал□аро □амкорлик юритиш ва бош□алар.

И□тисодиётни бош□аришнинг турли даражасида, жумладан, корхоналарда □ам кадрлар сиёсати кўп □иррали, мураккаб ва узо□ муддатли жараён бўлиб, бир □анча ресурс ва ва□т сарфланишини талаб □илади. Ишчилар ёки олий маълумотли мутахассислар, яъни турли кадрлар билан турли даражадаги харажатлар кўзда тутилади. Агар ишчилар замонавий корхоналар персонали тузилмасида 70-80 % ва ундан орти□ни ташкил □илса, олий маълумотли мутахассислар 15-20 % ни ташкил этади. Шунга мос равишда уларни тайёрлаш □ам турлича бўлади: ишчилар корхона, ихтисослаштирилган мактаб ва касб-□унар билим юртларида тайёрланса, олий маълумотли мутахассислар бир неча йил давомида олий ў□ув юртларида та□сил оладилар.

Афсуски, баъзи корхоналарнинг ра□барлари, бугунги кунда та□лилларнинг кўрсатишича, кўпро□ буюртмалар “портфели”ни шакллантириш, ресурс ва инвестициялар излаш, ма□сулотларни сотиш каналларини ани□лаш, дебиторлик ва кредиторлик □арзларини

□ис□артириш, турли хўжалик муаммоларини □ал □илиш билан банд бўлиб, буларнинг барчаси бозор муносабатлари шароитларида му□им а□амият касб этсада, уларнинг а□амияти кадрлар сиёсатини тў□ри олиб боришнинг а□амиятидан камдир. Бу масалада йирик корхоналар унчалик юту□ларга эга бўлмасада, мазкур □олатлар асосан шахсий таркиби 100 кишигача бўлган кичик корхоналар ва микрофирмалар учун хосдир.

Шундай бўлсада, кадрлар сиёсатига, жумладан зарур бўлган кадрлар сало□иятини шакллантириш ва унинг таркибига ижобий ўзгаришлар киритиш, ходимлар малакасини оширишга эътиборни □аратмасдан, ишлаб чи□аришни ривожлантириш вазифаларини муваффа□иятли □ал □илиш, корхоналар □аётига фан-техника тара□□иёти юту□ларини жорий □илиш, энг асосийси, корхонанинг бар□арор ва даромад келтирувчи фаолият юритишини таъминлаш □ийин.

Масалан, Японияда корхона ва фирмаларнинг кадрлар сиёсати биринчи ўринда университетлар ва илмий марказлар билан ало□аларни кучайтиришга, иккинчидан, саноатни роботлаштириш со□асида мутахассислар тайёрлашга □аратилган бўлиб, бу ишлаб чи□аришни механизациялаштириш ва автоматлаштиришнинг ўсишидан таш□ари, ишчи ва мутахассислар ўртасида ра□обатчилик му□ити яратилишига □ам хизмат □илади.

Германияда и□тисодиёт ва ишлаб чи□ариш со□асидаги деярли барча ўзгаришлар кадрлар сиёсати билан бо□ли□дир. Корхоналарнинг кадрлар сало□иятини шакллантиришда ходимлар малакаси ва маълумот даражаси асосий омил □исобланади. Германия корхона ва фирмалари □ар йили ходимларнинг маълумот олиши ва малакасини ошириши учун 10 млрд маркадан орти□ мабла□ сарфлайди. Бундан таш□ари, улар мутахассисларга ишдан бўш ва□тларда □атнаб керакли билимларни олишлари мумкин бўлган ў□ув марказлари ва курслар □а□ида маълумот берадилар.

Кадрлар сиёсати Франция ва Италия корхоналарида □ам етакчи ўринни эгаллайди. Грецияда ра□обатчилик туфайли компания ва фирмалар ишлаб чи□аришни доимий равишда модернизация □илишлари, янги технологияларни □ўллашга йирик ми□дордаги мабла□ларни сарфлашларига тў□ри келади. Биро□ модернизациялашнинг якуний ма□садларига ходимлар малакаси ишлаб чи□аришнинг техник даражасига мос келган □олдагина эришиш мумкин. Шу сабабли кўплаб саноат корхоналари ишчи ва мутахассисларнинг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини кенг равишда амалда □ўллайдилар.

Ю□орида айтилганлардан келиб чи□адики, кадрлар сиёсати барча мамлакатларда корхоналарнинг муваффа□иятли фаолият юритиши учун асосий омиллардан бири □исобланади. Бизнинг фикримизча, мамлакатимиздаги корхоналар □ам бундан мустасно эмас. Улар чет элнинг ил□ор корхоналари юту□ларини ўзлаштиришдан таш□ари, ўз кадрлар сиёсатини яхшилаши, ходимлар малакасининг ўсиши ва □аётнинг ме□нат билан бо□ли□ даври сифатини оширишга эътибор беришлари зарур. Бу вазифаларнинг муваффа□иятли □ал этилишига, корхоналарнинг муста□иллигидан таш□ари корхона ва ишлаб чи□аришни бош□аришнинг

акциядорлик шакллари, шунингдек, и□тисодиётда ривожланиб бораётган бозор муносабатлари ўз □иссасини □ўшмо□да.

### 9.3. Корхоналарда ме□натга □а□ тўлаш

Корхоналарда ме□натга □а□ тўлашни о□илона ташкил □илиш ходимлар фаолиятини ра□батлантириш, тайёр ма□сулот ва ме□нат бозорида ра□обатчиликни, рентабелликни ва ма□сулотларнинг даромадлилигини таъминлаши лозим. Ме□натга □а□ тўлашни о□илона ташкил этишдан ма□сад–унинг □ажми ва ходимнинг корхона хўжалик фаолиятига ме□нат фаолиятида □ўшган □иссасига мос келишини таъминлаш, яъни ме□нат ўлчами ва истеъмол ўлчами ўртасидаги мутаносибликни таъминлашдир.

**Иш □а□и** - □ар бир ходимнинг сарфлаган ме□нати ми□дори ва сифатига мос равишда та□симланувчи ва ходим тасарруфига пул шаклида келиб тушувчи миллий даромаднинг бир □исмидир. Иш □а□и–бу ме□нат учун мукофотдир.

**Ходимлар ме□натига □а□ тўлаш** ишлаб чи□ариш жараёнига жалб □илинган ме□нат ресурсларининг ба□осидир. Бош□ача □илиб айтганда, иш □а□и – бу, ма□сулот ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатларининг корхона ходимлари ме□натига □а□ тўлаш учун сарфланувчи □исмидир.

Иш □а□ининг *номинал* ва *реал* турлари мавжуд.

**Номинал иш □а□и**–бу ходимнинг маълум бир ва□т мобайнида бажарган ме□нати учун □исобланган ва тўланган иш □а□идир.

**Реал иш □а□и**–номинал иш □а□ига сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар ми□дори; реал иш □а□и – бу, номинал иш □а□ининг “истеъмол □обилияти ”дир.

Корхоналарда иш □а□и со□асидаги сиёсатни ишлаб чи□иш ва уни ташкил этишда □уйидаги тамойилларни инобатга олиш зарур:

*адолатлилик, яъни бир хил ме□нат учун бир хил □а□ тўлаш;

*бажарилаётган ишнинг мураккаблиги ва ме□нат малакаси даражасини □исобга олиш;

*ме□натнинг зарарли шароитлари ва о□ир жисмоний ме□натни □исобга олиш;

*сифатли, сиди□идилдан ме□нат □илишни ра□батлантириш, йўл □ўйилган йў□отишлар ёки ўз мажбуриятларига масъулиятсиз ёндашишни моддий жазолаш;

*ме□нат унумдорлиги суръатини ўртача иш □а□ининг ўсиш суръатларига нисбатан тезро□ ўстириш;

*иш □а□и ми□дорини инфляция суръатларига мос равишда мувофи□лаштириш;

*ме□натга □а□ тўлашнинг корхона э□тиёжларига тўли□ жавоб берувчи ил□ор шакл ва тизимларини □ўллаш.

Замонавий шароитларда корхоналарда ме□натга □а□ тўлашнинг турли тизим ва шакллари □ўлланилиб, улардан энг кўп тар□алганлари сифатида ишбай ва ва□тбай усулни кўрсатиш мумкин.

**Ме□натга ишбай □а□ тўлаш** ишлаб чи□арилган ма□сулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) учун тўланадиган □а□ни англатади.

Корхоналарда кўпинча фа□ат ишбай эмас, балки ишбай-мукофотли □а□ тўлашдан фойдаланилади.

**Ме□натга ишбай-мукофотли □а□ тўлашда** ишчи бажарган ишига □а□ олишдан таш□ари, мукофотга □ам эга бўлади. Мукофот асосан маълум бир кўрсаткичларга эришиш - ма□сулот ишлаб чи□ариш режасини бажариш, ма□сулот сифатини ошириш, хом ашё ва материалларни тежаш ва шу кабилар учун берилади.

**Ме□натга ва□тбай □а□ тўлаш** тариф тизимида кўзда тутилувчи ишлаб берилган ва□т - календарь ва□т эмас, балки норматив ва□т учун тўланадиган □а□ни англатади.

**Ва□тбай-мукофотли □а□ тўлашда** ишчи ишлаб берган ва□тига □а□ олишдан таш□ари, ушбу иш □а□ига маълум бир фоиз □исобида мукофот □ам олади.

**Ме□натга аккорд □а□ тўлаш тизими** ме□натга ишбай □а□ тўлашнинг бир тури бўлиб, унинг мо□иятига кўра, бунда бажарилиши керак бўлган ишларни муддатини кўрсатган □олда ба□олаш амалга оширилади.

Корхонада □уйидаги □олларда аккорд □а□ тўлаш тизимидан фойдаланиш ма□садга мувофи□ □исобланади:

*корхона бирон-бир буюртмани ўз ва□тида бажара олмаса ва бунинг учун шартномага асосан йирик ми□дорда жарима тўлайдиган бўлса;

*корхонанинг тўхтаб □олишига сабаб бўлувчи фав□улодда вазиятлар (ён□ин, сел, зилзила, сув тош□ини ёки жиддий сабабларга кўра асосий технологик линияларнинг ишдан чи□иш □оллари) рўй берганда;

*ало□ида ишларни бажаришга ўта зарурат ту□илганда ёки корхонада янги асбоб-ускуналар ишга туширилганда.

Кўпчилик корхоналарда иш □а□ини □исоблаш тариф тизими, айни□са унинг тариф ставкаси ва тариф сеткалари каби элементлари асосида амалга оширилади.

**Тариф ставкаси**–турли гуру□ ва категориядаги ишчиларнинг ва□т бирлигидаги ме□нати учун тўланувчи □а□нинг мутла□ (абсолют) ўлчамидир. Минимал тариф ставкаси ёки биринчи разрядли ставка бошлан□ич □исобланади. У энг оддий ме□нат турига тўланувчи □а□ даражасини белгилаб беради.

Тариф сеткалари ме□натга □а□ тўлашдаги мутаносибликларни малака даражасини □исобга олган □олда, белгилаш учун хизмат □илади. У тариф разрядлари ва уларга мос келувчи тариф коэффициентлари йи□индисини ифодалайди. Тариф коэффициентининг энг паст разряди бирга тенг деб олинади. Ундан кейинги тариф разрядлари мос келувчи тариф ставкалари биринчи разрядли тариф ставкасидан неча марта катта бўлишини кўрсатади.

Кадрлар, ме□нат унумдорлиги ва иш □а□и ўзаро чамбарчас бо□ли□ бўлган тушунчалар □исобланади. □ар бир корхонада ме□нат ва иш □а□и бўйича режа тузилиб, унинг ма□садлари ишчи кучидан фойдаланишни яхшилаш за□ираларини топиш ва бу асосда ме□нат унумдорлигини оширишга □аратилган бўлиши лозим. Бу режаларга кўра ме□нат

унумдорлигининг ўсиш суръати ўртача иш □а□и суратларидан тезро□ ўсиши лозим.

## □ис□ача хулосалар

Кадрлар сиёсатига кўп нарса, биринчи ўринда ишчи кучидан □анчалик унумли фойдаланиш ва корхона фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш бо□ли□ бўлади.

Корхонада кадрлар ишчи, хизматчи, мутахассис ва ра□барларга бўлинади. Ра□барларга афзалликни бериш лозим. Тад□и□отлар ва амалиёт тажрибалари шуни кўрсатадики, корхона фаолиятининг самарадорлиги 70-80 % га корхона ра□барига бо□ли□ бўлади.

Бозор муносабатларига ўтиш билан корхоналар ме□натга □а□ тўлаш со□асида катта муста□илликка эришдилар. Та□лиллар натижасида шу нарса маълумки, бу даврга келиб корхоналар кўпро□ ва□тбай-мукофотли ва тарифсиз □а□ тўлаш, шунингдек, шартнома асосида □а□ тўлашдан фойдалана бошладилар.

Кадрлар, ме□нат унумдорлиги ва иш □а□и ўзаро чамбарчас бо□ли□ бўлган тушунчалар □исобланади. □ар бир корхонада ме□нат ва иш □а□и бўйича режа тузилиб, унинг ма□садлари ишчи кучидан фойдаланишни яхшилаш за□ираларини топиш ва шу асосда ме□нат ма□сулдорлигини оширишга □аратилган бўлиши лозим. Бу режаларга кўра, ме□нат унумдорлигининг ўсиш суръати ўртача иш □а□и суръатларидан тезро□ ўсиши лозим.

## Таянч иборалар

Кадрлар сало□ияти, кадрлар, ме□нат ресурслари, корхона персоналии, ишчи кучи, ме□нат учун ижтимоий шароитлар, ме□нат юкламасига таъсир кўрсатувчи омиллар, саноат-ишлаб чи□ариш персонали (С.ИЧ.П), ноишлаб чи□ариш персонали, ра□барлар, хизматчилар, ўртача рўйхат сони, кўрсаткичлар, корхона персоналининг сифат тавсифи, касб, малака, кадрлар сиёсати, иш □а□и, ходимлар ме□натига □а□ тўлаш, номинал иш □а□и, реал иш □а□и, ме□натга ишбай □а□ тўлаш, ме□натга ишбай-мукофотли □а□ тўлаш, ме□натга ва□тбай □а□ тўлаш, ва□тбай-мукофотли □а□ тўлаш, ме□натга аккорд □а□ тўлаш тизими, тариф ставкаси.

## Назорат ва му□окама учун саволлар

1. Бозор муносабатлари шароитларида корхонанинг кадрлар сиёсатини □ай тарзда тасаввур □иласиз?
2. Кадрлар тузилмаси деганда нима тушунилади ва уни белгилаб берувчи омиллар □андай?
3. Реал иш □а□и номинал иш □а□идан нимаси билан фар□ □илади?
4. Ме□натга □а□ тўлашнинг □андай тизим ва шаклларини биласиз?
5. □айси □олларда ва□тбай ва ишбай □а□ тўлашдан фойдаланиш ма□садга мувофи□ □исобланади?

6.Нима сабабли корхонада ме□нат унумдорлиги суръатлари ўртача иш □а□и суръатларидан орти□ бўлиши лозим?

7.Ме□нат унумдорлиги нима? Корхонада ме□нат унумдорлигининг ўсиш □андай а□амияти касб этади?

8.Корхонада ме□нат унумдорлигини ани□лашнинг □андай усуларини биласиз?

9.Ме□нат унумдорлиги ва иш □а□ини режалаштириш мо□ияти нимада?

10.□айси омиллар корхонада ишлаб чи□аришнинг ўсишини белгилаб беради?

## Тавсия этиладиган адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тў□рисида”ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., “Ўзбекистон”, 2004., №3
2. И.А. Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., “Ўзбекистон”, 1993.
3. Экономика предприятия. Учебник для ВУЗов. 3-е издание /Под. ред. В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара. - М.: Юнити-Дана, 2003.
4. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
5. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.
6. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
7. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар. Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
8. Заработная плата на предприятии / Хасанов Н.Х., Хайдаров Ш.У, Югай Л.П. – Т.: издтельский дом “Мир экономики и права”, 2004
9. О.И. Волков, Экономика предприятия, Учебник. М., “ИНФРА-М”, 2000.
10. Г.И. Шепеленко. Экономика, организация и планирование производства на предприятии. Учебное пособие. Ростов-на-Дону, Изд. Центр “МАРТ”, 2000.
11. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.
12. Сенге Питер М. и др. пер с анг. Танец перемен: новўе проблемў самообучаюҳихся организаций М.: ЗАО Длимп-Бизнес 2004.
13. Котте Д./ Пер. с англ. Управление инфраструктурой организации М.: ОАО Типография «НОВОСТИ» 2001.
14. В.Д Грибов, В.П. Грузиков Экономика предприятия. Практикум. 3-е изд. перераб. и доп. Учебник М.: ФиС 2004.
15. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.
16. Сергеев И.В Экономика предприятия. 2-е изд. пераб. и доп. Учебное посбие М.: ФиС 2004.
17. Практикум по экономике организации (предприятия). Учебн. Пособ./ Под ред. проф. П.В. Тальминой и проф. Б.В. Чернецовой М.: ФиС 2003.
18. Сбалансированная система Показателей – шаг за шагом: максимальное повўшение эффективности и закреплении полученнўх результатов Пер. с англ. Днепропетровск: Баланс-Клуб 2003.
19. http:/www.harvard. edu
20. http:/www.capitul.ru
21. http:/www.5b. ru

22. http:/www.audit - center. ru

## X МАВЗУ. КОРХОНА РЕНТАБЕЛЛИГИ, ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР

10.1. Харажатлар тушунчаси ва классификацияси.

10.2. Фойда ва унинг шаклланиш манбалари, та□симланиш тартиби ва кўпайтириш йўллари.

10.3. Рентабелликнинг мо□ияти ва кўрсаткичлари

### 10.1. Харажатлар тушунчаси ва унинг таснифланиши

Корхоналар фаолият юритиш жараёнида моддий ва пул харажатларини сарфлайдилар. Корхонанинг умумий харажатлари ичида ишлаб чи□ариш харажатлари энг катта салмо□□а эга. Ишлаб чи□ариш харажатлари мажмуаси корхонага ма□сулот ишлаб чи□ариш □анчага тушишини кўрсатади, яъни ма□сулотнинг ишлаб чи□ариш таннархини ташкил □илади.

Корхоналар, шунингдек, ма□сулотни сотиш бўйича харажатларни, яъни ишлаб чи□аришдан таш□ари ёки тижорат (ташиш, □адо□лаш, са□лаш, реклама □илиш ва □оказо) харажатларини □ам амалга оширадилар

Ма□сулот (иш, хизмат) таннархини ташкил □илувчи харажатлар и□тисодий мазмунига кўра, □уйидаги элементларга асосан гуру□ларга та□симланади:

* моддий харажатлар;
* асосий фондлар амортизацияси;
* ме□натга □а□ тўлаш билан бо□ли□ бўлган харажатлар;
* ижтимоий э□тиёжларга мўлжалланган харажатлар;
* бош□а харажатлар.

Моддий харажатлар ишлаб чи□ариш харажатларининг энг катта □исми бўлиб, умумий харажатларнинг 60 - 80 фоизини ташкил □илиши мумкин. Моддий харажатлар ўз ичига □уйидагиларни □амраб олади:

* хом ашё ва материаллар харажатлари;
* технологик ма□садлар ва хўжалик э□тиёжлари учун сарфланувчи ё□ил□и ва энергия;
• харид □илинувчи бутловчи □исмлар ва ярим тайёр ма□сулотлар;
• сотиб олинган □адо□лаш ва ўров материаллари харажатлари;
* машина ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун э□тиёт □исмлар;
• бош□а корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ишлаб чи□ариш хизматлари;
• хизмат даври бир йилгача бўлган кичик □ийматли ва тез эскирувчи предметларнинг эскириши ёки □ар бир инструмент, инвентарь, лаборотория ускуналари ва махсус кийим-бош учун энг кам ойлик иш □а□ининг 50 баравар ми□доригача □иймати;
* табиий хом ашёдан фойдаланиш билан бо□ли□ соли□, йи□им ва бош□а тўловлар;
* ишлаб чи□аришда бекор туриб □олиш ва сифатсизлик (брак) туфайли юзага келадиган йў□отишлар;
* табиий йў□отишлар билан бо□ли□ бўлган ёки айбдор шахслар мавжуд бўлмаган □олда юзага келадиган йў□отишлар.

Амортизация ажратмалари ми□дорига тенг бўлган асосий ишлаб чи□ариш фондларининг эскириши харажатларнинг йирик элементларидан бири □исобланади. Булар □аторига асосий фондларнинг тезлашган амортизацияси ва унинг индексациясини киритиш мумкин.

Ме□натга □а□ тўлаш билан бо□ли□ бўлган харажатлар–корхонанинг асосий ишлаб чи□ариш персонали ме□натига □а□ тўлашга сарфланадиган харажатлар бўлиб, ишлаб чи□аришдаги ю□ори натижалар учун мукофотлар, ра□батлантирувчи ва компенсация тўловлари, жумладан, □онунчиликда белгиланган нормативлар чегарасида нархларнинг ўсиши ва индексация учун тўловлар, шунингдек, корхона ходимлари штатида бўлмаган, лекин асосий ишлаб чи□аришда банд бўлган ишчилар учун тўланувчи □а□ни ўз ичига олади.

Мазкур харажатлар элементлари □аторига □уйидагилар киритилган:

* амалда бажарилган иш учун тариф ставкалари, лавозим маошлари ва шу кабилар асосида тўланувчи иш □а□и;
* ходимларга натурал тўлов шаклида берилувчи ма□сулотлар □иймати;
* ишлаб чи□аришдаги ю□ори натижалар учун берилувчи мукофот ва бош□а тўловлар;
* □онунчиликка асосан баъзи тармо□лардаги ходимларга бепул берилувчи кийим-кечак, ози□-ов□ат, уй-жой, коммунал хизмат ва □оказолар □иймати;
* □ар йиллик ме□нат ва ў□ув таътили учун амалга оширилувчи тўловлар;
* корхонани □айта ташкил □илиш, штатлар □ис□ариши туфайли ишдан бўшатилган ходимларга тўланувчи мабла□лар.

Ижтимоий э□тиёжлар учун харажатлар нобюджет ижтимоий фондларига (нафа□а фонди, ижтимоий су□урта фонди, бандлик фонди ва □оказо) ажратилувчи мабла□ларни англатади.

Ма□сулот (иш, хизмат) таннархидаги бош□а харажатлар – бу, □онунчиликда белгиланган тартибда махсус нобюджет фондларига ўтказилувчи тўловлар ва соли□лар; йўл □ўйиш мумкин бўлган ми□дордаги чи□индилар учун тўловлар; корхона мулкини мажбурий су□урталаш; рационализаторлик таклифлари учун мукофотлар; □онунчиликда белгиланган ставкаларда кредитлар бўйича тўловлар; ма□сулотни сертификатлаш учун бажарилган ишларга □а□ тўлаш; □онунчиликда белгиланган нормалар бўйича хизмат сафарларига □а□ тўлаш; ён□инга □арши кураш ва □ўри□лаш муассасаларига □а□ тўлаш; кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, ходимлар танлашни ташкил □илиш, ало□а хизмати, □исоблаш марказлари, банклар хизматига □а□ тўлаш; асосий ишлаб чи□ариш фондларини ижарага олганлик учун □а□ тўлаш; номоддий активларнинг эскириши ва □оказолар.

Ишлаб чи□ариш харажатларига, асосий ишлаб чи□ариш фондларини ишга тайёр □олатда са□лаб туриш - капитал, ўрта ва жорий таъмирлаш, машина ва асбоб-ускуналарга □араш ва эксплуатация □илиш учун сарфланувчи барча харажатлар киради. Асосий ишлаб чи□ариш фондларини таъмирлаш бўйича мураккаб ишлар амалга оширилиб, харажатлар бир хилда

та□симланмаганда корхоналар (Молия Вазирлиги рухсати билан) ма□сулот таннархи □исобига асосий фондларни таъмирлаш учун за□ира(резерв) фондлари ташкил □илиши мумкин.

Хорижий валютадаги харажатлар Марказий банкнинг операциялар амалга оширилган кундаги курсига асосан сўмларда белгиланади. Ма□сулот ишлаб чи□ариш ва сотишга □илинадиган харажатларни ўсишига,хом ашё, материаллар, ё□ил□и, энергия, асбоб-ускуналар нархининг ўсиши, транспорт хизмати тарифларининг ю□орилиги, реклама ва вакиллик харажатларининг ўсиши кабилар таъсир □илади. Амортизация ажратмалари ми□дори □ам ўсиб бормо□да. Нархлар эркинлиги ва ижтимоий зиддиятлар кучайган шароитларда харажатлар тузилмасида иш □а□ининг салмо□ини ошириш катта а□амият касб этади. Шу билан бир ва□тнинг ўзида ижтимоий ва тиббий су□урталаш, нафа□а таъминоти, а□оли бандлик фондлари, турли хил компенсацион тўловларга ажратилувчи маблa□лар ми□дори □ам ортиб бормо□да.

## 10.2. Фойда ва унинг шаклланиш манбалари, та□симлаш тартиби □амда кўпайтириш йўллари

Фойда му□им и□тисодий категория (тоифа) бўлиб, □ар бир тижорат ташкилотининг асосий ма□сади □исобланади. И□тисодий категоррия сифатида фойда–моддий ишлаб чи□ариш со□асида яратилган соф даромадни акс эттиради.

Фойданинг асосий □исмига корхоналар ишлаб чи□арилаётган ма□сулотни сотиш ор□али эга бўладилар. Замонавий хўжалик юритиш шароитларида фойданинг асосий вазифаси корхона фаолияти самарадорлигини акс эттиришда деб белгиланади. Бунга фойда ми□дори, корхонанинг ма□сулот ишлаб чи□ариш ва сотиш билан бо□ли□ бўлган ма□сулот таннархи шаклидаги индивидуал харажатлар, ма□сулот ба□оси шаклидаги ижтимоий зарурий харажатларни ўз ичига олиши лозимлигини сабаб □илиб кўрсатиш мумкин.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида корхоналар фаолияти фойданинг ра□батлантирувчи а□амиятининг ортиши билан бо□ли□. Фойдадан ба□олашнинг асосий кўрсаткичи сифатида фойдаланиш, ма□сулот ишлаб чи□ариш ва сотиш □ажмининг ортиши, сифатнинг яхшиланиши, мавжуд ишлаб чи□ариш ресурсларидан фойдаланиш унумининг ортиши билан асосланади. Шу билан бирга фойданинг а□амияти ортишига амалдаги фойдани та□симлаш тизими □ам сабаб бўлади ва унга кўра эса, корхоналарнинг ишлаб чи□ариш ва ижтимоий ривожланишни таъминлаш учун □амда ходимларни бажарган ме□нати сифати ва ми□дорига асосан моддий ра□батлантиришга сарфланувчи фойдани оширишга бўлган □изи□ишнинг ортиши кузатилади.

Шу тари□а фойда ишлаб чи□ариш самарадорлигини ошириш, ходимларнинг ўз корхонаси эришадиган ю□ори натижалардан моддий манфаатдорлигини кучайтиришда □ал □илувчи роль ўйнайди.

Корхонада фойда турли хил фаолият натижасида олиниши мумкин. Барча фойдалар йи□индиси корхонанинг ялпи фойдасини ташкил □илади. Ялпи фойданинг таркибий элементлари □уйидагилардан иборат:

- бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ва ма□сулот сотишдан олинган фойда;
- асосий фондлар, шунингдек, корхонанинг бош□а мулки сотишдан олинган фойда;
- корхонанинг молиявий фаолияти ор□али олинувчи фойда.

Корхона даромади икки кўрсаткич, яъни ма□сулот ба□оси ва уни ишлаб чи□аришга сарфланувчи харажатларга бо□ли□ бўлади. Ма□сулотнинг бозордаги ба□оси талаб ва таклиф муносабатлари натижасида келиб чи□ади. Эркин ра□обат шароитларида ба□они шакллантириш □онунлари асосида ма□сулот ба□оси ишлаб чи□арувчи ёки харидор хо□ишига кўра эмас, балки автоматик равишда тартибга солинади.

Фойда корхона фаолияти натижасида олинган и□тисодий самарани тавсифлайди. Корхонанинг фойда олиши даромадларнинг корхона фаолияти билан бо□ли□ бўлган харажатлардан кўп бўлишини англатади □амда у ра□батлантириш вазифаларини □ам бажаради. Бу эса фойда бир пайтнинг ўзида молиявий натижа бўлиш билан бирга корхона молиявий ресурсларининг асосий элементи эканлиги; даромаднинг турли даражадаги бюджет шаклланиши учун асосий манба бўлиб хизмат □илиши билан изо□ланади.

Фойда олишнинг асосий манбалари □уйидагилар:

*биринчи манба* корхонанинг ма□сулотнинг у ёки бу турини ишлаб чи□аришдаги монополия □олати ёки ма□сулотнинг нодирлиги □исобига шаклланади. Бу манбанинг са□ланиши ма□сулотни доимий равишда янгилаб боришни кўзда тутади;

*иккинчи манба* ишлаб чи□ариш ва тадбиркорлик фаолияти билан бо□ли□. Ундан фойдаланиш самарадорлиги бозор конъюнктурасини билиш □амда ишлаб чи□аришнинг ривожланишини, доимий равишда ўзгариб турувчи бозор конъюнктурасига мослаштириш □обилиятига бо□ли□ бўлади. Фойда ми□дори корхонанинг ма□сулот ишлаб чи□ариш бўйича йўналишини тў□ри танлаш (доимий равишда талаб даражаси ю□ори бўлган ма□сулотни танлаш); ма□сулотларини сотиш ва хизмат кўрсатиш учун ра□обатбардош шароитларни яратиш (ба□о, етказиб бериш муддати, харидорларга хизмат кўрсатиш, сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш ва □оказо); ишлаб чи□ариш □ажми (ишлаб чи□ариш □ажми □анчалик катта бўлса, даромад ми□дори шунчалик кўп бўлади); ишлаб чи□ариш харажатларини камайтириш тузилмаси билан бо□ли□ бўлади;

*учинчи манба* корхонанинг инновацион фаолиятидан келиб чи□ади. Ундан фойдаланиш доимий равишда технологияларни такомиллаштириш, ишлаб чи□арилаётган ма□сулотларни янгилаш, унинг ра□обатбардошлигини таъминлаш, ма□сулот сотиш □ажми ва фойда ми□дорини оширишни англатади.

Корхонанинг баланс фойдаси фойдани та□симлаш объектидир. Фойдани та□симлаш деганда унинг бир □исмини бюджетга жўнатиш

тушунилади. □онунчиликка асосан фойданинг соли□ ва бош□а мажбурий тўловлар шаклида бюджетга келиб тушувчи □исми тартибги солинади. Корхона ихтиёрида □олувчи даромад □исми, ундан фойдаланиш йўналишлари корхона зиммасида бўлади.

Фойдани та□симлаш тамойиллари □уйидагилардан иборат бўлади:

• корхонанинг ишлаб чи□ариш ва молиявий фаолият натижасида оладиган фойдаси давлат ва корхона ўртасида хўжалик субъекти сифатида та□симланади;

• фойданинг давлатга тўланувчи бир □исми соли□ ва йи□имлар кўринишида бюджетга келиб тушади. Соли□лар таркиби ва фоизи, уларни □исоблаш тартиби ва бюджетга тўланувчи бош□а тўловлар □онунчилик томонидан белгиланади;

• соли□лар тўлангандан сўнг корхона тасарруфида □олувчи фойда ми□дори, унинг ишлаб чи□ариш □ажмини ошириш □амда ишлаб чи□ариш ва молиявий фаолият натижаларини яхшилашдан манфаатдорлигини камайтирмаслиги лозим.

Корхонада фойдани та□симлаш ва ундан фойдаланиш тартиби унинг Низомида белгилаб □ўйилади □амда ваколатли и□тисодий хизмат ходимлари томонидан тайёрланиб, корхона ра□барияти томонидан тасди□ланувчи □оидалар ёрдамида ани□ланади.

Ма□сулотни сотишдан олинадиган фойда ми□дори ички ва таш□и омилларга бо□ли□ бўлади. Ички омиллар, бу - корхонада замонавий техника ва технологияларни жорий □илиш, хўжалик юритиш даражаси, ра□барият ва менеджментнинг масъулияти, ма□сулотнинг ра□обатбардошлиги, ишлаб чи□ариш ва ме□натни ташкил этиш даражасидир. Корхона фаолиятига бо□ли□ бўлмаган таш□и омиллар □аторига эса, бозор конъюнктураси, истеъмол □илинувчи модий-техник ресурсларнинг ба□оси, амортизация нормаси, соли□ тизими кабилар киради.

Корхонада фойдани оширишнинг асосий йўллари. □ар бир корхонада фойдани ошириш бўйича режали чора-тадбирлар кўзда тутилиши керак. Умуман олганда, бундай чора-тадбирлар □уйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

* ишлаб чи□арилаётган ма□сулот ми□дорини ошириш;
* ишлаб чи□арилаётган ма□сулот сифатини ошириш;
* орти□ча асбоб-ускуналар ёки бош□а мулкни сотиб юбориш ёки ижарага бериш;
* моддий ресурслар, ишлаб чи□ариш □увватлари ва майдонлари, ишчи кучи ва иш ва□тидан унумлиро□ фойдаланиш □исобига ма□сулот таннархини пасайтириш;
* ишлаб чи□аришни диверсификация □илиш;
* ма□сулот бозорини кенгайтириш ва □оказолар.

Фойда корхона фаолиятининг му□им и□тисодий кўрсаткичи бўлсада, унинг самарадорлигини тўла тавсифлаб бермайди. Корхона фаолияти самарадорлигини ани□лаш учун натижаларни (фойдани) харажатлар ёки бу натижаларга эришиш учун сарфланган ресурслар билан солиштириш лозим.

### 10.3. Рентабелликнинг мо□ияти ва кўрсаткичлари

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида рентабелликнинг а□амияти ва ўрни ўсиб бормо□да. У корхона фаолияти ва капитал □ўйилмалар и□тисодий самарадорлигининг асосий мезони, корхона ва хўжалик юритувчи ташкилотларни ба□олашнинг синтетик кўрсаткичи бўлиб хизмат □илади.

Янги шароитларда корхоналарнинг фаолиятларида ю□ори молиявий натижаларга эришишга интилиши сезиларли даражада ортиб бормо□да.

□ар □андай хўжалик механизми учун асос бўлиб корхона фаолиятини режалаштириш ва унга объектив ба□о бериш, таълим олиш, ме□натга □а□ тўлаш ва и□тисодий ра□батлантириш фондларидан фойдаланиш, ишлаб чи□ариш жараёнининг турли бос□ичларида харажат ва натижаларни солиштириш кўрсаткичлари хизмат □илади.

Фойда корхона самарадорлигининг ягона ва универсал кўрсаткичи эмас.

Ишлаб чи□ариш ривожланишининг самарадорлиги ва интенсивлигини ба□олашда амалиётда рентабеллик кўрсаткичлари тизими кенг □ўлланиб, унга кўра фойданинг ми□дори белгиланган □исобланади. Бош□ача □илиб айтганда, рентабеллик даромадлилик, фойдаликни англатади. Биро□ рентабелликни фа□ат даромадлилик деб □абул □илиш унинг и□тисодий мазмунини кенг очиб бермайди. Улар ўртасида тенгликнинг йў□лигидан даромад ми□дори ва рентабеллик даражаси турли нисбатларда, кўпинча турли йўналишларда ўлчаниши далолат беради.

Исталган муддат учун и□тисодий кўрсаткичларни □исоблаш кўплаб турли хил омиллар таъсири остида амалга оширилади.

Рентабеллик ва фойда кўрсаткичларини та□лил □илишда уларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча омилларни билиш, бу омилларнинг самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичларига таъсирини □исоблаш услубиятини эгаллаш му□им а□амият касб этади. Бу омилларни бош□ариш ор□али корхонада даромадни ошириш за□ираларини излаб топиш ва рентабелликнинг талаб □илинувчи даражасига эришиш механизмини яратиш мумкин.

Рентабеллик ва фойдага таъсир кўрсатувчи омилларни турли хил белгиларига кўра таснифлаш мумкин. Масалан, бу омиллар ички ва таш□и бўлиши мумкин. Ички омилларга корхона фаолиятига бо□ли□ бўлган □амда корхона фаолиятининг турли йўналишларини тавсифловчи омиллар мансуб бўлади. Таш□и омилларга корхона фаолиятига бо□ли□ бўлмаган, биро□ ишлаб чи□ариш рентабеллиги ва даромаднинг ўсиш суръатига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар киради. Та□лил жараёнида ички ва таш□и омилларни ани□лаш самарадорлик кўрсаткичларини таш□и таъсирлардан "тозалаш" имконини беради □амда корхона юту□ларини объектив ба□олашда му□им а□амият касб этади.

Ўз навбатида ички омиллар □ам ишлаб чи□ариш ва ноишлаб чи□ариш омилларига бўлинади. Ноишлаб чи□ариш омиллари асосан ме□нат ва сотиш шароитлари, корхонанинг тижорат, табиатни са□лаш ва шу каби фаолият турлари билан бо□ли□ бўлади. Ишлаб чи□ариш омиллари эса фойданинг шаклланишида иштирок этувчи ишлаб чи□ариш жараёнининг асосий

элементлари - ме□нат предметлари ва воситалари □амда ме□натнинг ўзи - мавжудлиги ва улардан фойдаланишни акс эттиради.

Хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида ма□сулот ишлаб чи□ариш, сотиш ва фойда олиш билан бо□ли□ бўлган корхоналарда бу омиллар ўзаро ало□ада ва бир-бири билан чамбарчас бо□ли□ бўлади.

Рентабелликнинг мо□иятини фа□ат фойда шаклланишини та□лил □илиш асосида очиб бериш мумкин. Корхона ма□сулотни сотиш натижасида ўз харажатларини □оплашдан таш□ари фойда □ам олган та□дирда рентабелли □исобланади.

Рентабеллик кўрсаткичлари корхона фаолияти □анчалик фойда келтиришини кўрсатади. Бу кўрсаткичлар молиявий □исоботнинг ички ва таш□и фойдаланувчиларда □изи□иш уй□отиб, корхона ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги □амда унинг инвестицияларни жалб □илиш □обилиятини ани□лайди. Хусусий ёки □арзга олинувчи капиталнинг рентабеллиги корхонага мабла□лар киритишнинг рентабеллигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардир. Бу кўрсаткичларнинг и□тисодий турланиши (интерпретацияси) я□□ол кўзга ташланади: сарфланган □ар бир сўм □арзга олинган (хусусий) капиталга неча сўм фойда тў□ри келади (□исоб-китобларда корхонанинг баланс ёки соф фойдасидан фойдаланиш мумкин).

Рентабелликни замон ва макон □оидаларига кўра та□лил □илишда асосли хулосаларга келиш учун зарур бўладиган учта хусусиятни инобатга олиш зарур.

Биринчи хусусият корхона фаолиятининг ва□т жи□ати билан бо□ли□. Масалан, ма□сулотни сотиш рентабеллиги коэффициенти □исобот давридаги фаолият натижалари ор□али ани□ланади; узо□ муддатли инвестицияларнинг юзага келиши мумкин бўлган ва режалаштирилаётган самараси инкор □илинмайди. Агар корхона катта ми□дордаги инвестициялар талаб □илувчи янги технологиялар ва янги ма□сулот турларини ишлаб чи□аришга ўтадиган бўлса, у □олда рентабеллик кўрсаткичлари ва□тинчалик пасайиши мумкин.

Иккинчи хусусият таваккалчилик муаммоси билан бо□ли□ бўлиб, таваккалчилик даражаси ю□ори бўлган лойи□алар баъзида катта фойда келтириши □ам мумкин.

Учинчи хусусият ба□олаш муаммоси билан бо□ли□. Масалан, хусусий капиталнинг рентабеллик кўрсаткичи суръати ва махражи турли хил харид □обилиятига эга бўлган пул бирлигида келтирилади. Кўрсаткичнинг суръати, яъни фойда ўзгарувчан (динамик) бўлиб, фаолият натижаларини □амда товар ва хизматларнинг асосан ўтган йилда юзага келган ба□осини акс эттиради. Кўрсаткичнинг махражи, яъни хусусий капитал бир □атор йиллар давомида шаклланади. У жорий ба□одан анча фар□ □илиши мумкин бўлган, □исобга олиш ба□осида акс эттирилади. Демак, хусусий капитал рентабеллик коэффициентининг катта бўлиши, доим □ам корхонага киритилаётган капитал □айтимига мос келавермайди; молиявий □арорларни □абул □илишда бу кўрсаткични эътиборга олишдан таш□ари, корхонанинг бозордаги ба□осини (бозор капитализацияси) □ам инобатга олиш зарур.

□уйида корхона фаолиятининг самарадорлигини тавсифловчи рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

$$\text{Активлар рентабеллиги (РА) қ } \frac{\text{Соф фойда (СФ)}}{\text{Активларнинг ўртача йиллик □иймати (А)}}$$

$$\text{Сотиш рентабеллиги (РС) қ } \frac{\text{Соф фойда (СФ)}}{\text{Ма□сулотни сотишдан тушган тушум(СТ)}}$$

$$\text{Хусусий капитал рентабеллиги (ХК) қ } \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Хусусий капитал ўртача йиллик □иймат (ХК)}}$$

$$\text{Битта акция даромади (АФ) қ } \frac{\text{Соф фойда (СФ)}}{\text{Муомаладаги акциялар сони (Na)}}$$

Активлар рентабеллиги корхонада 1 сўм фойда олиш учун □анча мабла□ жалб □илиш талаб этилишини (бу мабла□лар манбаидан □атъи назар) акс эттиради. Ушбу кўрсаткич корхона ра□обатбардошлигининг энг му□им кўрсаткичларидан бири □исобланади.

Сотиш рентабеллиги сотилган ма□сулотнинг □ар бир сўми □анча соф фойда келтирганини акс эттиради.

Хусусий капитал рентабеллиги корхона мулкдорлари яъни, эгалари киритган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ани□лаш ва бу кўрсаткични худди шу мабла□ларни бош□а □имматба□о □о□озларга киритганда олиш мумкин бўлган фойда билан та□□ослаш имконини беради. Fарб мамлакатларида бу кўрсаткич компания акцияларининг котировкасига сезиларли равишда таъсир кўрсатади.

Битта акция келтирувчи фойда кўрсаткичи корхонанинг бозордаги фаолиятини тавсифловчи му□им кўрсаткичлардан биридир.

Шу тари□а, тавсия □илинувчи кўрсаткичлар та□лил жараёнида корхонанинг молиявий бар□арорлигини ани□лаш, ишлаб чи□ариш самарадорлиги ва корхонанинг бозордаги ра□обатбардошлигини оширишга оид чора-тадбирлар белгилашга иконият яратади.

## □ис□ача хулосалар

□ар бир хўжалик юритувчи субъектнинг тадбиркорлик фаолиятидан асосий ма□сад фойда олишдир. Фойда олиш дегани корхона даромадлари унинг фаолияти билан бо□ли□ бўлган барча харажатлардан ортишини англатади.

Ишлаб чи□ариш харажатларини доимий равишда пасайтириб бориш фойда олишнинг му□им шартларидан бири □исобланади. Харажатлар

мажмуаси корхонага ма□сулот ишлаб чи□ариш □анчага тушишини кўрсатади.

Фойда корхонада турли хил фаолият ор□али олиниши мумкин бўлиб, унинг ми□дори ишлаб чи□ариш омиллари ба□оси ўзгариши (таш□и омиллар) ёки ишлаб чи□ариш харажатларини улардан норационал фойдаланиш сабабли ошириш (ички омиллар) туфайли ўзгариб туради.

Биро□ фойда мутла□ (абсолют) катталик сифатида ишлаб чи□ариш самарадорлигини тўли□ тавсифламайди. Ишлаб чи□аришнинг барча омилларидан фойдаланиш самарадорлигини ба□олашда, рентабеллик кўрсаткичлари му□им а□амият касб этади.

Рентабеллик кўрсаткичлари корхона фаолияти □анчалик фойда келтиришини кўрсатади. Рентабеллик кўрсаткичларининг та□лили юзага келган □олатга ба□о бериш □амда молиявий бар□арорликни кучайтириш чора-тадбирларини белгилашга имкон яратади.

## Таянч иборалар

моддий харажатлар, асосий фондлар амортизацияси, ме□натга □а□ тўлаш билан бо□ли□ бўлган харажатлар, ижтимоий э□тиёжларга мўлжалланган харажатлар, моддий харажатлар, хорижий валютадаги харажатлар, фойда, фойда олишнинг асосий манбалари, фойдани та□симлаш тамойиллари, корхонада фойдани оширишнинг асосий йўллари, рентабеллик, активлар рентабеллиги, сотиш рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги, битта акция даромади.

## Назорат ва му□окама учун саволлар

1. Ишлаб чи□ариш харажатлари тушунчаси ва унинг мо□ияти.
2. Ишлаб чи□ариш харажатларини таснифлаш.
3. Бош□а харажатлар таркибига нималар киради?
4. Фойда и□тисодий категория сифатида □амда унинг корхонанинг тижорат ва ишлаб чи□ариш фаолиятини ташкил □илишдаги а□амияти.
5. Фойдани шакллантириш манбалари.
6. Фойдани та□симлаш ва уни кўпайтириш йўллари.
7. Рентабелликнинг и□тисодий мо□ияти.
8. Рентабеллик кўрсаткичлари ва уларни ани□лаш услубияти.

## Тавсия этиладиган адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тў□рисида”ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., “Ўзбекистон”, 1992
2. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўса□асида: хавфсизликка та□дид, тара□□иёт шартлари ва кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
3. И.А. Каримов. Ўзбекистон – XXI асрга интилмо□да. Т., “Ўзбекистон”, 1999.
4. И.А. Каримов “Ўзбекистон и□тисодий исло□отларни чу□урлаштириш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1995.
5. И.А. Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., “Ўзбекистон”, 1993
6. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.

7. Экономика предприятия. Учебник для ВУЗов. 3-е издание /Под. ред. В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара. - М.: Юнити-Дана, 2003.

8. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.

9. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.

10. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.

11. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.

12. Гурков И.Б. Инновационное развитие и конкурентоспособность: Очерки развития 333 российских предприятий. – М.: ТЕИС, 2003.

13. Фомин Я.А. Диагностика кризисного состояния предприятия: Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. 439 с.

14. Гиляровская Л.Т., Вехорова А.А. Анализ и оценка финансовой устойчивости коммерческого предприятия. – СПб: Питер, 2003. –249 с.

15. Крўлов Э.И. Анализ эффективности инвестиционной и инновационной деятельности предприятий / Учеб пос. 2е изд. пере раб и доп.. –М.: Финансў и статистика, 2003. –605 с.

16. О.И. Волков, Экономика предприятия, Учебник. М., “ИНФРА-М”, 2000.

17. Г.И. Шепеленко. Экономика, организация и планирование производства на предприятии. Учебное пособие. Ростов-на-Дону, Изд. Центр “МАРТ”, 2000.

18. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.

19. Ш.И. Гизотуллин. Как избежать банкротства. Рецептў финансового оздоровления предприятия М.: ЗАО Гресс Медиа Ферлаг 2004.

20. Котте Д./ Пер. С англ. Управление инфраструктурой организации М.: ОАО Типография «НОВОСТИ» 2001.

21. Л.Д. Гительман,. Б.Е.Ратников. Эффективная энергокомпания: Экономика. Менеджмент. Реформирование. М.: ЗАО Олимп-Бизнес 2002.

22. В.Д Грибов, В.П. Грузинов Экономика предприятия. Практикум. 3-е изд. перераб. и доп. Учебник М.: ФиС 2004.

23. Практическое пособие к семинарским занятиям по курсу «Экономика фирмў» / Под ред. Иваҳенко М.: Экономич. Факуль. МГУ, ТЕИС. 2003.

24. Экономика предприятия Конспект лекций в списках М.: Приор-издат 2003.

25. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфиннелия, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.

26. Аутсорсинг: Создание вўсокоэффективнўх и конкурентоспособнўх организаций. Учебное пособие / Под ред. Б.А.Аникина М.: Инфра – М 2003.

27. Экономика предприятия Конспект лекций М.: Изд-во ПРИОР 2002.

28. «Экономика фирмў и отраслевўх рўнков» // Программа М.: Экономический факультет МГУ,ТЕИС 2000.

29. Сергеев И.В Экономика предприятия. 2-е изд. пераб. и доп. Учебное посбие М.: ФиС 2004.

30. Практикум по экономике организации (предприятия). Учебн. Пособ./ Под ред. проф. П.В. Тальминой и проф. Б.В. Чернецовой М.: ФиС 2003.

31. Сбалансированная система Показателей – шаг за шагом: максимальное повўшение эффективности и закреплении полученнўх результатов Пер. с англ. Днепропетровск: Баланс-Клуб 2003.

32. Мескон М.Х., Альберт М. и др. Основў менеджмента: Пер с англ. – М.: Дело,2000.-704с.

33. Смирнов Э.А. Управленческие решения М.: ИНФРА-М, 2001.-264с

34. Менеджмент организации. Москва, Инфра-М, 2002 г.

35. http:/www.harvard. edu
36. http:/www.capitul.ru
37. http:/www.5b. ru

# XI МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ

11.1. Инвестициялар корхона ишлаб чи□ариш сало□иятини ривожлантириш ва муста□камлаш воситаси сифатида.
11.2. Корхоналарда инвестициялашнинг асосий манбалари ва йўналишлари.
11.3. Инвестицияларнинг и□тисодий самарадорлигини ба□олаш.

## 11.1. Инвестициялар корхонанинг ишлаб чи□ариш сало□ияти ривожлантириш ва муста□камлаш воситаси сифатида

Корхоналар хўжалик юритиш ва ишлаб чи□ариш фаолиятининг му□им жи□атларидан бири ишлаб чи□ариш ва и□тисодий сало□иятни ривожлантириш ва са□лаб □олишдир. Корхоналарнинг бу йўналишдаги фаолияти инвестицион фаолият деб аталади □амда "Инвестицион фаолият тў□рисида" ги □онун ва бош□а □у□у□ий □ужжатлар билан тартибга солинади.

***Инвестициялар*** – корхоналар ва хал□ хўжалиги ми□ёсида янги ишлаб чи□ариш корхоналари яратиш ёки мавжуд корхоналарни замонавийлаштириш, ил□ор техника ва технологияларни ўзлаштириш, ма□сулот ишлаб чи□ариш ва фойда (даромад) олишни кўпайтириш ма□садида узо□ муддатли мабла□лар киритилишидир. Инвестициялар ижтимоий ишлаб чи□ариш тузилмасини яхшилаш, ишлаб чи□аришдаги номутаносибликларини бартараф □илиш ва истеъмол бозорини таъминлашда ало□ида эътиборга эга.

Инвестицияларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш, мамлакат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион сиёсати асосида амалга оширилади. Бу сиёсат биринчидан, капитал □ўйилмаларнинг устивор йўналишларини, иккинчидан, ишлаб чи□ариш кучларини тў□ри жойлаштириш ва ривожлантириш, учинчидан, фан-техник тара□□иёти ва бутун и□тисодиётнинг ривожланишини белгилаб беради. Инвестицияларнинг "хўжайини" сифатида корхоналарнинг ўзидан таш□ари, давлатни, ма□аллий □окимият идоралари ва хусусий тадбиркорларни кўрсатиш мумкин.

Кўпинча инвестиция деганда капитал □ўйилмалар кўзда тутилади, бу нарса инвестициялар табиатини инкор □илмайди ва уларнинг мо□иятини нотў□ри акс эттирмайди. Инвестициялар, бозор и□тисодиётидаги бош□а, жумладан, бизнес, ра□обатчилик, ишбилармонлик тушунчалари каби, маъмурий-буйру□бозлик тизимидан бозор и□тисодиётига ўтилаётган бугунги кунларда хўжалик юритиш назарияси ва амалиётида ўз ўрнини топмо□да. Шу билан бирга, "капитал □ўйилмалар" атамасининг ўз изо□лари □ам мавжуд.

**Капитал □ўйилмалар** асосий фондларни □айта тиклаш ва ўстириш учун сарфланувчи моддий, ме□нат ва пул ресурсларидир. Улар асосан бир ва□тнинг ўзида амалга ошириладиган характерга эга бўлиб, ишлаб чи□ариш харажатлари ёки ма□сулот таннархи шаклидаги, жорий харажатлардан фар□ □илади. Капитал □ўйилмалар ма□садли характерга эга бўлади

□амда ходимларга мукофот тўлаш, хизмат сафари (командировка) харажатлари ва □оказоларга сарфланиши мумкин эмас.

***Молиявий инвестициялар*** □имматба□о □о□озлар, акция ва облигациялар сотиб олиш, пул мабла□ларини банкларга фоиз олиш ма□садида депозит □исоб ра□амларига □ўйиш билан ифодаланади.

***Реал инвестициялар*** пул мабла□ларини капитал □урилиш, ишлаб чи□аришни ривожлантириш ва кенгайтиришга киритишни ифодалайди. Реал инвестициялар корхона, тармо□ ва бутун хал□ хўжалигининг куч-□увватини белгилаб беради.

Инвестициялар аввалдан ўйлаб кўрилган ма□сад ва биринчи ўринда инвестицион лойи□а асосида корхона ишлаб чи□ариш потенциалини муста□□амлаш ва ривожлантириш вазифасини бажаради.

***Инвестиция лойи□аси*** капитални корхонани унинг ишлаб чи□ариш □уввати ва бош□а сифат кўрсаткичларини кучайтириш ма□садида ривожлантириш ва кенгайтиришга киритишни режалаштириш ва амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасидир. Инвестиция лойи□асини тайёрлаш ва амалга ошириш □уйидагиларни ўз ичига олади:

* инвестициявий □оя(фикр)ни шакллантириш;
* □оянинг дастлабки асосланиши;
* лойи□ада кўзда тутилган техник □арорнинг та□лили;
* сертификат талабларининг бажарилишини текшириш;
* инвестиция лойи□аси бўйича давлат бош□арув идоралари билан келишув юзага келтириш;
* ахборот меморандумини тайёрлаш.

Ю□орида кўрсатилганларни амалга оширгандан сўнг лойи□ани ишлаб чи□иш ва техник-и□тисодий асослаб бериш (тушунтириш хатидан то инвестицион мўлжалларнинг ма□сад ва вазифалари □амда кутилаётган натижалар акс эттирилувчи лойи□а-смета □ужжатларигача) зарурати ту□илади.

Инвестициялар, айни□са гап янги □урилиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш ёки □айта тиклаш □а□ида кетганда, инвестицион жараёнлар билан чамбарчас бо□ли□ бўлиб, бу жараёнлар инвестицион ма□садларни замон ва маконда бо□лайди. Инвестицион жараёнларнинг □уйидагича таркибий □исмлари мавжуд: лойи□алаштиришдан аввалги асослаш, лойи□алаштириш, бевосита объект □урилиши (корхонани кенгайтириш ёки □айта тиклаш) ва ишга туширилиши. Корхоналар учун инвестиция жараёнининг сўнгги бос□ичи му□им а□амият касб этади. Ушбу бос□ичда амалга оширилган янгиликлар эксплуатацион синовлардан ўтказилиб, амалдаги ва лойи□а кўрсаткичлари ба□оланади □амда инвестиция жараёнининг худди шу жараёнида □ал □илиниши лозим бўлган четга о□иш ва камчиликлар ани□ланади.

## 11.2. Корхоналарда инвестициялашнинг асосий манбалари ва йўналишлари

Деярли барча фаолият кўрсатувчи корхоналар давлатга тегишли бўлган соби□ маъмурий-буйру□бозлик тизими шароитларида инвестицияларнинг

асосий манбаи давлат (бюджет) мабла□ларидан ташкил топар эди. Гарчи ўша шароитларда □ам жам□арма фондлар - асосий инвестицион манбалар корхоналар фойдаси (даромади) □исобига амалга оширилган бўлсада, корхоналарнинг мабла□ларни □аердан олиш ва □аерга жойлаштириш тў□рисида "боши" о□римас эди. □ўшимча манба сифатида корхоналарнинг амортизация фонди хизмат □иларди.

Мазкур тушунчалар (жам□арма фонди, амортизация фонди, фойда) □озирги кунда □ам ўз а□амиятини йў□отмаган бўлиб, инвестицияларнинг асосий манбаи □исобланади. Масалан, давлат корхоналари учун асосий инвестиция манбаи □уйидагилар: фойда, амортизация фонди ва бюджет мабла□лари, □ўшма корхоналар учун - фойда, амортизация фонди ва кредит ресурслари.

Режалаштириш ва бош□арув тизимида шунингдек, инвестиция манбаларини ани□лашнинг ички ва таш□и турларидан □ам фойдаланилади.

Инвестицияларнинг ***ички манабалари*** □уйидагилар:

- ишлаб турган асосий капиталга □исобланувчи амортизация ажратмалари натижасида шаклланувчи, корхонанинг ўз молиявий воситалари;
- фойданинг инвестиция э□тиёжларига ажратилувчи □исми;
- су□урта компаниялари ва муассасалари томонидан табиий офат ва бош□а □одисаларда тўланувчи мабла□лар;
- корхонанинг акциялар чи□ариши ва сотиши натижасида олинувчи мабла□лар;
- ю□ори турувчи ва бош□а органлар томонидан □айтариб бермаслик асосида ажратилувчи мабла□лар;
- хайрия ва шу каби бош□а мабла□лар.

Инвестицияларнинг ***таш□и манбалари*** □уйидагилар:

- марказий ва ма□аллий бюджетдан, тадбиркорликни □ўллаб-□увватловчи турли хил фондлар томонидан ажратилувчи □айтариб бермаслик асосидаги мабла□лар;
- корхоналар Низом жам□армасида молиявий ёки бош□а моддий ва номоддий иштирок шаклида, шунингдек, хал□аро молия институтлари ва ало□ида шахсларнинг тў□ридан-тў□ри □ўйилмалари шаклида киритилувчи хорижий инвестициялар;
- давлат ва турли хил фондлар томонидан □айтариб бериш шарти билан берилувчи кредитлар, жумладан имтиёзли кредитлар.

Корхоналарнинг муста□ил хўжалик фаолияти шароитларида ички мабла□лар таркибида амортизация ажратмалари асосий ўринни эгаллайди. Унинг корхона инвестицион ресурсларидаги улуши 50% ва ундан кўпро□ни ташкил этади.

Инвестицион ма□садларга йўналтирилувчи мабла□лар тан□ислиги шароитида лизинг инвестицион фаолиятни фаоллаштирувчи му□им восита бўлиб хизмат □илади.

***Лизинг*** - молиявий-кредит муносабатларининг шаклларидан бири бўлиб, корхоналарнинг □урилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чи□арувчи корхоналар

ёки махсус ташкил □илинган лизинг компанияларидан узо□ муддатга ижарага олишини англатади. Лизинг битимида кўрсатилган томонлардан таш□ари инвестицион лойи□аларни молиялаштириш □амда уларни бунинг учун зарур бўлган мабла□лар билан таъминлаш имкониятига эга бўлган тижорат ёки инвестицион банклар □ам иштирок этиши мумкин.

Инвестициялардан (капитал □ўйилмалардан) фойдаланишнинг асосий йўналишлари □уйидагилар □исобланади:

- янги □урилиш;
- корхонани кенгайтириш ва □айта тиклаш;
- ишлаб чи□аришни замонавийлаштириш ва техник жи□атдан □айта □уроллантириш;
- □аракатдаги □увватларни такомиллаштириш.

**Янги □урилишга** янги майдонларда махсус ишлаб чи□илган лойи□алар асосида □урилувчи корхона, бино, иншоот ва □урилмалар мансубдир.

Фаолият юритаётган **корхонани кенгайтириш** □ўшимча ишлаб чи□ариш мажмуаларининг навбатдаги □исмларини янги лойи□а асосида □уриш ёки асосий, □ўшимча, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чи□аришнинг амалдаги цехларини кенгайтириш ёки □уришни англатади. У асосан, фаолият юритаётган корхона □удудида ёки унга туташ майдонларда амалга оширилади.

**□айта тиклаш** – бу, фаолият юритаётган корхонани маънавий ва жисмоний эскирган □урилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чи□аришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик бў□инлар ва ёрдамчи хизматдаги номутаносибликларни йў□отиш йўли билан алмаштириш ёрдамида тўли□ ёки □исман ўзгартиришни англатади. □айта тиклашда эски цехлар ўрнига янги цехларни □уришга рухсат берилади.

**Техник □айта □уроллантириш** ало□ида ишлаб чи□ариш турларини замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чи□ариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган □урилма ва ускунларни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чи□ариш тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан, корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасидир. У ишлаб чи□ариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чи□ариш □увватларини ошириш ва ишлаб чи□арилаётган ма□сулотлар сифатини яхшилашга йўналтирилган.

Молиявий ресурслар ва ер тан□ислиги шароитларида, иккинчи томондан эса, мавжуд ишлаб чи□ариш □увватларидан унумлиро□ фойдаланиш учун янги □урилишни нисбатан чекланган □олатда, асосан жуда зарур □оллардагина амалга оширилади. Шу сабабли бугунги кунда инвестицияларнинг энг кўп тар□алган йўналишлари сифатида, умуман олганда янги турдаги ма□сулот ишлаб чи□аришни □ам кўзда тутувчи мавжуд ишлаб чи□аришни кенгайтириш, □айта тиклаш ва техник жи□атдан □айта □уроллантиришни кўрсатиш мумкин.

Янги □урилиш □амда мавжуд ишлаб чи□аришни кенгайтириш ва □айта тиклашга йўналтирилувчи капитал □ўйилмалар асосан □уйидаги элементлардан иборат бўлади:

* □урилиш-монтаж ишлари харажатлари;

* машина ва ускуналар сотиб олишга сарфланувчи харажатлар;
* лойи□а–□идирув ва бош□а илмий ишланмаларга сарфланувчи харажатлар.

Капитал □ўйилмаларнинг ю□оридаги турлари *инвестицияларнинг технологик тузилмасини* тавсифлайди. □озирги пайтда и□тисодиёт ривожланишига киритилувчи капитал □ўйилмаларнинг умумий □ажмида □уйидаги тузилма вужудга келди: □урилиш-монтаж ишлари харажатлари - 55-60%, машина ва ускуналар сотиб олишга сарфланувчи харажатлар - 35-30%, лойи□а–□идирув ва бош□а илмий ишланмаларга сарфланувчи харажатлар - 10%.

***Капитал □ўйилмаларнинг мулк шаклига кўра тузилмаси*** – бу, инвестицияларнинг давлат, акциядорлик, □ўшма, ижара ва бош□а турдаги жамоа корхоналари ўртасида та□симланишидир. У капитал □ўйилмалардан фойдаланиш , шунингдек, уларнинг шаклланиш тартиби ва манбалари ну□таи назаридан му□им а□амиятга эга. Амалиёт шуни кўрсатадики, каптил □ўйилмаларнинг самарали тузилмаси уларни тежаш, энг кам харажатлар билан энг кўп фойда олишга тенгдир.

Инвестицияларнинг такрор ишлаб чи□ариш тузилмаси янги □урилиш □амда мавжуд ишлаб чи□аришни кенгайтириш, □айта тиклаш ва техник жи□атдан □айта □уроллантиришга сарфланувчи харажатлари ўртасидаги ўзаро нисбатни ифодалайди.

## 11.3. Инвестицияларнинг и□тисодий самарадорлигини ба□олаш

Умуман олганда самарадорлик муайян натижаларга эришишни англатади. У сарафланган харажатлар ва олинган натижалар нисбати асосида ани□ланади. Харажатлар □анчалик кам ва натижалар □анчалик кўп бўлса, самарадорлик □ам шунчалик ю□ори бўлади.

Инвестицияларнинг и□тисодий самарадорлиги бутун ишлаб чи□ариш самарадорлигининг таркибий □исмидир. Турли даражадаги хўжалик фаолиятида инвестицияларнинг иложи борича кўпро□ фойда, □айтим келтириши асосий вазифа □илиб белгиланади. Бу □оидадан четга чи□иш ресурсларни йў□отиш, жамиятнинг илгариги ва □озирги ме□натини йў□□а чи□аришга олиб келиши мумкин.

Инвестицияларнинг и□тисодий самарадорлигини ба□олаш зарурати, □ўшимча капитал □ўйилмалар киритилишини талаб □илувчи янги □урилиш, мавжуд ишлаб чи□аришни кенгайтириш, □айта тиклаш ва техник жи□атдан □айта □уроллантириш, ишлаб чи□аришни замонавийлаштириш ва ташкилий-техник чора-тадбирларни ишлаб чи□иш каби барча □олларда юзага келади. Баъзан ма□сулотларнинг янги турини ишлаб чи□ариш □ам инвестиция ва бош□а мабла□лар киритилишини, демак, харажат ва натижалар нисбатини аввалдан ба□олашни талаб □илади.

Инвестицияларнинг и□тисодий самарадорлигини ба□олашда корхоналар иккита вазифани □ал □илишлари лозим:

**биринчиси** - капитал □уйилмаларнинг □опланиш муддати ва даромадлилиги ну□таи назаридан, энг ма□бул вариант танлаш имкониятини яратувчи инвестицион лойи□а самарадорлигини ба□олаш;

**иккинчиси** - мавжуд ишлаб чи□аришга ишлаб чи□ариш кўрсаткичларини яхшилаш ма□садида киритилувчи инвестициялар самарадорлигини ба□олаш (□ўшимча ма□сулот ишлаб чи□ариш, таннархни камайтириш, фойдани ошириш ва □оказо).

*Биринчи вазифанинг ечими* мос келувчи маркетинг тад□и□отларини амалга оширишни кўзда тутиб, бу тад□и□от давомида талаб ва ундан келиб чи□увчи таклиф, бозор сегментацияси, ба□они шакллантириш стратегияси, молиялаштириш манбалари ва бош□алар ани□ланиши лозим. Инвестицион лойи□ани му□обиллик асосида танлагандан сўнг бирламчи-рухсат берувчи □ужжатларни, техник ва бош□а □арорларни, жумладан, му□андислик таъминоти, атроф-му□итни му□офаза □илиш бўйича чора-тадбирлар тайёрлашишлари амалга оширилади.

Инвестицион лойи□ани тайёрлаш ва шунга мос равишда инвестициялар самарадорлигини ба□олаш зарурати кўп □оларда янги корхона, цехлар □уриш ёки мавжуд ишлаб чи□аришни □айта тиклаш ва кенгайтириш билан бо□ли□ бўлади. Буларнинг барчаси нафа□ат маконда, яъни маълум бир □удудда, ер майдонида, балки ва□тда амалга оширилиши сабабли, ва□т муддати лойи□ани амалга ошириш, жумладан, корхонани ташкил □илиш (□айта тиклаш, кенгайтириш) □амда эксплуатация □илиш ва тугатиш муддатидан келиб чи□□ан □олда □исобланади.

Инвестицион лойи□аларнинг самарадорлигини ба□олашда □уйидагилар асосий кўрсаткич □исобланади:

**1) Соф дисконтланган даромад** (СДД) - бутун □исобот даври учун жорий самаралар йи□индисининг бошлан□ич □адамга келтирилган ми□дори ёки интеграл натижаларнинг интеграл харажатлардан ошиб кетиши. У □уйидаги формула асосида □исобланади:

$$СДД = \sum_{t=0}^{T} (H_t - X_t) \frac{1}{(1+E)^t}$$

Бу ерда:

$H_t$ – □исоб-китобларнинг t-□адамида эришилувчи натижалар;

$X_t$ – худди шу □адамда амалга оширилувчи харажатлар;

Т – □исоб-китобларнинг ва□т муддати;

Е - дисконт нормаси.

Агар инвестицион лойи□анинг СДД ми□дори ижобий бўлса, у □олда лойи□а самарали, яъни инвестиция табла□лари даражасининг □абул □илинган дисконт нормасини таъминловчи □исобланади.

Харажатлар ва уларнинг натижалари ми□дорини келтириш уларни *дисконтлаш коэффициенти* ($d_t$) га кўпайтириш асосида амалга оширилиб, бунда □уйидаги формуладан фойдаланилади:

$$d_t = \frac{1}{(1+E)^t}$$

Бу ерда:

t - натижаларни олиш (харажатларни амалга ошириш) давридан та□□ослаш давригача бўлган муддат бўлиб, йилларда ўлчанади.

Дисконт нормаси (Е) - бош□а инвесторлар ўз мабла□ларини худди шу турдаги лойи□аларни амалга ошириш учун киритишга рози бўлувчи, капиталнинг даромадлилик коэффициенти (даромад ми□дорининг капитал □ўйилмаларга нисбати).

Агар дисконт нормаси ва□т давомида ўзгарадиган бўлса, дисконт коэффициенти ($d_t$) □уйидаги формула асосида ани□ланади:

$$d_t = \frac{1}{\prod_{k=1}^{t}(1+E_k)}$$

Бу ерда:

$Е_к$ – k-йилдаги дисконт нормаси;

t- □исобга олинувчи ва□т муддати, йил.

Инвестицион лойи□аларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ани□лашда ма□сулот ва истеъмол □илинувчи ресурсларнинг базис, башорат □илинувчи, жа□он ва □исобий ба□оларидан фойдаланилади.

2) Инвестицияларнинг даромадлилик индекси (ИД) - келтирилган самаранинг инвестициялар ми□дорига (К) нисбати бўлиб, □уйидаги формула асосида ани□ланади:

$$ИД = \frac{1}{К}\sum_{t=0}^{T}(Н_t - Х_t)\frac{1}{(1+E)^t}$$

Агар даромадлилик индекси бирга тенг ёки ундан катта бўлса, инвестицион лойи□а самарали, акс □олда эса самарасиз □исобланади.

3) Ички даромадлилик нормаси (ИДН) - келтирилган самара ми□дори келтирилган инвестиция ми□дорига тенг бўлган холдаги дисконт нормаси ($Е_{ич}$), яъни $Е_{ич}$ (ИДН) □уйидаги тенглик ор□али ани□ланади:

$$\sum_{t=0}^{T}(Н_t - Х_t)\frac{1}{(1+E_{ич})^t} = \sum_{t=0}^{T}\frac{К_t}{(1+E_{ич})^t}$$

Ушбу формула асосида ани□ланган даромадлилик нормаси ми□дори инвесторнинг капиталга талаб □илувчи даромад ми□дори билан та□□осланади. Агар ИДН талаб □илинувчи даромад нормасига тенг ёки ундан катта бўлса, у □олда лойи□а самарали □исобланади.

4)Инвестицияларнинг □опланиш муддати ($Т_и$) - инвестицион лойи□ани амалга оширишни бошлашдан то натижаларга эришишгача бўлган минимал ва□т муддати. У □уйидаги формула асосида ани□ланади:

$$Т_и = \frac{И_с}{П_м}$$

Бу ерда:

$И_с$ – соф инвестициялар;

$П_м$ – лойи□а келтирувчи ўртача йиллик пул мабла□лари о□ими, сўм.

Шу билан бирга □опланиш муддати лойи□анинг даромадлилиги кўрсаткичи □исобланмайди. Шу сабабли амалиётда инвестициялар бирламчи капитал (□ўйилма)га нисбатан даромадлилик кўрсаткичи ор□али кўриб чи□илади □амда □уйидаги формула асосида □исобланади:

$$Д_и = \frac{М_н}{К} \times 100$$

Бу ерда:

$Д_u$ –инвестициялар даромади, % да;

$М_н$ – соли□лар тўлангандан сўнг □олган фойда, сўм;

К - инвестициялар (бошлан□ич).

У ёки бу инвестицион лойи□ани танлаш тў□рисида □арор □абул □илишда корхоналар □уйидаги саволларга жавоб бериши лозим:

* ишлаб чи□аришдаги бугунги □олат □анча давом этиши мумкин ва бозорда ма□сулотга (иш, хизматга) бўлган талаб □андай;
* капитал киритиш учун имкониятлар □андай;
* ра□обатчилик фаолияти □андай;
* □андай муваффа□ият омиллари мавжуд;
* янги бозорга кириш учун □андай имкониятлар мавжуд.

И□тисодий самарадорликни ба□олашнинг ***иккинчи □олатида***, яъни мабла□ларни мавжуд ишлаб чи□аришга киритишда □уйидаги кўрсаткичлар □ўлланилади:

а) инвестицияларнинг □ар бир сўмига тў□ри келувчи □ўшимча ма□сулот □уйидаги формула асосида ани□ланади:

$$Э = \frac{(ЯМ_1 - ЯМ_0)}{И_к}$$

Бу ерда:

Э –инвестициялар самарадорлиги;

$ЯМ_о$, $ЯМ_1$ – ялпи ма□сулот, мос равишда бирламчи ва □ўшимча инвестицияларда;

$И_к$ – □ўшимча инвестициялар ми□дори.

б)инвестицияларнинг □ар бир сўмига таннархнинг пасайиши:

$$Э = \frac{Q(ТН_0 - ТН_1)}{И_к}$$

Бу ерда:

$ТН_0$, $ТН_1$ - ма□сулот бирлиги таннархи, мос равишда, бирламчи ва □ўшимча инвестицияларда;

Q – □ўшимча инвестициялар киритилгандан кейинги йиллик ма□сулот □ажми, натурал ўлчов бирл.

в)инвестицияларнинг □ар бир сўмига ма□сулот ишлаб чи□аришдаги ме□нат харажатларини □ис□артириш:

$$Э = \frac{Q(M_0 - M_1)}{И_д}$$

Бу ерда:

$М_0$, $М_1$ – ма□сулот бирлигига ишлаб чи□аришда сарфланувчи ме□нат харажатлари, мос равишда □ўшимча инвестициялар киритилгунча ва ундан сўнг

г)инвестицияларнинг □ар бир сўмига фойдани ошириш:

$$Э = \frac{Q(Ф_1 - Ф_0)}{И_д}$$

Бу ерда:

$Ф_0$, $Ф_1$ – ма□сулот бирлигига тў□ри келувчи фойда, мос равишда □ўшимча инвестициялар киритилгунча ва ундан сўнг.

е) инвестицияларнинг □опланиш муддати.

Инвестициялар самарадорлигини келтирилган формулалар асосида (бош□арув даражасини инобатга олган □олда) ани□лаш ишлаб чи□аришни ривожлантиришга □анча ми□дорда инвестиция киритилган ва унинг натижаси □андай деган саволга жавоб беради, яъни у инвестицияларнинг мутла□ (абсолют) самарадорлигини тавсифлайди.

Амалиётда кўпинча инвестицион □арорларнинг турли хил вариантлари кўриб чи□илиб, улардан энг ма□булини танлаб олишга □аракат □илинади. Бу ма□садда капитал □ўйилмаларнинг солиштирма и□тисодий самарадорлик кўрсаткичлари □ўлланиб, улар □уйидаги формула асосида ани□ланади:

$Э_н$ қ ТН □ $Е_н$ ЧК ⟶ min

Бу ерда:

ТН - ма□сулот таннархи;

К - капитал □ўйилмалар;

$Е_н$ - капитал □ўйилмаларнинг самарадорлик нормаси.

Агар инвестицион □арорларнинг бир нечта вариантлари кўриб чи□иладиган бўлса, келтирилган харажатлар энг минимал бўлган вариант танлаб олинади.

И□тисодий самардорликни ба□олаш жараёнида киритилувчи инвестицияларнинг □опланиш муддатини ани□лашнинг ўзига хос ўрни бўлиб, у □уйидаги формула асосида ани□ланади:

$Т_{ок}$ қ К / ($Ф_{р1}$ – $Ф_{р0}$)

Бу ерда:

К - асосий ишлаб чи□ариш фондларига киритилувчи капитал □ўйилмалар □ажми;

$Ф_{р1}$- режалаштирилаётган даврнинг сўнгги йилидаги фойда;

$Ф_{р0}$ - базис йилдаги фойда (режадан олдинги даврнинг сўнгги йили).

Капитал □ўйилмаларнинг самарадорлик коэффициенти □опланиш мудатига тескари бўлган катталикдир. У □уйидаги формула асосида □исобланади:

Е қ ($Ф_{р1}$ – $Ф_{р0}$) / К

Ва□т омили, айни□са, инвестор (буюртмачи) ну□таи назаридан киритилаётган ресурсларнинг □а□и□ий самарадорлигини таъминлашда катта а□амият касб этади. Шу сабабли □урилиш, □айта тиклаш ва кенгайтириш, шунингдек, мавжуд ишлаб чи□аришни замонавийлаштириш ишлари □анчалик тез бажарилса, инвестор ва пудратчи учун шунчалик фойдали бўлади. □урилган объектни муддатидан аввал фойдаланишга топширишдан олинувчи □ўшимча фойда ($Э_{кф}$) ор□али и□тисодий самара □уйидаги формула асосида ани□ланади:

$$Э_{кф} қ Е_н Ф (Т_ш - Т_а)$$

Бу ерда:

$Е_н$ - самарадорликнинг норматив коэффициенти;

Ф - муддатидан аввал фойдаланишга топширилувчи асосий фондлар □иймати;

$Т_ш$ - объектни фойдаланишга топширишнинг шартномадаги муддати;

$Т_а$ - объектни фойдаланишга топширишнинг амалдаги муддати.

Объектларни фойдаланишга топширишнинг шартномадаги ва амалдаги муддатлари ўртасидаги фар□ мазкур формулада ($Т_ш - Т_а$) йил улушида акс эттирилиши лозим (ва□т кўрсаткичи). Агар $Т_ш < Т_а$ бўлса, яъни объектни фойдаланишга топшириш муддати ўтиб кетадиган бўлса, инвестор кутилаётган фойдани олишдан ма□рум бўлади ва бош□а чи□имларга дуч келиб, бу нарса □исобий самаранинг салбий бўлишига олиб келади. Шу сабабли □урилиш ёки корхонани □айта тиклаш ва кенгайтириш ишлари, объектларнинг сифат кўрсаткичларига таъсир кўрсатмаган □олда □анчалик тез амалга оширилса, инвестициялар самарадорлиги мос равишда шунчалик ю□ори бўлади.

Мисол. Мини-завод □урилишининг сметага кўра □иймати 14,5 млн сўмни ташкил этади. □урилишнинг норматив муддати - 2,5 йил. Амалда заводни 2 йилда □уриб битказиш мўлжалланмо□да. Заводнинг асосий фондлари □иймати ошишига олиб келмайдиган харажатлар □иймати 450 минг сўмга тенг. Самарадорликнинг норматив коэффициенти - 0,2.

Заводни муддатидан олдин □уриб битказишнинг и□тисодий самараси □уйидагича:

$$Э_{дп} қ 0,2 (14,5 - 0,45) * (2,5 - 2) қ 1,4 \text{ млн. сум.}$$

**□ис□ача хулосалар**

Инвестициялар давлат ва корхоналарнинг асосий фондларни замонавийлаштириш □амда мамлакатнинг и□тисодий ва ишлаб чи□ариш потеннциалини муста□камлаш йўлидаги фаолиятидаги му□им воситадир.

Инвестициялар □оидага кўра, амалиётда мамлакат ми□ёсида давлат томонидан, микрои□тисодиётда эса корхоналар ва уларга тенглаштирилган бош□а хўжалик субъектлари томонидан амалга оширилувчи ивестицион сиёсат асосида моддийлаштирилади.

Инвестициялар реал, ялпи, молиявий ва портфел турларига та□симланади. Реал инвестициялар корхонанинг и□тисодий потенциалини яхшилашда му□им восита □исобланади.

Инвестициялашнинг тў□ри танланган тактика ва стратегияси корхоналарга ишлаб чи□аришни замонавийлаштириш вазифаларини муваффа□иятли □ал □илиш □амда ишлаб чи□ариш жараёнлари ва ма□сулот чи□аришни фан-техника тара□□иёти ва бозор талабларига жавоб берувчи кўринишга олиб келишга имкон беради.

Корхонанинг ивестицион сиёсати инвестицияларнинг и□тисодий самарадорлигини ба□олаш □амда инвестициялашнинг энг самарали вариантларини танлаш билан бо□ли□ бўлади.

Минимум харажатлар ва максимум натижалар - инвестициялар ва инвестицион лойи□аларнинг и□тисодий самарадорлигини ба□олашда услубий асос □исобланади.

## Таянч иборалар

Инвестициялар, капитал □ўйилмалар, молиявий инвестициялар, реал инвестициялар, инвестиция лойи□аси, инвестицияларнинг ички манбалари, инвестицияларнинг таш□и манбалари, лизинг, янги □урилиш, корхонани кенгайтириш, □айта тиклаш, техник □айта □уроллантириш, капитал □ўйилмаларнинг мулк шаклига кўра тузилмаси, инвестицион лойи□аларнинг самарадорлигини ба□олаш, инвестицияларнинг □опланиш муддати.

## Назорат ва му□окама учун саволлар

1. Инвестицион сиёсат нима ва у давлат ва корхоналар ми□ёсида □андай ма□садларни кўзда тутади?

2. “Инвестициялар” ва “капитал □ўйилмалар” тушунчалари ўртасидаги фар□ларни тавсифлаб беринг.

3. Инвестицион жараёнларни □айси асосий бос□ичлар тавсифлайди?

4. Инвестициялар таркиби ва структураси нима ва уларнинг корхона и□тисодиётига таъсири □андай?

5. Инвестицияларнинг и□тисодий самарадорлигини ани□лашнинг □айси усуллари сизга маълум?

6. Корхоналар инвестицион сиёсатининг мо□ияти нимада?

7. Инвестицияларнинг энг самарали вариантини танлашда □айси усулдан фойдаланиш ма□садга мувофи□?

8. Инвестициялар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан □айсиларини биласиз?

9. Инвестицияларнинг □опланиш муддати нима ва у □андай ани□ланади?

10. Республикада амалга оширилаётган энг маш□ур инвестицион лойи□аларни айтиб бера оласизми?

## Тавсия этиладиган адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўса□асида: хавфсизликка та□дид, тара□□иёт шартлари ва кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997.

2. И.А. Каримов “Ўзбекистон и□тисодий исло□отларни чу□урлаштириш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1995.

3. Экономика предприятия. Учебник для ВУЗов. 3-е издание /Под. ред. В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара. - М.: Юнити-Дана, 2003.

4. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.

5. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.

6. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.

7. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.

8. Гурков И.Б. Инновационное развитие и конкурентоспособность: Очерки развития 333 российских предприятий. – М.: ТЕИС, 2003.

9. Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционнўх проектов и их отбору для финансирования. Издание официальное - М.: ОАО «НПО», издательство «Экономика», 2000

10. Гуртов В.К. Инвестиционнўе ресурсў. – М.: Экзамен, 2002

11. Инвестиционнўе процессў в условиях глобализации.- М.: ТЕИС, 2002

12. Богатин Ю.В. Швандар В.А. Инвестиционнўй анализ. Учеб пос. - М.: ЮНИТИ, 2001

13. Ковалев В.В. Методў оценки инвестиционнўх проектов. - М.: Финансў и статистика, 2003

14. Фомин Я.А. Диагностика кризисного состояния предприятия: Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. 439 с.

15. Гиляровская Л.Т., Вехорова А.А. Анализ и оценка финансовой устойчивости коммерческого предприятия. – СПб: Питер, 2003. –249 с.

16. Крўлов Э.И. Анализ эффективности инвестиционной и инновационной деятельности предприятий / Учеб пос. 2е изд. пере раб и доп.. –М.: Финансў и статистика, 2003. –605 с.

17. Г.И. Шепеленко. Экономика, организация и планирование производства на предприятии. Учебное пособие. Ростов-на-Дону, Изд. Центр "МАРТ", 2000.

18. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.

19. Сенге Питер М. и др. пер с анг. Танец перемен: новўе проблемў самообучаюҳихся организаций М.: ЗАО Длимп-Бизнес 2004.

20. Ш.И. Гизо-туллин. Как избежать банкротства. Рецептў финансового оздоровления предприятия М.: ЗАО Гресс Медиа Ферлаг 2004.

21. Котте Д./ Пер. С англ. Управление инфраструктурой организации М.: ОАО Типография «НОВОСТИ» 2001.

22. В.Д Грибов, В.П. Грузиков Экономика предприятия. Практикум. 3-е изд. перераб. и доп. Учебник М.: ФиС 2004.

23. Практическое пособие к семинарским занятиям по курсу «Экономика фирмў» / Под ред. Иваҳенко М.: Экономич. Факуль. МГУ, ТЕИС. 2003.

24. Экономика предприятия Конспект лекций в списках М.: Приор-издат 2003.

25. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфиннелия, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.

26. Аутсорсинг: Создание вўсокоэффективнўх и конкурентоспособнўх организаций. Учебное пособие / Под ред. Б.А.Аникина М.: Инфра – М 2003.

27. Экономика предприятия Конспект лекций М.: Изд-во ПРИОР 2002.

28. Сергеев И.В Экономика предприятия. 2-е изд. пераб. и доп. Учебное пособие М.: ФиС 2004.

29. Практикум по экономике организации (предприятия). Учебн. Пособ./ Под ред. проф. П.В. Тальминой и проф. Б.В. Чернецовой М.: ФиС 2003.

30. Сбалансированная система Показателей – шаг за шагом: максимальное повўшение эффективности и закреплении полученнўх результатов Пер. с англ. Днепропетровск: Баланс-Клуб 2003.

31. Вумек Джеймс П., Джонс Дениел Т. Пер. с англ. Бережливое производство; Как избавиться от потерь и добиться процветания вашей компании; М.. Альпина Бизнес БУКС 2004.

32. Кристенсен Клейтон М. Как из-за новўх технологий погибают сильнўе компании /Дилемма инноватора Пер.с анг. М.: Альгина Бизнес Бука 2004.

33. Мескон М.Х., Альберт М. и др. Основў менеджмента: Пер с англ. – М.: Дело,2000.-704с.

34. Смирнов Э.А. Управленческие решения М.: ИНФРА-М, 2001.-264с

35. Менеджмент организации. Москва, Инфра-М, 2002 г.

36. “Создайте свое Дело или что необходимо знать предпринимателю” г. Ташкент, ЮНИДО, Поект “Бизнес-консультативнўй центр”, 2003г.

37. Сборник бизнес-планов деловўх ситуаций с рекомендациями и комментариями: Учеб. прак. пос. /Под ред. В.М.Попова, С.И.Ляпунова . –М.: КноРус , 2003

38. http:/www.harvard. edu

39. http:/www.capitul.ru

40. http:/www.5b. ru

41. http:/www.audit - center. ru

## XII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ ТИЖОРАТ СИРИ ВА И□ТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИ

12.1. Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг ма□сади, вазифалари ва тамойиллари.

12.2. Корхона □авфсизлигини таъминлашни ташкил □илиш ва бош□ариш.

12.3. Корхонанинг хавфсизлик хизмати, унинг тузилиши ва вазифалари.

12.4. Корхонанинг тижорат сирлари.

### 12.1. Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг ма□сади, вазифалари ва тамойиллари

Хавфсизлик бу мураккаб ва сер□ирра категориядир. У асосан ва кўпинча ишлаб чи□аришда фойдаланилаётган воситаларнинг хавфсизлиги ну□таи назаридан ба□оланади ва кўриб чи□илади. Шу сабабли □озиргача биз техника хавфсизлиги, пиёда хавфсизлиги, ози□-ов□ат хавфсизлиги ёки зарарсизлиги каби тушунчаларни учратсакда, корхона хавфсизлигига □али дуч келганимиз йў□.

Ма□сулотларнинг замонавий намуналари, ишлаб чи□ариш технологияси, инвестиция режалари ва бош□алар саноат ай□о□чилигининг ди□□ат марказида туриб, корхона ва мамлакат учун маълум бир хавф ту□диради. Шу сабабли хавфсизлик ва тижорат сирлари муаммолари □озирги бозор ва ра□обатчилик шароитларида и□тисодиёт фанининг, жумладан, замонавий корхоналар и□тисодиётининг му□им бўлимларидан бири □исобланади.

Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг асосий ма□садлари □уйидагилардан иборат:

- корхона ва унинг барча бўлинмалари, ме□нат жамоасининг давлат тузилмаси, хорижий □амкорлар ва ра□иблар билан ўзаро муносабатларда □онуний □у□у□ларини □имоя □илиш;

* корхона мулкини са□лаш, ундан о□илона ва унумли фойдаланиш;

* ишлаб чи□арилаётган ма□сулотнинг ички ва таш□и бозордаги ра□обатбардошлигини ошириш;

* ташкилий ва ишлаб чи□ариш бар□арорлигига эришиш, бутловчи □исмлар етказиб берувчиларга ёрдамчи ва □амкорларга бир томонлама □арам бўлишга йўл □ўймаслик;

* барча тузилмавий бў□инлардаги ходимлар орасида ме□нат интизомини муста□камлаш;

* ме□нат унумдорлигини ошириш учун моддий ва маънавий манфаатдорлигини таъминлаш;

* ишлаб чи□аришда фан-техника юту□ларидан фойдаланиш, самарали ахборот базасини ривожлантириш;

* корхона обрўсини ошириш.

Кўрсатилган ма□садлардан келиб чи□□ан □олда корхона хавфсизлигини таъминлаш вазифалари белгиланиб, улар корхонанинг ички тартиб-□оидалари ва иш тартибида □амда махсус ишлаб чи□илган чора-

тадбирларда ўз аксини топиши мумкин. Булар □аторига □уйидагиларни киритиш мумкин:

1. Корхона ичида □амда таш□и ташкилотлар - □укумат идоралари, бош□арув структурасидаги □оидабузарлик омиллари, ваколатни ошириш □оллари ва □оказоларни ани□лаш;

2. Корхонанинг бар□арор ишлашига таъсир □илиши мумкин бўлган хавф-хатар □амда бозор конъюнктурасидаги но□улай ўзгаришларни ани□лаш ва зарур чораларни □ўллаш;

3. Бўлажак □амкорларни ўрганиш, уларнинг молиявий а□волини та□лил □илиш ва ба□олаш;

4. И□тисодий ай□о□чиликка □арши чора-тадбирларни тайёрлаш;

5. Корхона сирларидан хабардор бўлган малакали ходимларни бош□а корхоналарга жалб □илишнинг олдини олиш;

6. Носо□лом ра□обатчиликни енгиш;

7. Корхона □удуди ва моддий ресурсларини □имоя □илиш;

8. Тижорат сирларини му□офаза □илишни ташкил □илиш;

9. Ме□нат жамоаси аъзолари орасидаги салбий фикрларни ани□лаш;

10. Фав□улодда □одисаларнинг олдини олиш ва хавфсизликнинг бош□а чоралари.

Маълумки, кўрсатилган ма□сад ва вазифалар ўз-ўзидан автоматик равишда □ал □илинмайди. Бунинг учун, аввало, ўз ишини яхши билишдан таш□ари мо□ир ва ю□ори малакага эга бўлган □амда ўзлари ишлаётган корхона учун “жон куйдирувчи”кадрлар зарур. Уларсиз муваффа□иятга деярли эришиб бўлмайди.

***Хавфсизлик тамойиллари*** - хавфсизликни таъминлаш тактика ва стратегиясига бўлган асосий талаблар хавфсизликнинг ма□сад ва вазифаларини □ал □илишнинг тў□ри йўлларин танлашдир. Улар □аторига □уйидагиларни киритиш мумкин:

* □онунийлик тамойиллари;
* муста□иллик ва масъулият;
* и□тисодий ма□садга мувофи□лик ва фойдалилик;
* ма□садли-дастурий режалаштириш;
* ўзаро ало□алар ва мувофи□лаштириш;
* ме□натни илмий ташкил □илиш.
* ошкоралик ва зарурий махфийликнинг уй□унлиги
* Ихтисослашув ва ю□ори касбий малака

## 12.2. Корхона хавфсизлигини таъминлашни ташкил □илиш ва бош□ариш

Хавфсизлик □одисаларнинг олдини олиш ва ого□лантириш чораси сифатида, □ар бир ало□ида □олатдаги ани□ □аракат бўлиб, корхона характери, унинг жойлашуви, а□амияти ва □оказоларга бо□ли□ бўлади. Мазкур жараёнда хавфсизлик тизимининг ўзини белгилаш му□им а□амият касб этади. Унинг ра□бари хавфсизлик концепциясини ишлаб чи□аришнинг муайян шароитларига нисбатан ишлаб чи□ишда шахсан иштирок этиши зарур.

Хавфсизлик концепцияси биринчидан, корхонанинг ма□сад ва вазифаларига зид келмаслиги, иккинчидан, корхона хавфсизлигига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган таш□и му□ит таъсирини инобатга олиши зарур. Бу таъсирни □уйидаги чизма кўринишида акс эттириш мумкин (12.1-чизма):




*12.1-чизма. Корхона хавфсизлигига таш□и му□итнинг таъсири.*

Шу билан бир ва□тда корхона ўз фаолиятининг му□им йўналишлари хавфсизлигини таъминлаш учун муайян чора-тадбирларни амалга ошириши керак ва бунинг учун аввало, мос келувчи □ўри□лаш тартибини яратиш лозим. Мамлакатимиз ва хориж амалиёти тажрибаси бунда □уйидаги фаолият турларини ажратиб кўрсатади:

1. Бино ва иншоотлар, ало□а тармо□и □урилма ва ускуналарини □ўри□лаш тартибини таъминлаш.

2. Тезкор хавфсизлик – махфий ахборотларга бўлган ваколатни бош□ариш, келиб-кетувчилар, транспорт ва юк ташишни назорат □илиш, □оидабузарлик □олатларини текшириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

3. Хавфсизликни таъминлаш бўйича маъмурий фаолият - персонални тайёрлаш ва ў□итиш, инспекция, тафтиш ва назорат, муаммоли вазиятларнинг олдини олиш, исти□болли чора-тадбирларни ишлаб чи□иш.

4. Моддий бойликларни □имоя □илиш ва табиий офатлар билан кураш - ён□инларнинг олдини олиш, ён□ин хавфсизлиги ва ого□лантириш □урилмалари □олатини кузатиб бориш ва □оказолар.

Корхоналар ра□барлари ме□нат жамоаларини доимий равишда хавфсизликни таъминлаш натижалари тў□рисида хабардор этишлари лозим. Фа□ат зарур □оллардагина хавфсизлик чора-тадбирлари махфий бўлиши мумкин. Хавфсизлик чора-тадбирларининг махфийлиги корхона бўлимларини зарурий □оидаларни □ўллаш ва уларга амал □илишини назорат □илишни махсус ташкил этишни кўзда тутади.

□озирги жамиятнинг ахборотлаштириш ва электронлаштириш шароитларида корхоналарнинг хавфсизлигини таъминлаш учун доимий равишда фаолият кўрсатувчи, тижорат фаолиятининг хавфсизлигини таъминлашнинг барча шакл ва усулларини □амраб олувчи тизим амал □илиши лозим. Шу сабабли хавфсизлик хизмати маркетинг ва менеджмент хизмати, валюта, кредит ва □у□у□ий бўлимлар каби и□тисодий бўлинмалар билан чамбарчас бо□ли□ликда ишлаб, и□тисодий хавфсизликка кўпро□ ёндашган □олда уларнинг фолиятини тўлдириши зарур.

## 12.3. Корхонанинг хавфсизлик хизмати, унинг тузилиши ва вазифалари

Хавфсизлик хизмати корхонанинг тузилмавий бирлиги бўлиб, хавфсизлик тартибини ишлаб чи□иш, ўрнатиш ва □ўллаб-□увватлаш, шунингдек, унга риоя □илинишини назорат □илишни амалга оширади. У ўз фаолиятида □уйидагиларга асосланиши лозим:

- □ўри□лаш тартибини ташкил этиш бўйича □оидалар;
- ра□бар, мутахассис ва техник ходимлар учун махфий маълумотлар билан ишлаш бўйича лавозим йўри□номаси;
- маълумотларни техник-му□андислик жи□атидан □имоя □илишни ташкил этиш бўйича лавозим йўри□номаси;
- хорижий ваколатхоналар ва вакиллар билан ишлаш бўйича лавозим йўри□номаси.

Корхона хавфсизлик хизмати таркибида ахборот-та□лил бўлинмалари, хавфсизликни таъминлаш йўналишлари бўйича ташкилий бў□инлар □амда муайян вазифаларни бажариш учун ва□тинчалик тузилмалар яратилиши мумкин.

Корхона ра□барияти ёки акциядорлик жамияти бош□аруви □арорига кўра, муайян ма□садлар ва юзага келувчи шароитларда хавфсизликни таъминлашнинг мураккаб вазифаларини □ал □илиш учун корхонанинг етакчи мутахассисларини жалб □илган □олда ва□тинчалик тузилмалар яратилиши мумкин.

Белгиланган вазифаларни бажариш учун корхонанинг хавфсизлик хизмати □уйидагиларни амалга оширади:

- маъмурий-та□симлаш функцияси, хавфсизлик тартибини ўрнатиш ва таъминлаш, масъул шахсларнинг корхона хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича □у□у□ ва мажбуриятларини белгилаш, шунингдек, корхонанинг мазкур фаолият тури со□асидаги ваколат функцияларини амалга оширишга оид □арорлар тайёрлаш йўли билан амалга оширилади;
- хўжалик-та□симлаш функцияси, хавфсизлик хизматининг корхона хавфсизлигини таъминлашда зарур бўлган ресурсларни белгилаш, корхона мулки ва интеллектуал бойликларини са□лаш ва улардан о□илона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирларини тайёрлаш ва амалга оширишда иштирок этиши йўли билан амалга оширилади;
- □исоб-назорат функцияси, тижорат-молиявий фаолиятнинг энг му□им йўналишларини ажратиб кўрсатиш ва корхонанинг молиявий бар□арорлигига та□дид солувчи хавф-хатарнинг олдини ўз ва□тида олиш, уларнинг

манбаларини ба□олаш, хавфли □олатларни назорат □илишни йўлга □ўйиш, корхона хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи салбий омилларни □исобга олиш, шунингдек, корхонанинг □аётий э□тиёжларига та□дид солувчи □ирром ра□иблар, ишончсиз □амкорлар, шахслар ва ташкилотлар □а□ида маълумотлар йи□иш ёрдамида амалга оширилади;

• ижтимоий-кадрлар функцияси, хавфсизлик хизматининг кадрларни жойлаштириш, ме□нат жамоаларидаги салбий фикрлар, ижтимоий зиддиятларнинг юзага келиши сабаблари ва шароитларини ани□лаш, жанжалларнинг олдини олиш, ходимларга йўри□нома бериш, уларда белгиланган хавфсизлик нормаларига риоя □илиш учун жавобгарлик туй□усини шакллантиришдаги иштироки ор□али амалга оширилади;

• ташкилий-бош□арув функцияси, корхона хавфсизлигини таъминлаш жараёнини бош□аришнинг доимий ташкилий тузилмасини яратиш, □ўллаб-□увватлаш ва ўз ва□тида □айта ташкил этишга бош□арув таъсирини кўрсатиш, фаолиятнинг ало□ида йўналишлари бўйича мослашувчан ва□тинчалик тузилмалар, ало□ида бў□инлар ўртасида белгиланган дастурий ма□садларга эришиш учун ўзаро ало□алар ва мувофи□лаштиришни ташкил этиш ёрдамида амалга оширилади;

• режали-ишлаб чи□ариш функцияси, корхона хавфсизлигини таъминлаш бўйича ало□ида ма□садли режалар ва дастурлар мажмуини ишлаб чи□иш, уларни амалга ошириш, хавфсизлик тартибини ўрнатиш ва □ўллаб-□увватлашга оид чора-тадбирларни тайёрлаш ва бажариш ёрдамида амалга оширилади;

• ташкилий-техник функция, корхонада хавфсизлик тартибини моддий-техник жи□атдан таъминлаш, махсус техникалар □амда янги, прогрессив технологиялар, махфий тартиб ва бош□а махсус фаолиятларни ўзлаштириш ёрдамида амалга оширилади;

• илмий-услубий функция, корхона хавфсизлигини таъминлашнинг ил□ор тажрибаларини тўплаш ва тар□атиш, ходимларни ў□итишни ташкил этиш, корхона олдида юзага келувчи корхона хавфсизлигини таъминлашга оид муаммоларни □ал □илишнинг илмий жи□атдан ишлаб чи□иш ва унинг бу со□адаги фаолиятини услубий кўрсатмалар билан таъминлаш ёрдамида амалга оширилади;

• ахборот-та□лил функцияси, хавфсизликка оид маълумотларни ма□садли равишда йи□иш, тўплаш ва улар билан ишлаш, бунинг учун зарур бўлган маълумотларни аналитик та□лил □илишнинг техник ва услубий воситаларини яратиш ва улардан фойдаланиш, корхонанинг манфаатдор бўлинмалари ва ало□ида шахсларни хавфсизлик хизматида мавжуд бўлган маълумотлар билан таъминлаш ёрдамида амалга оширилади.

Ю□орида келтирилган функциялар корхона хавфсизлик хизматининг зарур ташкилий тузилмасини шакллантиришга имкон беради. Унинг намунавий тузилмаси □уйида келтирилган (12.2 - чизма):




*12.2-чизма. Хавфсизлик хизмати тузилмаси.*

Корхона хавфсизлик хизмати Низомида унинг ма□сад ва вазифалари, □у□у□ ва мажбуриятлари, назорат-тафтиш фаолияти белгилаб берилади. Хавфсизлик хизмати ўз фаолиятини корхона хавфсизлигини ю□ори даражада таъминлаш ва □ўллаб-□увватлаш асосида олиб бориб, □уйидагиларни □амраб олади:

- махфий тартибдаги фаолиятни ташкил этиш;
- ахборот хавфсизлини таъминлаш;
- му□андислик-техник му□офаза;
- ме□нат жамоаларидаги салбий йўналишларнинг олдини олишга оид фаолият.

## 12.4. Корхонанинг тижорат сирлари

***Корхонанинг тижорат сирлари*** ишлаб чи□ариш, технологик маълумотлар, бош□арув, молия ва шу кабилар билан бо□ли□ бўлиб, уларни ошкор □илиш корхона манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган маълумотлардир. Корхона "тижорат сирлари" тоифасининг □онунчиликда белгилаб берилган тавсифномаси шундай.

Мавжуд ну□таи назарларга кўра, корхонанинг тижорат сирлари умумий □олда ўз ичига □уйидаги маълумотларни □амраб олади:

* корхонанинг савдо ало□алари □а□ида;

* капитал □ажми ва тузилмаси, инвестиция режалари □а□ида;

* таъминотчи ва истеъмолчилар, тузилган шартномалар □а□ида;

* ишлаб чи□ариш □ажми, айланма мабла□лар ва фойда □ажми □а□ида;

* ба□они шакллантириш сиёсати ва товарлар ба□осининг шаклланиши □а□ида;

*   банк опрециялар □а□ида ва □оказолар.

Кўпинча “тижорат сирлари” тушунчасидан таш□ари корхонанинг “ишлаб чи□ариш сирлари” тушунчаси □ам □ўлланилади. У ишлаб чи□ариш усуллари, технологиялар, техник кашфиётлар, тад□и□от ишлари, ме□натни ташкил □илиш, ало□а тармо□и ва шу кабилар □а□идаги маълумотларни ўз ичига олади.

Бугунги бозор муносабатлари, айни□са ра□обатчилик му□ити шароитларида корхона тижорат ва ишлаб чи□ариш сирларининг ошкор □илиниши унинг а□волига салбий таъсир кўрсатиши, ишлаб чи□арилаётган ма□сулотлар истеъмолчиларини йў□отишга олиб келиши мумкин. Мутахассисларнинг фикрига кўра, тижорат сирларига мансуб маълумотларнинг тўртдан бир □исми йў□отилиши □ам ра□иблар учун катта имконият яратади □амда бир неча ой ичида маълумотлар четга чи□иб кетишига йўл □ўйган фирмаларнинг ярми банкротга учрашига олиб келади. Шу сабали □озирги пайтда тижорат сирларининг □у□у□ий ма□оми ва тоифасини ани□ белгилаш, уларни ошкор □илиш учун жавобгарлик механизмини ишлаб чи□иш ма□садга мувофи□ □исобланади. □уйидаги чизмада корхона тижорат сирларини му□офаза □илиш механизмининг асосий элементлари келтирилган.

Амалиёт шуни кўрсатадики, тижорат сирларини му□офаза □илиш механизми, корхонанинг молиявий ва техник имкониятлари билан ало□ада бўлганда, шунингдек маълумотларни □имоя □илишнинг ишончли тизими мавжуд бўлгандагина тўли□ куч билан ишлайди. Бундан таш□ари □уйидагиларни тў□ри ташкил □илиш □ам му□им а□амият касб этади:

*   тайёр ма□сулот (айни□са тажриба намуналари) ва матералларнинг баъзи турларини □исобга олиш ва □ўри□лаш;

*   тадбиркорлик сирлари мавжуд бўлган □ужжатлар билан ишлаш тартиби (уларни □исобга олиш, са□лаш, йў□ □илиш □оидалари ва бош□алар);

*   □ужжатларни кўпайтириш ва улардан нусха олиш воситаларини назорат □илиш;

*   ало□а воситалари ва □исоблаш техникасида тижорат маълумотларини □имоя □илиш;

*   корхона □удуди ва унинг асосий бино ва иншоотларини □ўри□лаш;

*   мазкур корхонага бегона шахслар ташриф буюришини назорат □илиш.




*12.3-чизма. Корхона тижорат сирини му□офаза □илиш механизми*

Ю□орида санаб ўтилган барча вазифаларни самарали бажариш бош□арув аппаратида тижорат сирларини му□офаза □илиш билан шу□улланувчи махсус хизматларни яратишни кўзда тутади. Хориж мамлакатларида мазкур фаолият билан фирмаларнинг махсус бўлинмалари шу□улланади. Улар ра□обатчилар тў□рисидаги маълумотларни излаш ва тўплаш билан □ам шу□улланади. Шу билан бир ва□тнинг ўзида улар савдо □амкорларининг тижорат сирларини биргаликда □имоя □илиш имкониятини □ам рад □илмайдилар. Масалан, баъзи фирмалар фаолиятида тадбиркорлик ало□алари давомида □амкорларга берилган маълумотларни биргаликда □имоя □илиш бўйича махсус шартномалар тузиш тартиби кўзда тутилган.

Саноати ривожланган мамлакатларнинг (масалан, А□Шнинг) давлат органларида махсус воситачилик хизматлари мавжуд бўлиб, у мижозларни уларни □изи□тираётган корхона ва ташкилотлар □а□идаги маълумотлар билан таъминлайди. Мамлакатимизда корхоналар давлатга соли□□а тортиш ва и□тисодий маълумотларни йи□иш ва улар билан ишлаш тизими учун зарур бўлган маълумотларни та□дим этиши □онун □ужжатларида белгилаб □ўйилган. Шунингдек, корхоналар ўз фаолиятлари тў□рисидаги маълумотларни, жумладан, йиллик балансни нашр □иладилар. Шу билан бир пайтда корхоналар тижорат сирларига оид маълумотларни бермаслик □у□у□ига эга. Тижорат сирлари давлат бош□арув ва назорат идоралари ходимлари ор□али четга чи□иб кетишининг олдини олиш ма□садида корхона ра□бари уларнинг ваколатларини билиши □амда улар талаб □илган исталган маълумотни эмас, балки фа□ат хизмат ваколатига доир маълумотларни та□дим этиши зарур. Биринчи ўринда бу статистика хизмати, монополияга □арши кураш □ўмитаси, милиция, молия, соли□, санитария, ён□инга □арши кураш ва бош□а хизмат вакилларига тегишли. Корхона ра□бари шунингдек, давлат идоралари ходимларининг но□онуний хатти-□аракатлари устидан арз □илиш тартиби, улар туфайли корхонага етказилган моддий ва маънавий зарарни □оплаш механизмини билиши ва унга амал □илиши зарур.

Илмий-техник, ишлаб чи□ариш, и□тисодий ва бош□а хизматлар мутахассислари ўзи ишлаётган корхонанинг тижорат сирларига оид маълумотлар четга чи□иб кетиши о□ибатида юзага келиши мумкин бўлган ва реал йў□отишларни тў□ри ва ани□ (□иймат шаклида) ба□олашни ўрганиб олишлари зарур.

Корхоналарнинг махфийлик шартларига риоя □илмаслик натижасида юзага келувчи йў□отишлари умумий кўринишда □уйидагаларга олиб келади:

* илмий тад□и□отларга лицензия сотиш имкониятлари пасаяди, фан-техника тара□□иёти со□асида эришилган устунликлар йў□отилади, илмий-тад□и□от бўлинмаларининг йўналишни ўзгартиришлари учун харажатлари ўсади;
* ишлаб чи□ариш фаолиятида зарур бўлга хом ашё, технология ва □оказоларни сотиб олишда □ийинчиликлар юзага келади (ёки ра□обатчилар томонидан сунъий равишда яратилади);
* корхонанинг тадбиркорликдаги шериклар билан □амкорлиги чекланади, фойдали шартномларни имзолаш имкониятлари камаяди, шартнома мажбуриятларини бажаришда муаммолар вужудга келади;
* корхонанинг янги бозор стратегиясини яратиш, маркетинг тад□и□отлари тузилмасини ўзгартириш ва □оказоларга сарфланувчи харажатлари ўсади;
* тижорат сирларини ошкор □илганларга нисбатан и□тисодий жазо чоралари □ўллаш хавфи кучаяди.

Барча йў□отишларнинг умумий ми□ори □ийматини ани□ □исоблаш жуда мураккаб ва кўп ме□нат талаб □илувчи жараён бўлиб, баъзида ишончи маълумотлар йў□лиги сабабли уларни □исоблашнинг имкони □ам бўлмайди. Шу сабабли кўп □олларда корхоналарнинг маълумотларни □имоя □илишга

риоя этмаслик билан бо□ли□ бўлган йў□отишларини йириклаштирилган эксперт ба□олаш кифоя □илади.

Ю□орида келтирилган йў□отишларнинг ўрнини □оплаш кўпинча корхоналардан □ўшимча харажатларни талаб □илиб, ишлаб чи□ариш самарадорлиги ва ра□обатчилик курашида эришиш мумкин бўлган муваффа□иятлар имкониятини пасайтиради. Худди шунинг учун □ам □озирги пайтда тижорат сирларини му□офаза □илишга катта эътибор □аратилмо□да.

## □ис□ача хулосалар

Корхона сирлари ва хавфсизлиги бир □арашда оддий тушунчалар бўлиб, уларнинг мазмуни мутахассис бўлмаганларга □ам тушунарлидир. Биро□ амалиётда корхона, шунингдек, турли хўжалик субъектларининг тижорат сирлари ва хавфсизлигини таъминлаш етарлича мураккаб фаолият со□аси □исобланади.

Корхонанинг, шундан келиб чи□□ан □олда ишлаб чи□аришнинг хавфсизлиги нафа□ат бутунлик ва бар□арорлик, балки атроф-му□ит учун и□тисодий, техник, технологик, ташкилий ва умуман, функционал жи□атдан зарарсизлигидадир.

Корхона хавфсизлиги амалда махсус хизмат ва бош□арув органлари томонидан, шунингдек, мос келувчи Низом нормалари, □оидалар ва йўри□номалар асосида таъминланади.

Корхона хавфсизлигига ички ишлаб чи□ариш му□итидан таш□ари таш□и му□ит □ам баъзида бевосита, баъзида эса билвосита таъсир кўрсатади. Ички ва таш□и му□итларнинг ишлаб чи□ариш фаолиятига салбий таъсирини бартараф □илиш □ар бир корхона олдида турган му□им вазифа □исобланади.

Тижорат сирлари корхона фаолияти тў□рисидаги маълумотлар бўлиб, уларнинг четга чи□иб кетиши ёки бегона шахсларга тар□атилиши корхона манфаатларига зарар етказиши мумкин. Шу сабабли тижорат сирларига корхона томонидан амал □илинибгина □олмай, унга риоя этиш шартлари □онунчилик томонидан белгилаб □ам □ўйилган.

Корхонанинг тижорат сирларини му□офаза □илиш механизми, махфий характерга эга ва ошкор □илиниши мумкин бўлмаган, шунингдек, манфаатдор идора ва шахсларга хавф-хатар ту□дирмаган □олда та□дим этиш мумкин бўлган маълумот ва кўрсаткичларни танлаб олишни кўзда тутувчи тизимга эга бўлиши зарур.

## Таянч иборалар

Хавфсизлик, корхона хавфсизлиги, махсус ишлаб чи□илган чора-тадбирлар, хавфсизлик тамойиллари, хавфсизлик концепцияси, корхона хавфсизлигига таш□и му□итнинг таъсири, хавфсизлик хизмати, хавфсизлик хизматининг ташкилий тузилмаси, корхонанинг тижорат сирлари, тижорат сирини му□офаза □илиш механизми.

## Назорат ва му□окама учун саволлар

1. Корхона хавфсизлиги деганда нимани тушунасиз?

2. Корхонанинг “тижорат сирлари” тушунчаси нимани англатади?
3. корхона хавфсизлиги ва тижорат сирлари ўртасида □андай ало□а мавжуд?
4. Корхона хавфсизлигининг асосий тамойилларини айтиб беринг.
5. Корхонанинг хавфсизлик хизмати □андай вазифани бажаради?
6. Бозор шароитларида тижорат сирлари корхонанинг реклама фаолиятига зид келмайдими?
7. Корхонанинг тижорат ва бош□а сирларини ошкор □илиш □андай о□ибатларга олиб келиши мумкин?
8. Корхонанинг тижорат сирларини му□офаза □илиш механизми ўз ичига нимани □амраб олади?

## Тавсия этиладиган адабиётлар


1. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўса□асида: хавфсизликка та□дид, тара□□иёт шартлари ва кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
2. Экономика предприятия. Учебник для ВУЗов. 3-е издание /Под. ред. В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара. - М.: Юнити-Дана, 2003.
3. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
4. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.-223 б.
5. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
6. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
7. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.
8. Сенге Питер М. и др. пер с анг. Танец перемен: новўе проблемў самообучаюҳихся организаций М.: ЗАО Длимп-Бизнес 2004.
9. Ш.И. Гизотуллин. Как избежать банкротства. Рецептў финансового оздоровления предприятия М.: ЗАО Гресс Медиа Ферлаг 2004.
10. Котте Д./ Пер. С англ. Управление инфраструктурой организации М.: ОАО Типография «НОВОСТИ» 2001.
11. Аутсорсинг: Создание вўсокоэффективнўх и конкурентоспособнўх организаций. Учебное пособие / Под ред. Б.А.Аникина М.: Инфра – М 2003.
12. Сбалансированная система Показателей – шаг за шагом: максимальное повўшение эффективности и закреплении полученнўх результатов Пер. с англ. Днепропетровск: Баланс-Клуб 2003.
13. Вумек Джеймс П., Джонс Дениел Т. Пер. с англ. Бережливое производство; Как избавиться от потерь и добиться процветания вашей компании; М.. Альпина Бизнес БУКС 2004.
14. Кристенсен Клейтон М. Как из-за новўх технологий погибают сильнўе компании /Дилемма инноватора Пер.с анг. М.: Альгина Бизнес Бука 2004.
15. Мескон М.Х., Альберт М. и др. Основў менеджмента: Пер с англ. – М.: Дело,2000.-704с.
16. Смирнов Э.А. Управленческие решения М.: ИНФРА-М, 2001.-264с
17. http:/www.harvard. edu
18. http:/www.capitul.ru
19. http:/www.5b. ru

20. http:/www.audit - center. ru

## АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

**Акциядорлик жамияти** - *акциядорлар ва муассислар мабла□и эвазига шаклланган капиталга эга бўлган □у□у□ий шахс ма□омига эга компания. Ишлаб чи□аришни ташкил □илишнинг мабла□ларни акция сотиш йўли билан жалб этишга асосланган шакли.*

---

**Айланма ишлаб чи□ариш фондлари** – *ишлаб чи□аришда фойдаланилувчи ме□нат предметлари (хом ашё, материаллар, ўров материаллари, таъмирлаш учун э□тиёт □исмлар ва □оказо). □ар бир ишлаб чи□ариш циклида тўли□ сарфланади □амда корхонанинг айланма мабла□лари □исобига сотиб олинади.*

---

**Айланма мабла□лар** – *ишлаб чи□ариш за□иралари, тугалланмаган ишлаб чи□ариш, тайёр ма□сулот, янги ма□сулотни ўзлаштириш харажатлари, келгуси давр харажатларига сарфланувчи корхона мабла□ларининг пул шаклида ифодаланиши.*

---

**Акция** – *акциядорлик жамияти томонидан чи□арилувчи □амда унинг эгаси, акциядорлик жамиятининг аъзосига жамиятни бош□ариш ва фойдадан дивиденд олиш □у□у□ини берувчи □имматба□о □о□оз.*

---

**Акциядорлик капитали** – *акциядорлик жамиятининг асосий капитали, унинг □ажми Низомда белгилаб берилади. □арзга олинган мабла□лар ва акция чи□ариш □исобига шакллантирилади.*

---

**Амортизация** - *асосий фондлар □ийматини аста-секинлик билан улар ёрдамида ишлаб чи□арилувчи ма□сулот ёки хизматларга ўтказилиши; мабла□ларнинг ма□садли равишда жам□арилиши ва кейинчалик эскирган асосий фондларнинг ўрнини □оплашга ишлатилиши.*

---

**Амортизация воситалари** - *корхона асосий фондларини са□лаш ва янгилаш учун махсус ажратилувчи молиявий воситалар.*

---

**Амортизация фонди** - *асосий фондларни оддий ва кенгайтирилган тарзда такрор ишлаб чи□аришга мўлжалланган пул мабла□лари.*

---

**Асосий ишлаб чи□ариш фондлари** – *ма□сулот ишлаб чи□аришда фойдаланилувчи ме□нат воситалари (бинолар, иншоотлар, □урилма ва асбоб-ускуналар, траноспорт воситалари ва □оказо). Улар узо□ муддат хизмат кўрсатиб, ишлаб чи□ариш жараёнида ўзининг натурал шаклини са□лаб □олади □амда ўз □ийматини эскириш мобайнида аста-секинлик билан тайёр ма□сулотга ўтказади. Капитал □ўйилмалар □исобига тўлдирилади.*

---

**Асосий фондларнинг эскириши** – *асосий фондларнинг (бинолар, □урилмалар ва бош□а ме□нат воситаларининг) аста-секинлик билан фойдали хусусиятларини йў□отиши. Асосий ишлаб чи□ариш фондлари эскиришининг жисмоний ва маънавий турлари мавжуд.*

---

**Баланс** - *бирон-бир □олатнинг ало□ида томонларини та□□ослаш ва солиштириш йўли билан тавсифланувчи кўрсаткичлар тизими.*

---

**Баланс фойдаси** - *корхонанинг балансида акс эттирилувчи фаолиятнинг барча турларидан олинувчи умумий фойда ми□дори.*

---

**Банкротлик** - *касодга учраш, корхонанинг (ташкилот, банк) ўз мажбуриятлари бўйича тўловларни мабла□лар йў□лиги туфайли амалга*

*оширмаслигини англатувчи тушунча. □оидага кўра, корхонани ёпиш ёки мажбуран тугатиш □амда мол-мулкини □арзларни тўлаш учун сотиб юборишга олиб келади.*

**Башорат □илиш** - *келажакда рўй бериши мумкин бўлган турли □одиса ва жараёнларни статистик, ижтимоий, и□тисодий ва бош□а турдаги тад□и□отлар ёрдамида илмий асосланган □олда аввалдан айтиб бериш.*

**Бизнес** - *бозор и□тисодиёти шароитларида субъектнинг маълум бир ма□сулот ёки хизмат турини яратиш ва сотиш йўли билан фойда олишга мўлжалланган и□тисодий фаолияти.*

**Бизнес-режа** - *корхона фаолияти дастури, кутилаётган харажат ва даромадлар □исобини ўз ичига олувчи компания фаолиятининг муайян ма□садларига эришиш учун муайян чора-тадбирлар режаси. Маркетинг тад□и□отлари асосида ишлаб чи□илади.*

**Вексель** - *□имматба□о □о□оз тури, белгиланган тартибда ёзма шаклдаги □арз мажбурияти, ўз эгасига (вексель олувчига) вексель берувчидан кўрсатилган пул ми□дорини белгиланган муддатда гап-сўзсиз тўланишини талаб □илиш □у□у□ини беради.*

**Венчур фирма** – *тижорат билан шу□улланувчи илмий-техник фирма, янги технологиялар ва ма□сулотларни даромадларни аввалдан белгиламаган □олда ишлаб чи□иш ва □ўллаш билан шу□улланади (таваккалчиликка асосланган капитал □ўйилмаси).*

**Дивиденд** - *акциядорлик жамияти фойдасининг бир □исми, □ар йили соли□ларни тўлаш, ишлаб чи□аришни кенгайтириш, за□ираларни тўлдириш, облигациялар бўйича фоизлар тўлаш ва директорларни мукофотлашдан сўнг акциядорлар ўртасида та□симланади.*

**Жисмоний эскириш** – *ме□нат воситаларининг фойдаланиш ва табиат кучлари таъсири остида моддий жи□атдан емирилиши. Ме□нат воситаларининг маънавий эскириши уларнинг тўли□ жисмоний эскиришдан олдинданро□, ишлаб чи□ариш кўрсаткичлари ю□ориро□ ва тежамкор бўлган машина ва □урилмалар пайдо бўлиши туфайли юз бериши мумкин.*

**Ижара** - *мулкни маълум бир □а□ тўлаш эвазига, ва□тинчалик фойдаланишга бериш тў□рисидаги шартномага асосланган □олда ёллаш.*

**Илмий-техник сало□ият**– *мамлакатдаги фан, техника ва му□андислик ишларининг ривожланиш даражаси, жамиятнинг фан-техника муаммоларини □ал □илиш учун мавжуд ресурс ва имкониятларининг умумий тавсифномаси.*

**Инвестицион сиёсат** – *капитал □ўйилмаларнинг энг устивор йўналишларини танлаш, и□тисодиёт самарадорлигини ошириш, сарфланган □ар бир сўмга ма□сулот ўсиши ва миллий даромаднинг энг ю□ори кўрсаткичларига эришиш.*

**Инвестициялар** - *мамлакат ичкариси ва таш□арисида янги корхона яратиш ва мавжуд корхоналарни замонавийлаштириш, энг янги техника ва технологияларни ўзлаштириш, ишлаб чи□ариш даражасини ошириш ва фойда олиш ма□садида узо□ муддатли мабла□лар киритилиши.*

**Инвестор** - *бирон-бир фаолиятга, корхонага фойда олиш ма□садида узо□ муддатли капитал киритишни амалага оширувчи хусусий тадбиркор,*

*ташкилот ёки давлат.*

**Инжиниринг** - *тижорат асосида (шартнома шаклида) турли хил му□андислик-масла□ат хизматлари кўрсатилиши.*

**Инновация** - *жамият ривожланиши билан ўзгариб борувчи инсон э□тиёжларини □ондиришга оид янгиликлар, уларни яратиш, тар□атиш ва фойдаланиш жараёнини мажмуаси.*

**Инфратузилма** - *саноат (ёки бирон-бир бош□а) ишлаб чи□ариши □амда а□олига хизмат кўрсатувчи хўжалик тармо□лари мажмуаси. Транспорт, ало□а, савдо, моддий-техник таъминот, фан, таълим, со□ли□ни са□лашни ўз ичига олади.*

**Ишлаб чи□ариш □уввати** – *асосий ишлаб чи□ариш ва айланма фондлар, шунингдек, молиявий ресурслардан иложи борича тўли□ ва о□илона фойдаланган □олда ишлаб чи□ариш мумкин бўлган ма□сулотнинг максимал □ажми.*

**Ишлаб чи□ариш рентабеллиги** – *умумий (баланс) фойданинг асосий ишлаб чи□ариш фондлари ва нормалаштирилувчи айланма мабла□ларнинг ўртача йиллик □ийматига нисбати сифатида ани□ланувчи ишлаб чи□ариш самарадорлиги кўрсаткичи.*

**Ишлаб чи□ариш тузилмаси**– *корхонанинг ма□сулот ишлаб чи□ариш жараёнида бевосита ёки билвосита иштирок этадиган ишлаб чи□ариш бўлинмалари - цехлар, участкалар, хизмат кўрсатиш хўжалиги ало□аларининг йи□индиси.*

**Ишлаб чи□аришни ихтисослаштириш** – *йирик корхоналарда технология ва тузилмаси бир хил бўлган ма□сулотларни оммавий равишда ишлаб чи□ариш.*

**Ишлаб чи□аришни йириклаштириш** – *ма□сулотни йирик корхоналарда чи□аришни ташкил □илиш.*

**Ишлаб чи□аришни кимёлаштириш** – *ма□сулот ишлаб чи□аришда кимёвий ма□сулот ва сунъий материаллар, шунингдек, кимёвий усуллардан кенг фойдаланиш.*

**Ишлаб чи□аришнинг диверсификацияси** – *бир томонлама, кўпинча битта ма□сулотга асосланувчи ишлаб чи□аришни кенг номенклатурада тайёрланувчи ма□сулотларга асосланган ишлаб чи□аришга ўтказиш.*

**Капитал □урилиш** - *асосий фондларни янги корхона □уриш, мавжуд корхоналарни □айта тиклаш, кенгайтириш, техник жи□атдан □айта □уроллантириш ва замонавийлаштириш йўли билан яратиш ва мукаммаллаштириш жараёни.*

**Капитал □ўйилмалар** - *асосий фондларни □айта тиклаш ва ўстиришга сарфланувчи моддий, ме□нат ва пул ресурслари харажатлари.*

**Капитал си□ими** - *асосий капиталнинг мос келувчи давр мобайнида ишлаб чи□арилган ма□сулот ёки унинг бирон-бир □исмини - миллий даромад, соф даромад, фойдага нисбатини тавсифловчи кўрсаткич.*

**Комбинациялаш** – *битта корхона - комбинат доирасида саноатнинг битта ёки бир нечта тармо□ларидаги турли хил ишлаб чи□аришларни технологик жи□атдан бирлаштиришда ифодаланувчи, ишлаб чи□аришни умумлаштириш шаклларидан бири.*

**Компания** - *тадбиркорларнинг □у□у□ий шахс ма□омига эга бўлган, пай*

*капитали асосида ташкил □илинувчи бирлашмаси.*

**Конверсия** - *корхонанинг умуман бош□а турдаги ма□сулот ишлаб чи□аришга ўтиши.*

**Концерн** - *турли тармо□лардаги муста□ил корхоналарнинг иштирок этиш тизими, □ўшма тад□и□отлар, патент-лицензия келишувлари, молиялаштириш, ишлаб чи□ариш □амкорлиги воситасида бирлашуви.*

**Кооперация □илиш** - *якуний ма□сулотни биргаликда тайёрлаш бўйича узо□ муддатли тў□ридан-тў□ри хўжалик ало□аларини ўрнатиш.*

**Корхонанинг оптимал □ажми** – *ма□сулот ишлаб чи□ариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) бўйича имзоланган шартнома ва мажбуриятларни ўз муддатида, энг кам харажатлар билан энг ю□ори самарадорликка эришган □олда бажариш имконини берувчи корхона □ажми.*

**Корхонанинг тижорат сирлари**– *корхонанинг ишлаб чи□ариш, технологиялар, бош□арув ва бош□а турдаги фаолияти билан бо□ли□, ошкор □илиниши корхона манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган, давлат сирларига ало□аси бўлмаган маълумотлар.*

**Лизинг** - *мулкка эгалик □илиш □у□у□и ижарага берувчида са□ланган □олда, мулкни узо□ муддатли ижарага беришга асосланган □олда инвестицияларни молиялаштириш шакли; машина, ускуна ва транспорт воситаларининг ўрта ва узо□ муддатли ижараси.*

**Лицензия** - *□онунда белгиланган муайян хўжалик операциялари, жумладан, таш□и савдо (экспорт ва импорт) операцияларини амалга ошириш бўйича, ваколатли давлат идораларининг □у□у□ий шахсларга берувчи махсус рухсатномаси.*

**Маркетинг** - *корхоналарнинг ма□сулот ишлаб чи□иш, ишлаб чи□ариш ва сотиш ёки хизмат кўрсатишга оид фаолиятини, бозорни ва истеъмолчилар талабига фаол таъсир кўрсатишни ўрганиш асосида бош□ариш тизими.*

**Материаллардан фойдаланиш коэффициенти** – *хом ашё ва материалларнинг о□илона тарзда сарфланишини тавсифловчи кўрсаткич. Тайёр ма□сулот таркибига кирувчи материалларнинг ишлов берилган материалларнинг умумий □ажмига нисбати сифастида □исобланади.*

**Ма□сулот аттестацияси** - *ма□сулот сифатининг техник-и□тисодий кўрсаткичларини объектив ба□олашни тизимли равишда амалга оширишни кўзда тутувчи, ташкилий-техник ва и□тисодий чора-тадбирлар мажмуаси.*

**Ма□сулот ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари** – *ма□сулот ишлаб чи□аришда фойдаланилувчи табиий ресурслар, хом ашё ва материаллар, ё□ил□и ва энергия, асосий фондлар ва ме□нат ресурслари, шунингдек, ма□сулот ишлаб чи□ариш ва сотишнинг бош□а харажатларининг □иймат ба□олари.*

**Ма□сулот рентабеллиги** – *ма□сулот сотишдан олинган фойданинг ма□сулот таннархига нисбати (фоизларда) сифатида анилланувчи ишлаб чи□ариш самарадорлиги кўрсаткичи.*

**Ма□сулот сертификати** - *ма□сулот сифатини ба□олаш ва назорат □илишнинг хал□аро нормаларини □абул □илиш ва амалга ошириш жараёни; ма□сулот ишлаб чи□арувчиларга □арам бўлмаган, ма□сулотнинг хал□аро стандарт нормаларига мос келишини назорат □илиш учун керакли*

*асбоб-ускуналар билан таъминланган махсус марказларни яратиш билан амалга оширилади.*

---

**Ма□сулот сифати** – *масулотнинг инсон ва жамиятнинг маълум бир э□тиёжларини □ондириш □обилиятларини белгиловчи фойдали хислатлари мажмуи.*

---

**Ма□сулот сифатини бош□ариш** –*ма□сулотни яратиш ва ундан фойдаланиш ёки уни истеъмол □илишда зарур сифат даражасини белгилаш, таъминлаш ва □ўллаб-□увватлаш ма□садида амалга оширилувчи хатти-□аракатлар.*

---

**Ма□сулот сифатини бош□ариш тизими** – *сифатни бош□ариш учун зарур бўлган ресурслар, жараёнлар ва жавобгарликни ани□ та□симловчи ташкилий тузилма.*

---

**Ма□сулотнинг материал си□ими** – *хом ашё, материаллар ва бош□а моддий ресурсларнинг ма□сулот бирлигига сарфланувчи харажатлари. Материал си□имини камайтириш тайёр ма□сулот ва материалларни кўпайтириш, ма□сулот таннархини камайтириш ва хом ашё тармо□ларини ривожлантиришга сарфланувчи харажатларни камайтиришга имкон яратади.*

---

**Ма□сулотнинг ме□нат си□ими**–*ме□нат унумдорлиги кўрсаткичларига тескари бўлган катталик. Моддий ишлаб чи□ариш со□асида сарфланган ме□натнинг ишлаб чи□арилган ма□сулот □ажмига нисбати ор□али ани□ланади.*

---

**Ма□сулотнинг техник даражаси** – *ба□оланаётган ма□сулотнинг техник такомиллашганлигини белгиловчи, унинг базис кўрсаткичларига мос келувчи кўрсаткичларни та□□ослашга асосланган ма□сулот сифатининг нисбий тавсифномаси.*

---

**Ма□сулотнинг яшаш даври** – *ма□сулот □аётининг бешта бос□ичинининг алмашиниш даври: ишлаб чи□иш, ишлаб чи□ариш, бозорга чи□иш, ўсиш, бозорнинг тўйиниши ва маънавий эскириш.*

---

**Ме□нат унумдорлиги** –*инсонлар ишлаб чи□ариш фаолиятининг самарадорлиги; ходим моддий ишлаб чи□ариш со□асида иш ва□ти бирлигида ишлаб чи□арган ма□сулотлар ми□дори ёки ма□сулот бирлигини ишлаб чи□ариш учун сарфланган ва□т билан ўлчанади. Ме□натнинг ижтимоий унумдорлиги ишлаб чи□арилган миллий даромаднинг моддий ишлаб чи□ариш тором□ларида банд бўлган □ар бир ходимга нисбатан □исобланади.*

---

**Ме□нат шартномаси** – *тадбиркор ва ишга кирувчи шахс ўртасидаги келишув, унда кўра ходимнинг ме□нат вазифаси, иш жойи, лавозими, ойлик иш □а□и, иш бошлаш ва□ти ва □оказолар белгилаб берилади.*

---

**Низом (устав)** - *корхонани ташкил □илишнинг □онунийлигини тасди□ловчи, корхона характери ва фаолият тури, □оидалари, аъзолар ўртасидаги муносабатлар ва □оказоларни ўз ичига олувчи расмий □ужжат.*

---

**Ра□обат** – *бозор механизмининг корхона ва фирмаларнинг ма□сулот ва хизматларни сотиш, капитални фойдалиро□ жойлаштиришда ра□иблик асосида хўжалик нисбатларини шакллантириш билан бо□ли□ элементи.*

---

**Ра□обатбардошлик** – *ўз фаолиятини бозор муносабатлари шароитида амалга ошириш ва бунда ишлаб чи□аришни илмий-техник жи□атдан такомиллаштириш, ходимларни ра□батлантириш ва ма□сулот сифатининг*

*ю□ори бўлишини таъминлашга етарли бўлган фойда олиш.*

**Рекламация** - *харидор томонидан сотувчига шартнома асосида етказиб берилган товар сифати ва ми□дорининг шартномага тў□ри келмаслиги туфайли билдирувчи даъвоси.*

**Сертификат** - *масъул идоралар томонидан ма□сулотни экспертиза □илиш асосида берилувчи, ма□сулот сифатини белгиловчи □ужжат.*

**Сменалилик коэффициенти** *–ускуналарнинг ва□т бўйича* иш билан таъминлаш *даражаси кўрсаткичи; сутка давомида ишлаб берилган машина-сменаларнинг ўрнатилган барча сменалар сонига нисбати ор□али ани□ланади.*

**Станадартлаштириш** - *ишлаб чи□аришнинг маълум бир со□асида фаолиятни тартибга солиш ма□садида барча манфаатдор томонлар иштирокида □оидалар белгилаш ва □ўллаш. Норматив □ужжатлар, стандартлар, йўри□номалар, усуллар, талабларда акс эттирилади.*

**Таъсис □ужжатлари** – *янги ташкил □илинувчи корхона, компания, акциядорлик жамиятини таъсис этиш ва уларни белгиланган тартибда рўйхатга олиш учун асос бўлиб хизмат □илувчи □ужжатлар.*

**Техник □айта □уроллантириш** – *ишлаб чи□ариш ало□ида участкаларининг техник имкониятларни замонавий даражага чи□ариш жараёни.*

**Ускуналарни замонавийлаштириш** – *□аракатдаги ускуналар конструкциясига, унинг техник даражасини оширувчи □амда техник ва и□тисодий кўрсаткичларини яхшиловчи сезиларли ўзгаришлар киритиш. Замонавийлаштириш иккинчи шаклдаги маънавий эскиришнинг олдини олишга кўмаклашади.*

**Устама харажатлар** – *асосий харажатларга □ўшимча бўлиб, улар билан бирга ишлаб чи□ариш харажатлари таркибига киритилувчи, ишлаб чи□ариш ва корхона бош□арувига хўжалик хизмати кўрсатиш харажатлари.*

**Фан-техника тара□□иёти** - *фан, техника, технологиялар ривожланиши, ме□нат предметлари, ишлаб чи□ариш ва ме□натни ташкил этишнинг узлуксиз ривожланиш жараёни.*

**Фирма** - *□у□у□ий шахс ма□омига эга бўлиб, товар ишлаб чи□ариш ва сотишни бир умумий бош□арув (ва умумий фирма номи) остида бирлаштирувчи, корхона ёки турли мулкчилик шаклидаги ихтисослаштирилган ташкилотлар мажмуаси.*

**Фойда** – *корхона фаолиятининг якуний молияий натижалари; пул тушуми ва харажатлар ўртасидаги фар□ сифатида ани□ланади.*

**Фонд □айтими** – *асосий ишлаб чи□ариш фондларининг бир сўмига тў□ри келувчи ма□сулот ми□дори.*

**Фонд си□ими** *–фонд □айтимига тескари бўлган нисбат. Асосий ишлаб чи□ариш фондлари ўртача □ийматининг ишлаб чи□арилган ма□сулот □ажмига нисбати сифатида □исобланади.*

**Фондлар билан таъминланганлик** – *асосий ишлаб чи□ариш фондлари билан таъминланганлик кўрсаткичи (асосий ишлаб чи□ариш фондларининг корхонанинг □ар бир ходими ёки ишчисига тў□ри келувчи □ажми).*

**Франчайзер** - *франчайзи билан франчайзинг шартномаси имзоловчи йирик корхона (корпорация, фирма ва □оказо).*

**Франчайзи** *(оператор) – йирик франчайзер корхона билан битим тузувчи кичик корхона.*

**Франчайзинг** *- йирик ва кичик тадбиркорликнинг аралаш шакли; ўзаро фойдали □амкорлик муносабатлари.*

**Холдинг компанияси** *- ўз капиталидан бош□а компанияларни бош□ариш, уларга ра□барлик □илиш ва дивиденд олиш ма□садида уларнинг акцияларини сотиб олишда фойдаланувчи акциядорлик компанияси.*

**Хусусийлаштириш** *– давлат мулкини бош□а мулкчилик шаклларига, жумладан, жамоа, акциядорлик ва хусусий мулкка ўтказишда мулкчилик муносабатларининг ўзгариш жараёни.*

**Ялпи даромад** *– корхона фаолиятининг якуний натижаларини тавсифлайди □амда ялпи пул тушуми ва ма□сулот ишлаб чи□ариш ва сотишга сарфланувчи барча харажатлар ўртасидаги фар□ни ифодалайди.*

**Ялпи пул тушуми** *– товар ма□сулоти, иш, хизмат ва моддий бойликларни сотишдан тушувчи пулнинг умумий ми□дори.*

**Ялпи фойда** *– корхона ялпи даромадининг барча мажбурий тўловларни чи□ариб ташлагандан сўнг корхона ихтиёрида □олувчи □исми.*

**□у□у□ий шахс** *– фу□аролик субъекти сифатида фаолият юритувчи, муста□ил баланс, гербли му□р ва банкда □исоб ра□амига эга, Низом асосида фаолият юритувчи □амда бакнротга учраганда ўз мулки билан жавоб берувчи корхона.*

**□айта тиклаш** *– мавжуд ишлаб чи□аришни техник ва ташкилиш такомиллаштириш, асосий фондларни комплекс равишда янгилаш ва замонавийлаштириш асосида тўли□ □айта □уриш жараёни.*

**«ТДИУ ва МД□ мамлакатлари и□тисодиёт мутахассисликлари бўйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари» (15000 мавзу) руйхатидаги БМИ ишларини бажаришда □ўллаш мумкин бўлган мавзулар руйхати**

| **БМИ мавзулари** | Маърузалар матнидаги мос келувчи мавзулар |
|---|---|
| 1. Ислоҳатларни чукурлаштириш шароитида корхонанинг баҳо сиёсати. | X МАВЗУ. КОРХОНА РЕНТАБЕЛЛИГИ, ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР<br>II МАВЗУ. КОРХОНА – МУСТА□ИЛ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ БОЗОР СУБЪЕКТИ |
| 2. Корхонада ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланиш. | VII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИ□АРИШ □УВВАТИ<br>VI МАВЗУ. ИШЛАБ ЧИ□АРИШНИНГ И□ТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ САМАРАДОРЛИГИ |
| 3. Акционерлик корхоналари капиталидан унумли фойдаланишнинг асосий йўналишлари. | VI МАВЗУ. ИШЛАБ ЧИ□АРИШНИНГ И□ТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ САМАРАДОРЛИГИ |
| 4. Корхона ишлаб чиқариш дастурини ва уни шакллантириш асослари. | VII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИ□АРИШ □УВВАТИ |
| 5. Корхонанинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги. | VII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИ□АРИШ □УВВАТИ<br>VI МАВЗУ. ИШЛАБ ЧИ□АРИШНИНГ И□ТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ САМАРАДОРЛИГИ |
| 6. Саноат корхонасининг тижорат сири ва иқтисодий хавфсизлиги. | XII-БОБ. КОРХОНА ХАВФСИЗЛИГИ ВА ТИЖОРАТ СИРЛАРИ |
| 7. Саноат маҳсулоти таннархини камайтириш йўллари. | X МАВЗУ. КОРХОНА РЕНТАБЕЛЛИГИ, ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР |
| 8. Кичик ва йирик корхоналар кооперациясини ташкил этишнинг асосий йўналишлари. | II МАВЗУ. КОРХОНА – МУСТА□ИЛ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ БОЗОР СУБЪЕКТИ<br>III МАВЗУ. КОРХОНАНИ ТАШКИЛ □ИЛИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ |
| 9. Ишлаб чиқаришнинг материал сиғимини камайтиришнинг иқтисодий механизми. | V МАВЗУ. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БАШОРАТ □ИЛИШ<br>VII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ |

| | |
|---|---|
| | АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИ□АРИШ □УВВАТИ<br><br>VIII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ |
| 10. Корхонада айланма маблағлардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари | VIII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ |
| 11. Корхонани модернизациялашда лизингнинг ўрни. | VII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИ□АРИШ □УВВАТИ |
| 12. Замонавий корхоналарнинг инвестицион фаолиятини яхшилаш йўллари. | XI МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ |
| 13. Корхона меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятлари. | IX МАВЗУ. КОРХОНАДА КАДРЛАР ВА МЕ□НАТГА □А□ ТЎЛАШ |
| 14. Саноат корхоналари ишлаб чиқариш тузилмасини такомиллаштириш йўллари. | IV МАВЗУ. КОРХОНАНИ БОШ□АРИШ |
| 15. Корхона иқтисодиётида бизнес-режалаштиришнинг ўрни ва уни ишлаб чиқиш асослари. | V МАВЗУ. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА<br>БАШОРАТ □ИЛИШ |
| 16. Саноат корхонасида меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари ва йўллари. | VI МАВЗУ. ИШЛАБ ЧИ□АРИШНИНГ И□ТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ САМАРАДОРЛИГИ |
| 17. Саноат корхонасининг молиявий аҳволини яхшилаш йўллари. | VIII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ<br>X МАВЗУ. КОРХОНА РЕНТАБЕЛЛИГИ, ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР<br>VI МАВЗУ. ИШЛАБ ЧИ□АРИШНИНГ И□ТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ САМАРАДОРЛИГИ |
| 18. Корхона ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги. | VII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИ□АРИШ □УВВАТИ |
| 19. Корхонада ресурс тежамкорлиги ва уни амалга ошириш йўналишлари. | VII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИ□АРИШ □УВВАТИ<br>VIII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ |

| | |
|---|---|
| | АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ |
| 20. Корхонада фойдани шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш йўллари. | X МАВЗУ. КОРХОНА РЕНТАБЕЛЛИГИ, ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР |
| 21. Саноат корхонасида ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш имкониятлари ва йўллари. | X МАВЗУ. КОРХОНА РЕНТАБЕЛЛИГИ, ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР |
| 22. Саноат корхонасида молиявий режалаштиришни такомиллаштириш. | V МАВЗУ. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БАШОРАТ □ИЛИШ |
| 23. Саноат корхонаси рентабеллигини оширишнинг асосий омиллари. | X МАВЗУ. КОРХОНА РЕНТАБЕЛЛИГИ, ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР |
| 24. (9285)Денежнўе средства предприятия (фирмў). | VIII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ<br>X МАВЗУ. КОРХОНА РЕНТАБЕЛЛИГИ, ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР |
| 25. (9269)Планирование производства и жизненнўй цикл продукции. | V МАВЗУ. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА<br>БАШОРАТ □ИЛИШ |
| 26. (9270)Внутрипроизводственное планирование вўпускаемой продукции. | V МАВЗУ. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА<br>БАШОРАТ □ИЛИШ |
| 27. (9265)Формирование бизнес-плана предприятия (фирмў). | V МАВЗУ. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА<br>БАШОРАТ □ИЛИШ |
| 28. (9264)Система планирования в условиях рўночной экономики. | V МАВЗУ. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА<br>БАШОРАТ □ИЛИШ |
| 29. (9268)Производственная моҳность предприятия (фирмў). | VII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИ□АРИШ □УВВАТИ |
| 30. (9252)Структура органов управления на предприятии (фирме). | IV МАВЗУ. КОРХОНАНИ БОШ□АРИШ |
| 31. (9251)Система управления предприятием (фирмой). | IV МАВЗУ. КОРХОНАНИ БОШ□АРИШ |

| | |
|---|---|
| 32. (9242)Оценка основнӯх фондов предприятия. | VII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИ□АРИШ □УВВАТИ |
| 33. (9241)Основнӯе и оборотнӯе средства предприятия. | VII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИ□АРИШ □УВВАТИ<br>VIII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ |
| 34. (9244)Оборотнӯе средства предприятия. | VIII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ |
| 35. (9247)Инвестиционная деятельность фирмӯ. | XI МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ |
| 36. (9273)Определение потребности в материальнӯх ресурсах предприятия (фирмӯ). | VIII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ<br>V МАВЗУ. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА<br>БАШОРАТ □ИЛИШ |
| 37. (9275)Источники финансирования и оценка экономической эффективности капитальнӯх вложений на фирме. | XI МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ<br>VI МАВЗУ. ИШЛАБ ЧИ□АРИШНИНГ И□ТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ САМАРАДОРЛИГИ |
| 38. (9293)Нормирование материальнӯх и трудовӯх ресурсов на предприятии (фирме). | VIII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ<br>VI МАВЗУ. ИШЛАБ ЧИ□АРИШНИНГ И□ТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ САМАРАДОРЛИГИ |
| 39. (9292)Управление оборотнӯми средствами на предприятии (фирме). | VIII МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ |

## АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР ШАР□И

1. **О.И. Волков, Экономика предприятия, Учебник. М., “ИНФРА-М”, 2000.**

Дарслик 4 бўлим, 19 бобдан иборат.

1-бўлим «Корхона. Бирлашма» деб номланади. У 6 бобни ўз ичига олган ва уларда ишлаб чи□ариш корхонаси - и□тисодиётнинг асоси; хўжалик бирлашмалари; корхонанинг моддий асоси (базаси); корхонанинг айланма мабла□лари; корхона молияси; ходимлар ва ме□нат мотивацияси каби муаммолар кўриб чи□илади.

2-бўлим корхонанинг тадбиркорлик фаолиятига ба□ишланган бўлиб, унда 5 та боб мавжуд.

3-бўлим корхонани бош□ариш ва унинг фаолиятини тартибга солишга ба□ишланган бўлиб, унда асосий масалалар 5 та бобда кўриб чи□илади.

4-бўлимда ривожланиш омиллари ва корхонада ишлаб чи□аришни тўхтатилиши муаммолари 3 та бобда ўрганлади.

2. **Г.И. Шепеленко. Экономика, организация и планирование производства на предприятии. Учебное пособие. Ростов-на-Дону, Изд. Центр “МАРТ”, 2000.**

Ў□ув □ўлланма и□тисодий йўналишдаги талабаларга мўлжалланган бўлиб, и□тисодиёт. ишлаб чи□аришни ташкил этиш ва режалаштиришнинг амалий жи□атларини ўрганишга ба□ишланган.

□ўлланма 3 та бўлим ва 18 та мавзуни ўз ичига олган бўлиб, 1-бўлим «Корхона бозор муносабатлари тизимида»,

2-бўлим «Корхона ва ишлаб чи□аришни ташкил этиш»,

3-бўлим «Корхона фаолиятини режалаштириш».

1-бўлимда 5 та мавзу бўлиб, уларда корхона ва и□тисодий исло□отлар; корхоналарнинг ташкилий-□у□у□ий шаклллари; монопол корхоналарни назорат □илиш; кичик бизнес корхоналари ва ба□они шакллантириш масалалари ёритилган.

2-бўлим эса корхонада ишлаб чи□аришни ташкил этиш усулларига ба□ишланган.

3-бўлимда эса корхонанинг ишлаб чи□ариш □увватини режалаштириш, бизнес-режалаштириш, корхона ва ишлаб чи□ариш дастурини режалаштириш ва бош□а режалаштиришга оид масалалар ёритилган.

3. **Экономика предприятия / Под ред. Е.Л. Кинтора Спб. Питер, 2003. -352 с.**

Дарсликдаги материаллар ишлаб чиа□ариш корхоналари фаолиятига объектив и□тисодий □онунларнинг таъсирини ўрганишга □амда ме□нат самарадорлигини оширишнинг омиллари ва резервларини социологик таълил □илиш муаммоларига, ма□сулот сифатини бош□аришга □амда корхонанинг самарали инвестицион сиёсатини ишлаб чи□ишга катта эътибор □аратилган.

Дарслик 11 бобдан иборат бўлиб, унда кутиладиган муаммолар ТДИУ дастурига тўла мос келади.

4. **В.П. Грузинов, В.Д.Грибоев. Экономика предприятия: Учеб. пособие. - г-е изд. -М.: Финансў и статистика, 2001. -208 с.**

□ўлланма 4 та бўлим 18 мавзудан иборат.

1-бўлимда «Бозор шароитларида корхона фаолиятининг и□тисодий асослари» масалалари ёритилган бўлиб, у 5 та мавзуни ўз ичига олган.

2-бўлимда корхона ресурслари ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари 4 та мавзу ор□али ёритилиб берилган.

3-бўлим корхона фаолияти натижаларининг и□тисодий кўрсаткичларга ба□ишланган бўлиб, 5 та мавзуни ўз ичига олади.

4-бўлим эса корхона тадбиркорлик фаолиятини бош□аришга ба□ишланган бўлиб, корхонанинг инновацион ва инвестицион фаолияти, тадбиркорликнинг тижорат □исоби каби мавзулар кенг тавсифланган.

5. **Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.**

Дарслик 3 марта босмадан чи□иб, янги материаллар билан бойитилган. Дарсликка бозор и□тисодиёти шароитида корхоналарни таркибий □айта □уриш, тадбиркорлик □авф-хатари ва ра□обат, корхона молиясини бош□ариш ва соли□□а тортиш бўйича янги маълумотлар киритилган. Дарслик 3 та бўлим, 31 бобдан иборат бўлиб, 1-бўлим бозор и□тисодиёти шароитидаги корхона фаолиятига ба□ишланган бўлиб, 7 та бобни ўз ичига олади. 2- бўлим эса корхона фаолиятининг ишлаб чи□ариш омилларига ба□ишланган бўлиб 11 бобни ўз ичига □амраб олади. 3-бўлимда корхонани бош□аришнинг и□тисодий механизмлари 13 та бобда ёритилади.

Ушбу дарсликни дастурдан таш□арии муста□ил тайёрланиш учун □ам кўплаб маълумотларни олиш мумкин.

6. **Энциклопедия бизнес – планов: Методика разработки. 75 реальнўх образцов бизнес – планов. Горемўкин В.А., Нестерова Н.В.- М.: «Ось-89», 2003. –1104с.**

□ўлланмада тушунарли ва лўнда шаклда бизнес-режа барча бўлимларини асослашнинг методологик асослари ва методикаси ёритиб борилган.

□ўлланмада 75 та реал бизнес режа келтирилган бўлиб, истеъмол товарларини ишлаб чи□ариш, □урилиш ва хизмат кўрсатиш, банк иши, медицина хизмати, савдо ва мультимедия со□аларига оиддир.

7. **Пивоваров К.В. Бизнес-планирование. 3-е изд. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко», 2002. – 164 с.**

□ўлланма 4 та бобдан иборат бўлиб, уларда бизнес

режалаштиришнинг услубий асослари, бизнес-режани ишлаб чи□иш тамойиллари, бизнес-режа асосий кўрсаткичларини ишлаб чи□иш услубиятини, турли корхоналар учун бизнес-режа ишлаб чи□ишнинг хусусиятлари ёритилган.

8. **Сухова Л.Ф., Чернова Н.А. Практикум по разработке бизнес-плана и финансовому анализу предприятия: Учебное пособие. – М.: Финансў и статистика, 2001. – 160 с.: ил.**

□ўлланма икки □исмдан иборат

1-□исмда янги ма□сулот ишлаб чи□риш бўйича бизнес-режани тайёрлаш услубияти ва керамик плитка ишлаб чи□ариш бўйича бизнес-режани ишлаб чи□иш наъмунаси ёртилган.

2-□исмда эса молиявий та□лил ёритилиб, реал мисол келтирилган.

9. **Сборник бизнес-планов деловўх ситуаций с рекомендациями и комментариями: Учеб. прак. пос. /Под ред. В.М.Попова, С.И.Ляпунова . –М.: КноРус, 2003.**

□ўлланмада фирмада бизнес-режалаштириш жараёни □ис□ача баён □илинади, бизнес режани ишлаб чи□иш ва мониторингининг дастурий воситалари та□лил □илинади. Бизнес-режаларнинг реал наъмуналари келтирилган. Бизнес-режани амалга ошириш ва силжитиш бўйича ишларни ташкил этишнинг мазмуни ёритиб берилади. Хал□аро бизнес талабларига мос келувчи наъмунавий □ужжатлар келтирилади, бизнес-режа ишлаб чи□увчилар томонидан йўл □ўйиладиган анъанавий хатолар та□лили берилади.

10. **Бринк И.Ю., Савельево Н.А. Бизнес-план предприятия. теория и практика. - Ростов н/д. «Финикс», 2003. 384 с.**

□ўлланма икки □исмдан иборат

1-□исмда корхона бизнес-режалаштиришнинг асослари бўйича 8 та савол ёритилган.

2-□исмда бизнес-режани тайёрлаш услубияти 12 та савол ор□али ёритилади.

□ўлланмада бизнес-режани тайёрлашда Интернет ресурсларидан фойдаланиш ва дастурларни □ўллаш бўйича кўрсатмалар, масалалар (практикум), таблица ва жадваллар келтирилган.

# АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. «Тадбиркорлик субъектларини □у□у□ий □имоя □илиш тизимларини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармони // Хал□ сўзи, 16 июнь, №115.
2. «Тадбиркорлик субъектлари томонидан та□дим этиладиган □исобот тизимини такомиллаштириш ва уни но□онуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тў□рисида»га Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги □арори // Хал□ сўзи, 17 июнь, №116.
3. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.
4. «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни ра□батлантиришдаги □ўшимча чора-тадбирлар тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-620-сонли Фармони // Хал□ сўзи, 21 июнь, №118.
5. «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик со□асидаги □у□у□бузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 25июнь, №122.
6. «Ўзбекситон Республикаси ижтимоий-и□тисодий ривожланиши 2005 йил 1-чорак асосий якунлари тў□рисида» // Хал□ сўзи, 6 май, №87.
7. И.А. Каримов Ўзбекистон XXI аср бўса□асида: хавфсизликка та□дид, тара□□иёт шартлари ва кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
8. И.А. Каримов Ўзбекистон – XXI асрга интилмо□да. Т., “Ўзбекистон”, 1999.
9. И.А. Каримов “Ўзбекистон и□тисодий исло□отларни чу□урлаштириш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1995.
10. И.А. Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., “Ўзбекистон”, 1993.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тў□рисида”ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., “Ўзбекистон”, 2004., №3
12. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
13. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.-223 б.
14. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.
15. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.

16. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
17. Гурков И.Б. Инновационное развитие и конкурентоспособность: Очерки развития 333 российских предприятий. – М.: ТЕИС, 2003.
18. Фомин Я.А. Диагностика кризисного состояния предприятия: Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. 439 с.
19. Гиляровская Л.Т., Вехорова А.А. Анализ и оценка финансовой устойчивости коммерческого предприятия. – СПб: Питер, 2003. –249 с.
20. Крўлов Э.И. Анализ эффективности инвестиционной и инновационной деятельности предприятий / Учеб пос. 2е изд. пере раб и доп.. –М.: Финансў и статистика, 2003. –605 с.
21. Гуртов В.К. Инвестиционнўе ресурсў. – М.: Экзамен, 2002
22. Инвестиционнўе процессў в условиях глобализации.- М.: ТЕИС, 2002
23. Богатин Ю.В. Швандар В.А. Инвестиционнўй анализ. Учеб пос. - М.: ЮНИТИ, 2001
24. Ковалев В.В. Методў оценки инвестиционнўх проектов. - М.: Финансў и статистика, 2003
25. Основнўе показатели уровня развития малого и среднего предпринимательства в республике Узбекистан за 2002 год. Статистический сборник .-Т.; ТДИУ , 2003. –52 с.
26. Фомин Я.А. Диагностика кризисного состояния предприятия: Учеб. пос. для вузов. – М.: ЮНИТИ_ДАНА, 2003. –349 с.
27. Заработная плата на предприятии / Хасанов Н.Х., Хайдаров Ш.У, Югай Л.П. – Т.: издтельский дом “Мир экономики и права”, 2004
28. И.В. Сергеев. Экономика предприятия. Учебник. М., Финансў и статистика. 1997.
29. К.А. Раицкий. Экономика предприятия. Учебник. М., 1999.
30. О.И. Волков, Экономика предприятия, Учебник. М., “ИНФРА-М”, 2000.
31. Г.И. Шепеленко. Экономика, организация и планирование производства на предприятии. Учебное пособие. Ростов-на-Дону, Изд. Центр “МАРТ”, 2000.
32. Г.В. Савицкая. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск, ООО “Новое знание”, 1999.
33. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.
34. Сенге Питер М. и др. пер с анг. Танец перемен: новўе проблемў самообучаюҳихся организаций М.: ЗАО Длимп-Бизнес 2004.
35. Ш.И. Гизотуллин. Как избежать банкротства. Рецептў финансового оздоровления предприятия М.: ЗАО Гресс Медиа Ферлаг 2004.
36. Котте Д. Пер. с англ. Управление инфраструктурой организации М.: ОАО Типография «НОВОСТИ» 2001.
37. Л.Д. Гительман,. Б.Е.Ратников. Эффективная энергокомпания: Экономика. Менеджмент. Реформирование. М.: ЗАО Олимп-Бизнес 2002.

38. В.Д Грибов, В.П. Грузинов Экономика предприятия. Практикум. 3-е изд. перераб. и доп. Учебник М.: ФиС 2004.
39. Практическое пособие к семинарским занятиям по курсу «Экономика фирмў» / Под ред. Иваҳенко М.: Экономич. Факуль. МГУ, ТЕИС. 2003.
40. Экономика предприятия Конспект лекций в списках М.: Приор-издат 2003.
41. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.
42. Аутсорсинг: Создание вўсокоэффективнўх и конкурентоспособнўх организаций. Учебное пособие / Под ред. Б.А.Аникина М.: Инфра – М 2003.
43. Экономика предприятия Конспект лекций М.: Изд-во ПРИОР 2002.
44. «Экономика фирмў и отраслевўх рўнков» // Программа М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС 2000.
45. Экономика предприятия / Под ред. Е.Л. Кинтора Спб. Питер, 2003. -352 с.
46. В.П. Грузинов, В.Д.Грибоев. Экономика предприятия: Учеб. пособие. - г-е изд. -М.: Финансў и статистика, 2001. -208 с.
47. Сергеев И.В Экономика предприятия. 2-е изд. пераб. и доп. Учебное посбие М.: ФиС 2004.
48. Практикум по экономике организации (предприятия). Учебн. Пособ./ Под ред. проф. П.В. Тальминой и проф. Б.В. Чернецовой М.: ФиС 2003.
49. Сбалансированная система Показателей – шаг за шагом: максимальное повўшение эффективности и закреплении полученнўх результатов Пер. с англ. Днепропетровск: Баланс-Клуб 2003.
50. Вумек Джеймс П., Джонс Дениел Т. Пер. с англ. Бережливое производство; Как избавиться от потерь и добиться процветания вашей компании; М.. Альпина Бизнес БУКС 2004.
51. “Создайте свое Дело или что необходимо знать предпринимателю” г. Ташкент, ЮНИДО, Поект “Бизнес-консультативнўй центр”, 2003г.
52. Сборник бизнес-планов деловўх ситуаций с рекомендациями и комментариями: Учеб. прак. пос. /Под ред. В.М.Попова, С.И.Ляпунова . – М.: КноРус , 2003
53. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес планирование. (Учебное пособие). – Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
54. Кристенсен Клейтон М. Как из-за новўх технологий погибают сильнўе компании /Дилемма инноватора Пер.с анг. М.: Альгина Бизнес Бука 2004.
55. Мескон М.Х., Альберт М. и др. Основў менеджмента: Пер с англ. – М.: Дело,2000.-704с.
56. Смирнов Э.А. Управленческие решения М.: ИНФРА-М, 2001.-264с
57. Менеджмент организации. Москва, Инфра-М, 2002 г.
58. Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционнўх проектов и их отбору для финансирования. Издание официальное - М.: ОАО «НПО», издательство «Экономика», 2000

59.http:/www.harvard. edu
60.http:/www.capitul.ru
61.http:/www.5b. ru
62.http:/www.audit - center. Ru

# КОРХОНА И□ТИСОДИЁТИ ФАНИДАН
# ИШ ДАСТУРИ

олий таълимнинг 5340100 «И□тисодиёт (тармо□лар бўйича)» йўналиши талабалари учун

Иш дастури «Корхона и□тисодиёти» фанининг намунавий дастури негизида тузилган

## 1. КИРИШ

Курсни ўрганиш ма□сади корхоналарни ишлаб чи□ариш кучларини ривожоантиришдаги ва миллий и□тисодиётни кўтаришдаги ролини ва ўрнини ани□лашдан иборат. Фан талабаларда зарур ани□ и□тисодиёт билимларни шакллаштиришга □аратилган бўлиб, бу эса бозор муносабатлари ва и□тисодий ишларни маркази □озирги кунда бирламчи бў□ин Корхона и□тисодиёти даражасига кўтарилган шароитларда жуда му□им □исобланади.

Курс бўйича бакалавр □уйидагиларни билиши керак: бош□а хўжалик субъектларидан корхоналар функциялари ва белгиларини; корхоналар фаолиятига тааллу□ли ва унга ало□аси бўлган □онунлар ва □онун □ужжатларини; курсда ўрганиладиган муаммо ва вазифаларни манти□ий, кетма-кетлигини ва ўзаро ало□адорлигиини; турли хил и□тисодий ва ташкилий-техникавий тадбирларни муста□ил □исоблаш  ва тў□ри та□лил □илиш услубларини; олинган билимларни ишлаб чи□ариш амалиётида □ўллашни; курсда кўзда тутилган муста□ил ишларни ўз ва□тида ва сифатли бажариш □обилиятига эга бўлишлари керак.

Бу фанни ў□итиш даврида "И□тисодиёт назарияси", "Саноат и□тисодиёти", "Маркетинг", "Менежмент", "Бизнес-режа", "Персонални бош□ариш" ва шу каби бош□а фанлар билан бирга ало□адор □олда ўрганиб борилади.

## 2. ФАННИНГ МАЪРУЗА, АМАЛИЙ (СЕМИНАР) МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ СОАТЛАР БЎЙИЧА ТА□СИМОТИ ЖАДВАЛИ

| № | Мавзунинг номи | Аудитория соатлари | |
|---|---|---|---|
| | | Маъруза | Семинар |
| 1. | «Корхона и□тисодиёти» курсининг мазмуни ва вазифалари | 2 | 2 |
| 2. | Корхона – муста□ил хўжалик юритувчи бозор субъекти | 2 | 2 |
| 3. | Корхонани ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш | 2 | 2 |
| 4. | Корхонани бош□ариш | 2 | 2 |
| 5. | Корхона фаолиятини режалаштириш ва башорат □илиш | 4 | 4 |
| 6. | Ишлаб чи□аришнинг и□тисодий ва ижтимоий самарадорлиги | 2 | 2 |
| 7. | Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чи□ариш □уввати (янги педагогик технологиялар асосида)* | 4 | 4 |

* Методик ишланманинг □ис□ача варианти 1-иловада келтирилган

| | | | |
|---|---|---|---|
| 8. | Корхонанинг айланма мабла□лари | 4 | 4 |
| 9. | Корхонада кадрлар ва ме□натга □а□ тўлаш | 4 | 4 |
| 10. | Корхона фаолиятини харажатлари, даромади ва рентабеллиги | 4 | 4 |
| 11. | Корхонанинг инвестициявий фаолияти | 4 | 4 |
| 12. | Корхонанинг хавфсизлиги ва тижорат сири | 2 | 2 |
| | **ЖАМИ:** | **36** | **36** |

## 3. МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ.

### Маъруза маш□улотлари мавзуларининг соатлар бўйича та□симоти жадвали

| Маъруза тартиб ра□ами | Наъмунавий ў□ув дастуридаги мавзунинг тартиб ра□ами | Мавзуларнинг номи | Ажра-тилган соат-лар |
|---|---|---|---|
| 1 | 1 | «Корхона и□тисодиёти» курсининг мазмуни ва вазифалари | 2 |
| 2 | 2 | Корхона – муста□ил хўжалик юритувчи бозор субъекти | 2 |
| 3 | 3 | Корхонани ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш | 2 |
| 4 | 4 | Корхонани бош□ариш | 2 |
| 5-6 | 5 | Корхона фаолиятини режалаштириш ва башорат □илиш | 4 |
| 7 | 6 | Ишлаб чи□аришнинг и□тисодий ва ижтимоий самарадорлиги | 2 |
| 8-9 | 7 | Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чи□ариш □уввати | 4 |
| 10-11 | 8 | Корхонанинг айланма мабла□лари | 4 |
| 12-13 | 9 | Корхонада кадрлар ва ме□натга □а□ тўлаш | 4 |
| 14-15 | 10 | Корхона фаолиятини харажатлари, даромади ва рентабеллиги | 4 |
| 16-17 | 11 | Корхонанинг инвестициявий фаолияти | 4 |
| 18 | 12 | Корхонанинг хавфсизлиги ва тижорат сири | 2 |

**1-мавзу: «Корхона и□тисодиёти» курсининг мазмуни ва вазифалари» (2 соат)**

1. И□тисодиёт фан ва ишлаб чи□ариш фаолиятининг со□аси сифатида.

2. «Корхона и□тисодиёти» – и□тисодий фаннинг таркибий □исми ва билимлар со□аси таркибий □исми.

3. «Корхона и□тисодиёти» курсининг мазмуни, вазифалари ва бош□а фанлар билан ало□аси.

**Тавсия этилган адабиётлар**

1. «Тадбиркорлик субъектларини □у□у□ий □имоя □илиш тизимларини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармони // Хал□ сўзи, 16 июнь, №115.

2. «Бозор ислo□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.

3. «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни ра□батлантиришдаги □ўшимча чора-тадбирлар тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-620-сонли Фармони // Хал□ сўзи, 21 июнь, №118.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тў□рисида”ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., “Ўзбекистон”, 2004., №3

5. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.

6. http:/www.harvard. edu
7. http:/www.capitul.ru
8. http:/www.5b. ru
9. http:/www.audit - center. ru

## 2-мавзу: «Корхона – муста□ил хўжалик юритувчи бозор субъекти» (2 соат)

1. Миллий и□тисодиёт ривожланишида корхонанинг ўрни ва роли.
2. Корхонанинг белгилари, функциялари ва вазифалари.
3. Корхоналарни таснифлаш.
4. Корхона тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар.

**Тавсия этилган адабиётлар**

1. «Тадбиркорлик субъектларини □у□у□ий □имоя □илиш тизимларини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармони // Хал□ сўзи, 16 июнь, №115.

2. «Бозор ислo□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.

3. «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни ра□батлантиришдаги □ўшимча чора-тадбирлар тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-620-сонли Фармони // Хал□ сўзи, 21 июнь, №118.

4. И.А. Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., “Ўзбекистон”, 1993.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тў□рисида”ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., “Ўзбекистон”, 2004., №3

6. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.

7. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.

8. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.

9. http:/www.harvard. edu
10. http:/www.capitul.ru
11. http:/www.5b. ru
12. http:/www.audit - center. ru

## 3-мавзу: «Корхонани ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш»

(2 соат)

1. Корхонани ташкил □илиш тамойиллари.
2. Таъсис □ужжатлари.
3. Корхоналарнинг давлат томонидан рўйхатга олиниши.
4. Корхоналарни тугатиш ва □айта ташкил □илиш.

**Тавсия этилган адабиётлар**


1. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.
2. «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни ра□батлантиришдаги □ўшимча чора-тадбирлар тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-620-сонли Фармони // Хал□ сўзи, 21 июнь, №118.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий корхоналар тў□рисида"ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., "Ўзбекистон", 2004., №3
4. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
5. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
6. http:/www.harvard. edu
7. http:/www.capitul.ru
8. http:/www.5b. ru
9. http:/www.audit - center. ru


4-мавзу: «Корхонани бош□ариш» (2 соат)

1. Бош□арув замонавий корхоналар фаолиятида объектив зарурият сифатида.
2. Бозор муносабатлари шароитларида корхонани бош□аришнинг тамойиллари, ма□сад ва вазифалари.
3. Бош□арувнинг ташкилий тузилмалари ва функциялари.
4. Корхонани бош□аришнинг ўзига хос хусусиятлари.
5. Корхонани бош□аришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

**Тавсия этилган адабиётлар**


1. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.
2. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
3. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
4. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.
5. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.
6. http:/www.harvard. edu
7. http:/www.capitul.ru
8. http:/www.5b. ru
9. http:/www.audit - center. ru

**5-мавзу: «Корхонани фаолиятини режалаштириш ва башорат □илиш» (4 соат)**

***1-маш□улот (2 соат)***

1. Бозор и□тисодиёти шароитларида режалаштириш ва башорат □илишнинг и□тисодий табиати ва объектив зарурияти.

2. Корхонада режалаштиришнинг услубий асослари, тамойиллари ва вазифалари.

3. Корхона ишлаб чи□ариш дастурини тайёрлаш.

***2-маш□улот (2 соат)***

1. Режалаштириш технологияси ва корхона режалари тузилмаси.
2. Бизнес-режа, унинг мазмуни ва ишлаб чи□иш тартиби.
3. Корхоналарда режалаштириш ва башорат □илиш.

**Тавсия этилган адабиётлар**


1. «Тадбиркорлик субъектлари томонидан та□дим этиладиган □исобот тизимини такомиллаштириш ва уни но□онуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тў□рисида»га Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги □арори // Хал□ сўзи, 17 июнь, №116.

2. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.

3. «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни ра□батлантиришдаги □ўшимча чора-тадбирлар тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-620-сонли Фармони // Хал□ сўзи, 21 июнь, №118.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тў□рисида”ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., “Ўзбекистон”, 2004., №3

5. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.

6. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.-223 б.

7. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.

8. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.

9. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.

10. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.

11. http:/www.harvard. edu

12. http:/www.capitul.ru

13. http:/www.5b. ru

14. http:/www.audit - center. ru


**6-мавзу: «Ишлаб чи□аришнинг и□тисодий ва ижтимоий самарадорлиги» (2 соат)**

1. Самарадорлик – корхона ишлаб чи□ариш фаолиятида му□им ўлчов бирлигидир.

2. Хўжалик юритиш самарадорлигининг мезон ва кўрсаткичлари.

3. Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва омиллари.

**Тавсия этилган адабиётлар**

1. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.
2. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
3. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.
4. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.
5. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
6. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
7. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.
8. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.
9. http:/www.harvard. edu
10. http:/www.capitul.ru
11. http:/www.5b. ru

**7-мавзу: «Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чи□ариш □уввати» (4 соат)**

***1-маш□улот (2 соат)***

1. Асосий фондларнинг мо□ияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни.
2. Корхонада асосий фондларнинг эскириши, уларни ба□олаш ва таъмирлаш.
3. Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш йўллари ва кўрсаткичлари.
4. Корхонанинг ишлаб чи□ариш □уввати.

***2-маш□улот (2 соат)***

1. Корхонада асосий воситалар □олатини ифодаловчи кўрсаткичлар.
2. Корхонада асосий воситалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар.
3. Корхонада асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

**Тавсия этилган адабиётлар**

1. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони FF Хал□ сўзи, 15 июнь.
2. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
3. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.
4. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.

5. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
6. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
7. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.
8. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.
9. http:/www.harvard. edu
10. http:/www.capitul.ru
11. http:/www.5b. ru
12. http:/www.audit - center. ru

## 8-мавзу: «Корхонанинг айланма мабла□лари» (4 соат)

***1-маш□улот (2 соат)***

1. Айланма мабла□лар тушунчаси, и□тисодий табиати ва уларнинг корхона фаолиятидаги а□амияти.
2. Айланма мабла□ларнинг тузилмаси ва □аракати □амда уларнинг корхона и□тисодиётига таъсири.
3. Айланма мабла□ларни нормалаштириш.
4. Айланма мабла□лардан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларнинг айланишини тезлаштириш йўллари.

***2-маш□улот (2 соат)***

1. Корхонада айланма мабла□лар □олатини ифодаловчи кўрсаткичлар.
2. Корхонада айланма мабла□лар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар.
3. Корхонада айланма мабла□лар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

**Тавсия этилган адабиётлар**

1. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тў□рисида”ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., “Ўзбекистон”, 2004., №3
3. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
4. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.
5. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.
6. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
7. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
8. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.
9. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.
10. http:/www.harvard. edu
11. http:/www.capitul.ru
12. http:/www.5b. ru

13. http:/www.audit - center. ru

### 9-мавзу: «Корхонада кадрлар ва ме□натга □а□ тўлаш» (4 соат)

***1-маш□улот (2 соат)***

1. Корхонанинг кадрлар сало□ияти.
2. Бозор и□тисодиёти шароитларида корхонанинг кадрлар сиёсати.
3. Корхонада ме□натга □а□ тўлаш.

***2-маш□улот (2 соат)***

1. Корхона ме□нат сало□ияти самарадорлигини ба□олаш мезонлари.
2. Ме□нат сало□иятини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг таснифи ва ани□лаш йўллари.
3. Ме□нат мотивацияси, типлари ва омиллари.

**Тавсия этилган адабиётлар**

1. «Тадбиркорлик субъектларини □у□у□ий □имоя □илиш тизимларини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармони FF Хал□ сўзи, 16 июнь, №115.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тў□рисида”ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., “Ўзбекистон”, 2004., №3
3. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
4. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.
5. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
6. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
7. Заработная плата на предприятии / Хасанов Н.Х., Хайдаров Ш.У, Югай Л.П. – Т.: издтельский дом “Мир экономики и права”, 2004
8. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.
9. http:/www.harvard. edu
10. http:/www.capitul.ru
11. http:/www.5b. ru
12. http:/www.audit - center. ru

### 10-мавзу: «Корхона фаолиятини харажатлари, даромади ва рентабеллиги» (4 соат)

***1-маш□улот***

1. Харажатлар тушунчаси ва унинг таснифланиши.
2. Фойда ва унинг шаклланиш манбалари, та□симланиш тартиби ва кўпайтириш йўллари.
3. Рентабелликнинг мо□ияти ва кўрсаткичлари.

***2-маш□улот (2 соат)***

1. Фойда даражасини белгиловчи омиллар
2. Рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари ва уларни □исоблаш услуби.
3. Ишлаб чи□ариш харажатларини □исоблаш услуби ва махсулот бирлиги таннархи калкуляцияси.

**Тавсия этилган адабиётлар**

1. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.

2. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.

3. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.

4. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.

5. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.

6. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.

7. http:/www.harvard. edu

8. http:/www.capitul.ru

9. http:/www.5b. ru

10. http:/www.audit - center. ru

**11-мавзу: «Корхонанинг ивестицион фаолияти» (4 соат)**

***1-маш□улот (2 соат)***

1. Инвестициялар корхона ишлаб чи□ариш сало□иятини ривожлантириш ва муста□камлаш воситаси сифатида.
2. Корхонада инвестициялашнинг асосий манбалари ва йўналишлари.
3. Инвестицияларнинг и□тисодий самарадорлигини ба□олаш.

***2-маш□улот (2 соат)***

1. Инвестицияларнинг и□тисодий самарадорлигини ба□олаш услублари.
2. Корхонада инвестициялар портфелини шакллантириш.
3. Капитал □ўйилмалар бўйича инвестиция □арорларини тайёрлаш.

**Тавсия этилган адабиётлар**

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2005 йил 11 апрелдаги «Тў□ридан-тў□ри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни ра□батлантириш борасидаги □ўшимча чора-тадбирлар тў□рисида»ги Фармони.FF Хал□ сўзи, 12 апрел 2005 й.

2. «Ўзбекистон республикасининг 2005 йилги инвестиция Дастури тў□рисида» Ўзбекистон республикаси Вазирлар Ма□камасининг □арори 30.11.2004 й. № 560

3. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони FF Хал□ сўзи, 15 июнь.

4. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.

5. Расулов Н.Н. Стимулирование привлечения иностраннўх инвестиций в экономику Узбекистан. –Т.: Фан, 2003.

6.Вахрин П.И. Инвестиции: Практический задачи и конкретнўе ситуациии. Учеб. пос. –М.: «Дашков и К», 2003.

7.Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.

8.В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.

9.http:/www.harvard. edu

10. http:/www.capitul.ru
11. http:/www.5b. ru
12. http:/www.audit - center. ru

**12-мавзу: «Корхонанинг хавфсизлиги ва тижорат сири» (2 соат)**

1. Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг ма□сади, вазифалари ва тамойиллари.
2. Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг ташкил этиш ва бош□ариш.
3. Корхона хавфсизлик хизматлари, унинг тузилиши ва вазифалари.
4. Корхонанинг тижорат сирлари.

**Тавсия этилган адабиётлар**

1. «Тадбиркорлик субъектларини □у□у□ий □имоя □илиш тизимларини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармони // Хал□ сўзи, 16 июнь, №115.

2. «Тадбиркорлик субъектлари томонидан та□дим этиладиган □исобот тизимини такомиллаштириш ва уни но□онуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тў□рисида»га Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги □арори // Хал□ сўзи, 17 июнь, №116.

3. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.

4. «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик со□асидаги □у□у□бузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 25июнь, №122.

5. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.

6. http:/www.harvard. edu
7. http:/www.capitul.ru
8. http:/www.5b. ru
9. http:/www.audit - center. ru

## 4. Амалий (семинар) маш□улотлари режалари

Семинар ва амалий маш□улотлар таълим жараёнининг давоми бўлибгина □олмай, балки фаннинг у ёки бу мавзуси (муаммоси) бўйича маърузалардан олинган маълумотларни мукаммаллаштиришга ёрдам беради. Семинар ва амалий маш□улотларда ташаббус талабаларга берилади, улар му□окама □илинадиган назарий мавзулар бўйича ўз фикрлари ва □арашларини билдирадилар □амда ушбу маш□улотни олиб бараётган ў□итувчи рахбарлигида турли хил масалаларни ечиб борадилар.

**Амалий (семинар) маш□улотлари мавзуларининг соатлар бўйича та□симоти жадвали**

| Амалий (семи-нар) маш□улотлари тартиб ра□ами | Наъмунавий ў□ув дастуридаги мавзунинг тартиб ра□ами | Мавзуларнинг номи | Ажра-тилган соат-лар |
|---|---|---|---|

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | 1 | «Корхона и□тисодиёти» курсининг мазмуни ва вазифалари | 2 |
| 2 | 2 | Корхона – муста□ил хўжалик юритувчи бозор субъекти | 2 |
| 3 | 3 | Корхонани ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш | 2 |
| 4 | 4 | Корхонани бош□ариш | 2 |
| 5-6 | 5 | Корхона фаолиятини режалаштириш ва башорат □илиш | 4 |
| 7 | 6 | Ишлаб чи□аришнинг и□тисодий ва ижтимоий самарадорлиги | 2 |
| 8-9 | 7 | Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чи□ариш □уввати | 4 |
| 10-11 | 8 | Корхонанинг айланма мабла□лари | 4 |
| 12-13 | 9 | Корхонада кадрлар ва ме□натга □а□ тўлаш | 4 |
| 14-15 | 10 | Корхона фаолиятини харажатлари, даромади ва рентабеллиги | 4 |
| 16-17 | 11 | Корхонанинг инвестициявий фаолияти | 4 |
| 18 | 12 | Корхонанинг хавфсизлиги ва тижорат сири | 2 |

**1-мавзу: «Корхона и□тисодиёти» курсининг мазмуни ва вазифалари» (семинар маш□улот - 2 соат)**

1. И□тисодиёт фан ва ишлаб чи□ариш фаолиятининг со□аси сифатида.

2. «Корхона и□тисодиёти» – и□тисодий фаннинг таркибий □исми ва билимлар со□аси таркибий □исми.

3. «Корхона и□тисодиёти» курсининг мазмуни, вазифалари ва бош□а фанлар билан ало□аси.

**Тавсия этилган адабиётлар**


1. «Тадбиркорлик субъектларини □у□у□ий □имоя □илиш тизимларини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармони // Хал□ сўзи, 16 июнь, №115.
2. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.
3. «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни ра□батлантиришдаги □ўшимча чора-тадбирлар тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-620-сонли Фармони // Хал□ сўзи, 21 июнь, №118.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий корхоналар тў□рисида"ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., "Ўзбекистон", 2004., №3
5. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
6. http:/www.harvard. edu
7. http:/www.capitul.ru
8. http:/www.5b. ru
9. http:/www.audit - center. ru

**2-мавзу: «Корхона – муста□ил хўжалик юритувчи бозор субъекти»** (семинар маш□улот - **2 соат**)

1. Миллий и□тисодиёт ривожланишида корхонанинг ўрни ва роли.
2. Корхонанинг белгилари, функциялари ва вазифалари.
3. Корхоналарни таснифлаш.
4. Корхона тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар.

**Тавсия этилган адабиётлар**


1. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.
2. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
3. Махмудов Э.Х.,Исаков М.Ю., Нажимадинов Р. «Корхона и□тисодиёти» курси бўйича семинар маш□улотлари ва амалий масалалар тўплами. - Т.: ТДИУ, 2005
4. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.
5. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.
6. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
7. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
8. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.
9. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.
10. http:/www.harvard. edu
11. http:/www.capitul.ru
12. http:/www.5b. ru
13. http:/www.audit - center. ru


**3-мавзу: «Корхонани ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш» (семинар маш□улот - 2 соат)**

1. Корхонани ташкил □илиш тамойиллари.
2. Таъсис □ужжатлари.
3. Корхоналарнинг давлат томонидан рўйхатга олиниши.
4. Корхоналарни тугатиш ва □айта ташкил □илиш.

**Тавсия этилган адабиётлар**


1. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий корхоналар тў□рисида"ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., "Ўзбекистон", 2004., №3
3. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
4. Махмудов Э.Х.,Исаков М.Ю., Нажимадинов Р. «Корхона и□тисодиёти» курси бўйича семинар маш□улотлари ва амалий масалалар тўплами. - Т.: ТДИУ, 2005
5. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.

6. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.
7. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
8. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
9. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.
10. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.
11. http:/www.harvard. edu
12. http:/www.capitul.ru

**4-мавзу: «Корхонани бош□ариш» (семинар маш□улот - 2 соат)**

1. Бош□арув замонавий корхоналар фаолиятида объектив зарурият сифатида.
2. Бозор муносабатлари шароитларида корхонани бош□аришнинг тамойиллари, ма□сад ва вазифалари.
3. Бош□арувнинг ташкилий тузилмалари ва функциялари.
4. Корхонани бош□аришнинг ўзига хос хусусиятлари.
5. Корхонани бош□аришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

**Тавсия этилган адабиётлар**

1. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.
2. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
3. Махмудов Э.Х.,Исаков М.Ю., Нажимадинов Р. «Корхона и□тисодиёти» курси бўйича семинар маш□улотлари ва амалий масалалар тўплами. - Т.: ТДИУ, 2005
4. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойиҳаси, 2003й.
5. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.
6. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.
7. http:/www.harvard. edu
8. http:/www.capitul.ru
9. http:/www.5b. ru
10. http:/www.audit - center. ru

**5-мавзу: «Корхонани фаолиятини режалаштириш ва башорат □илиш» (4 соат)**

Маш□улот а□лий хужум шаклида олиб борилади.

Кичик гурухлар учун мухокама саволлари:

***1-маш□улот (2 соат)***

1. Бозор и□тисодиёти шароитларида режалаштириш ва башорат □илишнинг и□тисодий табиати ва объектив зарурияти.
2. Корхонада режалаштиришнинг услубий асослари, тамойиллари ва вазифалари.
3. Корхона ишлаб чи□ариш дастурини тайёрлаш.

*2-маш□улот (2 соат).*

1. Режалаштириш технологияси ва корхона режалари тузилмаси.
2. Бизнес-режа, унинг мазмуни ва ишлаб чи□иш тартиби.
3. Корхоналарда режалаштириш ва башорат □илиш.

**Тавсия этилган адабиётлар**


1. «Тадбиркорлик субъектлари томонидан та□дим этиладиган □исобот тизимини такомиллаштириш ва уни но□онуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тў□рисида»га Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги □арори // Хал□ сўзи, 17 июнь, №116.

2. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.

3. «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни ра□батлантиришдаги □ўшимча чора-тадбирлар тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-620-сонли Фармони // Хал□ сўзи, 21 июнь, №118.

4. Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий корхоналар тў□рисида"ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., "Ўзбекистон", 2004., №3

5. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.

6. Махмудов Э.Х.,Исаков М.Ю., Нажимадинов Р. «Корхона и□тисодиёти» курси бўйича семинар маш□улотлари ва амалий масалалар тўплами. - Т.: ТДИУ, 2005

7. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.

8. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.

9. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.

10. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.

11. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.

12. http:/www.harvard. edu

13. http:/www.capitul.ru

14. http:/www.5b. ru

15. http:/www.audit - center. ru


**6-мавзу: «Ишлаб чи□аришнинг и□тисодий ва ижтимоий самарадорлиги» (*амалий маш□улот* - 2 соат)**

1. Самарадорлик – корхона ишлаб чи□ариш фаолиятида му□им ўлчов бирлигидир.
2. Хўжалик юритиш самарадорлигининг мезон ва кўрсаткичлари.
3. Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва омиллари.

**Тавсия этилган адабиётлар**


1. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.

2. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.

3. Махмудов Э.Х.,Исаков М.Ю., Нажимадинов Р. «Корхона и□тисодиёти» курси бўйича семинар маш□улотлари ва амалий масалалар тўплами. - Т.: ТДИУ, 2005

4. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.

5. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.

6. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.

7. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.

8.В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.

9.Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.

10. http:/www.harvard. edu

11. http:/www.capitul.ru

12. http:/www.5b. ru

13. http:/www.audit - center. ru

## 7-мавзу: «Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чи□ариш □уввати» (*амалий маш□улот* - 4 соат)

### *1-маш□улот (2 соат)*

1. Асосий фондларнинг мо□ияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни.
2. Корхонада асосий фондларнинг эскириши, уларни ба□олаш ва таъмирлаш.
3. Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш йўллари ва кўрсаткичлари.
4. Корхонанинг ишлаб чи□ариш □уввати.

### *2-маш□улот (2 соат)*

1. Корхонада асосий воситалар □олатини ифодаловчи кўрсаткичлар.
2. Корхонада асосий воситалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар.
3. Корхонада асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

**Тавсия этилган адабиётлар**

1. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.

2. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.

3. Махмудов Э.Х.,Исаков М.Ю., Нажимадинов Р. «Корхона и□тисодиёти» курси бўйича семинар маш□улотлари ва амалий масалалар тўплами. - Т.: ТДИУ, 2005

4. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.

5. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.

6. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.

7. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойиҳаси, 2003й.

8. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.
9. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.
10. http:/www.harvard. edu
11. http:/www.capitul.ru
12. http:/www.5b. ru
13. http:/www.audit - center. ru

**8-мавзу: «Корхонанинг айланма мабла□лари» (*амалий маш□улот* - 4 соат)**

***1-маш□улот (2 соат)***

1. Айланма мабла□лар тушунчаси, и□тисодий табиати ва уларнинг корхона фаолиятидаги а□амияти.
2. Айланма мабла□ларнинг тузилмаси ва □аракати □амда уларнинг корхона и□тисодиётига таъсири.
3. Айланма мабла□ларни нормалаштириш.
4. Айланма мабла□лардан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларнинг айланишини тезлаштириш йўллари.

***2-маш□улот (2 соат)***

1. Корхонада айланма мабла□лар □олатини ифодаловчи кўрсаткичлар.
2. Корхонада айланма мабла□лар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар.
3. Корхонада айланма мабла□лар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

**Тавсия этилган адабиётлар**

1. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тў□рисида”ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., “Ўзбекистон”, 2004., №3
3. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
4. Махмудов Э.Х.,Исаков М.Ю., Нажимадинов Р. «Корхона и□тисодиёти» курси бўйича семинар маш□улотлари ва амалий масалалар тўплами. - Т.: ТДИУ, 2005
5. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.
6. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.
7. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
8. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
9. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.
10. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.
11. http:/www.harvard. edu
12. http:/www.capitul.ru
13. http:/www.5b. ru

14. http:/www.audit - center. ru

## 9-мавзу: «Корхонада кадрлар ва ме□натга □а□ тўлаш» (*амалий маш□улот* - 4 соат)

*1-маш□улот (2 соат)*

1. Корхонанинг кадрлар сало□ияти.
2. Бозор и□тисодиёти шароитларида корхонанинг кадрлар сиёсати.
3. Корхонада ме□натга □а□ тўлаш.

*2-маш□улот (2 соат)*

1. Корхона ме□нат сало□ияти самарадорлигини ба□олаш мезонлари.
2. Ме□нат сало□иятини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг таснифи ва ани□лаш йўллари.
3. Ме□нат мотивацияси, типлари ва омиллари.

**Тавсия этилган адабиётлар**

1. «Тадбиркорлик субъектларини □у□у□ий □имоя □илиш тизимларини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармони // Хал□ сўзи, 16 июнь, №115.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тў□рисида”ги □онуни. □онун ва □арорлар. Т., “Ўзбекистон”, 2004., №3
3. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□улл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
4. Махмудов Э.Х.,Исаков М.Ю., Нажимадинов Р. «Корхона и□тисодиёти» курси бўйича семинар маш□улотлари ва амалий масалалар тўплами. - Т.: ТДИУ, 2005
5. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.
6. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
7. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойи□аси, 2003й.
8. Заработная плата на предприятии / Хасанов Н.Х., Хайдаров Ш.У, Югай Л.П. – Т.: издтельский дом “Мир экономики и права”, 2004
9. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.
10. http:/www.harvard. edu
11. http:/www.capitul.ru
12. http:/www.5b. ru
13. http:/www.audit - center. ru

## 10-мавзу: «Корхона фаолиятини харажатлари, даромади ва рентабеллиги» (*амалий маш□улот* - 4 соат)

*1-маш□улот (2 соат)*

1. Харажатлар тушунчаси ва унинг таснифланиши.
2. Фойда ва унинг шаклланиш манбалари, та□симланиш тартиби ва кўпайтириш йўллари.
3. Рентабелликнинг мо□ияти ва кўрсаткичлари.

*2-маш□улот (2 соат)*

4. Фойда даражасини белгиловчи омиллар

5. Рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари ва уларни □исоблаш услуби.

6. Ишлаб чи□ариш харажатларини □исоблаш услуби ва махсулот бирлиги таннархи калкуляцияси.

**Тавсия этилган адабиётлар**


1. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.
2. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
3. Махмудов Э.Х.,Исаков М.Ю., Нажимадинов Р. «Корхона и□тисодиёти» курси бўйича семинар маш□улотлари ва амалий масалалар тўплами. - Т.: ТДИУ, 2005
4. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.
5. Ма□сулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чи□ариш ва сотиш харажатлари таркиби □амда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби ту□рисадаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.
6. Абдукаримов И.Т. ва бош□алар Корхона и□тисодий сало□ияти та□лили. Т.: «И□тисодиёт ва □у□у□ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
7. «Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим» - Тошкент ша□ри, ЮНИДО, «Бизнес масла□ат маркази» лойиҳаси, 2003й.
8. http:/www.harvard. edu
9. http:/www.capitul.ru
10. http:/www.5b. ru
11. http:/www.audit - center. ru


**11-мавзу: «Корхонанинг ивестицион фаолияти» (4 соат)**

***1-маш□улот (семинар маш□улот - 2 соат)***

1. Инвестициялар корхона ишлаб чи□ариш сало□иятини ривожлантириш ва муста□камлаш воситаси сифатида.
2. Корхонада инвестициялашнинг асосий манбалари ва йўналишлари.
3. Инвестицияларнинг и□тисодий самарадорлигини ба□олаш.

***2-маш□улот (амалий маш□улот - 2 соат)***

1. Инвестицияларнинг и□тисодий самарадорлигини ба□олаш услублари.
2. Корхонада инвестициялар портфелини шакллантириш.
3. Капитал □ўйилмалар бўйича инвестиция □арорларини тайёрлаш.

**Тавсия этилган адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2005 йил 11 апрелдаги «Тў□ридан-тў□ри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни ра□батлантириш борасидаги □ўшимча чора-тадбирлар тў□рисида»ги Фармони.// Хал□ сўзи, 12 апрел 2005 й.
2. «Ўзбекистон республикасининг 2005 йилги инвестиция Дастури тў□рисида» Ўзбекистон республикаси Вазирлар Ма□камасининг □арори 30.11.2004 й. № 560
3. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.
4. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.

5. Махмудов Э.Х.,Исаков М.Ю., Нажимадинов Р. «Корхона и□тисодиёти» курси бўйича семинар маш□улотлари ва амалий масалалар тўплами. - Т.: ТДИУ, 2005
6. Расулов Н.Н. Стимулирование привлечения иностраннўх инвестиций в экономику Узбекистан. –Т.: Фан, 2003.
**7. Вахрин П.И. Инвестиции: Практический задачи и конкретнўе ситуациии. Учеб. пос. –М.: «Дашков и К», 2003.**
8. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.
9. В. Г. Грузинов. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.
10. http:/www.harvard. edu
11. http:/www.capitul.ru
12. http:/www.5b. ru
13. http:/www.audit - center. ru

12-мавзу: «Корхонанинг хавфсизлиги ва тижорат сири» (семинар маш□улот - 2 соат)

**1. Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг ма□сади, вазифалари ва тамойиллари.**

**2. Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг ташкил этиш ва бош□ариш.**

**3. Корхона хавфсизлик хизматлари, унинг тузилиши ва вазифалари.**

**4. Корхонанинг тижорат сирлари.**

**Тавсия этилган адабиётлар**

1. «Тадбиркорлик субъектларини □у□у□ий □имоя □илиш тизимларини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармони // Хал□ сўзи, 16 июнь, №115.
2. «Тадбиркорлик субъектлари томонидан та□дим этиладиган □исобот тизимини такомиллаштириш ва уни но□онуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тў□рисида»га Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги □арори // Хал□ сўзи, 17 июнь, №116.
3. «Бозор исло□отларини чу□урлаштириш ва и□тисодиётни янада эркинлаштириш со□асидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 15 июнь.
4. «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик со□асидаги □у□у□бузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тў□рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги Фармони // Хал□ сўзи, 25июнь, №122.
5. Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.
6. Махмудов Э.Х.,Исаков М.Ю., Нажимадинов Р. «Корхона и□тисодиёти» курси бўйича семинар маш□улотлари ва амалий масалалар тўплами. - Т.: ТДИУ, 2005
7. http:/www.harvard. edu
8. http:/www.capitul.ru
9. http:/www.5b. ru
10. http:/www.audit - center. ru

## 4. ОРАЛИ□ НАЗОРАТ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ.

Орали□ назорат ў□ув семестрининг 7 ва 13 □афталарида икки марта ўтказилади. Биринчи орали□ назорат давомида талабалар икки гуру□га бўлиниб белгиланган саволлар варианти бўйича ёзма жавоб берадилар ва тест

саволларига жавоб берадилар. Оралиқ назорат бўйича рейтинг баллари орқали баҳоланади.

### 1-оралиқ назорат

1. Корхона – мустақил хўжалик юритувчи бозор субъекти.
2. Корхонани ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш.
3. Корхонани бошқариш.
4. Корхона фаолиятини режалаштириш ва башорат қилиш.
5. Тестлар.

### 2-оралиқ назорат

1. Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қуввати.
2. Корхонанинг айланма маблағлари.
3. Корхонада кадрлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш
4. Тестлар.

### Тест саволлари

**1. Корхона - бу**

А) давлатнинг мулкий комплекси;
Б) мустақил хужалик юритувчи бозор субъекти;
В) тадбиркорлик ва бизнес сохасидаги субъекти;
Г) махсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва сотиш шакли;
Д) маъмурий - хужалик бирлиги.

**2. Маъсулияти чекланган жамиятлар бу..**

А) пайларга ажратилган устав капиталининг миқдори таъсис хужатлари билан белгиланувчи ва ўз мулки чегарасида мажбуриятлар бўйича маъсулиятга эга бўлган жамият;
Б) таъсис шартномаси асосида тузилган жамиятни устав капиталига мажбурий равишда пул ёки мулкий пайлар билан кирган, уларнинг миқдори орқали ҳар бир таъсисчини маъсулияти белгиланади;
В) пайларга ажратилган мавжуд устав капитали, уларнинг миқдори таъсис хужатлари билан белгиланади, таъсисчилар ва банклар орқали тан олинади;
Г) таъсисчилар ва банклар орқали тан олиниб, устав капитали пайларга ажратилиб, уларнинг миқдори таъсис хужатлари билан белгиланади;
Д) капитали таъсисчилар пайларидан тузилиб, экспортдан ташқари турли хил фаолият билан шугуланувчилар.

**3. Маъсулияти чекланган жамиятни устав капитали қуйидагиларга асосланиб ташкил этилади:**

А) таъсис хужжатларига асосан уларни миқдори чегараланган ҳолда;
Б) жамият рўйхатдан ўтиш вактидаги қонунларда белгиланган 50-минимал иш хаққидан кам бўлмаган ҳолда;
В) жамият рўйхатдан ўтиш вактида 50-минимал иш хаққидан кўп бўлмаган ҳолда;
Г) таъсис хужжатлари қабул қилинганда 200-минимал иш хаққи миқдоридан кам бўлмаган ҳолда;
Д) таъсис хужжатлари қабул қилинганда 100-минимал иш хаққи миқдоридан кам бўлмаган ҳолда;

**4. Хўжалик ўртоклик уюшмаларига қуйидагилар киради:**

А) ўртоқликни бошқаришдаги таъсисчиларни шахсий иштирокига асосланган уюшмалар;
Б) иштирокчиларни мулкий ва пул улушларига асосланган уюшмалар;
В) таъсисчиларни мулкий бадаллари ва шахсий фаолиятига асосланган уюшмалар;
Г) фойдани тахсимлашда иштирок этувчи таъсисчилар;

Д) ишлаб чи□аришдан таш□ари бош□а фаолият билан шу□уланувчилар.

**5. Акциядорлик жамияти деб тан олинади:**

А) алохида ажратилган мулкга эга бўлган ва уларнинг □иймати акцияларга бўлинган хўжалик субъектлари;

Б) □онун доирасида ўзини акцияларини чи□ариб, уларни сотиш билан шу□улланадиган жамиятлар;

В) устав капитали маълум бирликлардаги акцияларга бўлиниб, акционерларга нисбатан жамият мажбуриятларини та□симловчи хужалик субъкти;

Г) активлар хисобидан акциялар чи□арувчилар;

Д) корхонанинг оддий ва имтиёзлий акцияларига эга бўлган акционерлар уюшмаси.

**6. Очи□ акциядорлик жамияти таъсисчилари таркиби.**

А) чекланган;

Б) чекланмаган;

В) акционерлик жамияти тури билан белгиланади;

Г) таъсис хужжатлари билан белгиланади;

Д) мулк кумитасининг худудлараро органлари белгилайди.

**7. Очи□ турдаги акциядорлик жамияти деб тан олинади...**

А) □имматли □о□озлар бозорида эркин □олатда муамолада бўлган жамиятлар;

Б) очи□ жамият акциялари бир шахсдан иккинчи шахсга, бош□а хиссадорларнинг розилигисиз ўтиши мумкин бўлган жамиятлар;

В) акцияларга очи□ □олда обуна бўлиш ва уларни эркин холда сота оладиган жамиятлар;

Г) биргаликда фаолият юритиш учун кишиларни ва мажбуриятларни бирлаштирган жамият;

Д) чегаралган ми□дордаги пул улушлари доирасида фаолият натижалари учун жавоб берадиган жамият.

**8. Ёпи□ турдаги акционерлик жамиятлари:**

А) акциялари фа□ат уни таъсисчилари орасида ёки олдиндан белгиланган доирасида та□симланадиган жамият;

Б) уларни акциялари фа□ат уларни таъсисчилари орасида тахсимланадиган жамият;

В) уларни акциялари фа□ат ёпи□ обуна холида та□симланадиган жамият;

Г) мабла□и акцияларга ажратилган юридик шахс;

Д) уларнинг уларнинг мавкеи таъсис хужжатлари билан белгиланадиган жамият.

**9. Акциядорлик жамиятнинг устав капитали шаклланади:**

А) кредиторлар манфаатини кафолатловчи жамият мулкининг ми□дорига кўра;

Б) акционерлар томонидан сотиб олинган жамият акцияларининг номинал □ийматидан;

В) акцияларга оммавий обуна бўлиш ор□али;

Г) акцияларга шахсий обуна бўлиш ор□али;

Д) тў□ри жавоб йў□.

**10. Очи□ турдаги акционерлик жамиятининг устав капитали ми□дори:**

А) жамият рўйхатдан ўтиш даврадаги □онун билан белгиланган 150 минимал иш ха□и ми□доридан кам бўлмаслиги керак;

Б) жамият рўйхатдан утиш даврадаги □онун билан белгиланган 200 минимал иш ха□и ми□доридан кам бўлмаслиги керак;

В) чегараланмаган ми□дорда;

Г) □онун асосида белгиланган таъсис хужжатларига □ўл □ўйиш муддатида 200 минимал иш ха□и ми□доридан кўп эмас;

Д) жамият рўйхатдан ўтиш даврадаги 50минг А□Ш долларига эквивалент сўмдан кам бўлмаган.

**11. Ёпи□ турдаги акционерлик жамиятининг устав капитали ми□дори:**

А) чегараланмаган ми□дорда;

Б) жамият рўйхатдан ўтиш ва□тида □онун билан белгиланган 100 минимал иш ха□и ми□доридан кам булмаслиги керак;

В) жамият рўйхатдан ўтиш ва□тида □онун билан белгиланган 100 минимал иш ха□и ми□доридан кўп бўлмаслиги керак;
Г) таъсис хужжатлари тасдикланган ва□тидаги 200 минимал иш ха□и ми□доридан кам эмас;
Д) таъсис хужжатлари билан чегараланган ва□тидаги 500 минимал иш ха□и ми□дорида.

**12. Акцияни номинал □иймати:**
А) □иймати белгиланмаган;
Б) 100 сумдан кам эмас;
В) 100 сум;
Г) таъсисчилар мажлисида белгиланади;
Д) 10 сўмдан кўп эмас.

**13. Корхонани ташкил этишнинг асосий хужжатлари бу**
А) Мажлиснинг банномаси ва таъсисчиларнинг розилиги;
Б) корхона ва банк томонидан тасди□ланган таъсис шартномаси;
В) низом, таъсис шартномаси;
Г) низом, таъсис шартномаси, эмиссия проспекти;
Д) низом ва корхона паспорти.

**14. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш асосан ким томонидан амалга оширилади ?**
А) соли□ ва статистика ташкилотлари ор□али;
Б) ма□аллий хокимиятлар томонидан;
В) соли□ ташкилотлари, хокимият ва молиявий ташкилотлар томонидан;
Г) давлат мулкини бош□арувчи ташкилотлар;
Д) вазирликлар ва идоралар томонидан.

**15. Корхона фаолиятини тўхтатилади...**
А) соли□ идораларини □арори билан;
Б) хўжалик суди ёки таъсисчилар □арорига кўра;
В) лицензия берувчи ташкилот;
Г) прокуратура□арорига кўра;
Д) мутассадия вазирликлар ва ташкилотлар томонидан.

**16. Корхонанинг банкротлиги ани□ланади:**
А) молиявий коэффициентлар тизими билан;
Б) корхонада мавжуд пул мабла□лари ва ю□ори ликвидликкаэга бўлган активлар йў□лиги;
В) □арзларнинг мавжудлиги билан;
Г) фойда йў□лиги туфайли;
Д) кадрлар □ўнимсизлиги ва ишлаб чи□ариш пасайиши ор□али.

**17. Корхона самарали фаолият юритади, □ачонки:**
А) тўла бандлик бўлса;
Б) ресурслардан тўли□ фойдаланилганда;
В) мажбуриятлар бўйича □арзларни йў□лиги;
Г) экспорт имкониятлари ю□ори бўлганда;
Д) устав капиталини кўпайиши □исобига.

**18. Корхонаний асосий ишлаб чи□ариш фондларига □уйидагилар киритилади...**
А) бино иншоотлар узатиш мосламалари, машина ва ускуналар, транспорт воситалари асбоб ва мосламалар, хужалик ва ишлаб чи□ариш инвентарлари;
Б) бино, иншоотлар, узатиш мосламалари, машина ва ускуналар, тугалланмаган ишлаб чи□ариш, асбоблар ва мосламалар, транспорт воситалари;
В) бино, иншоотлар, узатиш мосламалари, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, хом ашё материаллар, ишлаб чи□ариш ва хужалик инвентари;
Г) бино, иншоатлар, узатиш мосламалари, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, асбоб ускуналар, ишлаб чи□ариш ва хўжалик инвентари, тайёр ма□сулот;
Д) тў□ри жавоб йў□.

**19. Асосий фондларни корхона балансига киритиш билан уларни ба□олаши...**

А) хўжалик текширувчи натижаси бўйича;
Б) экспетрларни бахоси асосида;
В) бошлангич ва тикланиш □иймати бўйича;
Г) хисобот хужжатларида курсатилган □иймати бўйича;
Д) таш□и аудиторлар бахоси асосида.

**20. Асосий ишлаб чи□ариш фондларидан фойдаланишни характерловчи курсаткичлар;**
А) рентабеллик ва фойда;
Б) фойда □айтими ва фонд си□ими;
В) ишчилар ме□нати фонд билан таъминланганлиги;
Г) сменалик коэфицент;
Д) эксплуатацион тайёргарлик коэфициенти.

**21. Асосий ишлаб чи□ариш фондларидан экстенсив фойдаланиш □ўйидагилар ор□али ани□ланади:**
А) фонд си□ими ва фонд □айтими ор□али;
Б) сменалик коэффициенти, ускуналардан экстенсив фойдаланиш коэффициенти ор□али;
В) ме□натни фонд билан таъминланганлиги ор□али;
Г) ишлаб чи□ариш реньабеллиги ор□али;
Д) ме□нат ютишдан тўшган фойда ор□али.

**22. Ускуналардан интенсив фойдаланиш □ўйидагилар ор□али ани□ланади:**
А) сменалик коэффициенти;
Б) фонд □айтими;
В) ишчилар ме□натини фонд билан таъминланганлиги;
Г) Ускуналардан интенсив фойдаланиш коэффициенти;
Д) ускуналарнинг яроклилик коэффициенти.

**23. Фонд □айтими кўрсаткичи характерланади:**
А)1 сумлик асосий ишлаб чи□ариш фондларига тў□ри келадиган товар ма□сулотлари хажми ор□али;
Б) ме□натни техник жи□атдан □уролланганлик даражаси билан;
В) 1 сумлик реализация □илинган ма□сулот учун асосий фондларни солиштирма харажатлари;
Г) айланма мабла□ларни айланиши билан;
Д) асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти билан;

**24. Асосий фондларни амортизацияси бу - ...**
А) асосий фондларнинг эскириши;
Б) асосий фондларни □ийматини ишлаб чи□арилган ма□сулот таннархига утказиш жараёни;
В) ишлаб чи□ариш фондларини тикланувчанлиги (реновацияси) ;
Г) асосий фондларни са□лаш харажатлари;
Д) асосий фондлар учун тўлов базаси.

**25. Корхонани айланма фондлари - бу ...**
А) ма□сулот ишлабучун зарур бўлган ишлаб чи□ариш воситалари;
Б) Ишлаб чи□ариш жараёнида бир йил иштиро□ этадиган ме□нат буюмлари;
В) ишлаб чи□ариш жараёнида бир неча марта □атнашиб, ўз □ийматини ишлаб чи□арилган ма□сулотнинг таннархига ўтказиб борадиган ме□нат буюмлари;
Г) асосий ва ёрдамчи материаллар, корхонада ишлаб чи□арилган ярим фабрикатлар, бутловчи буюмлар;
Д) ишлаб чи□ариш жараёнида бир маротиба □атнашиб, ўзининг тўли□ □ийматини ишлаб чи□арилган ма□сулотни тан нархига ўтказиб юборадиган ишлаб чи□ариш воситаларининг бир □исми.

**26. Корхонани муомила фонди - бу...**
А) корхонани материал ресурслари;

Б) корхонанинг омборидаги тайёр ма□сулотлари, □абул □илинган ма□сулот, келаётган, яъни йўлдаги махсулот, молиявий мабла□лар ва тугалланмаган □исоб воситалари
В) тайёр ма□сулот, харидорларга иборилган ма□сулот, □imматли □о□озлар, □исоб ра□амлари ва кассадаги пул мабла□лари, амортизация ажратмалари;
Г) транспорт воситаларини эксплуатациясидан келадиган мабла□лар, ишлаб чи□ариш бинолари ва иншоотлар;
Д) узулуксиз жараённи таъминловчи корхонани пул мабла□лари.

**27. Корхонанинг айланма мабла□лари таркибига □уйидагилар киритилади…**

А) материал запаслари, бутловчи □исмлар, ё□илги, амбордаги тайёр ма□сулот;
Б) айланма мабла□лар ва муомила фонди;
В) тугалланмаган ишлаб чи□ариш, омбордаги тайёр ма□сулот;
Г) ишлаб чи□ариш запаслари, туғаланмаган ишлаб чи□ариш, келажакдаги харажатлар муомила фонди;
Д) пул мабла□лари.

**28. Айланма мабла□ларни айланиш коэффициенти характерлайди:**

А) 1сумлик ишлаб чи□ариш фондларига тў□ри келадиган реализация □илинган ма□сулот ми□дори;
Б) ишлаб чи□ариш фондлари айланишининг уртача даволийлиги;
В) маълум бир даврда айланма мабла□ларни айланиш сони;
Г) мабла□ларни айланишидаги олинадиган фойда;
Д) айланма мабла□ларни айланиш минимуми.

**29. Ма□сулотнинг материал си□ими белгилайди**

А) материаллардан самарали фойдаланиши;
Б) бирлик ма□сулот ишлаб чи□ариш учун сарфланган материалларнинг умумий хажмини;
В) махсулот ишлаб чи□ариш сарфланган материаллар нормасини;
Г) тайёрланган ма□сулотларнинг соф о□ирлигини;
Д) барча жавоблар тў□ри.

**30. Айланма мабла□лардан фойдаланиш самарадорлиги □уйидагилар ор□али белгиланади…**

А) айланма мабла□ларнинг □айтими даражаси билан;
Б) айланиш коэффициенти, бир айланиш ўртача давомийлиги билан;
В) материал си□ими, фонд си□ими, фонд □айтими коэффициентлари ор□али;
Г) айланма мабла□ларни белгиланган нормативлар рамкасига келтириш билан;
Д) корхона фойдаси билан;

**31. Ма□сулот ишлаб чи□ариш харажатлари □уйидагилардан иборат…**

А) пул формасида ифодаланган ма□сулот ишлаб чи□ариш ва уни реализация □илиш учун сарфланган харажатлардан;
Б) ишлаб чи□ариш кундалик харажатлари;
В) хом ашё, материаллар, асосий фондларнинг амартизацияси ва номоддий активлар, иш ха□и, ижтимоий су□урталаш учун ажратмалар ва бош□а ишлаб чи□ариш характеридаги харажатлар;
Г) ишлаб чи□ариш характерига эга бўлган кундалик ва капитал харажатлар;
Д) бош□арув ва ма□сулотни сотиш билан бо□ли□, ишлаб чи□ариш харажатлари ва чи□имлари.

**32. И□тисодий элементлар бўйича ишлаб чи□ариш харажатларининг таснифи □уйидаги ма□садлар учун зарур:**

А) маълум бир турдаги ани□ ма□сулот турли харажатларини хисоблаш учун;
Б) ишлаб чи□ариш бўйича харажатлар сметасини тузиш учун;
В) ма□сулот нархини асослаш учун;
Г) иш ха□и учун харажатларини ани□лаш учун;
Д) фойда ва рентабеллийлик режасини тузиш учун.

**33. Калькуляция моддалари бўйича харажатлар таснифи зарур:**

А)детал загатовкаси, узелларини нархини ани□лаш учун;
Б)тў□ри ва эгри харажатларни ани□лаш учун;
В)маълум бир турдаги ани□ ма□сулотни ишлаб чи□ариш;
Г)ишлаб чи□ариш харажатлари тизимини тузиш учун;
Д)маржиналь фойдани ани□лаш учун харажатлари.

34. **Давр харажатлари ўз ичига □уйидагиларни олади.**
А)сотув ва бош□арув □амда бош□а операцион харажатларини;
Б)илмий текшириш ва тажриба конструкторлик тад□и□отлар; ишлаб чи□аришни ривожлантириш бош□арув тизими учун харажатларни ва бош□а операцион ўз ичига олади харажатлари;
В)тижорат чи□имлари;
Г)умумхужалик чи□имлари;
Д)корхонанинг жами чи□имлари.

35. **Ўзгарувчан харажатлар ўз ичига олади:**
А)моддий харажатлар ва ходимларни иш □а□и учун харажатлар;
Б)махсулот реализацияси учун харажатларини;
В)амортизация харажатларини;
Г)ишлаб чи□аришни модернизацияси учун харажатларини;
Д)бош□арув харажатларини.

36. **Харажатларни доимий ва ўзгарувчан харажатлар бўлишдан ма□сад.**
А)цех ва ишлаб чи□ариш таннархини ани□лаш;
Б)ма□сулотни ба□осини ани□лаш;
В)ишлаб чи□ариш □ажмини прогнозлаш;
Г)фойдали ва зарарсиз ишлашни башорат □илиш;
Д)корхонани даромад ва харажат балансини тузиш учун.

37. **Корхона харажатларини камайтиришдан манфаатдор. У □уйидаги шартларга риоя □илсагина унга эришиши мумкин:**
А) ишлаб чи□ариш омилларини ра□обатли бозорпарда сотиб олса;
Б) омилларни техник жойлаштиришнинг предел нормалари билан у омиллар ба□оси ўртасидаги тенгликни са□ласа;
В) доимий ва узгарувчан харажатлар харажатлар ўртасидаги тенгликни □ўллаб-кувватласа;
Г) ишлаб чи□аришни максимал даражасига эришиш;
Д) ишлаб чи□ариш хажмини камайтириш ва тежамкорлик тартиби таъминланса.

38. **Зарарсизлик ну□таси ани□лашга ёрдам беради.**
А)харажатлар тушум билан □оплангандаги ма□сулот □ажмини;
Б)корхона фойда олган ва□тдаги ма□сулот □ажмини;
В)домий харажатлар ўзгарувчан харажатларга тенг бўлгандаги ма□сулот;
Г)доимий харажатлар ўзгарувчан харажатларга тенг бўлгандаги махсулот хажми;
Д)корхонанинг соф фойдаси;
Е)корхонанинг ялпи даромади.

39. **Маржиналь фойда - бу:**
А)ма□сулот сотишдан тушган тушумдан корхонани доимий харажатларини айирмаси;
Б)сотишдан тушган тушумлардан, корхонанинг ўзгарувчан харажатларини айирмаси;
В)сотишдан тушган тушумлардан корхонанинг хамма харажатлари;
Г)ўзгарувчан харажатлардан доимий харажатлар айирмаси;
Д)тў□ри жавоб йў□.

40. **Асосий фаолият натижасидан фойда - бу:**
А)ма□сулотни сотишдан тушган даромад минус реализация □илинган ма□сулотнинг таннархи;
Б)ма□сулот сотишдан тушган ялпи дароматдан корхонанинг □амма харажатларини чегириб ташлашдан;

В)ма□сулот сотишдан тушган ялпи фойдадан давр харажатларини айирмаси ва унга асосий фаолиятдан олинган бош□а даромад □ўшилади ёки зарар айирилади;
Г)давр харажатлари минус молиявий харажатлар;
Д)маржиналь фойда.

**41. Рентабеллилик кўрсаткичи:**

А)жорий ликвидлик коэффициенти;
Б)соф фойда билан корхона активларинининг нисбати;
В)дебиторлик □арзлари айланувчанлигини;
Г)молиявий муста□иллик коэффициенти;
Д)ялпи фойданинг сотишдан олинган тушумдан активларини чегириб ташланган □исмига нисбати.

**42. Реализация □илинган ма□сулотни рентабеллигини:**

А)баланс фойдани реализация □илинган махсулот хажмига нисбати;
Б)соф фойдани корхона мулкини ўртача □ийматига нисбати;
В)соф фойдани реализациядан тушган тушумга нисбати;
Г)баланс фойдани асосий фондлар ва моддий айланма воситаларнинг ўртача □ийматига нисбати;
Д)фойда нормаси.

**43. Корхонани тижорат сири - бу ...**

А)давлат сири бўлмаган холда, корхонани ишлаб чи□ариш ва хўжалик фаолиятига зарар келтириши мумкин бўлган маълумотлар;
Б)олди-сотди объекти сидгатидаги корхонани ишлаб чи□ариш ва хўжалик фаолияти тў□рисидаги маълумотлар;
В)бу бош□арув элементи бўлиб, корхона ундан ўзини манфаатларини □имоя □илиш учун, давлат ва бозор субъектлари орасидаги муносабатларни ўрнатиш учун фойдаланилади;
Г)корхонада фойдаланадиган технологиялар □а□идаги маълумот;
Д)корхона ра□бари томонидан тижорат сири деб белгиланган корхона тў□рисидаги □ар □андай маълумот.

## 5. ФАН БЎЙИЧА НАЪМУНАВИЙ МАСАЛАЛАР

**1-масала.** Машинасозлик корхонасида □уйидаги ишлаб чи□ариш бўлимлари ва уларда банд бўлган ходимлар бор:

- □уйиш цехи – 400 киши;
- темирчи-пресслаш цехи – 500 киши;
- механик – 700 киши;
- йи□ув цехи – 400 киши;
- таъмирлаш-механик – 150 киши;
- энергоцех – 50 киши;
- таъмирлаш цехи – 100 киши;
- транспорт цехи – 70 киши;
- типография – 30 киши.

**□уйидагиларни ани□лаш талаб этилади:**

1. Асосий ва ёрдамчи ишлаб-чи□аришда банд бўлган ишчи-ходимлар сонини ани□ланг.
2. Асосий ва ёрдамчи цехларда ишловчиларининг умумий хажмдаги улушини (фоизларда) топинг.
3. Орти□ча бўлимларни йў□ □илиш учун □андай чора-тадбирлар талаб □илинади ва улар корхона и□тисодиётига □ай даражада таъсир кўрсатади.

**2-масала.** То□-металлургия камбинатининг таъмирлаш корхонасида □уйидаги цехлар ва ишчилар мавжуд: пўлат □уйиш цехи – 72 киши, рангли металл □уйиш цехи – 48 киши, №1-таъмирлаш-механик цехи – 106 киши, №2-тамирлаш-механик цехи – 34 киши, №3-тамирлаш-механик цехи – 52 киши, асбобсозлик – 85 киши, электркучланиш

цехи - 72 киши, электр таъмирлаш – 72 киши, транспорт – 180 киши, лавозимлар учун маошлар □уйидагича белгиланган: цех бошли□лари 72,0 минг сўм, и□тисодчилар – 48,0 минг, меъёрловчилар – 30,5 минг сўм.

Цехлардаги бош□арув ходимларнинг сони □уйидагича: пўлат □уйиш цехида – 5 киши, рангли металл □уйиш – 3 киши, №1-таъмирлаш-механик цехи – 9 киши, №2-тамирлаш-механик цехи – 3 киши, №3-тамирлаш-механик цехи – 4 киши, асбобсозлик – 6 киши, электркуч цехи – 2 киши, электр таъммирлаш – 5 киши, таранспорт – 9 киши.

**□уйидагиларни ани□лаш талаб □илинади:**

1. То□-металлургия комбинатининг таъмирлаш корхонасининг ишлаб чи□ариш тизимини соддалаштиринг;
2. □ар бир цехда бир бош□арув □одимига тў□ри келувчи ишчилар сонини ани□ланг;
3. Корхонанинг ташкилий тизимини яхшилаш □исобига ойлик маош жам□армасини тежаш имкониятларини ани□ланг.
4. Корхонанинг ташкилий тизими такомиллашгандан сўнг ва бундан аввалги а□вол бўйича □иёсий схемалар тузишга уриниб кўринг.

**3-масала.** Тадбиркор □оясига мувофи□, нон ма□сулотлари ишлаб чи□ариш бўйича кичик корхона тузиш кўзда тутилган. Ушбу лойи□ада □уйидаги кўрсаткичлар □исобга олинади:

1. Инвестицион лойи□ани амалга оширишдан олинадиган тушум - 116 млн сўм.
2. Тўли□ харажатлар-25 млн сўм.

шу жумладан:

ўзгарувчан харажатлар – 14 млн сўм,

доимий харажатлар – 11 млн сўм.

**□уйидагиларни ани□лаш талаб этилади:**

Ушбу лойи□ани зарасизлигини □исоблаб чи□инг.

**4-тест масала.** В. исмли фу□аро, ойлик маоши 50 минг сўм бўлган мухандис лавозимидан воз кечиб, кичик корхона ташкил этди ва бунинг учун 150 минг сўм ми□доридаги шахсий жам□армасини сарфлади. Бундан таш□ари у 500 минг сўм ми□дорида кредит олиб, унинг 300 минг сўмини асбоб ускуналар сотиб олишга сарфлади. Агар олинган кредит бўйича йиллик фоиз 200 % ни, фу□аролар жам□армалари бўйича эса 120% ни ташкил этса, **и□тисодий** ва **бухгалтерия харажатлари** ми□дори □анчани ташкил этади? □уйидаги келтирилган жавоблардан тў□ри вариантни танланг.

А) 1,7 млн ва 1,65 млн.

Б) 0,650 млн ва 1,5 млн.

В) 1,5 млн ва 0,5 млн.

Г) 2,43 млн ва 1,65 млн.

**5-масала.** Нефтни □айта ишлаш заводида 22 та цех фаолият кўрсатади, улардан 4 таси – асосий. Саноат ишлаб чи□ариш ходимларининг рўй□ат бўйича ўртача кўрсаткичи – 5802 кишини ташкил этса, улардан 5007 киши ишчилардир. Корхонанинг бутун ме□нат жамоаси йиллик маош жам□армаси – 6,1 млрд. сўм. Заводнинг маъмурий □аражатлари бир йилда 3,5 млн. сўмни ташкил этди.

**□уйидагиларни ани□лаш талаб □илинади:**

1. Заводнинг бош□арув ходимлари сони;
2. 22 фоизлик □ис□артиришдан сўнг заводнинг бош□арув ходимлари сони □анчани ташкил этади;
3. Бош□арув ходимларини □ис□артириш □исобига ме□натга □а□ тўлаш жам□армасини тахминан □анчага тежаб □олиш мумкин.

**6-масала.** □исобот йилида корхона 400 млн. сўмлик ма□сулот тайёрлаб сотди, 20 млн. сўмлик асбоб-ускуналар тамирлаш ишларини бажарди, буюртмачи хом ашёсидан 45 млн. сўмлик ма□сулот ишлаб чи□арди (шу жумладан буюртмачи хом ашёси ба□оси 28 млн. сўм), керакли асбоблар тайёрлаб, уларни асосий воситалар □исобига 12 млн. сўм деб киритиб □ўйди. Тугалланмаган ишлаб чи□ариш □олди□и йил бошига 30 млн. сўм, йил охирига 15 млн. сўм. □исобот йили бошида омбордаги тайёр ма□сулот □олди□и ва

□аридорга етказилган, биро□ □а□и тўланмаган товарлар 25 млн. сўмлик, □исобот йили охирида 17 млн. сўм.

**□уйидагиларни ани□лаш талаб □иинади:** товар, ялпи ва сотилган ма□сулот □ажми □анча?

**7-масала.** О□имли (потокли) ишлаб чи□аришга ўтиш натижасида машинасозлик заводининг цехида ме□нат унумдорлиги 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 14%га, ишчиларнинг ўртача ойлик маоши – 6,7%га ошди. Цехнинг товар ма□сулоти таннархи □исобот бўйича 708,6 минг сўм, иш □а□и фонди– 284,7 минг сўмни ташкил этди.

**□уйидагиларни ани□лаш талаб □иинади:**

Ме□нат унумдорлигининг ўсиши цех ма□сулоти таннархининг даражасига □андай таъсир кўрсатади?

**8-масала.** 1-машинасозлик заводида асосий ишлаб чи□ариш фондларининг ўртача йиллик □иймати 100 млн. сўмга тенг; йиллик ялпи ма□сулот ишлаб чи□ариш 220 млн. сўмни, йиллик фойда эса 6 млн. сўмни ташкил этади.

2-машинасозлик заводида эса санаб ўтилган кўрсаткичлар 80, 168 ва 4 млн. сўмни ташкил этади.

**□уйидагиларни ани□лаш талаб □илинади:**

1. Фонд си□ими ва фондга □айтиш □амда асосий фондларнинг □ар 1 сўмига тў□ри келадиган даромадни ани□ланг.
2. □айси заводда асосий ишлаб чи□ариш фондлардан яхширо□ фойдаланиганлигини ани□ланг.

**9-масала.** Цехнинг иш марома йилига 256 кун, кунига икки сменада, бир сменанинг ўртача давомийлиги – 8 соат. Станокларни режали таъмирлашга сарфланган ва□т – 2%. Цехда 40 та станок ўрнатилган ва ишлайди. Ма□сулот бирлигини тайёрлаш учун 30 да□и□а керак. Йиллик ма□сулот тайёрлаш дастури 80 минг донадан иборат.

**□уйидагиларни ани□лаш талаб □илинади:** цех □уввати ва асбоб-ускунларнинг бандлик коэффициенти □анча?

**10-масала.** Корхона томонидан ишлаб чи□арилган буюмнинг соф о□ирлиги 40 кг. Дастур бўйича ма□сулот ишлаб чи□ариш □ажми – 3000 дона материал ишлатишнинг амалдаги коэффициенти – 0,75. Технологик жараёнларнинг такомиллашуви натижасида корхона материаллдан фойдаланиш коэффиентини 0,81 гача кўтариб, унинг □ийматини 1 кг учун 350 дан 200 сўмгача пасайтиришни мўжаллаяпти.

**□уйидагиларни ани□лаш талаб □илинади:**

- □ар дона ма□сулотга моддий харажатнинг амалдаги ва мўлжалланган нормасини ани□ланг.
- Ишлаб чи□арилиши мўлжалланаётган ма□сулот тайёрлашда □анча материал тежаш мумкин.

**11-масала.** Корхона бўйича □уйидаги маълумотлар мавжуд:

- Ма□сулот сотишнинг йиллик □ажми – 80 млн. сўм
- Айланма мабла□ларнинг ўртача йиллик ми□дори – 5.4 млн. сўм.

Тегишли чора тадбирлар кўрилгандан сўнг айланма мабла□ларнинг бир бор айланиш муддати бир неча кунга □ис□арди.

**□уйидагиларни ани□лаш талаб □илинади:**

1. Айланма мабла□ларнинг бир марта айланиш муддати амалда □анча?
2. Агар амалда айланма мабла□лар □олди□и:

- 1 апрел □олатига - 280 минг сўм
- 1 майга - 360 минг сўм
- 1 июнга - 330 минг сўм
- 1 ноябрга - 380 минг сўмни ташкил этган бўлса, айланма мабла□ларнинг ўртача □олди□и 2- кварталда □анча бўлади?

**12-масала.** Нефтни □айта ишлаш заводи □исобот йилини □уйидаги кўрсаткичлар билан якунланади.

| Ма□сулот | Ишлаб чи□ариш □ажми, минг дона | | Ма□сулот нинг 1 донаси нархи, минг дона |
|---|---|---|---|
| | Режа бўйича | Амалда | |
| Бензин | 1500 | 1550 | 320 |
| Керосин | 620 | 630 | 185 |
| Дизель ё□ил□иси | 2500 | 2600 | 170 |
| Мазут | 3200 | 3200 | 145 |

Корхона ишчиларининг ўртача рўйи□ат сони режа бўйича 2760 киши, амалда 2710 кишини ташкил □илади. Келаси йилга (башорат) бензин ишлаб чи□ариш □ажмини 15% га, керосинни 10% га, дизель ё□ил□исини 6% га, мазутни 8% га кўпайтириш режалаштирилаяпти.

Бунда кўрсатилган ма□сулот нархи □уйидагича ортиш лозим:

- Бензин – 15 сўмга.
- Керосин – 10 сўмга.
- Мазут – 6 сўмга.

**□уйидагиларни ани□лаш талаб □иинади:**

1. □исобот йилида ме□нат унумдорлигининг ўзгариши.
2. Режалаштирилаётган даврда ишлаб чи□ариш □ажми ортиши ва ма□сулот нархи ўзгаришини □исобга олган □олда ме□нат унумдорлигининг ўзгариши □андай бўлади?

**13-масала.** Корхона 880 млн. сўм □ажмда ма□сулот ишлаб чи□арди, бунда хом ашё ва материалларга кетган □аражатлар 560 млн. сўм, ойлик маошга 152 млн. сўмни ташкил этди. Цех учун □аражатлар 90 млн. сўм.

**□уйидагиларни ани□лаш талаб □иинади:**

1. Ишлаб чи□арилган ма□сулот таннархи.
2. Ма□сулот 1 сўмига □аражатлар □анча бўлади?

**14-масала.** Корхона бўйича □уйидаи маълумотлар мавжуд: режалаштирилаётган йил бошига сотилмаган ма□сулот □олди□и (минг сўмда): Корхонанинг улгуржи нархларида - 500

Ишлаб чи□ариш таннархида - 450

Йиллик режадаги ма□сулот ишлаб чи□ариш:

Корхонанинг улгуржи нархларида - 6700

Тўли□ таннарх бўйича - 5800

Режалаштирилаётган йил охирида кутилаётган сотилмаган ма□сулот □олди□и (башорат):

Корхонанинг улгуржи нрахлари бўйича - 480

Ишлаб чи□ариш таннархи бўйича - 460.

**□уйидагиларни ани□лаш талаб □иинади:** режалаштирилаётган йилда товар ма□сулотини сотишдан олинадиган даромад □анча бўлади?

**15-масала.** Ма□сулотга технологик ишлов беришнинг 3 варианти та□□осланаяпти:

1-вариант. Асбоб-ускуналарга капитал сарф ($К_1$) – 100 минг сўм, ма□сулот ишлаб чи□аришнинг йиллик таннархи ($Т_1$) – 120 минг сўм.

2-вариант. Капитал сарф ($К_2$) – 110 минг сўм, ма□сулот ишлаб чи□аришнинг йиллик таннархи ($Т_2$) – 115 минг сўм.

3-вариант. ($К_3$) – 140 минг сўм, ($Т_3$) – 105 минг сўм.

Нисбий самарадорлик норматив коэффициенти – 0,20, капитал □аражатларининг ўзини о□лаш меъёрий муддати – 5 йил.

**□уйидагиларни ани□лаш талаб □иинади:** лойи□анинг □айси варианти келтирилган сарфлар йи□индиси ва ўзини о□лаш муддати бўйича энг маъ□ул бўлади?

## 6.ЯКУНИЙ НАЗОРАТ НАЪМУНАВИЙ САВОЛЛАРИ

1. Бозор и□тисодиёти ва уни ўзига хос фар□ □илувчи томонлари.

***Таянч иборалари:*** **и□тисодиёт, бозор и□тисодиёти, бозор муносабатлари, и□тисодий муносабатлар, ишлаб чи□ариш муносабатлари.**

2. Корхоналар белгиси, функцияси ва вазифаси.

*Таянч иборалари:* корхона, корхонани характерлаб берувчи жихатлар, корхона устави, бозор шароитида корхоналар фаолияти йўналиши, □ал этилиши зарур бўлган вазифалар и функциялар.

3. Корхонани таъсис хужжатлари.

*Таянч иборалари:* корхона устави, Таъсис шартномаси, корхонани мол-мулкини ташкил этувчи манбалар.

4. Режалаштириш мо□ияти, а□амияти, вазифалари ва тамойиллари.

*Таянч иборалари:* режалаштириш, режалаштириш вазифалари, режалаштириш тамойиллари.

5. Миллий и□тисодиётни ривожлантиришда ишлаб чи□ариш корхоналарнинг ўрни ва а□амияти.

*Таянч иборалари:* миллий и□тисодиёти, ишлаб чи□ариш, ишлаб чи□ариш корхонаси. Ишлаб чи□аришни асосий ма□сади.

6. Харажатлар самарадорлиги асосий кўрсаткичи фойда ва харажатларни □опланиш даври.

*Таянч иборалари:* ташкилий техник тадбирлар, ишлаб чи□ариш хажмини ошириш.

7. Корхонани давлат руйхатидан утказиш.

*Таянч иборалари:* давлат руйхатидан утказиш учун зарур хўжатлар, корхонани давлат руйхатидан утказиш тартиби.

8. «Корхона и□тисодиёти» фанининг мазмуни ва вазифалари.

*Таянч иборалари:* корхона и□тисодиёти, фанни объекти, фанни предмети, фанни ма□сади ва вазифалари.

9. **Корхонани ташкил этиш тамойиллари.**

*Таянч иборалари:* корхонани ташкил этиш, ташкил этиш принциплари, корхонани ташкил этишдан кўздн тутилган ма□садлар.

10. Бизнес-режа. Уни мо□ияти ва мазмуни.

*Таянч иборалари:* бизнес-режани фукнцияси,бизнес-режа ўз олдига □андай саволларга жавоб беришни ма□сад □илиб □ўйяди. Бизнес-режани булимлари.

11. Ишлаб чи□ариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари.

*Таянч иборалари:* илмий-техник тара□□иёти, прогрессив технологиялар, ишлаб чи□аришни автоматлаштириш ва бош□а факторлар.

12. Асосий воситаларни ба□олаш усуллари ва фондларни □айта ишлаб чи□ариш.

*Таянч иборалари:* бошлангич □иймати, тикланиш □иймати, □олди□ □иймати, фондларни жисмоний ва маънавий эскириши, фондларни □айта ишлаб чи□ариш кўрсаткичлари, асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичлари.

13. **Корхонани бош□аришни мо□ияти ва вазифалари.**

*Таянч иборалари:* бош□арув, ишлаб чи□аришни бош□ариш,бош□арувни мо□ияти ва ма□сади, корхона бош□арув органларининг асосий вазифалари.

14. Корхонани тугатиш ва □айта ташкил этиш.

*Таянч иборалари:* корхонани тугатиш ва □айта ташкил этиш шартлари, тугатиш комиссияси, корхона фаолиятини тугатиш сабаблари, □айта ташкил этиш сабаблари.

15. **Ишлаб чи□ариш корхонаси тузилмаси ва уни белгилаб берувчи омиллар.**

***Таянч иборалари:*** **корхона тузилмаси, технологик тузилма, предметлик тузилма, аралаш тузилма.**

16. Замонавий мутахассиларни шакллаштиришда и□тисодий фанларни а□амияти.

*Таянч иборалари:* и□тисодий фан, и□тисодий назария фани, и□тисодчи кадрлар, кадрлар сало□ияти, кадрлар сиёсати.

17. Корхонада режалаштириш тизими.

*Таянч иборалари:* техник, и□тисодий режалаштириш, оператив ишлаб чи□ариш режаси, календар режалаштириш, диспетчирлаштириш, стратегик режалаш, узо□ даври мулжаланган ва тезкор режалар.

18. Ишлаб чи□аришни и□тисодий самарадорлиги мо□ияти, мезони ва кўрсаткичлари.

*Таянч иборалари:* самара, самарадорлик, ме□нат си□ими, материал си□ими, капитал си□ими, фонд си□ими.

19. Корхонада режалаштиришни методик асослари.

*Таянч иборалари:* корхона режасини ишлаб чи□аришнинг баланс, и□тисодий математик, матрицавий, солиштирма-и□тисодий методлари.

20. Асосий воситалар (фондлар) мо□ияти ва а□амияти, уларни таркиби, тузилмаси.

*Таянч иборалари:* асосий воситалар, ишлаб чи□ариш ва ноишлаб чи□ариш асосий воситалари, актив ва пассив □исми, асосий воситаларнинг ишлаб чи□ариш бўйича, технологик, ёшига кўра тузилмаси.

21. Харажатларни умумий ва солиштирма и□тисодий самарадорлиги.

*Таянч иборалари:* харажатлар умумий и□тисодий самарадорлиги, республика и□тисодиёти бўйича, комплекслар, ало□ида тармо□лар, янгитдан □урилаетган корхоналар бўйича ани□лаш, харажатларни солиштирма и□тисодий самарадорлиги.

22. Корхонани айланма абла□лари уларни и□тисодий мо□ити, таркиби ва тузилмаси.

*Таянч иборалари:* корхонани айланма маблаглари, айланма фондлари, муомила фондлари, айланма мабла□ларни айланиши.

23. Амортизация ажратмалари ва улардан корхона фойдаланиш.

*Таянч иборалари:* амортизация, амортизация нормаси.

24. Ме□нат унумдорлиги, мо□ияти, ани□лаш методикаси, режалаштириш.

*Таянч иборалари:* ме□нат унумдорлиги, ишлаб чи□ариш ва ме□нат сигимлийлик, ишлаб чи□аришни ме□нат сигимлилиги, тўла ме□ант сигимлийлик, корхонада ме□нат унумдорлигини ошириш факторлари.

25. Корхона ходимлари, уларни таснифи ва тузилмаси.

*Таянч иборалари:* корхонани ходимлар сиёсати, ишлаб чи□ариш ва ноишлаб чи□ариш персонали, ишчилар, мутахассислар, хизматлар, ишлаб чи□ариш персонали тузилмасига таъсир этувчи факторлар.

26. Фойда тушунчаси. Фойдани таксимлаш ва кўпайтириш йўллари.

*Таянч иборалари:* даромад, баланс фойда, соф фойда.

27. Харажатлар тушунчаси ва таснифи.

Таянч иборалари: ишлаб чи□ариши харажатлари, материал харажатлар. Амортизация, молиявий харажатлар.

28. Корхонани ишлаб чи□ариш □уввати. □исоблаш методи.

*Таянч иборалари:* корхонани ишлаб чи□ариш □уввати, цехнинг ишлаб чи□ариш □уввати, ишлаб чи□аришни □уввати баланси.

29. Рентабелликнинг и□тисодий мо□ияти.

*Таянч иборалари:* рентабеллик, фойда, харажат, активлар, фойда нормаси.

30. Инвестициялар корхонани ишлаб чи□ариш сало□иятини мустахкамлашдаги ва ривожлантиришдаги восита сифатида.

*Таянч иборалари:* инвестиция, капитал □уйилмалар, инвестицион сиесат, моливий инвестиция, реал инвестиция, инвестицион лойиха.

31. Корхонада хавфсизлик хизмати, уни тузилмаси ва функцияси.

*Таянч иборалари:* хавфсизлик хизмати, функциялари, тузилмаси.

32. Корхонани хавфсизлиги белгиловчи принциплар, ма□сад ва вазифалар.

*Таянч иборалари:* хавф, хавфсизлик, хавфсизликнинг ма□сади, вазифаси, хавфсизлик принциплари.

33. Инвестицияларни и□тисодий самарадорлигини ба□олаш.

*Таянч иборалари:* инвестицияларни халк хўжалиги, тармоклар, хўжалик бирлашмаларидаги и□тисодий самарадорлигини бахолаш.

34. Бош□арув тамойиллари.

*Таянч иборалари:* классик тамойиллар, хозирги шароитда бош□арув тамойиллари.

35. **Корхонани инвестициялашнинг асосий манбалари ва йўналишлари**.

*Таянч иборалари:* инвестициялашни хусусий манбалари, инвестициялашни ташки манбалари, лизинг.

Корхонада

36. Корхона бош□арувининг ташкилий тузилмаси.

*Таянч иборалари:* йирик корхоналарни бош□арувини ташкилий тузилмаси, чизи□лий, чизи□лий-штаблий, функционал, тузилмавий бош□арув, матрицавий бош□арув.

37. Ишлаб чи□ариш корхонасининг таснифи. Корхонанинг ташкилий-□у□у□ий формаси.

*Таянч иборалари:* хўжаликдаги ўрто□лик уюшмаси, хиссадорлик жамиятлари, концерн, хўжалик ассоциацияси ва б.

38. Корхонада хавфсизликни таъминлашни ташкил этиш ва бошкариш.

*Таянч иборалари:* хавфсизлик концепцияси.

39. Корхонада ме□натга □а□ тўлаш.

*Таянч иборалари:* ишбай усулида ишловчиларни иш □а□и фонди, ва□тбай усулида ишловчиларни иш □а□и фонди, ра□барни, мутахасисслар ва хизматчиларни иш □а□и фонди, тарифсиз ме□натга □а□ тўлаш усули.

40. Корхонани айланма фондлари, айланма фондлардан фойдаланиш кўрсаткичлари.

*Таянч иборалари:* фойдаланиш коэффициентлари, бичиш коэффициенти, ма□сулотни чи□иши, бошлан□ич хом ашёлардан ма□сулот чи□иш коэффициенти, материал си□имийлик, металл си□имилийлик.

41. Корхонанинг тижорат сири.

*Таянч иборалари:* тижорат сири, корхонани тижорат сирини □имоялаш механизми, ишлаб чи□ариш сири, сирни ошкор □илиш (тижорат ва бош□аларни), ошкоралик маъсулияти, ахборотлар канали.

**1-илова**

## «Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чи□ариш □уввати»
### мавзуси бўйича маъруза матнлари
### (янги педагогик технологиялар асосида)

1. **Методик ишланманинг □ис□ача варианти.**

*1-маш□улот (2 соат)*

**Режа:**

1. Асосий фондларнинг мо□ияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни (15 мин.).
2. Корхонада асосий фондларнинг эскириши, уларни ба□олаш ва таъмирлаш (25 мин.).
3. Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш йўллари ва кўрсаткичлари (20 мин.).
4. Корхонанинг ишлаб чи□ариш □уввати (20 мин.).

***Талабаларнинг вазифалари (кутилаётган натижалар)***

ТАЛАБАДАН КУТИЛАЕТГАН НАТИЖА ЁКИ УРГАНУВЧИНИНГ ВАЗИФАСИ

| Нимани билади ва тушунади? (когнитив ёки билиш учун хизмат киладиган максадлар) | Нима килади? (рухий максадлар) | Нимани хис килади? (аффектив ёки эмоционал мухим максадлар) |
|---|---|---|
| асосий фондлар тушунчасини баён □ила олиш;<br><br>Замонавий шароитларда асосий фондларнинг ишлаб чи□аришдаги ўрнини ани□лаб; беришни;<br><br>Корхонада асосий фондларнинг эскириши, уларни ба□олаш ва таъмирлаш тушунчаси ва усулларини;<br><br>Асосий фондлардан | Ишлаб чи□ариш жараенларда кулланиладиган асосий фондлар турларини санаб чикади;<br><br>Корхонада асосий фондлар тузилмасини □андай шакллантириш заруратини тушунтириб беради;<br><br>Корхонада асосий фондларни ба□олаш, амортизация ва тиклаб бориш масалаларини схематик равишда курсатиб бера олади; | Асосий фондларни корхона ресурси сифатида ишлаб чикаришдаги заруратини □ис □илади;<br><br>Корхона асосий фондлари тузилмасини □андай шакллантириш лозимлиги масалаларини гурух билан биргаликда мухокама килиш кераклигини хис килади;<br><br>Зарур хулосалар килиш кераглигини узида хис килади. |

| | | |
|---|---|---|
| фойдаланишни яхшилаш йўллари ва кўрсаткичларини;<br><br>Корхона ишлаб чи□ариш □уввати ни □исоблаш ва рационал фойдаланиш бўйича билимга; | Корхонада асосий фондлардан рационал фойдаланиш масаласи буйича амалиетдан аник масалалар келтира олади;<br>Ишлаб чи□ариш □увватига таъриф беради ва асосий фондлар билан бо□ли□лигини тушунтиради | Асосий фондларни янгилаб бориш заруратини □ис □илади;<br><br>Ишлаб чи□ариш □увватининг корхона режаларини амалга ошишидаги □ал □илувчи а□амиятини □ис □илади |

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

| Кўриладиган саволлар | Укитувчининг фаолияти | Талабанинг фаолияти |
|---|---|---|
| 1. Асосий фондларнинг мо□ияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни (15 мин.). | Кискача кириш:<br>Чакириш фазаси<br>Укитувчи талабаларга «Инсерт» усулидан фойдаланиб асосий укув кулланманинг 106-109 бетларини укиб корхонада ишлатиладиган асосий фондлар турларини кучириб олишни вазифа килиб беради.<br><br>Англаш, фахмлаш фазаси<br>Укитувчи талабаларни 5-6 кишидан иборат булган гурухларга булиб, кучириб олинган вазифадан категориал маълумот тузишни вазифа килиб беради.<br><br><u>Уйлаш, фикрлаш фазаси.</u><br>Укитувчи савол беради: руйхатда келтирилган мухим асосий фондлардан кайси бирлари корхона нинг ишлаб чи□ариш фалиятида му□имдир? Укитувчи шундан сунг биринчи савол буйича | Талабалар укув кулланмани укиб чикиб «Инсерт» усулида белги куйиб чикадилар, шундан сунг асосий фондларни асосий турларини кучириб оладилар<br><br>Талабалар асосий фондларнинг турлари буйича категориал обзор килиб чикадилар. (таснифлашнинг варианти келтирилган)**<br>Шундан сунг кичик гурух лидерлардан бироргаси узларининг таснифланиш вариантларини презентация килиб беради.<br><br>Талабалар кичик гурухда жавоб тайерлаб, жавобларини презентация киладилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | якун ясайди. | |
| 2. Корхонада асосий фондларнинг эскириши, уларни ба□олаш ва таъмирлаш (25 мин.). | Чакириш фазаси<br>Укитувчи талабаларга кичик гурухда мухокама килиш учун талабаларга савол беради: асосий фондларни эскириши ва ба□оланиши хакида нималарни биласиз?<br>Укитувчи 2-3та талабадан берилган саволни сурайди ва куйилган саваолга якун ясайди.<br><br>Англаш, фахмлаш фазаси.<br>Укитувчи 10 минут давомида маъруза фрагментини укишга утади, шундан сунг у кичик гурухларга асосий фондларнинг эскириши □андай бўлиши ва уларни ба□олаш, амортизация ор□али ўрнини □оплаб бориш, таътирлаш турларини тушунтириб беришларини ва уларни бир-биридан фаркини айтиб беришларини вазифа килиб беради.<br><br>Уйлаш, фикрлаш фазаси.<br>Укитувчи талабаларга савол беради: «Тонг» ОАЖ □исобот маълумотларига кўра асосий фондлар таркиби ва уни ба□олашни тушунтириб беринг.<br>Укитувчи куйилган саволга якун ясайди. | Талабалар берилган саволни кичик гурухда мухокама киладилар.<br><br>Кичик гурухлар вазифа килиб берилган саволни тайерлаб, гурухдаги лидерлардан бирортаси сузга чикади.<br><br>Бу саволга талабалар кичик гурухда асосий укув кулланмадан «Корхоналарда асосий фодларнинг эскириши, уларни ба□олаш ва таъмирлаш» деган булимлан жавоб □идирадилар.<br><br>Кичик гурухлар лидерлари берилган саволга сузга чикиб жавоб берадилар. |
| 3. Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш йўллари ва кўрсаткичлари (20 мин.). | Укитувчи 10 мин давомида яна кичик маъруза килади. Шундан сунг у талабаларга савол беради:<br>Асосий ишлаб чи□ариш фодларидан | Талабалардан (5-6 таси) укитувчининг талаби буйича берилган саволга жавоб берадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | фойдаланишнинг кўрсаткичларини □андай гуру□лари мавжуд? Корхона асосий ишлаб чи□ариш фондларидан фойдаланишни яхшилашнинг асосий йўналишлари □андай? Шундан сунг укитувчи куйилган саволга якун ясаб, дарсда актив катнашган талабаларни исми-шарифини айтиб чикади ва уларни рагбатлантиради. | |
| 4. Корхонанинг ишлаб чи□ариш □уввати (20 мин.). | Укитувчи талабаларни кичик гурухларга бўлиб 10 мин давомида асосий адабиётнинг 119-120 бетларини ў□иб чи□иб □уйидаги саволларга жавоб топишни сўрайди: Корхона ишлаб чи□ариш □увватининг катталигини белгилаб берувчи кўрсаткичларни санаб беринг? Корхона ишлаб чи□ариш □увватининг □андай турлари мавжуд ва уларни □андай □исобланади? Шундан сунг укитувчи куйилган саволга якун ясаб, дарсда актив катнашган талабаларни исми-шарифини айтиб чикади ва уларни рагбатлантиради. | *□ар бир гурухдан бир талаба гурух фикрини баён □илади ва асослаб беради.* |

***Мавзуни ўргангандан сўнг талаба билиши ва кўникмага эга бўлиши мумкин:***

- асосий фондлар тушунчасини баён □ила олиш;
- асосий фондларнинг ишлаб чи□аришдаги ўрнини ани□лаш;
- корхонада мавжуд бўлган асосий фондларнинг турлари бўйича ажратиш;
- ишлаб чи□ариш ва ноишлаб чи□ариш асосий фондларни фар□лай олиш;
- асосий фондлар тузилмасини оптимал шакллантиришни;
- асосий фондларини ба□олаш усулларидан фойдалана олишни;
- асосий фондларни эскириши ва амортизацияси бўйича тасаввурга эга бўлиши;
- асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичларини □исоблашни;

- асосий фондлардан фойдалани□ни яхшилаш йўлларини ани□лай олиш;
- корхона ишлаб чи□ариш □уввати ни □исоблаш ва рационал фойдаланиш бўйича билимга.

**Назорат учун вазифалар.**

1. Асосий фондлар нима ва уларнинг кенгайтирилган ишлаб чи□аришдаги роли □андай?
2. Асосий ишлаб чи□ариш фондлари тузилмаси деганда нима тушунилади □амда уларнинг саноат тармо□лари бўйича фар□ланишига нима сабаб бўлади?
3. Замонавий амортизация сиёсатининг мо□ияти ва а□амияти нимада?
4. Асосий ишлаб чи□ариш фондларидан фойдаланишнинг экстенсив ва интенсив кўрсаткичлари □андай?
5. Корхона ва саноат тармо□ининг ишлаб чи□ариш □увватларини □исоблаш усули, тури ва тушунчалари □андай?
6. Замонавий шароитларда асосий фондлар ва корхона ишлаб чи□ариш □увватидан фойдаланишни яхшилашнинг □андай йўналишлари мавжуд?

**Категориал маълумот учун мисол**

**(□амма асосий фондларга тегишли сўзларни унг томондаги устунга чикаринг.)**

| | | | |
|---|---|---|---|
| *Ишлаб чи□ариш бинолари*<br>*Иншоотлар*<br>*Турар жой*<br>*Узатиш □урилмалари*<br>*Корхона мабла□лари*<br>*Ишчи кучи*<br>*□увват машиналари ва ускуналари*<br>*Ишчи машиналар ва ускуналар*<br>*Компютерлар* | | *Металлар*<br>*Электродлар*<br>*Станоклар*<br>*Ўлчов асбоблари*<br>*Тартибга солиш асбоблари*<br>*Ошхона*<br><br>*Профилакторий*<br>*Клуб*<br>*Болалар бо□часи ва яслилар*<br>*□арз мабла□лари*<br>*Хусусий мабла□лар*<br>*Транспорт воситалари* | |

## Асосий ў□ув □ўлланмалар

1.Махмудов Э.Х. Корхона и□тисодиёти: Ў□ув.□ўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам□армаси нашриёти, 2004.

2. Махмудов Э.Х. Исаков М.Ю. Корхона и□тисодиёти: Маъруза матнлари –Т.: ТДИУ, 2005

3.Экономика предприятия. Учебник для ВУЗов. 3-е издание /Под. ред. В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара. - М.: Юнити-Дана, 2003.

4. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий холати тахлили. – Т.: Молия, 2003.- 223 б.

**5.Фарберман Б.Л. Передовўе педагогические технологии., - Т.: «ФАН». 2000.- 130с.**

**6. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. Методологические рекомендации по проектированию и реализации педагогических технологий. – Т.: 2002.-57с.**

2-илова




*7.1 - чизма. Корхона асосий фондларининг таркиби.*




*7.2. -чизма.* Корхона асосий фондларини ба□олашнинг турлари




*7.3.-чизма. Асосий фондларнинг эскириш турлари*




7.4-чизма. Корхона асосий фондларини □айта ишлаб чи□ариш бос□ичлари

МАХМУДОВ ЭРКИН ХАМЗАЕВИЧ

ИСАКОВ МУСОХОН ЮСУПДЖАНОВИЧ

# КОРХОНА И□ТИСОДИЁТИ

**(Ў□УВ □ЎЛЛАНМА)**

**Техник му□аррир: М.Ғойимназаров**
**Мусаххих: Д.Бахромов**
**Компютер са□иловчи ва дизайнер: Ў.Сафаров**